

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

**Ж.Р.ЗАЙНАЛОВ, С.С.АЛИЕВА, Н.Э.ЭРНАЗАРОВ,
Ш.М.ЛАТИПОВА**

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий Кенгаши томонидан
70410401 - “Давлат молияси ва халқаро молия” мутахассислигида таҳсил
олаётган магистрлар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

САМАРҚАНД- 2023

УО‘К: 336.131

3 22

КВК: 65.261

Ж.Р.Зайналов, С.С.Алиева, Н.Э.Эрназаров, Ш.М.Латипова.
Бюджет-солиқ сиёсати. [Матн]: ўқув қўлланма / Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ.
нашриёти, 2023 - 354 бет.

Мазкур ўқув қўлланмада бюджет-солиқ сиёсатининг тўғри ва оқилона ташкил этилиши, нафақат, мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини, балки хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятига ҳар томонлама таъсир этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий юксалишига олиб келишини ва бу ҳолат, ўз навбатида мамлакат молия тизими барқарорлигида муҳим ўрин тутишини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Ўқув қўлланмада бюджет-солиқ сиёсатининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, у 70410401- “Давлат молияси ва халқаро молия” мутахассислигида таҳсил олаётган магистрларига “Бюджет-солиқ сиёсати” фанидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади.

Тақризчилар:

Ходжаев Э.Н. - СамИСИ “Молия” кафедраси профессори.

Муҳаммедов М.М. - СамИСИ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси и.ф.д. профессори.

Ўқув қўлланма институт Кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги мажлисда муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. (10.11.2023 йил 4-сонли мажлис баёни).

ISBN: 978-9910-752-28-5

© Ж.Р.Зайналов, С.С.Алиева, Н.Э.Эрназаров,
Ш.М.Латипова, СамИСИ. 2023 й.
© “STEP-SEL” МЧЖ. нашриёти. 2023 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИ: НИМАЛАРНИ ВА ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ	8
1.1. Бюджет-солиқ сиёсати фанининг мазмуни, предмети ва вазифаларини ўрганиш зарурияти	8
1.2. Фанни ўқитишнинг объектив зарурлиги ва бошқа махсус фанлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш	13
1.3. Бюджет-солиқ сиёсатнинг ўзига хос энг устувор хусусиятлари	14
II БОБ. МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ – БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИ	17
2.1. Молиявий сиёсат ҳақида тушунча	17
2.2. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари.....	29
2.3. Замонавий молиявий сиёсатнинг хусусиятлари.....	36
III БОБ. БЮДЖЕТ СИЁСАТИ – МОЛИЯВИЙ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ	44
3.1. Бюджет сиёсатининг мазмун моҳияти.....	44
3.2. Бюджет харажатлари – бюджет сиёсати намоён бўлишининг асосий шакли	47
IV БОБ. БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ, БЮДЖЕТ ТЎЗИЛМАСИ ВА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ	72
4.1. Бюджет сиёсатини амалга оширишда бюджет тизими ва бюджет тўзилмаси роли.....	72
V БОБ. БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ МАРКАЗИЙ МАСАЛАСИ	114
5.1. Бюджет дефицитини моҳияти ва турлари	114
5.4. Бюджет дефицити даражасини камайтиришни асосий йўналишлари	125
VI БОБ. ЗАМОНАВИЙ БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСЛАРИ	140
6.1. Замонавий солиқ сиёсати.....	140
6.3. Ўтиш шароитида амалдаги солиқ тизими	145
VII БОБ. СОЛИҚ ЮКИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ - СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ	195

7.1. Солиқ юки: аниқланиш тартиби, даражаси, камайтириш масалалари	195
VIII БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ОҚИЛОНА ТАКДИМ ЭТИШ - СОЛИҚ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ.....	209
8.1. Солиқ имтиёзларини оқилона таедим этиш принциплари	209
IX БОБ. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, УЛАРГА НИСБАТАН БИЛДИРИЛАЁТГАН ЭЪТИРОЗЛАР, МУАММОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ВА ЭЪТИРОЗЛАРНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛЛАРИ	235
9.1. Бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари уларни келтириб чиқарувчи омиллар.....	235
9.2. Бюджет-солиқ сиёсатини бюджет даромадларини асослашдаги роли ва миқдор жиҳатдан амалда мавжуд солиқларнинг бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлашга таъсирини баҳолаш масалалари	243
X БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ФУНДАМЕНТАЛЬ АСОСЛАРИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	263
10.1. Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари.....	263
ГЛОССАРИЙ	293
“Бюджет-солиқ сиёсати” фанидан тестлар	313
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	347
ИЛОВАЛАР	350

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва режали марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври, халқаро миқёсдаги глобаллашув, ҳудудий интеграция, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар молия, бюджет-солиқ тизимида юз бераётган таркибий ва институционал ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро миқёсда амалга оширилаётган ушбу глобал жараёнлар ўзининг тезкорлиги, кўлами ва ахборот сифими билан мамлакат бюджет-солиқ тизимини бошқариш олдида жиддий вазифаларни қўймоқда.

Мазкур фаннинг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмети ва вазифалари мавжуд. Бу фанни ўқитишнинг зарурлиги иқтисодиётнинг эркинлашуви ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида бюджет ва солиқ муносабатларининг янада такомиллашиб бораётганлиги билан ҳам янада кучаймоқда.

«Бюджет-солиқ сиёсати» фанида бюджет солиқ сиёсати: нималарни ва қандай ўрганамиз, молиявий сиёсат – бюджет-солиқ сиёсатининг асоси, бюджет сиёсати – молиявий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми, бюджет сиёсатини амалга ошириш воситалари бюджет тизими, бюджет тузилмаси ва бюджет жараёни, бюджет дефицитини камайтириш бўйича бюджет сиёсатининг марказий масаласи, замонавий бюджет солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш асослари, солиқ юқини енгиллаштириш - солиқ сиёсатининг энг долзарб масаласи, солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш - солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлаш гарови, бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдирилаётган эътирозлар, муаммоларни хал этиш ва эътирозларни юмшатиш йўллари ва вазифалари ёритилди.

Мазкур фан бўлажак магистрларга бюджет сиёсатимиз солиқ сиёсатини ёки солиқ сиёсатисиз бюджет сиёсатини тўғри тасаввур этишни ҳамда ўзаро муштараклиги, бир-бирини тақозо этиши ва вобасталиги бюджет-солиқ сиёсатининг ягоналигини ёритишдан далолат беради.

Умумий олганда тасавур этадиган бўлсак, бюджет сиёсати ҳатдан ташқари солиқ сиёсатига таяниб ҳам қолмаслигини бюджет сиёсати доирасида ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбир солиқ сиёсати бевосита булмоғи лозимлигини, бюджет солиқ сиёсати тўғри ва оқилона юрғизилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада кадрлар билимини янада ошириш мақсадида муаллифлар томонидан тайёрланган ўқув қўлланма ўзининг долзарб аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ўқув қўлланма “Давлат молияси ва халқаро молия” мутахассислигида таҳсил олаётган магистрлар учун мўлжалланган бўлиб, мавзулар дастурга мос амалга оширилиб кетма-кетлиги тузилган ва киритилган. Бундан ташқари, унинг таркибида магистрлар фойдаланишлари учун адабиётлар рўйхати, ҳар бир мавзу якунида ўз-ўзини текшириш учун саволлар ҳамда таянч сўз ва иборалар келтирилган.

Ўқув қўлланмада фаннинг мавзулари магистрларга тушунарли ва оддий тилда солиқ сиёсатининг иқтисодий моҳияти, бюджет-солиқ сиёсатини юритишнинг бошқа шакллари афзаллиги ва камчиликларини тартибга солувчи янги меъёрий ҳужжатлар ва тартибга солишда иштирок этувчилар фаолиятини рақамлаштиришдан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Ўқув қўлланманинг охирида тавсия этилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган манбаларни ўрганиш молиявий муносабатларига тааллуқли зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳамоҳанг тарзда келтирилганлиги мақсадга мувофиқдир.

Янги Ўзбекистон шароитида Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кейинги йилларда ҳам “Ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни, уларнинг самарали ижросини таъминлашни такомиллаштириш” муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши, хусусан, Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини ошириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳозирги даврдаги барча етук олимлар, давлат арбоблари, мутахассислар ва амалиётчиларнинг асосий вазифаси бўлиб турибди. Шу сабабли биз, энг авало, давлатнинг ижтимоий иқтисоий ривожланишида давлат молиясини бошқариш масалаларини ўрганишимиз долзарб ҳисобланади.

Мамлакат миқёсида давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши учун зарур бўлган марказлашган пул фонди ҳисобланган давлат бюджетини шакллантириш билан боғлиқ муносабатлар “Бюджет-солиқ сиёсати” фанининг долзарблигини ифодалайди. Шунингдек, жамият субъектларини молиявий маблағлар билан узвий таъминланишига қулай шароит туғдиради. Молиявий муносабатларни оқилона ва одилона ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириб боришда “Бюджет-солиқ сиёсати” фани катта аҳамият касб этувчи фанлардан бўлиб ҳисобланади.

“Бюджет-солиқ сиёсати” фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган магистрантлар учун давлат молиясини режалаштириш истиқболлари ҳақида, бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик ва тактик вазифалари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникма ва малакалар ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – магистрантларга давлат молиясини режалаштириш истиқболлари ҳақида, бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик ва тактик вазифалари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ўргатишдан иборат.

I БОБ. БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИ: НИМАЛАРНИ ВА ҚАНДАЙ ЎРГАНАМИЗ

1.1. Бюджет-солиқ сиёсати фанининг мазмуни, предмети ва вазифаларини ўрганиш зарурияти

Эътиборга ҳавола этилаётган мавзунини моҳияти шу кунга қадар ўтилган фанларнинг стратегик йўналишлари қамраб олган ҳолда намоён бўлди. Шу боис сиёсат кенг маъноли ва жуда сезувчан воқеялик бўлиб ҳисобланади. Юз бериши мумкин бўлса ҳар бир ўзгаришни тезлик билан ҳис этади ва уни ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини тўғри белгилаб беришга шароит яратади.

Шунинг билан бирга сиёсат жуда мураккаб масала. Унинг ўзига хос хусусиятлари ва томонлари жуда кўп. Сиёсатда юз берадиган ҳолатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб бориш ёки бормаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун уни тўғри тушунишга ҳамма ҳам ҳар доим етарли даражада тайёр бўлавермайди. Шундай экан, унга нисбатан муносабат билдираётган фикр-мулоҳазалардан жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Сиёсатни тушунишга тайёр бўлмаганлар унга нисбатан муносабат билдирмаслиги лозим, чунки бу жараёнда билдирилган нотўғри фикрлар катта зиддиятларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳатто сиёсатга нисбатан фикр билдириш лозим деб қарор қабул қилинганда ҳам уни илмий асосланган бўлиши ўта муҳимдир. Акс ҳолда сиёсат саёз ва катта самара келтирилмайдиган бўлиши табиийдир.

Сиёсатнинг жуда кўп ёки хилма-хил турлари мавжуд бўлиб улардан энг асосий бюджет-солиқ сиёсатидир. Бу сиёсат пул маблағлари ҳаракати билан бевосита боғлиқ. Аммо унинг конкрет ҳаракат йўлини белгилаш доимо долзарб аҳамиятга эга бўлган. Ижобий маънода барча муносабатларнинг муваффақияти пул ҳаракати ундан оқилона фойдаланиши билан боғлиқдир.

Бюджет-солиқ сиёсатининг пул маблағларининг ҳаракатидан ташқари ҳолда тассавур этиб бўлмайди. Борди-ю шундай қилинса, у ўз кучини ва таъсирчанлигини йўқотади.

Соддароқ қилиб айтганда, бюджет-солиқ сиёсати, бир томондан, бюджет даромадларини шакллантириш, иккинчи томондан, бюджет харажатларини самарали сарфлаш билан боғлиқ муносабатлар садосидир аслида, бюджет сиёсати том маънода ўз ичига солиқ сиёсатини ҳам қамраб олади. Бироқ амалиётда кўпчилик ҳолларда бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган сиёсат солиқ сиёсати¹, бюджет харажатларини сарфлашга қаратилган сиёсат эса бюджет сиёсати деб юритилади. Шу маънода бюджет солиқ сиёсатини шартли равишда бир-биридан нисбий жиҳатдан мустақил бўлган бюджет ва солиқ сиёсатлари мажмуи сифатида ҳам эътироф этиш мумкин.²

Бироқ мазкур сиёсат бекордан бекорга ягона ном билан аталиб, бюджет-солиқ сиёсати деб юритилмайди. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги аввало уларнинг ҳар бири мустақил бўлган ҳамда бир-бирига бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда бюджет ёки солиқ сиёсати ишлаб чиқилмайди. Навбатдаги молия йилида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва унда содир бўлиши мумкин бўлган баъзи бир ўзгаришлар, бошқа баъзи бир сабаблар билан бир қаторда, ўша йилга дахлдор бўлган бюджет харажатлари кўламининг қандай эканлигига бориб тақалади.

Айтиш жоизки, бюджет сиёсатимиз солиқ сиёсатини ёки солиқ сиёсатисиз бюджет сиёсатини тўғри тасаввур этиб бўлмайди. Иккаласининг ўзаро муштараклиги, бир-бирини тақозо этиши ва вобасталиги бюджет-солиқ сиёсатининг ягоналигидан даракдир.

Умумий ҳолда тасаввур этадиган бўлсак, унда бюджет сиёсати ҳатдан ташқари солиқ сиёсатига таяниб ҳам қолмаслиги лозим.

Бюджет сиёсати доирасида ўтказиладиган ҳар қандай чоратадбир солиқ сиёсати бевосита булмоғи лозим. Акс ҳолда солиқ ставкаларининг оширишга қараб интилиш кучаяди.

¹ Бюджет даромадларнинг маълум бир кичик қисми солиқсиз даромадлар ҳисобидан шакллантирилаётганлиги инобатга олинган тақдирда ҳам бу сиёсатни ўзгача атаб бўлмайди.

² Бюджет солиқ сиёсати аҳолида олинган бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатнинг қўшилишдан вужудга келган сиёсат сифатида талқин этиш мумкин эмас.

Бюджет солиқ сиёсати тўғри ва оқилона юргизилса, бир сўмлик маблағ сарфлаб, ўн сўмлик самара кутса бўлади. Аксинча бўлганда эса миллиард миллиард сўмлик маблағлар самарасиз, сарфлашга тўғри бўлади.

Тўғри ва оқилона юргизилаётган бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига, солиққа тортиш базасининг кенгайишига, маблағларнинг самарали сарфланишига ва ҳ.к.ларга олиб келса, аксинча ҳолатда бу сиёсат иқтисодий тараққиётга тўсиқ, хуфёна иқтисодиёт кўламини кенгайтириш, маблағларини талон-торож қилиш ва шу каби салбий ҳолатлар вужудга келиши омилига айланиши мумкин.

Бундай вазиятда Бюджет-солиқ сиёсатининг ўзи нима, унинг асосини нима ташкил этади, таркибий қисмлари нималардан иборат, бу сиёсат ишлаб чиқиляётган пайтда нималарга эътибор бериш керак, унинг замонвий долзарб муаммолари нималар ва уларни қандай қилиб ҳал этиш мақсадга мувофиқ?” каби кўплаб саволларга аниқлик киритиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ерда масалга ойдинлик киритиб олиш мақсадида ҳар бир сиёсатнинг нисбатан мустақил бўлган бир тури сифатида қаердан бошланишини ёки, унга тегишли бўлган бошланғич “нуқта”нинг қаерда эканлигини аниқлаб олиш муҳимдир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айрим ҳолларда бюджет-солиқ сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қаралса, бошқа ҳолларда у молиявий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида талқин қилинади. Шу муносабат билан ушбу масалага аниқлик киритишда бизнингча, унинг қўйидаги жиҳатларига эътибор бермоқ лозим:

➤ макроиқтисодий сиёсат иқтисодий сиёсатнинг таркибий (бир) қисми. Унинг бундай кўриниши иқтисодий сиёсат турлари (кўринишлари)ни маълум бир белгиларга (иқтисодий сиёсатнинг қайси даражада кетаётганлиги) қараб туркумларга ажратиш натижаси ҳисобланади;

➤ молиявий сиёсат ҳам иқтисодий сиёсатнинг таркибий (бир) қисми. Унинг бундай кўриниши иқтисодий сиёсат турлари

(кўринишлари)нинг бошқа бир белгиларга (иқтисодий сиёсатни амалга оширувчи инструментларга) қараб туркумларга ажратиш натижасидир;

➤ баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, молиявий сиёсатни бир вақтнинг ўзида иқтисодий сиёсатнинг ҳам, макроиқтисодий сиёсатнинг ҳам таркибий қисми сифатида эътироф этиш мумкин;

➤ халқаро амалиётда макродаражада фискал сиёсат тўғрисида гап кетганда, унинг конкрет мазмуни бюджет-солиқ сиёсати орқали номаён бўлаётган бўлишига қарамадан, бу нарса бюджет-солиқ сиёсатнинг фақат макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилишга етарли даражада асос бўлолмайди. Чунки ўшанда ҳам макродаражадаги фискал сиёсатни молиявий сиёсатдан ажратиб бўлмайди. Кўп ҳолларда хориж амалиётида “фискал сиёсат” дейилганда “молиявий сиёсат” назарда тутилади ёки аксинча;

➤ бюджет солиқ сиёсати молиявий сиёсатдан ажралган ҳолда, мустақил равишда, иқтисодий сиёсатнинг ҳам, макроиқтисодий сиёсатнинг ҳам макроиқтисодий сиёсатнинг ҳам таркибига бевосита киролмайди;

➤ иқтисодий сиёсат доирасида бюджет солиқ сиёсати хусусида гап кетганда молиявий сиёсат тўғрисида гап кетмаяпти, деб бўлмайди;

➤ макроиқтисодий сиёсат доирасида ҳам бюджет солиқ сиёсати тўғрисида гап кетганда уни молиявий сиёсатидан ажралган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айталган бўлсак, бюджет-солиқ сиёсатининг бошланғич нуқтаси ёки “таянч нуқта”си молиявий сиёсатдир, бюджет-солиқ сиёсатининг макроиқтисодий сиёсатдаги ўрни умумий молиявий сиёсатнинг доираси билан белгиланади деган мантиқий хулоса чиқиб келиши, табиий. Масалан бу ерда биз “бюджет-солиқ сиёсати”нинг “макроиқтисодий сиёсат” ва “молиявий сиёсат”га нисбатан муносабати хусусида “қўйиб-пишиб” мулоҳаза юритаётган бўлсак да, хориж амалиётида бу

муаммо кенг маънода баҳоланади. У ерда кун тартибга “Бюджет-солиқ сиёсати қаердан бошланади. Унинг бошланғич “нуқта”си қаерда?” каби масала қўйилмайди. Макроиктисодий сиёсат нуқтаи назаридан “бюджет-солиқ сиёсати” хусусида фикр билдирилаётганда молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлиги бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолмайди. “Бюджет солиқ сиёсати” молиявий сиёсатнинг ажралмас қисми эканлиги тўғрисида фикр билдирилаётганда унинг макроиктисодий сиёсатга тегишли жиҳатлари ҳам, албатта, назарда тутилади. Боз устига, умумий қилиб айтганда, хориж амалиётда жуда кўпчилик ҳолларда “макроиктисодий сиёсат” ва “бюджет-солиқ сиёсати”, “макроиктисодий сиёсат ва “молиявий сиёсат”, “макроиктисодий сиёсат” ва “фискал сиёсат”, “молиявий сиёсат” ва “бюджет-солиқ сиёсати”, “молиявий сиёсат” ва “фискал сиёсат”, “бюджет-солиқ сиёсати” ва “фискал сиёсат” ўрталарида тенглик ёки баробарлик белгилари қўйиб ишлатилаверади.” Шу боис ҳам у ерда “масала”га “аниқлик” киритишга ҳам ҳаракат қилмайди.

Бюджет-солиқ сиёсати молиявий сиёсат доирасида ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этади. Қолаверса, унинг фундаментини молиявий сиёсат ташкил қилади. “Бюджет-солиқ сиёсатини молиявий сиёсатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз бюджет-солиқ сиёсати хусусида гапириш маънога эга эмас. Бу сиёсат молиявий сиёсат молиявий сиёсатдан келиб чиқади ва уни янада конкретлаштиради” деган фикрлар ўзида объектив реалликни акс эттиради. Шунинг учун ҳам олдин молиявий сиёсатнинг маъно-мазмунига ёки моҳиятига³ тушунмасидан туриб бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан шундай ўриниш бефойда ҳисобланади. Бунда молиявий сиёсатнинг мазмуни ва принциплари, унинг таркибий

³ “Моҳият” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида ҳақиқат, ҳар нарсанинг асли, туб негизини англатади. У а) бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз; б) нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли туман хоссаларини ва муносабатларини яхлит акс эттиради. Бўлар тўғрисида батафсил қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғат/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошлиқ.- Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. 2-жидл.-Б.525-526,565,621.

қисмлари (йўналишлари), ҳозирги босқичдаги молиявий сиёсат ва унинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилди.

Молиявий сиёсат доирасида амал қиладиган бюджет солиқ сиёсатнинг маъно-мазмунини тушунчаси жуда мураккаб бўлсада ҳам унга эришиш муҳимдир.

Ҳозирги шароитда келиб чиқиб бюджет-солиқ сиёсати ҳамда унга тегишли бўлган муаммолар алоҳида-алоҳида, яъни бюджет сиёсати ва солиқ сиёсати кесимларида кўриб чиқиш зарур. Уларнинг ҳар бири тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши у бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатини муваффақиятли бирлаштириб, ягона бюджет-солиқ сиёсатини мустақил равишда вужудга келтириш ва амалда қуллаш ўз самарасини беради.

1.2. Фанни ўқитишнинг объектив зарурлиги ва бошқа махсус фанлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш

Бюджет сиёсати бюджет-солиқ сиёсатнинг ва шунга мос равишда молиявий сиёсатнинг ҳам энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи характерга эга. Бу нарса масаланинг “солиқ сиёсати” тартизда эмас, балки айнан “бюджет-солиқ сиёсати” тарзида қўйилаётганлиги билан ҳам белгиланади. Бюджет сиёсатнинг маъно-мазмунини ва моҳияти; бюджет харажатлари-бюджет сиёсати намён бўлишининг асосий шакли; бюджетдан молиялаштириш ва бюджет сиёсати бюджет сиёсати ва бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредити; бюджет харажатларини сарфлаш масалалари ва вазифалари, уларнинг бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқда ёритиш талаб этилади. Табиийки бюджет тизими, бюджет тузилмаси ва бюджет жараёни орқали бюджет сиёсати ўзини намоён этади. Шу боис улар бюджет сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос воситалари ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқиб, бюджет тизими ва бюджет тузилмаси, уларнинг бюджет сиёсатини амалга оширишидаги роли, бюджет жараёни ва бюджет сиёсатининг ўзаро воситалиги масалалари бюджет сиёсатини ҳар томонлама ривожланиб боришнинг имконият яратиб беради.

Бюджет сиёсати доирасидаги энг долзарб муаммоларнинг барчаси беихтиёр бюджет дефицитига бориб тақалади. Биргина унинг даражасига қараб туриб бюджет сиёсатининг аҳволига макродаражада баҳо бериш мумкин. Бюджет дефицити даражаси ҳар қандай давлатнинг молиявий мустақиллигини белгилашда муҳим аҳамиятга ҳам эга. У маълум бир даражада бўлмоғи лозим. Бюджет дефицити даражаси умуэътироф этилган даражадан ошса, у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Бу эс, ўз навбатида, ҳозирги шароитда бюджет дефицитини камайтириш бюджет сиёсатнинг марказий масаласи бўлиб қолганлигини англатади.

Солиқ сиёсати бюджет-солиқ сиёсатида салмоқли ўринга эга. Шунинг учун дастлаб замонавий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг фундаментал асосларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Улар солиқлар, солиқ тизимини ва солиқ сиёсатидаги вазият; солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммолари ва солиқ сиёсати; солиқ тизими, солиққа тортиш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари, уларнинг солиқ сиёсати ҳаётийлигига таъсири; иқтисодиётни тартибга солиш инструменти сифатида солиқлар ва солиқ сиёсати; солиқ сиёсати ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари кесимида намоён бўлиши зарур.

1.3. Бюджет-солиқ сиёсатнинг ўзига хос энг устувор хусусиятлари

Солиқ юкига муносабат масаласи солиқ сиёсатида муҳим ўрин тўтади. Амалиётда унга нисбатан бефарқ бўлган солиқ тўловчини топишнинг иложи йўқ. Кўпчиликнинг назарида барча иқтисодий муаммоларнинг ечими охир-оқибатда солиқ юкига бориб тақалади. Айрим ҳолларда солиқ юкини енгиллаштиришга барча иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси сифатида қаралмоқда. Солиқ юкини енгиллаштириш солиқ сиёсатининг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Солиқ сиёсатидаги энг мунозарали муаммолардан яна бири солиқ имтиёзларига тегишли. Солиқ имтиёзларини оқилна тақдим этиш солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу масала солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш принциплари; солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш учун ҳисобга олинадиган ҳолатлар; солиқ ва имтиёз диалектикаси; солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари; солиқларни тўлаш – куллик эмас, хурлик белгиси йўналишларида ўз аксини тўпиши лозим.

Бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари, уларга нисбатан билдирилаётган эътирозлар, муаммоларни ҳал этиш ва эътирозларни юмшатиш йўлларини ишлаб чиқиш замон талабидир. Бу масала ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Унда тор доирадаги иқтисодчи олимларни эмас, энг аввало, кенг жамоатчиликни, оддий фуқароларни, тадбиркорларни, хуллас. Барча оддий солиқ тўловчиларни қизиқтирувчи ҳаётий саволларга жавоб беришига ҳаракат қилинди.

Бюджет солиқ сиёсати догма эмас чунки ҳаётнинг ўзи ўзгарувчан бўлганлиги учун у ҳам ўзгариб туради. Кишилик жамиятни тараққиётида бир босқичдаги вазифалар муваффақиятли ҳал этилгач, навбатдаги вазифалар кун тартибига қўйилади. Янги вазифаларни “эски” бюджет-солиқ сиёсати доирасида бажаришга ўриниши ҳамма вақт ҳам муваффақият келтиравермайди. Янги вазифаларга нисбатан янги бюджетсолиқ сиёсати зарур. Шунинг учун ҳам вақт ўтиб такомиллаштириш тақозо этилмаган бюджет-солиқ сиёсати мавжуд эмас. Шу боис бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари (устовор йўналишлари)ни аниқлаб олиш принциал аҳамият касб этади.

Бироқ, Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари яратилганлиги ёки устувор йўналишлари белгиланганлиги қай даражада эканлигига баҳо бериш зарур, бунда энг муҳими, уларнинг ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтганлиги ва ўтаётганлиги, бизни эса буюк келажак сари ишонч билан етаклаётгани эътироф этилмоқда.

Шу боис бюджет-солиқ сиёсатни билиш учун аввало, нималар муҳим ва у биринчи даражали аҳамият касб этишини ҳақида кўринмага эга бўлиш муҳимдир.

Назорат учун қўшимча саволлар:

- ⇒ Сиёсатнинг ўзига хослиги нимада намоён бўлади?
- ⇒ Сиёсатнинг қандай кўринишлари мавжуд?
- ⇒ Бюджет-солиқ сиёсатнинг ўзига хос энг устувор хусусиятни нимадан иборат?
- ⇒ Бюджет-солиқ сиёсатини пул маблағининг ҳаракатидан ажралган ҳолда амал қила оладими?
- ⇒ Умумий тарзда бюджет-солиқ сиёсати нималар билан боғлиқ?
- ⇒ Бюджет сиёсати ўз ичига солиқ сиёсатини камраб оладими?
- ⇒ Қандай ҳолларда сиёсат бюджет ва қандай сиёсат солиқ сиёсати деб юритилади?

II БОБ. МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ – БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИ

2.1. Молиявий сиёсат ҳақида тушунча

Бюджет – солиқ сиёсати ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун аввало молиявий сиёсатнинг механизми ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш муҳимдир. Молиявий сиёсат бюджет – солиқ сиёсатининг асоси бўлиб ҳисобланади. Бюджет – солиқ сиёсатининг самарали ташкил этилиши мамлакатда олиб борилаётган молиявий сиёсат билан баҳоланади. Бюджет – солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисмидир, у молиявий сиёсат доирасида амал қилади. Бюджет – солиқ сиёсати мазмун жиҳатдан молиявий сиёсатини кучайтириши, чегарасини кенгайтириши мумкин, аммо молиявий сиёсат чегарасидан чиқиб кетиши мумкин эмас. Молиявий сиёсатсиз бюджет – солиқ сиёсати амал қилмайди. Хуллас молиявий сиёсат доим бюджет – солиқ сиёсатидан кенг тушунчага эга ва улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Умуман олганда молиявий бошқарувнинг барча тизими давлатнинг молиявий сиёсатига асосланади. Шунинг учун ҳам молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимида энг асосий элемент ҳисобланади.

Молиявий сиёсат давлатнинг молиявий муносабатлар соҳасидаги мустақил фаолиятдир. Бу фаолият давлатнинг у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурини тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратилган. **Ижтимоий ривожланиш** деганда фактгина маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиши эмас, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси ҳам тушунилади. Шунинг учун молиявий сиёсатни алоҳида-алоҳида иқтисодий ёки ижтимоий сиёсатга боғлаб қўйиш мумкин эмас. Улар узвий боғланишда амал қилади.

Ҳар қандай сиёсат каби молиявий сиёсат ҳам давлат фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олади. Молиявий сиёсат объекти ҳисобланган молиявий муносабатлар мавжуд соҳаларга боғлиқ равишда иқтисодий ёки ижтимоий, маданий ёки

техникавий, бюджет ёки кредит, ички ёки ташқи сиёсатларга таъсир этади.

Молиявий сиёсат мустақил аҳамиятга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда унинг иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, ҳарбий ислоҳотлар ёки халқаро муносабатлар билан боғлиқ ҳолда принципиал аҳамиятга эга бўлади, акс ҳолда у ўз моҳиятига эга бўлмайди. Сиёсат, сиёсий таъсир ва сиёсий раҳбарлик қўйидаги уч элементдан таркиб топади:

- ❖ бош мақсадни аниқлаш ва қўйиш ҳамда жамият ҳаётининг маълум бир даврига хос қўйилган мақсадларга эришиш учун ечилиши зарур бўлган стратегик ва тактик вазифаларни конкретлаштириш;

- ❖ қўйилган стратегик ва тактик мақсадларга эришиладиган вазифаларни оқилона тартибда ҳал қиладиган муносабатларнинг методлари, воситалари ва конкрет шакллари ишлаб чиқиш;

- ❖ профессионал кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, вазифаларнинг бажарилишини ташкил қилиш.

Юқоридагиларга таянилган ҳолда иқтисодий адабиётларда молиявий сиёсат турларига таъриф берилиб келинмоқда. Мисол учун, биринчи таъриф кенг мазмунли ҳаракатлар йиғиндисини ўзида акс эттирса, иккинчи таъриф кенг мазмунли, аммо қисқа молиявий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи воситалар йиғиндисини қамраб олади.

Шундай қилиб молиявий сиёсатга қўйидаги таърифларни изоҳлаб ўтиш мумкин, яъни:

биринчидан, такрор ишлаб чиқаришнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш ва узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий ресурслар билан таъминлаш, мамлакат бойлигини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнига йўналтириладиган мақсад ва вазифаларнинг ечилишини аниқлашга **молиявий сиёсат** дейилади.

иккинчидан, молиядан фойдаланиш методлари, уни ташкил қилишнинг амалий шакллари ва методологик принциплари мажмуига (йиғиндисига) молиявий сиёсат дейилади.

Шунингдек, молиявий сиёсат айрим ҳолларда давлатнинг ўз функцияларини бажариш учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган давлат органларининг маълум бирфаолияти сифатида талқин қилинади. Ҳар бир эътироф этилган камчиликлардан ҳоли эмас. Уларнинг ҳар бирида пул ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар кўрсатилмаган. Бу эса миллий хўжалик тараққиётини таъминлашда давлатнинг ролини, вазифа ва функцияларини чеклайди. Шу туфайли ҳам мамлакат иқтисодиётига давлатнинг аралашуви, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш ва шу каби давлат функциялари ва вазифаларини аниқлайдиган бошқа бир қанча масалаларни молиявий сиёсат мазмунини эътироф этишда мунозарали ҳолатларни юзага келтиради.

Молиявий сиёсатдан фақат давлатнинг функцияларини бажариш воситаси сифатида фойдаланиш давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан молия тизимининг бошқа субъектлари, яъни аҳоли ва хўжалик субъектлар манфаатларини қондиришда, муқобил муносабатларни ўрнатишда тўсиқларни юзага келтириб чиқариши мумкин. Масалан, кўплаб мутахассислар, шу жумладан, давлат ҳокимияти органлари вакиллари томонидан амалдаги солиқ механизмнинг самарасиз эканлиги, бизнеснинг айрим соҳалари учун эса унинг оқибати жуда ёмон натижаларга олиб келиши мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланган бир шароитда молиявий сиёсат маълум бир вақт давомида ўзгармасдан қолса, амалга ошириладиган солиқ ислохотларининг моҳияти ўзгармаса, унда давлатнинг молиявий сиёсати давлат ҳокимиятининг тегишли органлари томонидан ҳаётга тадбиқ этилаётган молиявий сиёсат алоҳида шахслар гуруҳининг манфаатига хизмат қилиши билан чекланиб қолиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қўйидагича хулоса чиқариш мумкин бўлади, яъни:

- молиявий сиёсат фақат ҳокимият органларининг у ёки бу мақсадга эришиши инструменти эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳаётга тадбиқ этувчи воситаси бўлишини;

- давлатнинг молиявий сиёсати молия тизимидаги барча субъектларнинг манфаатларини ҳисобга олишини;

- давлат молиявий сиёсати ва давлат ҳокимият органларининг молиявий сиёсатини фарқлашни.

Давлат молиявий сиёсати мамлакат молия тизимининг барча бўғинларида молиявий ресурсларнинг балансли ўсишини таъминлашга қаратилган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг узлуксиз бир қисмидир. Молиявий ресурсларнинг баланслаштирилган ҳолда ўсишини таъминлаш зарурлиги муҳимдир. Уни инкор этиш мамлакат молия тизимининг деградациялашувига, иқтисодиётда инқирозлар юз беришига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатдан чиқиш эса мамлакатучун жуда қимматга тушади⁴.

Молиявий сиёсатнинг энг асосий хусусияти шундаки, у мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига ва иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб туришга йўналтирилганлигидир. Бу борадаги оқилона сиёсатни йўлга қўйилиши давлат даромадлари манбаини кўпайишига, хўжалик субъектларини юқори натижаларга эришишига олиб келади. Молиявий сиёсатнинг ана шунга йўналтирилиши унинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли яшаш даражаси ва сифатини ошириш молиявий сиёсатнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Корхоналарга нисбатан молиявий сиёсат хусусида эса бевосита корхона бизнесини самарали ташкил этишга ва юритишга йўналтирилган кенг қамровли фаолиятдир. Шу боис корхона молиявий сиёсатининг мақсади қўйидагиларда ўз аксини топиши алоҳида аҳамият касб этади:

- корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши;
- йирик молиявий муваффақиятсизликларга ёки банкротга учрамаслиги;

⁴ Четдан катта ҳажмда инвестицияларни жалб этилишини, мавжуд корхоналарни реструктуризация қилинишини, молиявий институтлар сиёсатини қайта кўриб чиқилишини ва ҳоказолар ана шундай ҳолатларни олдини олишга таъсир этиш мумкин.

- рақобатбардош бўлиши;
- корхонанинг бозор қийматини максималлаштириш;
- корхона иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсишини таъминлаш;

- харажатларни минималлаштириш;
- ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини ошириш;
- рентабелли фаолият юритиш;
- ўз даромадлари ҳисобидан барча харажатларни қоплаш;
- ўз мажбуриятларини тўлалигича бажариш ва бошқалар.

Корхона молиявий сиёсатининг у ёки бу мақсадларидаги устиворлиги энг аввало, бизнесни қандай ташкил этилиши, юритилишига боғлиқ бўлади. Бунда тегишли молиявий механизмдан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Молиявий сиёсат ўзида бошқарувни режалаштириш, рағбатлантириш каби молиявий механизмларни оқилона амал қилишини ҳам ифодалайди.

Молиявий сиёсат молия тизими орқали қўйидаги принципларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

- молия тизими бўғинларида молиявий бошқарувни оқилона ташкил этиш;
- умумийлик (барча молиявий муассасалар фаолиятига тааллуқли вазифаларнинг умумийлиги);
- қўйи бошқарув органларининг фаолиятини тартиблантириш;
- молиявий ресурсларни мақсадли мобилизация қилиш;
- ҳақиқий (реал) мақсадга боғлиқлиги;
- хўжалик тармоқлари фаолиятини баланслаштирилганлиги;
- жамият манфаатларига мувофиқлиги;
- молиявий муносабатларнинг шаклларини ва нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш лозимлиги;
- реал ички ва ташқи иқтисодий шароитларга мослашишлиги.

Молиявий сиёсатнинг ушбу тамойиллари асосида амалга оширилиши давлат функциялари ва дастурларини (узоқ, ўрта ва қисқа муддатли) бажариш учун молиявий ресурсларни давлат

тадбирларига оқилона жалб қилишини таъминлайди. Бунда молиявий муносабатларнинг шакллари ва нормаларига ҳуқуқий жиҳатдан ёндошиш ва тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Молиявий сиёсат ижобий ёки салбий бўлиши мумкин эмас, унинг моҳияти ва аҳамияти давлат томонидан қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда аниқ вазифаларнинг ечилишига қанчалик таъсир кўрсатганлиги билан белгиланади. Кўп ҳолатларда бу ўз аксини ЯИМни ўсишида, аҳолини яшаш даражасини ўсишида ташқи ва ички муносабатларни яхшилаб борилишида давлат қарзларини ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги, инфляциянинг пасайиши ва шу кабиларда топади. Ушбу макроқўрсаткичлар доирасида ўсиш ёки пасайиш ҳолати юз берса ҳам иқтисодни ўсишини сақланиши барқарор молиявий сиёсатни юритилиш натижаси сифатида эътироф этилади.

Ҳукуматнинг молиявий сиёсатига баҳо бериш ва уни тартибга келтириш (ўзгартириш орқали) бўйича тавсиялар бериш учун биринчидан, жамият манфаатлари ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари манфаатларини аниқлаш; иккинчидан, жамият тараққиётининг аниқ дастурида ечилиши лозим бўлган масалаларнинг муддатларини аниқ белгилаш; учинчидан, истиқболдаги ва яқин йиллардаги вазифаларнинг тавсифига эга бўлиш лозим бўлади, натижада молиявий сиёсатни амалга оширишнинг конкрет механизмини ишлаб чиқишга мувофиқ бўлиш мумкин бўлади.

Молиявий сиёсат ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини, жамиятнинг кенг маънодаги манфаатларини, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олса, унда барча соҳаларда самарадорликка эришиш учун шарт-шароит яратилади. Молиявий сиёсатнинг муваффақияти сифатли давлат ихтиёрида бўлган объектив имкониятларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Чунки жамият ижтимоий тузилмасидаги ўзгаришларни (яъни, онг, психология ва ҳ.з) ҳисобга олган ҳолда молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш бири-бирига қарама-қарши таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсирини юмшатишга, улардан жамият манфаати йўлида фойдаланишга қаратиш мумкин бўлади.

Молиявий сиёсат энг аввало, молиявий ресурсларни оқилона ташкил этишга қаратилиши алоҳида баҳоланиб келинган ва келинмоқда, чунки молиявий ресурслар ҳар қандай ўзгаришларнинг моддий асосини ташкил этади. Молиявий сиёсатни шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш муҳимдир.

Молиявий муносабатларни ривожланиши билан молиявий сиёсатнинг мазмуни белгиланади. Молиявий муносабатларни ривожланиши қўйидагилар орқали белгиланиши мумкин:

- ❖ молиявий сиёсатнинг умумий концепциясини ишлаб чиқилиши;

- ❖ макро ва микро даражада иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган бозор иқтисодиётининг ривожланишига мос бўлган молия механизмини шакллантирилиши;

- ❖ молиявий оқимларнинг самарали бошқарилишини таъминлайдиган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши;

- ❖ ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни истиқболли реструктуризация қилишдаги ролига мувофиқ равишда ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича молиявий ресурсларни оқилона тақсимлашни ташкил этилиши;

- ❖ иқтисодий ўсишни (жорий ва истиқболда) таъминлайдиган молиявий ресурсларни шакллантирилиши ва шу кабилар билан.

Шунингдек, молиявий сиёсатнинг мазмуни, унинг асосий йўналишлари давлатнинг жамият тараққиётидаги роли, унинг ривожланиш даражаси ва иқтисодиётни бошқаришда давлатни иштирок этиш даражасини белгилайдиган концепциялар, молиявий сиёсатни амалга ошириш инструментларидан фойдаланиш, молиявий муносабатларни ташкил этишда намоён бўлади.

Жамият тараққиётида давлатнинг роли тўғрисидаги масала мумтоз сиёсий иқтисод асосчилари бўлган А.Смит (1723-1780), Д.Рикардо (1772-1823) ҳамда инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс (1883-1946) ва уларнинг издошлари томонидан назорат жиҳатдан асосланган. А.Смит ва Д.Рикардолар концепцияларини моҳияти давлат иқтисодиётига аралашмаслик, эркин конкуренцияни сақлаш

ва жамиятни хўжалик фаолиятини тартибга солишда бозор механизмларига амал қилиши кераклигига асосланган. Ана шу принципларни инобатга олган ҳолда молиявий сиёсат XX асрнинг 20-йиллари охирига қадар давлат харажатлари ва солиқларни чеклашга, давлатнинг (баланслаштирилган бюджетини таъминлашга қаратилган эди). Шу мақсадларга мувофиқ равишда молиявий муносабатларни ташкил этиш асосан ҳарбий бошқарув ва давлат қарзини қайтариш билан боғлиқ харажатлар бюджетдан молиялаштирилиши таъминланди. Бюджет даромадлари эса асосан эгри (билвосита) солиқлар⁵ ёрдамида шакллантирилди.

Ушбу даврда кейнсчилик назарий концепцияси устунлик қила бошлади. Унинг назариясига асосан иқтисодиёт тараққиётида давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнининг циклик ривожланишига аралашуш ва уни тартибга солиш орқали кучайтириш зарурлигига устиворлик берилди. Шундан келиб чиқиб молиявий сиёсат янги иш жойларини яратишга йўналтирилган давлат харажатлари майдонга чиқди. Молиявий сиёсат эса бир вақтнинг ўзида бир неча иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ечилишига йўл очди: аҳолининг бандлик даражасини ошишига; ишсизликнинг камайишига; тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришига талабни шакллантирилишига; миллий даромадни ошишига ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга ва ҳ.к.

Давлат бюджети харажатларини ошиши давлатнинг иқтисодиётга аралашуви таъсирида юз беради, аммо давлат даромадларининг оширилишини таъминлашга қаратилган молиявий чораларни пухта ишлаб чиқилиши бундай таъсирчанлик даражасини пасайтириши мумкин. Даромад солиғи давлат даромадларини ташкил этишни асосий манбаига айланди. Уни ҳисоблашда солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари жорий этилди. Шакллантирилган солиқ тизими миллий даромадни тақсимлашда давлатнинг ролини оширишга имконият яратиб берди. Муносабатларни ривожлантиришда икки назарий концепция

⁵ Бу ҳақда тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун проф. Ж.Р.Зайналовнинг “Солиқлар ва солиққа тортиш” ўқув қўлланмасига қаралсин. – Самарқанд: СамКИ, 2002. – 366 б.

Ўртасидаги фарқ моҳиятидан келиб чиқиб бюджет дефицитининг турли равишда баҳоланиши учун асос яратилди. Айтиш жоизки, агар биринчи концепция дефицитсиз бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланишни зарурият даражасига чиқарган бўлса, унда иккинчи концепция бюджет дефицитининг бўлиши қолаверса, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда бюджет дефицитини муҳимлигига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шундай қилиб XX асрнинг 30 – 60 – йилларида Ғарб мамлакатларида кейнсча молиявий сиёсат ўзининг самарадорлигини исботлади.

Давлат иқтисодиётга аралашувининг кенгайиши ва давлатнинг тартибга солувчи вазифасини кучайиши оқибатида молиявий муносабатларни ташкил қилиш жараёнлари анча мураккаблашди. Давлат харажатларини дефицитли бўлиши ва уни молиялаштириш сиёсати давлат кредитининг ривожланишига имконият яратди. Қолаверса узоқ ва ўрта муддатли қарзларни жалб этиш ссуда капиталлари бозорининг ривожланишига олиб келди. Бу эса бир вақтнинг ўзида давлат молиявий ресурсларини шакллантиришнинг иккинчи манбаини ривожланишига ҳам имконият яратиб берди. Бунинг натижасида миллий даромадни қайта тақсимлашда молиянинг роли янада кучайди.

Иқтисодий назариянинг неоклассик йўналиши XX асрнинг 70-йилларида молиявий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Бундай назария давлатнинг тартибга солувчи ролидан воз кечмаса – да, унинг иқтисодиётга ва ижтимоий соҳаларга аралашуви даражасини имкон қадар чеклади. амалда давлат аралашувиоз бўлсада ҳам кучайди. Энди бундай аралашув фақат давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини шакллантириш орқали эмас, балки пул муомаласини, валюта курсини, ссуда капиталлари ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишда ўз аксини топа бошлади. Натижада давлатнинг таъсир доираси кенгайди ва капиталлар оқимида унинг роли кучайди.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда давлат тартибга солишнинг ҳам кейнсчилик, ҳам некейнсчилик тизимининг элементларидан фойдаланади. Айтиш

жоизки, мустақиллик йилларига қадар молиявий сиёсат маъмурий буйруқбозлик таъсирида шаклланди. Давлатнинг моҳияти ва функциялари собиқ иттифоқнинг молиявий муносабатлари молиявий сиёсатнинг марказлаштириш принцини заруриятга айланди.

Собиқ иттифоқ марказлаштирилган ҳолда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжларини бюджетдан тўлиқ молиялаштирди. Жамият тараққиётини таъминлашда давлатнинг роли кескин маъмурчилик тизимига айланди. Чунки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режалари ёрдамида у ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига бевосита раҳбарлик қилди. Бу албатта, хусусий мулк шакллариининг давлат (умумхалқ) мулкига айланиши билан белгиланади. Шунга мувофиқ равишда давлат миллий даромадни қайта тақсимлашнинг солиқ шаклларииндан ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри тақсимлашга ва давлат бюджети орқали қайта тақсимлашга ўтди. Бу эса корхоналарда қўлга киритилган фойдани бир қисмини тасдиқланган меъёрлар (нормалар) асосида тақсимлашга кенг йўл очиб берди. Гуё корхона фойдани мустақил тақсимловчи субъект сифатида кўзга ташлансада ҳам амалда марказлаштирилган ҳолда тасдиқланган нормалар орқали фойда (даромад) тақсимоти йўлга қўйилди.

Шунингдек, молиявий марказлаштириш давлат бевосита ва монопол равишда баҳоларни шакллантириш, пул муомаласи, ҳисоб-китоблар тизими ва кредит муносабатларини ҳам тартибга солди. Умуман олганда бошқарув тизимининг барча элементлари бутун ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариб турувчи ягона маъмурий – буйруқбозлик тизимига айлантирилди. Юзага келган молиявий сиёсат инсоният тарихи учун мутлақо янги жараён бўлди. Бундай молиявий сиёсатга шароит яратилиши ўша вақтда маъмурлаштирилган давлат олдида турган ва турли босқичларда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечилишини кафолатлагандек бўлди. Бундай молиявий сиёсат етарли даражада самарали бўлган молиявий сиёсат деб эътироф этила бошланди, чунки чор Россиясидан, фуқаролар урушидан, чет эл ҳарбий

интервенциясидан мерос қолган фавқулудда мураккаб молиявий вазиятга қарамай, фашистлар Германияси билан уруш арафасида Собик Иттифоқ давлати етарли даражада кучли иқтисодий салоҳиятга эришди, урушда ғалаба қозонди ва қисқа муддатлар ичида урушдан талофот топган халқ хўжалигини тиклади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги 1947-1965 йиллар Собик Иттифоқ давлатининг молиявий сиёсати Ғарб мамлакатлари, энг аввало, АҚШ билан қуролланиш пойгаси ва космосни тадқиқ этишдаги рақобатни молиявий жиҳатдан таъминлашга қадам қўйилди.

Бир вақтнинг ўзида Варшава Иттифоқи деб номланган мамлакатларга кирувчи давлатларга жуда катта миқдордаги молиявий ёрдамлар кўрсатилди, бундан кўзланган мақсад:

- уларнинг тараққиётида ижтимоийистик йўналишни таъминлаш;
- собик Иттифоқ лагеридаги давлатлар саноатини ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш;
- кучли ҳарбий иттифоқчиларни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш.

Ўша пайтларда қўйилган мақсадларга эришиш учун хом-ашё базасини, энг аввало, нефт ва газ қазиб чиқаришни юқори суръатларда ривожлантириш талаб этилди. Янги қазилма бойликларни ўзлаштириш кенгая бошлади, бу амалда жуда катта миқдордаги молия ресурсларини сарфланишини талаб этади. Чунки янги ҳудудларни ўзлаштириш ўша туманларга ишчи кучи миграцияси (меҳнатга ҳақ тўлашнинг оширилган меъёрлари билан), нефт ва газ қувурларини қуришни уйғунликда давом эттириш фақат марказлашган ҳолда катта молиявий ресурсларни жалб этилиши талаб этилди. Янги қазилма бойликларни ўзлаштириш кенгая бошлади. Бу амалда жуда катта миқдордаги молия ресурсларини сарфланишини талаб этарди. Халқаро бозорда нефт ва газ баҳоси юқори бўлиб турган пайтларда уларни экспорт қилиш харажатларини маълум даражада қоплаган эди. Бу каби молиявий сиёсатни амалга ошириш миллий даромадни тегишли тарзда қайта

тақсимланишини талаб қилди, натижада мамлакатда ҳарбий саноат комплексига мослашган бир томонламали иқтисодиёт юзага келтирилди.

Давлат томонидан белгиланган мақсадлар нуқтаи назаридан урушдан кейинги даврда давлат томонидан олиб борилган молия сиёсати ва уни амалга ошириш чораларини самарасиз деб бўлмайди. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларида аҳоли турмуш даражасини яхшиланиб борганлигини қайд этилиши намоён бўлар эди, албатта бу бошқа масала. Аҳоли турмуш даражаси меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат, фуқаролик қурилиши ва исchteъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ривожига боғлиқ бўлган бўлсада ҳам уни узоқ ушлаб туриш энг мураккаб муаммо эди, мамлакат аҳолисининг каттагина қисми шу соҳаларда банд эди. Меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси қиёсий жиҳатдан юқорироқ бўлишига қарамай, ҳатто унда банд бўлган аҳоли ҳам ўз исchteъмол талабларини қондириш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун исchteъмол бозорининг ривожланишида ортда қолиш урушдан кейинги даврда собиқ иттифоқнинг молия сиёсатини самарадорлигини кескин пасайтирди.

Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда молиявий ресурсларни тақсимлашда ва қайта тақсимлашда қўйидагилар муҳим аҳамиятга эга бўлди, яъни:

- тақсимлаш муносабатлари субъектларини (яъни молиявий ресурсларнинг эгалари ва тақсимловчиларини) танлаш;
- юридик шахслар ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражаси ва давлатнинг вазифаларига боғлиқ равишда молиявий ресурсларни марказлаштирилиш даражасини аниқлаш;
- энг муҳим ижтимоий зарурий эҳтиёжлар ва уларни талаб даражасида қондириш чораларини аниқлаш ва шуларга мос равишда молиявий ресурсларни жалб этиш ва фойдаланишнинг устивор йўналишларини белгилаш;
- молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари ва усулларини танлаш шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, молиявий сиёсат кенг тушунча бўлиб, унинг соҳаси жамият тараққиётининг алоҳида босқичларида амал қилган назарий концепцияларга асосланган ҳолда иқтисодий-ижтимоий соҳаларни бошқаришда давлатнинг иштирок этиш параметрларини белгилаб бериш унга тааллуқли муносабатларнинг элементлари бўйича дифференциация қилинишини таъминлаш молия тизимининг ривожланиши учун замин тайёрлаш билан боғлиқ муносабатлар унинг табиатини ва мазмунини белгилаб берди.

2.2. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари

Молиявий сиёсатни оқилона ташкил этиш билан боғлиқ масалалар мутахассислар ва иқтисодчи олимларнинг диққат марказида ўрин эгаллаб келаётган бўлсада, унинг таркибий қисмлари қўйидагиларда намоён бўлмоқда:

- бюджет сиёсатида;
- солиқ сиёсатида;
- пул сиёсатида;
- кредит сиёсатида;
- баҳо сиёсатида;
- инвестицион сиёсатда;
- ижтимоий-молиявий сиёсатда;
- бож сиёсатида;
- суғурта сиёсатида.

Шунга қарамай молиявий сиёсат давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг воситасидир ва шу маънода ёрдамчи ролини ўйнайди, бир вақтнинг давлат сиёсатининг бошқа иқтисодий-ижтимоий, миллий, геосиёсат, ҳарбий сиёсат йўналишлари ҳам мавжуддир. Ана шу беш йўналишнинг йиғиндиси давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида хизмат қиладиган молиявий сиёсатни аниқлаб беради.

Молиявий сиёсат давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида бошқарувнинг юқори органларига тегишлидир. Мамлакат субъектлари даражасида

молиявий сиёсат борасида қарорлар қабул қилиниши чекланган ва маҳаллий ҳокимият органлари функциялари унчалик катта бўлмаган ҳолда бюджет ва маҳаллий солиқлар билан чегараланади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, энг аввало, ҳар бир мамлакат Конституцияси ва бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигида алоҳида ҳокимият органларининг функцияларини белгилловчи бошқа қонунлар мажмуига мувофиқ аниқланади. Ўзининг таъсирчанлиги ва муҳимлиги жиҳатидан энг катта иш бўлишига қарамай бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига тегишли деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки бюджет сиёсати қонунда белгиланган бюджет жараёнида ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижроия органлари функцияларини, бюджет жараёни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва ҳ.к.ларни аниқ белгилаши билан чекланмайди. Бюджет сиёсати бюджет даромадларига тушадиган маблағлар йиғиндисини, уни ЯИМга нисбатан ҳиссасини аниқланишида, мамлакат юқори ва қўйи органларнинг ўзаро муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимланишида, давлат қарзини бошқарилишида, бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқланишида ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг энг муҳим йўналиши сифатида иқтисодий муносабатлар майдонга чиқади. Беш юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида замонавий молия фани солиқларга нисбатан муносабатини аниқ белгилаш имконига эга бўлган ҳолда қўйидаги ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

- солиқларсиз давлатнинг фаолият кўрсатиши мумкин эмаслиги;

- солиқни ундириш қатъий ўсиш тенденциясига эга эканлиги;

- оқилона солиқ чегарасидан ўтилганидан сўнг хўжалик механизмларини такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсири самарасиз бўлади, банкротлик ботқоғига тушиб қолиши учун имконият яратилади;

- ҳар қандай ҳолатларга ҳам солиқлар мумкин қадар минимал даражада ўрнатилишига эришиш. Унга эришиш ички инвестицион салоҳиятни сафарбар этиш ҳисобидан таъминланиши;

- солиқнинг юқори чегараси капиталнинг четга чиқиб кетишига олиб келади;

- давлат томонидан иқтисодий тартибга солиниши талаб этилади, аммо абсолют миқдорларда яратилган соф даромаднинг 30% дан ортиқ қисми марказлаштирилса унда мамлакат иқтисодий ўсиши тўхтайд;

- солиқ имтиёзлари тушунарли бўлиши ва барча солиқ тўловчи субъектлар манфаатларига мос бўлиши зарур;

- солиқ тизими конфискацион (асоссиз тортиб олиш) характерига эга бўлмаслиги лозим. Фақат индивидуал даромадларнинг ўсишида ифодаланган миллий бойликнинг ўсиши солиққа тортиладиган базанинг иқтисодий чегарасини барқарор ўсишини таъминлаши мумкин;

- қонунлар ва қоидаларнинг барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг суммалардаги ўлчови ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим. Барқарорлик кафолатланмасда давлат ўзининг мажбуриятларини бузишга киришади, капитал хуфёна иқтисодийга ёки хорижга ўтиш жараёни кескинлашади, натижада бюджетнинг даромадлар базасини қисқартирилиши юз беради, бюджет дефицитига кенг йўл очиб берилади;

- солиқ тизими оддий, очиқ ва самарали, уни тўловчилар манфаатини ҳимоя этишга лаёқатли бўлмоғи лозим. Солиқлар сонини, солиққа тортиш объектларини кўпайтириш, кўп босқичли солиқларни жорий этиш солиқларни ундириш бўйича харажатларнинг ошиши, жарималарнинг ўсиши, пировардида мулкни конфискация қилиш, солиқ тўловчини касод деб эълон қилиш ва ҳоказо йўлларни кескинлашуви орқали иқтисодийнинг инқирозга учрашига сабаб бўлади. кўплаб корхоналар ўз фаолиятини тўхтади;

- солиққа тортиш эгри (билвосита) тизимининг устиворлиги бюджет даромадларини шакллантириш нуқтаи назаридан қулай

ҳисобланади. Лекин бу нарса охир-оқибатда мамлакат аҳолисининг тўлов қобилиятини пасайишига олиб келади. Чунки бундай солиқларнинг юки товарлар истеъмолчиси зиммасига, яъни яшаш минимуми даражасида даромадга эга бўлган аҳолига юкланади. Бу ҳолат даромадларнинг турли даражаларида истеъмолнинг нисбатан бир хил даражасига асосланган;

- эгри (билвосита) солиқларнинг хавфлилиги шундаки, бунда аҳолининг асосий қисмидан жамғармалар олиб қўйилади, бу ўз навбатида кредит тизими ва иккиламчи молиявий бозор тизимининг асосларини бузади. Эгри (билвосита) солиқлардан воз кечган АҚШ тажрибаси бунга яққол тасдиқдир;

- эгри (билвосита) солиқларни соғлиқ учун зарарли бўлган товарлар, зебу-зийнат буюмлари, айрим ҳолларда импорт қилинадиган товарлар (хизматлар) ҳамда бошқа бир қанча ўзига хос бўлган махсус ҳолатларга нисбатан қўллаш муҳимдир;

- даромад ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар солиқ базасининг асосийси ҳисобланиши ва пропорционал солиққа тортиш принципларига асосан ташкил этиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар меҳнатнинг асосий рағбатлантирилишини сусайтиради. Аммо ҳар қандай унумли меҳнат даромад келтириши лозим. Мамлакат иқтисодиётига солиқ сиёсатининг таъсири бевосита намоён бўлади – солиқ чегарасини юқори бўлиши такрор ишлаб чиқариш жараёнининг инвестицион имкониятларини қисқартиради, жамиятда истеъмол даражаси пасаяди, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ва хизмат секторлари ўсиш базаларининг пасайишига сабаб бўлади.

Молиявий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмларидан бири пул сиёсатидир, агар муомаладаги пул миқдори товарлар массаси миқдорига мос келмаса, пул массасининг етмаган қисми қоғоз пуллар (пулларнинг суррогати) ҳисобидан ёки хорижий валюта ҳисобидан тўлдирилади. Аксинча, агар пул массаси унга бўлган талабдан ортиқ бўлса ёки пул массасининг мамлакатдан четга чиқиши юз берса, унда миллий валютанинг қадрсизланиш ҳолати

юзага келади. Табиийки, бундай ҳолатларнинг барчаси мамлакат қонунчилигига ҳам бевосита боғлиқ.

Товарлар массаси чекланганда пул эмиссиясига сабаб бўлади, айтиш жоизки, миллий пул бирлигига эмиссия нисбатан бошқа мамлакатларнинг миллий пул бирлигининг қадрсизланишига сабаб бўлади. Ҳар бир мамлакатда пул сиёсатининг таркибий қисми бўлиб эмиссия сиёсати ва миллий валютанинг барқарорлиги ҳисобланади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашда ва бюджет даромадларини кўпайтиришда эмиссия сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис ҳам уни тартиблаштириш эҳтиёткорликни талаб этади.

Айтиш жоизки, пул массаси эмиссия таъсирида маълум бир миқдорий чегарадан юори бўлса, унда пул тизими инфляцияга дуч келади, яъни бюджет даромадларининг қадрсизланиши содир бўла бошлайди. Шундай ҳолат юзага келгудек бўлганда давлат ўз пул тизимини тезкорлик билан тартибга солишга қодир бўлмаса, унда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги пасаяди, унга қаттиқ путур етказилади. Шундай шароит юзага келса ва мамлакат миллий валютаси бошқа кучли валюталарнинг экспансиясига қарши туrolмаса, унда мамлакат ўз миллий бойлигидан (қисман, тўлиқ), яъни ўзаро ҳисобга олишлар, акцияларни сотиб олиш ва ҳ.к.лар орқали маҳрум бўлиши мумкин.

Кредит сиёсати ҳам молиявий сиёсатнинг таркибий қисмидир, унинг намоён бўлиши мамлакатнинг кредит тизими орқали амалга оширилади. Кредит тизими ссуда капиталининг фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ўз навбатида ссуда капитали такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланиб, айланма маблағларни тўлдириш ва инвестициялар учун маблағларнинг қарзга олинишини таъминлайди. Иқтисодиётнинг кредит сектори ўртача фойда нормасини тенглаштириш учун ҳам хизмат қилади. Фоиз ставкаси даражаси жамиятдаги иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. У асоссиз даражада юқори бўлса, қўйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- ❖ кредит ресурсларининг қайтарилмаслигига;

❖ ишлаб чиқариш ва хизматлар секторида маҳсулотлар нархининг ўсишига;

❖ қарзга олувчилар рентабеллик даражасининг пасайишига ва унинг оқибатида солиққа тортиладиган базанинг қисқаришига;

❖ такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектлари даромадларининг пасайиши натижасида ички истеъмол бозорининг торайишига вақт.к.

Аксинча кредит ресурсларининг арзонлашуви ишлаб чиқаришнинг соғломлашувига, товарлар массасининг ортишига, товарлар (хизматлар) баҳосининг пасайишига, ана шуларнинг натижасида эса такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектлари даромадларининг ошишига, солиққа тортиш базасининг кенгайишига ва бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида давлатнинг баҳо сиёсати монопол товар (хизмат)лар баҳоси ва тарифининг оқилона ўзгартирилиши орқали ифодаланади. Ер ости бойликлари, сув ҳавзалари, темир йўллар, электр узатиш тармоқлари, нефт ва газ қувурлари давлатнинг монопол эгалигидадир. Бу тармоқлар товарлари ва хизматлари баҳосининг ўсиши (ортиши) миллий хўжаликнинг барча бошқа секторларида баҳоларнинг ўсишига олиб келади. Шунинг учун ҳам баҳо сиёсати иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, энг аввало, мамлакат иқтисодиётининг реал секторига ўз ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шароит яратиш бўйича тадбирлар комплексидан иборат. Бу сиёсат давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришнинг турли даражаларида амалга оширилади. Инвестицион сиёсатнинг асосий вазифаси мамлакат иқтисодиётига инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни киритиш (жойлаштириш), мамлакат капиталининг “қочиб кетмаслиги”, аксинча, мамлакатга хорижий капиталлар оқимининг кириб келиши учун шароит яратиш орқали ифодаланади. Ижтимоий-молиявий сиёсат энг аввало мамлакат аҳолисининг ҳуқуқларини молиявий

жиҳатдан таъминлашга қаратилади. Ҳозирги пайтда бу сиёсат ўз навбатида пенсия сиёсати, иммиграцион сиёсат, аҳоли айрим ижтимоий муҳтож гуруҳларига молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсати ва бошқа сиёсатларни ўз ичига олади.

Бож сиёсатига молиявий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қараш билан биргаликда уни солиқ ва баҳо сиёсатларининг ҳам бир қисми сифатида эътиборга олиш керак. Чунки солиқлар ва божлар (бож йиғимлари) товар (хизматлар)нинг баҳосига бевосита таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида бож сиёсати мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усули бўлиб ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, бу сиёсат бир томондан, мамлакат ички бозорига импорт қилинаётган товарлар (хизматлар)ни кенгайтириши ёки чеклаши, иккинчи томондан, мамлакатдан товарлар (хизматлар) экспортини рағбатлантириши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, мамлакатда ўхшаши бўлмаган технологик асбоб-ускунани импорт қилишга 20%ли бож йиғими ўрнатилса, бу нарса мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион имкониятларини камайтиради, ички ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайтиради, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг салмоғини оширади.

Ҳар қандай мамлакатнинг бож сиёсати бумеранг (конкрет юзага келган шароитда баҳолай олиш) хусусиятига эга. Чунки бож ундиришнинг чекловчи ёки рағбатлантирувчи ставкалари жорий этилиши худди шундай жавоб чораларининг қўлланилиши билан кўзатилади. Бож сиёсати йўналишининг танланиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволига мос келиши керак. Агар биз бугун озик-овқат ва кундалик эҳтиёж товарларининг импорт қилинишига боғлиқ бўлса, бу бож ставкаларида ўз аксини топмоғи лозим. Аммо бож ставкалари рағбатлантирувчи бўлса, у ҳолда мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар хорижий товарлар билан рақобат қила олмайди. Умуман олганда, аксарият ҳолларда мамлакатнинг бож сиёсати божхона божлари ва тўловларини оширишга йўналтирилган бюджет сиёсатига боғлиқ бўлади. Хуллас молиявий сиёсат ва унинг таркибий қисмлари илмий жиҳатдан асосланган, маълум бир

мақсадларга эришишга йўналтирилган, мувофиқлаштирилган, хўжалик субъектларининг манфаатларига зид бўлмаслиги лозим. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат ички ва ташқи қарзларининг камайишига, давлатнинг олтин-валюта захиралари ортишига, инфляцияни пасайтиришга, бюджет дефицитининг камайишига, ЯИМ кўпайишига, мамлакат товарлари рақобатбардошлигининг кучайишига олиб келиши мумкин.

2.3. Замонавий молиявий сиёсатнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврига қадар мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётига катта таъсир эта олмаган молиявий сиёсат олиб борилди. Қолаверса, шу давр мобайнида мамлакат тараққиётини таъминлашда молиявий сиёсатнинг ролига етарлича эътибор қаратилмади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳани ривожлантиришда молиявий муносабатининг таъсири ва роли тикланди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни приоритетли йўналишларини белгилашда молия ва молиявий дастакларнинг роли етарлича эътиборга олинмади. Молиявий сиёсат мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган зарур усулларни ишлаб чиқишга ожизлик қилди. Ривожланишнинг узоқ даврига мўлжалланган ва илмий жиҳатдан асосланган концепцияларнинг ишлаб чиқилишига йўл қўйилган камчиликлар кам самара берадиган, қисқа муддатли фойда олишни кўзлаб амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётни тўғри йўлдан боришига тўсқинлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиши ва унинг илк қадами мустақил тараққиёт йилларида иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига таянган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия ва молиявий муносабатларда ҳам чуқур ислохотларни амалга ошириш зарурияти юзага келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида белгиланган стратегик вазифалар давлатнинг тактик чора-тадбирлари асосида бажарила

бошланди. Энг аввало товарлар (хизматлар)нинг мамлакатлараро ҳаракатини тартибга солиб турувчи, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган бож сиёсати ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилди. Бу сиёсат ҳозирги кунга қадар мамлакат ички бозорига паст сифатли, инсон саломатлигига путур етказувчи товарлар кириб келишининг олдини олиш ва илғор технологиялар, фан-техника ютуқлари натижаларининг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини рағбатлантириб келмоқда.

Ўзбекистонда замонавий молиявий сиёсатнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлишлиги эътироф этилди:

- давлат бюджетидаги дефицитни йўл қўйилган энг кам даража доирасида (ЯИМнинг 3-4% атрофида) чеклашга йўналтирилган молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- давлат харажатларининг, биринчи навбатда, иқтисодиётдаги зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини кўзлаб йўналтиришни таъминлаш;
- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи молиявий базани яратиш, эркин меҳнат ва ишбилармонлик асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- ижтимоий ҳимоянинг адресли бўлишига, молиявий маблағларнинг ижтимоий ёрдамга ҳақиқатда муҳтож аҳоли қатламларига етиб боришини таъминлаш;
- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳолининг барқарорлигини таъминлаш;
- бюджет интизомига қатъий риоя қилиш;
- солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида;
- солиқ тизимини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарли фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсирини ошириш;

- корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, қўшилган қиймат ва фойда солиғидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни жонлантиришга туртки бериш;

- солиқ тушумлари таркибини туюбдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш;

- маҳаллий бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш;

- давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бириктириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш;

- солиқ сиёсати белгилаб берган чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этувчи тегишли молия-солиқ механизминини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ва бошқалар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз омилларини бартараф этиш ва инқирозсиз фаолият доирасини шакллантириш шароитида асосий вазифалар сирасига бюджет профицитига эришиш ва уни даражасини мамлакатимиз молия сиёсати муаммолари қаторига унинг давлатимиз ривожланишининг ўзгарган шароитларига тезда мослаша олишини таъминлаш, ўз ечимини кутаётган вазифаларни ҳал этиш учун керакли усулларни ўз вақтида қўллаш олиш, концептуал стратегик ечимларни ишлаб чиқиш, маблағларга қараб яшаш талабига риоя этилишини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий талаб-эҳтиёжларини қондиришнинг молиявий асосини белгилашда қолдиқ усулидан ижтимоий харажатларнинг адреслилигини таъминлашга ўтиш каби конкрет чораларни ишлаб чиқиш ҳам киради.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқилган давлат молия сиёсати концепциясининг мақсади иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш асосида жамият аъзоларининг турмуш даражасини оширишни таъминлашдан иборат. Молия стратегиясининг

ижтимоий йўналтирилганлиги халқ фаровонлигини оширишга юбориладиган молия ресурсларини кўпайтириш имкониятларини қидириб топишда намоён бўлибгина қолмай, иқтисодий сиёсатнинг бош мақсадига бутунлай янгича ёндошувда ҳам намоён бўлади. эндиликда аҳоли турмуш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ўсишини таъминлаш молия ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Ижтимоий ҳимоя биринчи навбатда кам таъминланган фуқароларни, шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳам назарда тўтади. Бу эса ижтимоий ҳимояни, энг аввало, даромадларни индексациялаш (яъни, бюджет маблағлари ҳисобига ёки компенсацияларни истемол индексига мувофиқ ошириш йўли билан) орқали таъминланишини назарда тўтади.

Жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳасига молиявий таъсир ўтказишнинг асосий услублари бўлиб солиқ солиш, молия ресурсларидан оқилona фойдаланиш, молиялаштириш, молия бозори ва бошқалар ҳисобланади. Шу боис замонавий молия сиёсати энг аввало молия стратегияси талаблари асосида ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши муҳимдир.

Хўжалик юритишнинг турли-туман шаклларида фойдаланиш орқали жамоат талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ресурсларни тежаш, маҳсулот (товар, хизмат) турларини ва техника базасини янгилаш, рақобатни ривожлантириш, ташаббускорлик кўрсатиш учун шарт-шароитларни яратишда ҳам етакчи аҳамиятга эга. Молиявий сиёсат ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларни қондиришга йўналтириладиган молия ресурсларининг ўсишига, энг аввало, рентабелли фаолият кўрсатиш чораларини конкретлаштиришни таъминлайдиган тадбиркорликни назарда тўтади. Бироқ сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароит ўзгариши билан давлат харажатлари ўзгаради, яъни ўсиш томонга қараб. Шу муносабат билан замонавий молия сиёсати давлат молия ресурсларининг мунтазам ўсишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни ҳам

таъминлаши лозим бўлади. Бундай тадбирлар хўжалик субъектларини самарали ишлаши ва мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга оширилишига имконият яратади. Бунда бюджетга тушаётган тўловлар ҳажмини оширишни таъминлаш зарурияти юзага келади, бундан мақсад хўжалик бўғинларининг ишчан фаолиятини жонлантиришга қаратилган молия сиёсатининг ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлашдир.

Молиявий сиёсатни фаоллаштириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш амалиётини ривожлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Мисол учун, бюджет воситасида амалга ошириладиган “вертикал” услубга қарама-қарши молиявий ресурсларни молия бозори орқали “горизонтал” қайта тақсимлаш борган сари ривожланиб бориши муҳимдир. Мабалағларни истеъмолчиларга етказиб турилиши эса молиявий ресурслардан талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда фойдаланишни назарда тўтади. Молия бозорининг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқдир. Бунга эришиш учун аҳоли, корхона (ташкилот)ларнинг пул даромадлари ва жамғармаларини жалб этиш зарур. Шу муносабат билан давлат облигациялари ва хазина билетларини чиқариш ҳам давлат ресурсларининг ҳажмини кўпайтиради.

Замонавий молиявий сиёсат реал молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилиши муҳимдир. Молиявий ресурсларнинг кўпайиши билан сарфлар (харажатлар) ўсиши ишлаб чиқаришни молиялаштиришни яхши йўлга қўйилганлигини билдиради. Иқтисодий ва молиявий сиёсатлар доирасидаги барча тадбирлар ҳам аҳоли даромадларини ошириш имкониятини бериши, ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга асос бўлиши лозим. Молиявий сиёсатнинг ривожланишига мос равишда молия механизми ҳам такомиллаштирилиб борилиши муҳимдир. Молия механизмини такомиллаштиришдан мақсад бозор муносабатлари асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига унинг

таъсирини кучайтириш, молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Молия механизмини такомиллаштириш орқали корхона (ташкилот)лар ишининг яқуний натижаларини яхшилаш учун хўжалик масъулиятини бутун чоралар билан кучайтириш лозим бўлади.

Замонавий корхоналарнинг ишлаб чиқариш омилларидан иложи борича оқилона фойдаланиш орқали улар манфаатдорлигини оширишга эришиш мумкин бўлади. Бу эса, ўз вақтида алоҳида молиявий услублардан фойдаланиш заруратини юзага келтирмайди. Турли даражадаги рақобат корхоналарни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан молия назоратини кучайтиришни талаб этади. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш давлат томонидан молиявий муносабатларни бошқаришнинг аҳамиятини оширади. Молиявий бошқаришни оқилона ташкил этиш орқали корхоналарга солиқ солиш, қўшимча солиқларни (масалан, экспорт ва импорт солиғини) киритишни, меҳнаткашлар даромадларига солиқ солишни мақсадли дастурларни молиялаштиришни такомиллаштиришга замин яратилади. Оқилона молиявий назорат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат параметрларини яхшилаш учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қўйилган талабларга риоя қилиш учун молиявий жарималар тизимига талабчанлик оширилиши учун имконият яратади. Энг муҳими, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик, фойда ва бошқа солиқ солиш объектларини яширганлик ҳолатлари олди олинади, акс ҳолда жарима(санкция)ларнинг даражаси ва миқдори кучайтирилади. Бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам аудиторлик молия назорати кенг ривож топишига шароит яратиш талаб этилади.

Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳозирги кунда ижтимоий соҳа муассасалари (ташкилотлари)да янги хўжалик механизми жорий этилган. Ижтимоий соҳа муассасаларига пуллик хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолияти билан шуғулланиш,

олинган даромадларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилган. Бўларнинг барчаси давлат молия механизмига туб ўзгаришлар киритилганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси “Солиқ Кодекс”и (2008 йил), Ўзбекистон Республикаси “Бюджет Кодекс”ини (2013 йил) самарали амал қилиниши давлат бюджети даромадларини шакллантиришни бюджет даромадлари таркиби ва бюджетдан молиялаштириш тизими бутунлай янги йўналиш берди. Бюджетдан ташқари жамғармалар тизими кенг тарқалди. Бозор муносабатларининг ривожланиши мулкӣ ва шахсий суғуртани ташкил этиш ва бошқариш соҳасида ижобий натижаларга олиб келди: кооператив (ширкат) суғуртаси ривожланыпти, акционерлик суғурта жамиятлари вужудга келяпти, суғуртанинг янги турлари пайдо бўляпти. Суғурталанувчилар сон жиҳатдан ошиб бормоқда. Молия механизмини тегишли асосини яратилиши билан бирга содир бўлмоқда.

Назорат учун қўшимча саволлар

- ⇒ Бюджет – солиқ сиёсатининг моҳияти, маъно-мазмунини нимага асосланади?
- ⇒ Нима учун бюджет-солиқ сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади?
- ⇒ Хусусийлаштириш нимада намоён бўлади?
- ⇒ Ҳажм жиҳатидан молиявий сиёсат билан бюджет-солиқ сиёсати ўртасидаги боғлиқлик мавжудми?
- ⇒ Молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимининг энг асосий элементи бўлиб ҳисобланадими?
- ⇒ Молиявий сиёсат деганда нимани тушунасиз?
- ⇒ Сиёсат ва сиёсий таъсир қандай элементлардан таркиб топиши мумкин?
- ⇒ Молиявий сиёсатнинг ўзига хос асосий хусусиятларига нималар киради?
- ⇒ Молиявий сиёсатнинг асосий мақсади нима?
- ⇒ Корхона молиявий сиёсатининг асосий мақсади нима?

- ⇒ Молиявий сиёсат қандай принциплар асосида қурилади?
- ⇒ Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг методологик принциплари нималардан иборат?
- ⇒ Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларига нималар киради?

III БОБ. БЮДЖЕТ СИЁСАТИ – МОЛИЯВИЙ СИЁСАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

3.1. Бюджет сиёсатининг мазмун моҳияти

Бюджет сиёсати иқтисодиётнинг сифат ва мазмун жиҳатидан янги шаклга, яъни замонавий молиявий муносабатларга асосланган бюджет-солиқ сиёсатига ўтишни белгилаб беради. Бюджет сиёсати молиявий (бюджет-солиқ) сиёсатининг бир қисми бўлиб ҳисоблансада ҳам, бюджет сиёсатини молиявий (бюджет-солиқ) сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Ҳар бир алоҳида шахснинг манфаатларини амалга оширишнинг самарали механизмини яратмай туриб эса бюджет сиёсатини тараққиёт йўлига чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш мумкин бўлмайди. Энг умумий тарзда бюджет сиёсатини ривожланиши қўйидагиларни амалга оширилишини назарда тўтади:

- давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбаларини;
- бюджет харажатларининг устивор йўналишларини;
- бюджет номувозанатлилиги (нобаланслилиги, баланссизлиги)нинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларини;
- бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини;
- бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларини ва уларни амал қилиш принципларини ўз ичига олади.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда бюджет сиёсатига қўйидагича таъриф бериш мумкин, яъни бюджет сиёсати – бу давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбалари, бюджет харажатларининг мақсадли устивор йўналишлари, бюджет номувозанатлилиги (нобаланслилиги, баланссизлиги)нинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаралари, бюджет дефицитини молиялаштириш манбалари ва бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принципларини аниқлашдир.

Ўз навбатида, бюджет сиёсатининг таркибига қўйидагилар нисбий мустақилликка эга бўлишлиги боис уларга алоҳида тасниф берилиши ҳам мумкин, яъни:

- солиқ сиёсати;
- инвестицион сиёсат;
- давлат қарзларини бошқариш сиёсати;
- бож сиёсати ва бошқалар.

Айрим ҳолларда бюджет сиёсатига нисбатан бошқа мазмундаги тарифларга ҳам дуч келиш мумкин, яъни: турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаш бўйича тадбирлар мажмуига бюджет сиёсати дейилади, шунинг учун ҳам бюджет сиёсати:

- давлат бюджетининг харажатлар қисмининг таркибий тузилмасида;

- турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда;

- давлат бюджетининг дефицитини қоплаш манбалари ва усулларида;

- давлат қарзларини бошқаришнинг шакллари ва метождларида намоён бўлади.

Ҳар бир давлатнинг бюджет сиёсати унинг Конституцияси, бюджет тизими хусусидаги тегишли қонуни (масалан, Бюджет кодекси, “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун ва бошқалар), бюджет жараёни ва қонун ижодкорлигида айрим ҳокимият органларининг функцияларини белгилаб берувчи бошқа қонунлар мажмуига мувофиқ аниқланади.

Шу боис ҳам бюджет сиёсатини ривожланишини фақат бюджет жараёнига боғлаб қўймаслик керак, шунга мувофиқ равишда бюджет сиёсатини расмий кучга эга бўлиши учун қўйидагиларни аниқ белгилаб олиш лозим:

- ҳокимият ижроия ва қонунчилик шаклларининг бюджет жараёнидаги функцияларини;
- мамлакат субъектларининг (масалан, вилоятлар, туманлар ва б.) функцияларини;

- бюджетдан молиялаштириш принципларини;
- бюджет жараёнида мамлакат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва ҳоказоларни.

Улар амалдаги қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилиши лозим, бу жуда муҳимдир. Бюджет сиёсати:

- бюджетда концентрация қилинадиган солиқларни ЯИМга нисбатан салмоғини аниқлашда;
- марказий ҳокимият ва мамлакат субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда;
- бюджетнинг мақсадли харажатлар қисмининг таркибий тузилмасида;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда;
- консолидациялаштирилган бюджетнинг умумий суммасида республика бюджетининг ҳиссасида;
- давлат қарзини бошқаришда;
- бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлашда ва ҳоказоларда ифодаланади.

Бюджет қонун тарзида тасдиқланадиган ҳужжатдир, унда давлатнинг пул маблағларини ҳаракатида ўз ифодасини топади. Пул ресурсларини давлат сиёсати аниқлаб берадиган мақсадларга эришиш учун йўналтириш бюджет сиёсатининг энг асосий устиворлигини белгилаб беради. Агар мақсадга эришиш миллий иқтисодиёт таъминлайдиган маблағлардан кўп маблағ талаб этса, давлат қўшимча даромадларни шакллантиришнинг қўйидаги фавқулодда усулларини қўллашга мажбур бўлади: ички ва ташқи кредитлар, миллий бойликни сотиш, бойлик ва мол-мулкни ижарага бериш ва концессия кабилар шулар жумласидандир. Бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришнинг фавқулодда чоралари иқтисодий мустақиллик ва уни ривожланишига қай даражада таъсир этиши мумкин. Бунини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик органлари қарз олишнинг иқтисодий чегарасини олдиндан белгилаб қўйиши муҳим бўлиб ҳисобланади.

3.2. Бюджет харажатлари – бюджет сиёсати намоён бўлишининг асосий шакли

Бош Қомусимиз – мамлакатимиз Конституциясини кўздан кечирар эканмиз, унинг ҳар бир бандида инсон қадр-қиммати олий қадрият эканлигига гувоҳ бўламиз. Унда давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири белгилаб қўйилан, айниқса унда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни аҳамияти, уларни ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давлатнинг ролини ошириш, барча жараёнларни ресурслар билан таъминлаш масалалари мужассамлашгани бюджет сиёсатининг муҳим хусусиятларидандир. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекс”ининг 5 бўлим “Бюджет тизими бюджетларини харажатлари” таркибида яққол намоён бўлган. Ушбу қонун орқали бюджет сиёсатини мақсадли харажатларга хизмат қилиши, бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш асослари яратиб берилган. Шу боис ҳам бюджет сиёсатининг мазмуни бюджет харажатлари ва унинг таркибий тузилмаси орқали ўз аксини топади. Шу муносабат билан бу ўринда бюджет харажатларининг мазмун-моҳияти, таркиби, тузилмаси ва классификацияси тўғрисида аниқ тасаввурга эга муҳим аҳамият касб этади.

Айнан давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажариши билан боғлиқ равишда вужудга келган чиқимлар бюджет харажатлари деб эътироф этилади. Бу чиқимлар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан турли йўналишлар бўйича фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатларни ифодалайди.

Бюджет харажатлари умумий молиявий категория – бюджет кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характериға эга, ифодаланишнинг пул шаклиға хос пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шунингдек, бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан

фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти унинг турли-туман кўринишлари (турлари) орқали намоён бўлади. харажатларнинг ҳар бир тури ўзининг миқдорий ва сифат характеристикасига эга. Уларнинг сифат характеристикаси воқеликнинг иқтисодий табиатини ифодалаб, бюджет харажатларининг мўлжалланганлигини, миқдорий характеристика эса уларнинг ўлчамини (миқдорини ҳажмини) аниқлашга имкон беради.

Бюджет харажатларининг конкрет турлари ўз мақсадлилиги ва бюджет маблағлари истеъмолчилари талабини қондирилиши билан намоён бўлади. бюджет харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги эса ўз навбатида қўйидаги омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади:

- давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари;
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси;
- давлат бюджетининг миллий иқтисодиёт билан уйғун даражада боғланганлиги;
- мамлакатда иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси;
- давлат бюджети маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва ҳ.к.

Бу омилларнинг қўшилиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳар қандай давлат бюджет харажатларининг у ёки бу тизимини вужудга келтиради.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг ва шунга мос равишда бюджет сиёсатининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларга кўра туркумлаштириш мақсадга мувофиқ.

Назария ва амалиётда бюджет харажатларини классификация қилишнинг бир неча белгилари мавжуд (1- чизмага қаранг).



Бюджет харажатлари иқтисодий мазмунига кўра капитал ва жорий харажатларга бўлинади, бу харажатлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш даражаси билан ифодаланади. Мамлакатда инновацион ва инвестицион фаолиятга йўналтирилган харажатлар бўлиб ҳисобланади, уларнинг таркибига:

а) тасдиқланган инвестицион дастурга мувофиқ ҳаракатдаги ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар;

б) тадбиркорлик субъектлар фаолияти давомида инвестицион мақсадлар учун бюджет кредитлари сифатида бериладиган маблағлар;

в) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатлари ва шу билан боғлиқ бошқа харажатлар;

г) лойиҳани амалга оширилиши давлат мулкига тегишли бўлган мулкни ошириш ёки уни янгидан яратишга олиб келадиган харажатлар;

д) давлат бюджет харажатларининг иқтисодий туркумланишига мувофиқ тегишли даражадаги бюджетнинг капитал тамирлаш харажатлари таркибига киритиладиган бошқа харажатлар кирази.

Давлат бюджетнинг капитал тамирлаш харажатлари таркибида шакллантирилиши ҳамда сарфланиши мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, бюджетнинг жорий харажатлари деганда давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлашга йўналтирилган тегишли даражадаги республика ва маҳаллий бюджет харажатлари, бошқа бюджетлар ва иқтисодиёт алоҳида тармоқларига дотация, субсидия ва субвенция шаклида кўрсатиладиган бюджет трансфертлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар ва бюджет харажатларининг туркумланишига мувофиқ капитал тамирлаш учун харажатларнинг таркибига киритилмаган бошқа харажатлар тушунилади.

Амалдаги қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда бюджетнинг жорий харажатлари таркибига:

- давлат истеъмоли харажатлари (иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, миллий хўжаликнинг давлат тармоқларини сақлаш, фуқаролик ва ҳарбий ҳарактердаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш, давлат муассасаларининг жорий харажатлари);
- трансферт тўловлари;
- давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаш ва бошқа харажатлар.

Бу харажатлар оддий бюджетда ёки жорий харажатлар ва даромадлар бюджетида акс этган харажатлар элементларига мос келади. Бюджет харажатлари такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра иқтисодиётга қилинадиган харажатлар, ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини турмуш фаровонлигини молиявий қўллаб-қувватлаш харажатларига бўлинади. Бундай харажатларга: давлат корхоналари ва давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш, уларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш; давлат моддий захираларини яратиш ҳамда сақлаш учун ажратиладиган харажатлари киради.

Бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳам ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган харажатлардир. Бу харажатлар истеъмол фондаларини


шакллантиради. Уларнинг бир қисми жамият аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини, бошқа бир қисми эса бутун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Бу ерда бюджет харажатлари ижтимоий истеъмол фондларини (мамлакатнинг мудофаа фонди, илмий тадқиқотлар фонди ва бошқалар) шакллантиришни тўлиқ, шахсий истеъмол фондларини эса қисман (номарказлаштирилган молиявий ресурслар билан биргаликда) таъминлайди. Шунингдек, бюджет маблағларининг катта қисми шахсий истеъмол фондларининг ижтимоий истеъмол фондларига (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этадиган хизматлар баҳоси ўртасидаги фарқларни қоплаш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар фондлари ва бошқалар) тегишли бўлган қисмини шакллантиришда кенг фойдаланилади.

Бюджет харажатларини иқтисодий мазмун ва моҳиятига қараб ташкил топиши амалда мукамал бюджет сиёсатини олиб борилишини эътироф этади, чунки бюджет харажатларини юқорида қайд этилган белгилари бюджет сиёсатини мақсадга қаратилишини талаб этади. Бюджет сиёсати таъсирида эса талаб этиладиган даражада ҳар бир харажат тури ва элементи чегарасида маблағларини бюджетдан молиялаштириш мукамал даражада таъминланди.

Функционал нуқтаи назардан бюджет харажатларининг классификация қилиниши пул маблағларининг ижтимоий фаолият соҳаларига йўналтирилганлигини акс эттиради (3.2-чизмага қаранг).

Бюджет харажатларининг чизмада келтирилган тартибда классификация қилиниши ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги бюджет сиёсати ва уни ҳаётга тадбиқ этишга давлатнинг ролини нақадар муҳимлигини ифодалайди. Бюджет харажатларининг тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратиш асоси сифатида миллий иқтисодиётнинг умумэътироф этилган тармоқларга бўлиниши қабул қилинган.

Бюджет харажатларини гуруҳланиш тартиби




Шунга мувофиқ ҳозирги шароитда бюджет харажатлари: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви, мудофаа ва бошқа харажатларга бўлиниши мумкин. Бюджет харажатлари миллий иқтисодиёт тармоқларининг пул жамғармаларини шакллантиришда мустаҳкам молиявий асос яратиш билан биргаликда харажатларнинг тармоқлараро бўлиниши молиявий ресурсларни тақсимлашдаги нисбатларни аниқлашга қаратилган бюджет сиёсатини олиб боришга имкон беради. Бюджет сиёсати миллий хўжаликнинг тармоқ таркибий тузилишини керакли йўналишда ўзгартириши ҳам мумкин. Ҳозирда мамлакатимизда яратилган миллий даромаднинг ҳажми бюджет маблағларининг катта қисмини ижтимоий соҳа ва

аҳолини бевосита ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имконини беряпти. Бир вақтнинг ўзида бюджет сиёсати иқтисодиётнинг устивор тармоқларини (машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, электроэнергетика ва бошқалар) катта қўламларда бюджетдан молиялаштиришни таъминлашга ҳам қаратилмоқда.

Бюджет харажатларини идоравий белгисига кўра классификация қилиниши бюджет ассигнованияларини олувчи вазирлик ва бошқа давлат муассасасини ажратиб олинишига ва шу орқали бошқарув тизимининг ўзгариши билан боғлиқ харажатлар тузилмасидаги ўзгаришлар ўз вақтида аниқланган ҳолда кўрсатилади.

Бюджет харажатларини ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича гуруҳларга ажратилиши давлатнинг тоифаси ва функцияларини бюджет сиёсати орқали эътироф этилади. Ана шунга мувофиқ равишда бюджетнинг барча харажатларини қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

3.3 – чизма



Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ўз таркибига маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджетдан қоплаш ва оилаларга ижтимоий нафақаларни олади. Давлатнинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттириб, бу гуруҳдаги бюджетнинг

харажатларихалқ таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, фан ва маданиятни молиялаштиришга, аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабини (эҳтиёжини) қондиришга, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотни амалга оширишга кенг йўл очиб беради.

Таълим ва соғлиқни сақлашни пулсиз хизматларини (текин) ҳамон устиворлигича қолиши диққатга сазовордир. Умумий таълимни текин ва касбий таълимни танлов асосида олиш кафолатланганлигича қолмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда иш ҳақининг энг кам даражасини ошириш, ишсизлик бўйича берилиши лозим бўлган нафақаларнинг миқдорини кўпайтириш, мактаб ёшигача бўлган болалар, мактаб ўқувчилари, талабаларнинг овқатланиш харажатларини компенсация қилиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини тартибга солиш бўйича тинимсиз амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётга бюджетдан харажатларнинг қилиниши давлатнинг хўжалик юритувчи субъектларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. айнан бу харажатлар катта кўламларда янги sanoat корхоналарини қуриш, замонавий индустриал асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, транспорт, алоқа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга имконият яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджетнинг мазкур харажатлари орасида иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган бюджет харажатлари ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги шароитда бюджетнинг маълум мақсадларга йўналтирилган таъсирчанлиги кучаймоқда. Бюджет харажатлари иқтисодиётни ривожлантириш манбаи сифатида уни рағбатлантирувчиси сифатида таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг кўпгина sanoati ривожланган мамлакатларидаги каби иқтисодий ўсиш айнан мамлакатнинг

иқтисодиётини молиявий кўллаб-қувватлаш натижасида содир бўлмоқда.

Бюджетнинг иқтисодиётга йўналтирилган харажатлари таркиби илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилма, қишлоқ хўжалигини ва иқтисодиётнинг давлат тармоқларини кўллаб-қувватлаш, миллий хўжаликнинг айрим тармоқлари ва мамлакат минтақаларида бандликни таъминлаш, экспортни рағбатлантириш харажатларидан ҳам иборат.

Кейинги йилларда давлат капитал қўйилмаларининг ҳажми кескин ошмоқда. Хусусий фирмаларга берилаётган субсидиялар миқдори кўпаймоқда. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида унинг айрим тармоқларида давлат кафолати остида давлат субсидиялари ёки имтиёзли банк кредитлари кўринишида танланма ёрдам кўрсатиляпти.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғига бюджетдан катта миқдордаги маблағлар тақдим этиляпти, бу тармоқ устивор равишда кўллаб-қувватланиши лозим бўлган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига бериладиган субсидиялар икки кўринишда тақдим этилмоқда:

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига кафолатланган баҳоларни кўллаб-қувватлаш;

2) ишлаб чиқариш мақсадлари – қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғитлар сотиб олиш, омборхоналар қуриш ва ҳоказолар учун.

Товар (маҳсулот, хизмат)ларни экспорт қилувчи корхоналар фаолиятига бюджетдан амалдаги қонунлар доирасида молиявий ёрдам кўрсатилиши жаҳон бозорларидаги рақобат шароитида уларнинг молиявий аҳволини анча яхшиламоқда.

Давлатнинг бюджет харажатлари орқали иқтисодиётга аралашуви иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори суръатларда бўлишини рағбатлантирибгина қолмай, балки унинг даврий тебранишини ҳам юмшатмоқда.

Бюджетнинг ҳарбий (мудофаа) харажатлари ҳам давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Улар ҳар бир давлатнинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши билан боғлиқдир. Бюджет маблағлари ҳисобидан Қуролли Кучларнинг барча турлари молиялаштирилади.

Айрим иқтисодий ишларда бюджетдан мудофаа харажатларини икки турга, яъни тўғри(бевосита) ва эгри(билвосита) турларга бўлиш орқали унга тасниф бериш ҳолатлари мавжуд. Бюджетдан мудофаа харажатларини икки турга бўлган ҳолда таснифлаш бу жуда муҳимдир. Аммо эгри(билвосита) харажатлар таркибига айнан тўғри(бевосита) харажатлар тўрини киритилишини ўринсиз деб биламиз. Чунки ҳақиқий эгри(билвосита) харажат турларини аниқлаш доимо мунозарали бўлиб келган. Шунга қарамай эгри(билвосита) харажатлар турига бошқа соҳаларда бюджетдан қилинган харажатлар ҳисобидан яратилган қийматни мудофаа соҳаларига олиб ўтилишини ёки шунга тенг ҳаракатлар билан боғлиқ харажатларни киритиш мумкин. Мисол учун ҳарбий мактабларда кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар тўғри(бевосита) харажат деб эътироф этсак, унда ҳарбий кафедраларга эга ОўЮ мутахассисларини тайёрлаш билан бир вақтни ўзида уларга ҳарбий унвонларни берган ҳолда ҳарбий хизматга жалб этилиши билан боғлиқ харажатлар таълим харажатлари бўлиб ҳисобланади. Аммо бундай харажатлар ОўЮлари учун тўғри (бевосита) харажат сифатида эътироф этилса, унда мудофаа учун бундай харажат тури эгри(билвосита) харажат сифатида эътироф этилиши мумкин. Ушбу харажатлар турларини ўрганиш ва таҳлил этиш алоҳида изланиш ишларини олиб борилишини талаб этади.

Шунга қарамай иқтисодчи олимлардан Т.С. Маликов ва П.Т. Жалиловлар томонидан ушбу масалага нисбатан ёндашувларни диққатга молик бўлсада (чунки бундай ёндашув улар томонидан биринчилар қаторида Ўзбекистонда чоп этилган адабиётларда қайд этилган), уларни ўрганиш ва такомиллаштириш талаб этилади. Уларнинг фикрига кўра, ҳарбий (мудофа) харажатлар(и) тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) харажатларга бўлинади. Тўғри

(бевосита) ҳарбий харажатлар стратегик қурооларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш, Қуроолли Кучларнинг шахсий таркибини тайёрлаш ва сақлаш, ҳарбий характердаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш харажатларидан иборат бўлиши мумкин. Бу турдаги ҳарбий (мудофа) харажатлар(и) уруш ҳаракатлари содир этилаётган пайтда ва мамлакат иқтисодиётининг милитаризациялашуви шароитида кескин ошади деб фикр билдиришса, унда эгри (билвосита) ҳарбий (мудофа) харажатлар(и)га ноғиронлари ва вафот этганлар оилаларига бериладиган пенсия ва нафақалар, фуқаролик идораларининг моддалари бўйича ўтадиган харажатларнинг (масалан, йўл ва стратегик объектларни қуриш харажатлари) бир қисми киради.

Давлат томонидан бошқарув шаклидаги фаолият тўрини амалга оширилиши, унинг хўжалик – ташкилотчилик функцияси бюджетдан бошқарув харажатлари деб номланадиган алоҳида харажатлар қилинишини тақозо этади деб фикр билдиришган. Бошқарув (давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлар) харажатлари давлат органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига раҳбарлик қилишга имкон яратади.

3.3. Бюджетдан молиялаштириш ва бюджет сиёсати

Ривожланган мамлакатларга субсидиялар ва кредитлар бериш улар бюджетларидан амалга оширилади. Бундай ёрдам ҳам иқтисодий омиллар, ҳам сиёсий жиҳатлари билан характерланади. Имтиёзли шартларда кредитлаштириш ва қайтарилмайдиган тарзда ёрдам кўрсатиш унинг кўринишларидандир.

Бюджетнинг барча харажатлари юқоридаги бешта гуруҳдан қайси бирига киришидан қатъий назар, улар ўзларининг маълум аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича ҳам бир неча қисмларга бўлинади. Бу қисмлар бюджет харажатларининг аниқ турларидан таркиб топади. Капитал қўйилмалар, дотациялар, субвенциялар,

субсидиялар, бюджет ссудалари иш ҳақи, овқатланиш харажатлари, капитал ва жорий ремонт, канцелярия ва хўжалик харажатларини бюджет харажатларининг конкрет турлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бюджет харажатларининг маълум аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича туркумланиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга шароит яратади, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан самарали ва таъсирчан молиявий назоратни амалга оширишнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Бюджет харажатларини иқтисодий нуқтаи-назардан туркумларга ажратилиши билан бир қаторда ташкилий жиҳатдан ҳам гуруҳларга ажратиш ҳам муҳимдир. Бунинг асосида бюджет харажатларини юқори ташкилотлар (вазирликлар, уюшмалар, ассоциациялар, бирлашмалар, концернлар, компаниялар ва ҳ.к.) ва ҳудудий белгилари ётиши мумкин. Бюджет харажатларининг юқори ташкилотлар бўйича гуруҳланиши бюджет маблағларини аниқ олувчиларни кўрсатади ва улар тармоқ ичида пул фондларини шакллантиришда масъул бўлиб, ажратилган бюджет ассигнованияларидан ўз вақтида, самарали ва қонуний фойдаланиш устидан жавобгардирлар.

Давлат бошқаруви даражаси ва юридик нуқтаи назардан бюджет харажатлари уч гуруҳга кирувчи харажатлардан таркиб топади:

- Давлат бюджети харажатлари;
- Республика бюджети харажатлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий

бюджетларнинг харажатлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”нинг бўлим ва моддасига кўра давлат бюджетининг харажатлар қисми қўйидагилардан иборат:

- Давлат бюджетининг харажат қисми қўйидагилардан иборат:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- иқтисодиёт харажатлари;

- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари;

- судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

- бошқа харажатлар.

- Давлат бюджетининг харажат қисми таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари ҳисобга олинади.

Ўз навбатида, республика бюджети харажатларининг таркиби кўйидагилардан иборат:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари, болалар уйлари, таълим муассасаларини ахборот-услубий жиҳатдан таъминлаш муассасалари, вазирликлар ва идоралар тасарруфидаги таълим муассасалари, бошқа ёрдамчи муассасаларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизими тадбирларининг харажатлари;

республика шошилиш тиббий ёрдам маркази, ОИТСга қарши кўрашиш республика маркази, Давлат санитария-эпидемиология

назорати, карантин ва ўта хавfli инфекциялар профилактикаси, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юр்தларининг клиникалари, қон қўйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси республика муассасалари, республика вазирликлари ва идоралари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тўтилган хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим тоифадаги фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатилганлиги учун республика ихтисослаштирилган марказлари харажатларининг ўрнини қоплаш (субсидиялар);

қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

республика вазирликлари ва идоралари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, теле- ва радиодастурлар яратиш ҳамда уларни тарқатишга доир хизматлар таъминоти ва уларга ҳақ тўлаш, ҳукуматнинг алоҳида қарорларига кўра оммавий ахборот воситаларини сақлаб туриш, кино- ва видеомаҳсулотлар яратиш, маданий мерос объектларида реставрация ишларини бажариш, тасдиқланган календарь режаларга мувофиқ маданият ва спортни ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тўтилган мақсадли тадбирлар харажатлари;

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишларининг давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантлар бўйича амалга ошириладиган илмий-техник лойиҳалар, ноёб илмий объектларни ва фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаб туриш, илмий лойиҳалар экспертизасини ўтказиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети

ҳисобидан амалга ошириладиган фанга доир алоҳида тадбирлар харажатлари;

-давлат архивларини сақлаб туриш харажатлари;

-республика вазирликлари ва идоралари тасарруфидаги уруш ҳамда меҳнат фахрийлари учун пансионатлар ва санаторийларни, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тўтилган, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

-давлат мукофотлари, давлат пул мукофотлари билан тақдирланганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган давлат пул мукофотлари ва мукофотларини тўлаш харажатлари;

-болалиқдан ноғиронларга ва бола туғилганда бериладиган нафақаларни, қонун ҳужжатларида айрим тоифадаги шахсларга белгиланган компенсацияларни тўлаш учун ваколатли органга маблағлар ажратиш харажатлари;

-Чернобиль АЭС ҳалоқати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, айрим тоифадаги шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни тўлаш харажатлари.

2) давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;

3) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

-қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги республика назорат органларининг харажатлари, сув, қишлоқ, ўрмон хўжалиги харажатлари, қишлоқ хўжалиги экинлари зарарқунандаларига қарши кўрашиш муассасаларининг хизматларига ҳақ тўлаш ва уларни сақлаб туриш харажатлари;

-ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушумларга мувофиқ бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармаларнинг ҳар йили тасдиқланадиган асосий параметрлари доирасида бюджетдан ажратиладиган мақсадли маблағлар;

-қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тўтилган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, топография-геодезия, картография ва кадастр, шунингдек геология қидирув ишлари, давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш харажатлари, чегарадош давлатларга ҳақ эвазига ердан фойдаланиш тўлови, гидрометеорология хизмати муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

-атроф муҳит ва ландшафтнинг муҳофаза қилинишини, биологик хилма-хилликнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

4) республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

5) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари, шу жумладан:

-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини;

-Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини;

-Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини;

-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятини;

-қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағларидан сақлаб турилиши назарда тўтилган давлат бошқаруви органларини;

-Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

б) судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;

7) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасини шакллантириш харажатлари;

8) бошқа харажатлар:

-сиёсий партияларга уларнинг уставида белгиланган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлар;

-қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш;

-Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш ва уларни молиялаштиришда иштирок этиш харажатлари;

-давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш ва Ўзбекистон Республикасининг кафолатланган мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатлар;

-давлат буюртмаси бўйича статистика ишларига ҳақ тўлаш;

-Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайловлар ва референдумларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича харажатлари, шу жумладан округ ва участка сайлов комиссияларини, сиёсий партияларни молиялаштириш;

-хўжалик жамиятларидаги давлат улушини бошқариш бўйича давлат ишончли вакилларининг хизматларига иш ҳақини тўлаш;

-давлат захиралари ва стратегик захираларни вужудга келтириш, сақлаб ва янгилаб туриш билан боғлиқ харажатлар;

-мудофаага, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга, божхона органларига ажратиладиган маблағлар, шу жумладан ҳарбий хизматни, ички ишлар органларида, божхона органларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оилаларига пенсиялар ва нафақалар учун харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларига

мувофиқ фаолияти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар, ташкилотлар ва идораларга ажратиладиган маблағлар;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа харажатлар.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

-Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар;

-давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари ва дотациялар;

-юрidik шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳамда чет давлатларга кредитлар белгиланган тартибда ажратилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

-умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабдан ташқари таълим, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқа ёрдамчи ва услубий таълим муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

-болалар уйлари, давлат болалар шаҳарчаларини сақлаб туриш, қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги ёрдамчи хизматлар ва мақсадли тадбирлар харажатлари;

-Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази филиалини, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, ихтисослаштирилган касалхоналар ва диспансерларни, туғруқхоналар ва акушерлик мажмуаларини, тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, қон қўйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси муассасаларини, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти филиалини, ҳудудий

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тўтилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари;

-қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

-ҳудудий маданият, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш органлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирларни амалга ошириш харажатлари;

-Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги архивларни сақлаб туриш харажатлари;

-Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги қариялар ва ноғиронларнинг интернат-уйлари, пансионатлари ва санаторийлари, ноғиронларни реабилитация қилиш марказларини, бошқа муассасаларни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

-шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўловчиларни ва бағажни чекланган тарифлар бўйича ташиш, шунингдек алоҳида тоифадаги фуқароларни имтиёзли ташиш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

-қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат органларини сақлаб туриш, шу жумладан ҳайвонлар касалликларига қарши кўрашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш;

-уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

-мамлакатда мавжуд сув йўлларининг айрим техник участкаларини сақлаб туриш;

-аҳоли пунктларини ободонлаштириш;

-шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, шунингдек айрим ташкилотлар харажатлари;

-қонун ҳужжатларида назарда тўтилган ўрмон хўжалигини сақлаб туриш харажатлари;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, шу жумладан:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;

6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет

ссудалари, дотациялар, субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ажратилиши мумкин.

Шунингдек, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлари қўйидагича амалга оширилади:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

туманлар (шаҳарлар) халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларини, шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини сақлаб туриш ҳамда қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тўтилган таълим тизимидаги тадбирлар харажатлари;

туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларини ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати туман, шаҳар муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;

қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари тасарруфидаги маданият муассасаларини, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданиятни, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга тайинладиган ҳамда тўланадиган ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам ҳамда табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам, уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобил АЭС ҳалоқати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

туманлар ва шаҳарлар ветеринария бўлимларини, ҳайвонлар касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ташхис марказларини сақлаб туриш;

шаҳарларнинг ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш;

уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари;

3) туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

5) бошқа харажатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тўтилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий – ҳудудий тузилишига мувофиқлиги принципи тегишли тартибда амалдаги ҳуқуқларни мустақил амалга оширишни англатади.

Бюджет тизими бюджетларининг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги принципи аввало бюджет тизими бюджетларида назарда тўтилган харажатлар ҳажми уларнинг даромадлари ва тақчилликни қоплаш манбалари йиғиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлиши, бюджетларни тузиш ва ижро этишда бюджетларнинг маблағлари мазкур бюджетларнинг баланслилигини таъминлаш учун улар ўртасида қайта тақсимланишини назарда тўтади.

Бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш принципи эса бюджетларни тузишда бюджет таснифига мувофиқ, даромадлар уларнинг аниқ манбалари бўйича прогноз қилинишини, харажатлар эса йўналишлар бўйича режалаштирилишини англатади.

Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиқ хусусияти принципи энг аввало бюджетларнинг маблағлари муайян бюджет ташкилотлари ва

бюджет маблағлари олувчиларга ушбу маблағлардан белгиланган мақсадларни молиялаштиришда фойдаланиш учун ажратилишини акс эттиради.

Бюджет тизими бюджетларининг мустақиллик принципи эса бюджет тизими бюджетлари мустақиллигини англатади.

3.4. Бюджет сиёсати ва бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредити.

Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлиги принципининг маъно-мазмунини шундан иборатки, унга мувофиқ бюджет жараёни иштирокчилари бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этишда, ўзларига берилган ваколатлар доирасида, бюджет тизими бюджетларининг белгиланган ҳажмдаги маблағларидан фойдаланган ҳолда натижага эришиш зарур.

Кассанинг ягоналиги принципининг маъно-мазмунини асосан бюджет тизими бюджетларининг барча даромадлари Ягона ғазна ҳисобварағига киритилади ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобташкилдан амалга оширилишини англатади.

Бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги принципи эса бюджет жараёнининг ҳар бир иштирокчиси бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлишидан иборатдир.

Очиқлик принципининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, очиқ матбуот орқали давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиб-таомилларини жамият ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек, тасдиқланган давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин. Очиқлик принципи давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг бориши тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва

молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ва янгилаб борилишини кўзда тўтади.

Айтиш жоизки, ҳозирги тараққиёт босқичида бюджет харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғланган ҳолда шаклланган. Бундай боғлиқлик харажатларнинг миқдорий жиҳатдан даромадларга мувофиқ келиши билан ифодаланади. Бюджет даромадларининг ҳажми давлатнинг иқтисодий имкониятлари билан аниқланишини эътиборга олган ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг шундай муддатларини ўрнатиш лозимки, улар минимал харажатлар қилиб, максимал самарага эришиш орқали давлат олдидаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминласин.

Бюджет харажатлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши уларни хўжалик фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳолашни жуда долзарб муаммо қўяди. Бунда миллий хўжаликнинг якуний натижасини баҳолаб, фақат унга тегишли бўлган даромадларнинг қўшимча равишда ўсганлигига эътибор бериш билан чекланмаслик лозим.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ Бюджет сиёсатини амалга ошириш ва ҳаётга тадбиқ этиш йўллари нимада намоён бўлади?

⇒ нимага бюджет тизими деб айтилади?

⇒ Мамлакатнинг бюджет тизими нималарга боғлиқ?

⇒ бюджет тизими неча бўғинли бўлиши мумкин?

⇒ бюджет тизими қандай принциплари нималардан иборат?

⇒ Бюджет тизимининг ягоналиги принципида нима назарда тутилади?

⇒ Бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги принципи нима тушинилади?

⇒ Бюджетларнинг мустақиллиги принципи нималарни тақозо этади?

⇒ бюджетларнинг даромадлар ва харажатларининг тўлиқ акс этиши принципи нималарни англатади?

- ⇒ Бюджетларнинг баланслилиги принципи деганда нима кўўзда тутилади?
- ⇒ Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги принципининг маъно-мазмуни нималардан иборат?
- ⇒ Бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги принципи нимани англатади?
- ⇒ Бюджет тизимидаги ошкоралик принципи деганда нимани тушунаси?
- ⇒ Бюджетнинг ҳаққонийлиги принципи нималарни тақозо этади?
- ⇒ Бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги принципи деганда нимани тушинаси?
- ⇒ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш ваколатларига нималар киради?
- ⇒ Бюджет тузилмаси деб нимага айтилади?

IV БОБ. БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ, БЮДЖЕТ ТЎЗИЛМАСИ ВА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ

4.1. Бюджет сиёсатини амалга оширишда бюджет тизими ва бюджет тўзилмаси роли

Мамлакатда қайсидир кўринишда шаклланишидан ва қай кўринишда бўлмасин бюджет сиёсати асосан давлат бюджет тизими орқали ҳаётга тадбиқ этилади. Шу боис, унинг таърифи, принциплари ва бошқариш соҳасидаги ваколатларини аниқлаш муҳимдир.


Амалда қонунга асосан турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодалайдиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро молиявий муносабатлар мажмуига бюджет тизими дейилади. Айрим ҳолларда, бюджет тизими дейилганда эса мамлакатдаги мавжуд бюджетлар тўплами (мажмуи) тушунилади.

Айтиш жоизки, бюджет тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига (қурилишига), давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-худудий бўлинишига бевосита боғлиқ. Дунё мамлакатларида бюджет тизими икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин. Унитар давлатлар бюджет тизими икки бўғиндан федератив давлатларда эса уч бўғиндан (марказий бюджет, федерация аъзолари бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиши мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими маълум бир принципларга таянади (4.1-чизмага қаралсин).


Бундай принципларнинг таркиби






4.1-чизма. Бюджет тизими принципларнинг таснифи.


Мамлакат бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли ҳокимият органлари алоҳида ваколатларга эгадир.



Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва жойлардаги давлат ҳокимият органлари ҳам бюджет тизимини бошқариш соҳасида бир неча ваколатларга эга.



Мамлакат бюджет тизимини бошқаришда Ўзбекистон
 Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ваколатлари:



Бюджет сиёсатининг муваффақиятига, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет тузилмаси ва бюджет классификацияси бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Давлат бюджетини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуига (унинг ички бўлинмалари таркиби ва тузилмаси, улардан фойдаланиш соҳаларининг функционал чекланганлиги, ўзаро бўйсунувчанлиги, ўзаро алоқадорлиги ва таъсирчанлиги ҳамда ҳуқуқий томонларини инобатга олган ҳолда) бюджет тузилмаси дейилади. Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузилмаси унинг миллий-давлат ёки маъмурий-ҳудудий тузилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг тузилиши:

- Республика бюджетини;

· Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда шу республикага бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Вилоятлар бюджети эса вилоят бюджетидан, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан иборатдир. Шунингдек, туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Ва ниҳоят, туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетидан ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларидан таркиб топади.

4.2. Бюджет классификацияси

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ўзларининг манбалари, маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва бошқа белгиларига кўра хилма-хилдир. Бир вақтнинг ўзида улар умумий белгиларга ҳам эга. Бутун мамлакат миқёсида бюджет даромадлари ва харажатларининг тўғри режалаштирилиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун улар классификация қилинади.

Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳларга ажратишда ёки гуруҳлашда бюджет классификацияси муҳим рол ўйнайди. Ундан Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини ягона бир тизимга келтириш учун фойдаланилади ва бюджет классификацияси бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан таққосланишини таъминлайди. Шундай қилиб, маълум бир тизимга келтирилган ва ўрнатилган тартибда код (шифр)лаштирилган бюджет даромадлари ва харажатларининг бир хил белгилари бўйича илмий асосланган иқтисодий гуруҳланишига бюджет классификацияси дейилади.

Бюджет классификациясининг асосида даромадлар бўйича уларнинг манбалари, харажатлар бўйича эса маблағларнинг мақсадли сарфланиш йўналишлари ётади.

Бюджет классификациясининг бўлинмаларига қатъий риоя этган ҳолда бюджетни прогнозлаштириш (режалаштирилиши) амалга оширилади, бюджет ташкилотларининг индивидуаль ва умумий ҳамда йиғма тармоқ сметалари тузилади, маҳаллий, республика ва Давлат бюджетининг ишлаб чиқилиши амалга оширилади.

Бюджетнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозлари (режалари), хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори ташкилотларини молиявий режалари билан боғлиқлигини таъминлашда, бир турдаги бюджет ташкилотларининг харажатлари ва алоҳида маъмурий-худудий бирликларнинг бюджетларини таққослашда, ижтимоий-маданий характердаги у ёки бу эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини аниқлашда бюджет классификацияси муҳим рол ўйнайди.

Бюджет ижроси жараёнида ҳам бюджет классификацияси алоҳида аҳамиятга эга. Тасдиқланган бюджет ва бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида кўзда тузилган тадбирларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлашда у зарурий шарт ҳисобланади. Бюджет классификацияси молия органларида, бюджет ташкилотларида ва бошқа муассасаларда бюджет даромадлари ва харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби ягоналигининг асосини ташкил этади. У Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун зарурдир.

Бюджет классификациясида белгиланган даромадлар ва харажатларнинг иқтисодий гуруҳланиши бюджетни тузиш ва ижро этиш ҳамда унинг ресурсларидан фойдаланишда молия-бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишга имкон беради.

Бюджет классификациясига мувофиқ равишда бюджетни тузиш ва ижросини таъминлашда катта ишларнинг амалга оширишлар лозим бўлади. Чунки, бюджет тасдиқланганидан сўнг барча

хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори органлари бюджет даромадлари тушумининг тўлиқлигини таъминлашга ва тасдиқланган бюджетдаги классификациянинг бўлинмаларига мувофиқ равишда харажатларни амалга оширишлари лозим бўлади. Демак, бюджет классификациясининг ташкилий аҳамияти бюджетни проғозлаштириш (режалаштириш) ва унинг ижросини таъминлашга бир хилда тегишлидир.

Тасдиқланган Давлат бюджети қонун кучига эга бўлганлиги учун бюджет классификацияси ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Унинг кўрсаткичларини барча хўжалик субъектлари тўлиқ бажариши шарт.

Бюджет классификацияси ўз ичига қўйидагиларни олади:

- давлат бюджети даромадларининг классификацияси;
- давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий классификацияси;
- давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбаларининг классификацияси.

Давлат бюджети даромадларининг классификацияси уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат. Бунда тармоқ ва вазирлик (раҳбарлик органи) белгилари инобатга олиниши мумкин. Одатда, бунда даромадлар бюджет классификациясига мувофиқ бўлинмалар, боблар, параграфлар ва моддаларга бўлинади. Бўлинмалар – даромадларнинг алоҳида турларини, боблар – даромадларни тўловчиларни, параграфлар – даромадларни тўловчиларнинг тоифаларини, моддалар эса – жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг алоҳида турларини кўрсатиши мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатдан классификацияси давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан таркиб топади. Уларнинг ташкилий классификацияси бюджетдан ажратиладиган маблағлар, уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан

иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий классификацияси эса тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборатдир.

Умумий тарзда, бу ерда харажатлар бюджет классификациясига мувофиқ равишда гуруҳларга, бўлинмаларга, бобларга, параграфларга ва моддаларга бўлиниши мумкин. Гуруҳлар – бюджет маблағларининг асосий йўналишларини, бўлинмалар – миллий иқтисодиёт тармоқларини, боблар – вазирлик ва идоралар бўйича харажатларни, параграфлар – бир типдаги корхоналар ва тадбирлар бўйича сарфларни, моддалар эса – харажатларнинг алоҳида турларини кўрсатади. Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси дефицитни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Бюджет классификацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Шундай қилиб бюджет классификациясини оқилона ташкил этиш мамлакатда муқобил бюджет-солиқ сиёсатини ташкил этиш ва юритишга хизмат қилади.

4.3. Бюджет жараёнини аниқлашга қаратилган бюджет сиёсати


Навбатдаги муддатда бюджет сиёсатининг қандай бўлиши мумкинлиги бюджет жараёнида аниқланади. Шу муносабат билан бюджет жараёнининг таърифи, босқичлари, вазифалари, иштирокчилари ва принципларини билиш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), кўриб чиқиш (муҳокама қилиш), қабул қилиш (тасдиқлаш) ва ижро этиш, унинг ижро этилишини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинишига тегишли бўлган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари

ҳамда жараён иштирокчиларининг фаолиятига бюджет жараёни дейилади. Унинг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши (курулиши), тегишли органлар ва юридик шахсларнинг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади. Шунингдек, бюджет жараёнининг мазмунини белгилашда бюджетни тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш) тартиби, унинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асоси, мамлакат бюджетини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш)нинг назарий ва услубий масалалари муҳим рол ўйнайди.

4.5-чизма

Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолияти тўрт босқичини ўз ичига олади:



4.5-чизма. Бюджет жараёни босқичлари

Бюджет жараёнининг давомийлиги юқоридаги тўрт босқичнинг барчасидан иборат бўлиб, одатда, уч йилга яқин давом этади. Бунинг бир йилга яқини бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш (яратиш, тузиш), уни муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)га, бир календарь йили (1 январдан 31 декабргача) бюджетни ижро этишга (бюджет даври) ва саккиз ойга яқини бюджетнинг ижроси

тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга ва уни тасдиқлашга тўғри келади.

Бюджет жараёнининг олдида қўйидаги муҳим вазифаларга эга:

- мувозанатлаштирилган бозор сари кескин тараққиётга эришиш мақсадида барча моддий ва молиявий резервларни қидириб топиш;

- алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг башоратлари ва мақсадли дастурларига мувофиқ бюджет даромадлари ва уларнинг умумий ҳажмини аниқлаш;

- мақсадга мўлжалланганлиги бўйича, шунингдек, бюджетда кўзда тўтилган умумдавлат аҳамиятига эга бўлган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжини инобатга олган ҳолда бюджет харажатлари ва уларнинг умумий ҳажмини белгилаш (ўрнатиш);

- иқтисодиётдаги инфляциян тенденциялар ва пул-кредит таназзулини бартараф этишга, миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган молиявий бақарорлаштиришнинг умумий дастурини бюджет билан мувофиқлаштириш;

- иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган манбалар ҳисобидан бюджет дефицитига барҳам бериш ёки уни қисқартириш;

- иқтисодий минтақалар, хўжалик соҳалари ва бюджетлар ўртасида давлат даромадларининг манбаларини қайта тақсимлаш йўли билан турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида бюджетли тартибга солишни амалга ошириш;

- кенг қўламли барча ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг баланслилиги ва пропорционалигини таъминлашга имкон берадиган истиқболли бюджетли режалаштиришнинг ролини ошириш;

- солиқ мажбуриятларини бажаришда алоҳида фуқаролар даромадлари ва юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари устидан назоратни таъминлаш;

- замонавий электрон ҳисоблаш техникаларидан кенг фойдаланиш асосида ва молиявий ҳисоб-китобларнинг

автоматлаштирилган тизими орқали бюджетларни тузиш ва ижро этиш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқалар.

Умумий тарзда, бюджет жараёнининг иштирокчилари ҳам бу жараёни ташкил этишда муҳим рол уйнайди (4.6-чизмага қаралсин):

4.6-чизма

Бюджет жараёни иштирокчилари

Бюджет жараёни иштирокчилари:

ижроия ҳокимият органлари;

мамлакат Президенти ва қонунчилик (вакиллик) ҳокимият органлари;

пул-кредит тизимини тартибга солиш органлари;

давлат ва маҳаллий назорат органлари;


давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

бюджет маблағларини Бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва бошқалар.

4.6-чизма. Бюджет жараёни иштирокчилари

Бюджет жараёнини ташкил этишда бюджет жараёни принципларига риоя қилиш ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади (4.7-чизмага қаралсин).

4.7-чизма



Ягоналик принципи бу ерда ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет классификацияси, мамлакатнинг консолидациялаштирилган бюджетини тузишда зарур бўладиган статистик ва бюджет маълумотлари учун бюджет ҳужжатлари шаклларининг ва пул тизимининг ягоналиги орқали ифодаланади.

Мустақиллик принципи бюджет жараёнини амалга оширишда унинг ҳар бир иштирокчиси учун мустақил бўлганлиги билан белгиланади. Унга мувофиқ, бу жараённинг иштирокчилари даромадларнинг ўз ва тартибга солувчи манбалари ҳамда улардан фойдаланишнинг йўналишларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Баланс методи принципи бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида тўғри нисбатлар ўрнатишда гавдаланади. Унга риоя қилиниши бюджетнинг барқарорлигини ва хўжалик соҳалари ўртасида маблағларни тақсимлашда зарурий пропорцияларни таъминлаши керак. Бу методнинг муҳим шарти бюджет харажатларининг даромадларига мувофиқлиги ва молиявий резервларни яратишидир. Бу принцип молиявий сиёсат (бюджет сиёсати)нинг бош мақсади ҳисобланади.

Бюджет лойиҳасида бюджет сиёсатининг ўзига хос бўлган аниқ мазмуни, маълум маънода ўз аксини топади. Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) эса бюджет жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда қўйидаги масалалар ечилади ёки уларга аниқлик киритилади:

- бюджетнинг ҳажми;
- навбатдаги (келгуси) йил учун солиқ ва пул-кредит сиёсати;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва бюджет дефицитини қоплаш методлари;
- даромадларни бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида тақсимлаш.

Амалда давлат бюджетининг лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) бўйича ишлар янги бюджет йилининг бошланишидан, олдин амалга оширилади масалан, ГФР да – 6 ой, Японияда – 8 ой, Францияда – 14 ой, АҚШда – 18 ой, Ўзбекистонда – 7 ой олдин бошланади. Унинг лойиҳасини тузиш ижроия ҳокимият органлари, одатда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ғазначилик) томонидан амалга оширилади.


Бюджет лойиҳасини тузишда баъзи бир мамлакатларда давлат ижроия ҳокимияти бошлиғи (раҳбари)нинг келгуси йилга

мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг умумий йўналишлари муаммолари бўйича чиқишдан (маърузасидан) бошланади. Масалан, АҚШда Президент Америка халқига Бюджетнома билан мурожаат қилиб, унда молия-пул сиёсатининг асосий вазифалари, келгуси бюджет йили ва навбатдаги тўрт йил учун федераль бюджет даромад ва харажатларининг ҳукумат баҳоси шакллантирилади.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қўйидаги мақсадлар кун тартибига қўйилади(4.8-чизмага қаралсин):

4.8-чизма

Бюджет лойиҳасини тузиш



Бюджет лойиҳасини тузиш мақсадлари

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) дан олдин Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

– тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли фондларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органларга;

– бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун – республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юбориши керак.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органлар бюджет сўрови олганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилмоғи зарур.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари юқорида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч кун муддат ичида:

– тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун – туман ва шаҳар ҳокимликларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун - Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юбориши керак.

Юқоридагиларга мос равишда вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимликлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кун муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартиби ва муддатларини белгилаш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилмоғи лозим. Ўз навбатида, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари юқоридаги қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кун муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағларини олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун шу туман ва шаҳар

бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет суровларини юборишлари керак.

4.4.Бюджет сиёсатини бюджет лойиҳасини тайёрлашдаги аҳамияти

Бюджет лойиҳасини тайёрлаш муддатлари ҳар бир мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида ўз аксини топади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”ни 6-бўлим 16-бобининг 92-моддасида бюджет лойиҳасини тузиш тартиби қўйидаги муддатларини белгилайди:

а) келгуси молия даври учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бюджет суровлари:

Энди бюджет суровларини тақдим этиш муддатлари устида тўхталиб утсак.

Амалдаги Бюджет кодексига асосан. Келгуси давр учун бюджет суровлари:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет мабларлари олувчилар томонидан тегишли молия орган- ларига — жорий йилнинг 1 июнигача;

бюджет мабларларини тақсимловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига — жорий йилнинг 1 июлигача;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига — жорий йилнинг 1 июлигача тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия

вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — жорий йилнинг 15 июнигача тақдим этади.

Келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмай;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай тақдим этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тайёрлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан:

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шаҳар булинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

харажатлар бўйича — туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет мабларлари олувчиларнинг бюджет суровлари асосида ишлаб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан:

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ бошқармалари ва ҳокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг булинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

харажатлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет мабларлари олувчиларнинг бюджет суровлари ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган айрим тадбирлар учун харажатларнинг прогноз қилинаётган ҳажми асосида ишлаб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қўйидагилар эътиборга олинади:

макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози;

даромадларнинг ташкил топиш манбалари бўйича Давлат бюджети даромадлари прогнози;

бюджет мабларларини тақсимловчиларнинг бюджет суровлари ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан айрим тadbирлар учун харажатлар ҳажмининг прогнози;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади.

Давлат бюджетининг лойиҳасида харажатлар даромадларнинг прогноз қилинаётган ҳажмидан келиб чиқиб Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ҳисобга олинган, уни қоплаш манбалари белгиланган ҳолда назарда тутилади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси:

Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни қоплаш манбаларидан таркиб топади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан ишлаб чиқилган давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари тушумлар манбалари бўйича даромадлар ва йўналишлар бўйича харажатлар прогнозидан таркиб топади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади. Бюджетноманинг мазмун моҳияти бюджет кодексининг 96 моддасида ўз аксини топган. Унга асосан.

Бюджетнома — эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси давр учун ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тўтадиган ҳужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари шакллантирилади.

Бюджетнома:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг утган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳосини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига доир тушунтириш хатини уз ичига олади.

Бюджетнома:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича икки хафталик муддатда хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

Бюджет кодексининг 17-бобига мувофиқ, яъни Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини

куриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш тартиби ўз аксини 97-101 моддаларида ўз аксини топган. Унга кўра. Бюджетномани куриб чиқиш ва Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан куриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари навбатдаги йил учун Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилади.

98-моддасида асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини ва Давлат бюджетининг асосий параметрларини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикасининг қарори қабул қилинади. Чунки унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг навбатдаги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қарорларини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинади, унда:

асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози;

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг асосий параметрлари;

Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни қоплаш манбалари;

давлат мақсадли жамғармаларининг асосий параметрлари;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари миқдорлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан субвенциялар, утказиб бериладиган даромадлар ва дотацияларнинг чекланган миқдорлари;

умумдавлат солиқлари тушумларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса мабларларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғар- малари миқдорлари тасдиқланади.

«Бюджет кодекси»нинг 99-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрларини тасдиқлашга доир қарорига мувофиқ, қарор қабул қилингандан сўнг бир ҳафталик муддатда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорри Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ҳамда харажатларининг ҳажмлари қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорри Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қабул қилган қарорларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ун иш куни ичида:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан субвенциялар, утказиб бериладиган даромадлар ва дотацияларнинг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмаларнинг нормативларини. Умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари айти шу солиқлардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган нормативларидан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланади;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарлар бюджетлари айланма касса мабларларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддатда туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари қабул қилинади.

Бюджет кодексининг 100-моддасига мувофиқ Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг асосий параметрлари тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини етказиш зарур. Унга кўра:**

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари

ҳажмларини, шунингдек уларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан бериладиган субвенциялар, утказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига — уч иш куни ичида;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар учун белгиланган даромадлар ва харажатларнинг ҳажмларини уларнинг эътиборига — ун иш куни ичида етказди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддатда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет мабларлари олувчилар эътиборига улар учун назарда тўтилган бюджетдан ажратиладиган мабларлар ҳажмларини етказиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 101-моддасига кўра Фавқулодда Давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг Президенти қарорига кўра фавқулодда ҳолат шароитларида қабул қилинадиган бюджетни англади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фавқулодда ҳолат шароитларида бюджет соҳасидаги ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Давлат бюджетининг амал қилиши даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қарорларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорри Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари ҳажми ҳақидаги қарорларининг амал қилиши тўхтатиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Давлат бюджетининг амал қилиши тугатилиши билан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларига аниқлик киритилади.

Юқоридагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилмоғи лозим.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да:

- мамлакатнинг истиқболдаги иқтисодий ривожланиши;
- инфляция даражаси;
- аҳолининг бандлик даражаси;
- ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланаётган аҳоли сони ҳисобга олинади.

Шунингдек, бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) да қўйидаги турли методлардан фойдаланилади:

- иқтисодий таҳлил методи – бу методдан фойдаланган ҳолда ўтган йилги бюджетнинг бажарилиш даражаси аниқланади ва жорий йил учун бюджетнинг бажарилиш даражаси ўрнатилади, фарқланиш сабаблари аниқланади;

- норматив метод – бу методнинг асосида давлат томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг бирлигига тўғри келувчи молиявий харажатларнинг нормативи ётади. Натурал birlikни нормативга кўпайтириб ҳар бир Бош тақсимловчи, тақсимловчи ва бюджет ташкилоти бўйича маблағ харажатларининг суммаси аниқланади.

- экстраполяция методи – унга кўра олдинги йилларнинг ҳисобот маълумотлари динамикаси асосида молиявий кўрсаткичлар аниқланади ва улар келгуси йил учун экстраполяция қилинади.

4.5. Бюджет сиёсатини бюджет муҳокама этиш ва тасдиқлашдаги ўрни

Бюджет сиёсатининг сифати, унинг натижалилиги ёки самарадорлиги, кўп жиҳатдан, бюджетни муҳокама қилиш ва тасдиқлашга боғлиқ. Мамлакатнинг олий ижроия органи –

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланганидан сўнг Давлат бюджетининг лойиҳаси муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қонунчилик органи бўлган Олий Мажлисга тақдим этилади. Одатда, бюджетнинг лойиҳаси Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида (олдин қўйи палата бўлган Қонунчилик палатасида ва юқори палата саналган Сенатда) алоҳида- алоҳида муҳокама қилинади.

Мамлакат парламентининг ҳар бир палатасида аниқ бюджет масалалари билан шуғулланувчи махсус қўмиталар ва комиссиялар фаолият кўрсатади. Улар бюджет лойиҳасининг тегишли моддаларини атрофлича таҳлил қиладилар, зарур ҳолларда ўзгартиришларни таклиф қиладилар ва тушунтирув хати билан биргаликда бюджетнинг лойиҳасига хулоса берадилар.

Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида бюджет лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг, ҳар икки палата ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлмаса, мамлакат парламентининг бюджет тўғрисидаги умумий қарори қабул қилинади. Агар палаталар ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар вужудга келса, ҳар икки палатанинг вакилларидан иборат бўлган мувофиқлаштирувчи комиссия уларни бартараф этиши керак.

Парламентда бюджет лойиҳасини муҳокама этиш (кўриб чиқиш) да бюджет ташаббускорлигининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бюджет ташаббускорлиги дейилганда парламент аъзоларининг ҳукумат томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳасига нисбатан ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи назарда тутилади⁶.

⁶ Масалан, баъзи бир мамлакатларда (Франция, Буюк Британия ва бошқаларда) ҳукумат аъзоси бўлмаган парламент аъзолари бюджет лойиҳасида кўзда тутилган харажатларни ошириш ёки янги солиқларни жорий этиш (ўрнатиш) бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай тартибнинг ўрнатилганлиги мамлакатдаги тез ўзгариб турувчи иктисодий вазиятга ҳукуматнинг таъсир этиш имкониятларини кенгайтиради. АҚШда эса Конгресснинг бюджет ҳуқуқи анча кенгдир. Парламент бюджет ҳуқуқининг чекланганлиги яна шунда кўринадики, қонунчилик ҳокимияти бюджетни яхлит ҳужжат сифатида қабул қилмасдан, фақат бюджет йўлланмалари тўғрисида ҳар йиллик қарорларни қабул қилиш билан чекланади. Бунда мамлакат президентиға маълум мақсадларға маблағларни сарф

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллик органлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман ёки шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимиятнинг юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджети қабул қилингандан сўнг унинг маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларга ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда етказилиши керак. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадлари ва харажатлари миқдорларини, шунингдек, келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва

қилиш ваколоти юқори чегарани белгилаган ҳолда тақдим этилади. Бюджетнинг айрим моддалари эса, умуман, кўриб чиқилмасдан, автоматик равишда тасдиқланади.

харажатлар миқдорини – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин 10 кунлик муддат ичида етказмоғи лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида:

- Давлат солиқ хизматининг тегишли маҳаллий органлари эътиборига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг тасдиқланган миқдорини;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилладиган ташкилотлар эътиборига – улар учун белгиланган бюджетдан ажратилладиган маблағлар миқдорларини етказиши керак.

4.6. Бюджет сиёсатини бюджет ижросини таъминлашдаги роли

Бюджетнинг қандай ижро этилишини таъминлаш бюджет сиёсати муваффақиятининг гарови ҳисобланади. Бюджетни ижро этиш уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлагандан ва мамлакат Президенти имзолагандан сўнг, бошланади. Ўзбекистон ҳукумати қўйи ижроия органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда бюджет ижроси тартибини ташкил қилади. Бюджет жараёнининг бу босқичи ўз ичига бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмининг бажарилишини қамраб олади.


Бюджетни ижро этишнинг энг муҳим вазифаси иккиёқламалик характерга эга бўлиб, у бир томондан, солиқлар ва бошқа тўловларнинг ёппасига ҳамда ҳар бир манбалар бўйича тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туришини таъминлашни, иккинчи томондан эса, бюджет тасдиқланган йил учун шу молиявий йил давомида бюджетда тасдиқланган суммалар чегарасида барча тадбирларни молиялаштирилишни тақозо этади.

Бюджет ижроси давомида давлат ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва самарадорлигини ошириш ҳисобидан ресурсларнинг ошишидан, маблағларни сарфлашда иқтисод

режимига риоя қилинишидан, солиқли даромадларнинг тўлиқ жалб қилинишидан манфаатдордир (4.9-чизмага қаралсин).

4.9-чизма

Давлат бюджетининг ижросини таъминлашни ҳал этилишига жиддий эътибор бермоқ лозим



Бюджет ижросига оид бевосита ишлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг тегишли бўлинмалари ҳамда органлари, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, бу жараёнда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг муҳим таркибий тузилмаларидан бири бўлган Давлат ғазначилик тизими ва унинг қўйи органлари алоҳида рол ўйнайди.

Давлат ғазначилик тизими бюджет ижроси бўйича амалга ошириладиган вазифалар:

- бюджет даромадларининг тушишини қайд этиш;
- бюджет мажбуриятларини, яъни бюджет тўғрисидаги қонунга мувофиқ равишда вужудга келадиган маълум муддат давомида

харажатларни сарфлаш мажбуриятини қабул қилиш муддатлари ва ҳажмларини тартибга солиш;

- ажратилган бюджет мажбуриятлари лимити доирасида харажатларни амалга ошириш ҳуқуқига рухсат ёзувларини содир этиш;

- бюджетдан маблағ олувчилар номидан тўловларни амалга ошириш;

- ва бошқа функциялар.

Барча операциялар ва бюджетнинг маблағлари бюджет ижроси давомида ғазначиликнинг баланс ҳисобташқилларида акс эттирилади. (Бу ҳисобташқиллари Марказий банк ва кредит ташкилотларида жойлашган). Айтиш жоизки, ғазначилик тизими бюджет маблағларига нисбатан кассанинг ягоналиги принципини таъминлайди⁷.

Мамлакат бюджет тизими барча даражаларининг бюджетлари кассанинг ягоналиги принципи асосида ижро этилиши керак.

Бюджетнинг даромадларни бюджетни ижро этилишини кўзда тўтади:

- даромадларни бюджетнинг ягона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш;

- тасдиқланган бюджетга мувофиқ равишда тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларни тақсимлаш;

- бюджетга ортиқча тўланган даромадлар суммасини қайтариш;

- бюджет даромадларини ҳисобга олиш ва даромадлар тўғрисида ҳисобот тузиш.

Харажатлар бўйича бюджетлар ижроси бюджетнинг ягона ҳисоб варағида бюджет маблағларининг ҳақиқатда мавжудлиги доирасида ҳамда молиялаштириш ва санкциялаштиришнинг кетма-кет мажбурий амалга ошириладиган тартибларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Бюджет харажатларининг ижроси давомида

⁷ Бу принцип барча келиб тушувчи даромадлар ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушумларни ҳамда кўзда тутилган барча харажатларни амалга оширишни бюджетнинг ягона ҳисобварағидан амалга оширилишини тақозо этади.

санкциялаштиришнинг асосий босқичлари қўйидагилар ҳисобланади:

- бюджет харажатлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш;
- бюджет ажратмалари (ассигнованиялари) тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уларни бюджет маблағларини олувчилар ҳамда тақсимловчиларга етказиш, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- бюджет мажбуриятларининг лимитлари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уни бюджет маблағларини олувчилар ва тақсимловчиларга етказиш;
- бюджет маблағларини олувчиларнинг пулли мажбуриятларини қабул қилиш.

Бюджетни харажатлар бўйича ижро этиш ҳар бир Бош тақсимловчи (қўйи идоралар ва бюджет маблағларини олувчилар бўйича бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари) ва бюджет маблағларини тақсимловчилар (бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари) учун Ғазначиликнинг ягона ҳисоб регистрида очиладиган шахсий ҳисоб ташкилларида фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади.

Ғазначилик тизими бюджетга келиб тушаётган даромадлар ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушумлар билан боғлиқ бўлган барча операцияларни, шунингдек, бюджет харажатларини молиялаштириш ва санкциялаштиришни ўзининг Бош дафтарида қайд этади.

Бюджет даромадлари қисмининг ижросини солиқлар ва бошқа тўловларни бюджетга ундириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг қўйи органлари таъминлайди.

Молиявий йил жорий йилнинг 31 декабрида ниҳоясига етиши керак. Бюджет мажбуриятларининг лимитлари ҳам ўзларининг ҳаракатини 31 декабрда тўхтатади. Одатда, 25 декабрдан сўнг пулли

мажбуриятларнинг қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги керак. Бюджетнинг ижросига оид фойдаланилган ҳисобташқиллар 31 декабрда ёпилади.

Бюджет ижросини таъминлаш жараёнида унинг даромадларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”, Солиқ кодекси, Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда ҳисоблаб чиқарилган, бироқ жорий йилнинг 31 декабригача Давлат бюджетига тўланмаган даромадлар келгуси йилда Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлади

Тасдиқланган бюджет маблағлари асосида ва харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджетини маблағлари бюджет маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – тегишли молия органлари томонидан сарфланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгилиши зарур.

Давлат бюджетининг ижросини таъминлаш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисобташқилларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Қолдиқларнинг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимликларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши кўзда тутилади.

Бюджет ташкилотлари ҳисоб-ташкилларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги ва бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисоб-ташкилларига ўтказилмоғи лозим (капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно). Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Турли сабабларга кўра йил бошлангунга қадар келгуси молия йили учун Давлат бюджети қабул қилинмаслиги мумкин. У ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда давлат харажатлари шартларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Давлат бюджет харажатлари шартларига риоя этиш тартиби:

- бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бюджет маблағларининг аввалги молия йили сўнгги 3 ойининг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда ҳар ойда амалга оширилмоғи лозим;

- аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмаслиги керак;

- аввалги молия йилида амалда бўлган солиққа тортиш ва мажбурий тўловларни тўлаш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йўқотмаслиги зарур;

- давлат бюджетидан молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган харажатларнинг умумий суммаси молия йили давомида қабул қилинган давлат бюджети кўрсаткичларига мувофиқлаштирилиши керак.

- айрим вазиятларда давлат бюджетининг ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Юзага келиши мумкин вазиятларда бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағларини олувчи учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа

бюджет маблағларини олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда амалга оширилиши кўзда тўтилган, яъни:

Биринчидан: тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% гача:

- давлат бюджетида кўрсатилган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Иккинчидан, тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% дан ортиғи:

- давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи

Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағини олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тўтилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бюджетдан ажратиладиган маблағлар тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур маблағларини олувчи учун назарда тўтилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг 10% га қадар камайтирилиши мумкин. Умуман юзага келган ҳолда бюджетдан ажратиладиган маблағларга мутасадди бошқарув органлари томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин, яъни:

- Республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги белгилаган тартибда тегишли молия органлари томонидан ўзгартиришлар киритилади.

Айтиш жоизки, давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш муҳимдир. Шу сабабли, ҳудудий вакиллик органлари, агар муайян ҳаракатлари бюджет тақчиллигининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлса,

Давлат бюджети даромадларини қисқартирувчи ёки харажатларини оширувчи бирор-бир ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар. Шунга мос равишда ҳудудий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қисқартиришга олиб келувчи ҳудудий вакиллик органининг қарори, агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва (ёки) бюджет харажатларининг тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда

тўтилган тақдирдагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджет харажатлари қисқартирилишига ва (ёки) даромадлари кўпайишига олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори қабул қилишда ҳосил бўладиган ортиқча маблағлар мазкур қарор қабул қилинган даражадаги бюджетга маблағларни қайта тақсимлаш учун қонун ҳужжатларида назарда тўтилган тартибда олиб кўйилади.

Агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили давомида Давлат бюджетидан олинган бюджет маблағларини кўпайтириш (камайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмига ўзгаришлар киритилиши мумкин. Харажатларни кўпайтириш ёки қисқартириш бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Ўз навбатида, бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланади.

4.7. Бюджет интизомини мустаҳкамлаши бюджет сиёсатини ўзига хос хусусиятлари

Солиқлар ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари тушган қўшимча даромадлар айланма касса маблағи меъёри тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорда сақланиб қолган тақдирда қабул қилинган бюджетдагидан ташқари харажатларга йўналтирилиши мумкин. Ушбу масалага доир

тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегисли ҳокимлар томонидан қабул қилинади.

Бюджет ижроси доирасида бюджет интизомини таъминлашда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Шу боис ҳам Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдиндан белгиланган тақчиллиги қонун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, унда Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида моддалар бўйича қонунга мувофиқ белгиланган тартибда Олий Мажлисга таклиф киритади.

Агарда бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили давомида уларга тегисли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши кўзда тутлади ва ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилгандан кейин белгиланади. Шунингдек, турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик фарқни молия йили давомида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига ҳам қоплаш мумкин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижросининг назорат қилиниш мақсадида:

- турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;

- турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборот олади;

- бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб, олади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;

- бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тақдим этадиган яқунларини кўриб чиқади.

Бюджет ижро ҳисоботи ва уни тасдиқлаш сиёсати

Бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва уни тасдиқлаш бюджет сиёсатининг ўзига хос бўлган барометри вазифасини бажаради. Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет ижросининг якуни (натижалари)ни ўзида ифода этади. Шу муносабат билан Республика бюджетидан молиялаштирилдиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилдиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши керак. Шунга мос равишда

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилдиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тақдим этмоқлари лозим.

Туманларнинг, шунингдек, республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этиши зарур.

Худудий молия органлари⁸ тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли равишда тегишли худудий ҳокимликларга, шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этмоғи лозим.

Худудий ҳокимлари бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиб, маъқулланганидан кейин бу ҳисоботларни тегишли равишда худудий ҳокимият вакиллик органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган тартибда ва муддатларда қонун талаблари асосида тақдим этишлари зарур.

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органлари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда тегишли молия органларига, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этиб туришлари лозим.

Ҳисобот даврида Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни

⁸ Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари деб юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши шарт.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майидан кечиктирмай, тақдим этиши керак. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай, тақдим этиши керак.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шунга мос равишда ҳудудий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ҳудудий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Назорат учун қўшимча саволлар

- ⇒ Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузилмаси нима билан белгиланади?
- ⇒ Вилоятлар бюджетининг таркибига қандай бюджетлар киради?
- ⇒ Туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети қандай бюджетлардан таркиб топади?
- ⇒ Ўзига бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг қандай бюджетлардан иборат?
- ⇒ Бюджет даромадлари ва харажатларини классификация қилишдан мақсад нима?
- ⇒ Бюджет классификацияси деб нимага айтилади?
- ⇒ Давлат бюджети даромадларининг классификацияси нималардан иборат?
- ⇒ Давлат бюджети харажатларининг вазифаси, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан классификацияси нималардан иборат?
- ⇒ Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси қандай гуруҳлардан ташкил топади?

- ⇒ Бюджет классификацияси ким томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади?
- ⇒ Бюджет жараёни деб нимага айтилади?
- ⇒ Бюджет жараёнининг мазмуни нималар билан белгиланади ва унда нималар муҳим роль ўйнайди?
- ⇒ Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қандай босқичларини қамраб олади?
- ⇒ Бюджет жараёнининг олдида қандай муҳим вазифалар қўйилади?
- ⇒ Умумий тарзда, бюджет жараёнининг иштирокчилари кимлар (қандай субъектлар) ҳисобланади?
- ⇒ Бюджет жараёнини ташкил этишда қандай принципларга риоя қилинади?
- ⇒ Бюджетнома лойиҳасини ким ишлаб чиқади ва унда нималар акс эттирилади?
- ⇒ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да нималар ҳисобга олинади?
- ⇒ Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қандай методлардан фойдаланилади?
- ⇒ Давлат бюджети ким томонидан қабул қилинади?
- ⇒ Бюджетни ижро этиш қачондан бошланади?
- ⇒ Бюджет жараёнининг бу босқичи нималарнинг бажарилишини қамраб олади?
- ⇒ Бюджетни ижро этишнинг муҳим вазифаси иккиёқламалик характерига эгаллиги нималарда намоён бўлади?
- ⇒ Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда қандай масалаларнинг ҳал этилишига жиддий эътибор бермоқ лозим?
- ⇒ Давлат ғазначилик тизими бюджет ижроси бўйича нималарни амалга оширади?
- ⇒ Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши нималарни кўзда тўтади?
- ⇒ Бюджет харажатларининг ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий босқичлари нималар?

⇒ Давлат бюджетининг ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш тартиблари қандай?

⇒ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижросининг назорат қилиниши давомида қандай ишларни амалга оширадилар?

⇒ Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўзида нимани ифода этади?

⇒ Республика бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни қачон тақдим этиши керак?

V БОБ. БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ МАРКАЗИЙ МАСАЛАСИ

5.1. Бюджет дефицитини моҳияти ва турлари

Турли даражадаги бюджетларнинг соғлом фаолият кўрсатиши бюджет баланслигини таъминлашни тақозо этади. Шу боис бюджет даромадлари ва харажатларнинг тенглигини сақлаш муҳимдир. Бюджет даромадлари жорий йил учун амалга ошириладиган харажатларни тўлиқ молиялаштиришга эга бўлиши лозим ёки маълум миқдордаги харажатларни амалга ошириш учун бюджет шу миқдордаги даромадларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда бу харажатларни амалга ошириш имконияти бўлмади ва бюджет тақчиллиги юзага келади. Бюджет даромадлари ва харажатларининг тенглиги бюджетнинг баланслаштирилганлигидан ёки соғлом эканлигидан далолат беради⁹.

Бюджет даромадлари ва харажатларининг тенглигини таъминлаш қийин ва муракаб жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. бюджетнинг даромадлари унинг харажатларидан юқори куп бўлиши мумкин. Бундай ҳолат бюджетни профицитли эканлигидан далолат беради. Аксинча, баъзи ҳолларда эса бюджетнинг харажатлари унинг даромадларидан юқори бўлади. Шунга бюджет дефицити ўз аксини топади¹⁰.

Юқоридаги жиҳатлардан олиб Караганда бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий қисми сифатида бюджет сиёсатининг якуний натижаси бюджет дефицити, бюджетнинг баланслилиги ёки бюджет профицитида уз ифодасини топиши мумкин. Бюджетнинг баланслилиги дефицитлиги ёки унинг профицитли эканлигига қараб туриб оқилона бюджет сиёсати ва аксинча, унинг дефицитли

⁹ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 450 бет.

¹⁰ Бюджет профецити ва дефицити терминлари, тушунчалари, уларни Ўзбек луғатларида келтирилган айрим тушунчалар билан тақослаш орқали берган фикрларини муҳим деб ҳисоблаймиз. Чунки аксарият илмий тадқиқот ишларида “дефицит”, “тақчиллик” , “камомад”, “етишмовчилик” ва хоқозолар мазмун моҳиятига кўра айнан бир тушунчани аналатади.

эканлигини инобатга олган ҳолда нооқилона бюджет сиёсати юритила деб айтиш мумкин эмас. Бунинг сабаби бюджет сиёсатининг якуний миқдорий ифодаси сифатида уларнинг ҳар бири ўзида ижобий ва салбий томонларни ҳар томонлама ўзида мужассам этишдир.

Бюджет даромадлари ва харажатларининг узаро тўғри нисбати хусусидаги ягона бир тухтамга келинмаган. Мунозараларда иштирок этувчиларнинг вакиллари ҳисобланади:

Яъни кейнсчилар ва неоклассик йўналишдаги мактабнинг вакиллари бу борада турли фикрларни илгари суришга ҳаракат этишадилар.

Кейнсчилар мактабининг вакиллари систематик ёки доимий бюджет дефицити концепциясини қўллаб-қувватлаш ва унда қўйидаги ижобий ҳолатларни илгари сурадилар, яъни:

- бюджет дефицити миллий иқтисодиёт учун хавф туғдирмайди. Бюджет дефицити шароитида барча харажатлар давлатнинг ҳудуди доирасида амалга оширилади. Бу эса, уз навбатида, ундаги турмуш шароитининг ошишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Албатта, миллий иқтисодиётдан четга чиқиб кетувчи маблағларни англлатувчи ташқи савдо балансининг салбий қолдиғи бундан мустасно;

- бюджет дефицити, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, уз навбатида, бюджет маблағларини олувчилар, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли даромадларининг ошганлигини улар сотиб олиш қобилиятининг усганлигини, миллий ишлаб чиқариш куламини кенгайганлигинир билдиради. Умуман бўларнинг ҳаммаси бюджетга келиб тушиши мумкин бўлган солиқ тўловлари ҳажмининг ошишига олиб келади.

Кейнсчилар мактаби вакилларининг бюджетни дефицитли молиялаштириш назарияси мавжуд дефицитни Тараққиёт бюджетида тўпланишини бюджет тизимини инвестицион йўналишни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу нарса мисол учун Германияда Конституциясида кўзда тўтилган “олтин қоида”га қатъий риоя этиш ҳисобидан амалга оширилади. Унга кўра, кедитлар

ҳисобидан бюджет дефицитини молиялаштириш бюджетда кўзда тўтилган инвестицион харажатларнинг суммасидан ошиб кетмаслиги лозим. Бу эса, уз навбатида, қарзий маблағларнинг инвестицион мақсадларга йуналтирилиши лозимлигини англатади. Чунки фақат шу ҳолдагина дефицитли молиялаштиришнинг ўсиши инвестицион, инновацион ва тадбиркорлик ўсишига олиб келиши мумкин.


Неоклассик мактаб вакиллариининг қарашлари кейнсчилар мактабининг қарашларига тескари бўлган ҳолда, улар бюджет дефицитига нисбатан хавфларнинг мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтадилар, яъни:

- ҳозирги кунда (даврда) мавжуд бўлган бюджет дефицити, пировардида, (якин) келажакда юқори даражадаги солиқларнинг бўлишини тақозо этади;

- бюджет дефицитини қоплаш (молиялаштириш) учун фавқулоддаги даромадлар - пул ва қарзлар эмиссияси, кредитлар ва бошқалар - жалб қилиниб, бу уз навбатида, мамлакатнинг пул-кредит тизимини издан чиқаради, инфляцион жараёнларнинг кучайишига, давлат қарзларининг ўсишига олиб келади.

5.2.Бюджет дефицитини турлари

Бугунги кунда амалдаги қонунчиликка асосан давлат бюджет дефицитини маълум бир белгилар асосида уларни қўйидаги белгилар асосида туркумларга ажратиш мумкин (5.1-чизмага қаралсин):




5.1-чизма. Бюджет дефицитини белгилари бўйича туркумланиши

Ушбу чизмада келтирилган кўрсаткичлар бюджет дефицитини белгиларига кўра туркумланишини тақозо этади. Бундан асосий сабаб бюджети дефицитини ҳар бир белгисини вужудга келган ҳолатини билиш ва оқилона бюджет сиёсатини юритиш бўлиб ҳисобланади.

5.3. Бюджет дефицитини вужудга келиш сабаблари

Бюджет дефицитини вужудга келиш сабабларига кўра бюджет дефицитининг мамлакатнинг географик жойлашувига асосан қўйидаги турлари бўлиши мумкин (5.2-чизма қаралсин):

Бюджет дефицити турлари



5.2-чизма. Бюджет дефицитининг вужудга келишини сабабларига кўра турлари

Фавкулудий бюджет дефицити урушлар, табиий офатлар ва шунга ухшашлар ётадики, улардан суғурта қилиниш мураккаб ҳисобланади. Фавкулуддаги вазиятларнинг оқибатларини огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш учун, одатда, турли-туман захира ва бюджетдан ташқари фондлар шакллантирилади.

Инқирозий ва антиинқирозий бюджет дефицитлари иқтисодиёт, пул-кредит, молия соҳаларидаги инқирозлар ва ва уларни бартараф этиш чоралари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу муносабат билан рағбатлантирувчи ва аксинча, рағбатлантирмоқчи аҳамиятга эга бўлган бюджет дефицитларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқаро амалиётда бюджетлараро бюджет дефицити дейилганда, одатда, минтақавий ва маҳаллий бюджетларнинг салбий қолдиғи тушунилади. Минтақавий ва маҳаллий бюджетларда бундай салбий қолдиқлар қўйидагилар натижасида вужудга келиши мумкин:

- маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларнинг бюджет ва мулкӣ ҳуқуқлари ўртасида мувофиқликнинг бўзилиши натижасида;

- республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини қисқартириш ёки ошириш хусусида турли даражадаги ҳокимият органлари томонидан қарорлар қабул қилинганда.

Юзага келиши мумкин бўлган бюджет дефицитини қоплаш бюджетни тартибга солиш воситасида ва бюджетлараро муносабатларнинг турли шаклларидадан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Иқтисодий мазмуни ва таъсирчанлик йўналишига қараб бюджет дефицити актив ва пассив бюджет дефицитига бўлинади.

Бундай турларга эга бўлган бюджет дефицитларини бошқариш маъмурий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантирилиши ёки аксинча, рағбатлантирилмаслиги билан амалга оширилиши мумкин.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шароитида пассив бюджет дефицитининг даражаси ЯИМга нисбатан 2-3%, МДга нисбатан - 5% ва бюджетнинг харажатлар қисмига нисбатан 8-10% атрофида чегараланиши қабул қилинган. Шунингдек, молиявий-иқтисодий ва инқироз шароитида мамлакатларнинг ҳукуматлари иқтисодий ўсиш, ишсизлар сонини қисқартириш ва солиққа тортиладиган базани кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги у фарқланишни ошириш (харажатларни ошириш ва солиқ тўловларини камайтириш йўли билан) га ҳаракат қиладилар. Бундай вазиятда бюджет дефицити актив шаклга эга бўлади. Агар бюджет дефицитини молиялаштириш учун инфляцион манбалар жалб қилинса, бунда давлат қарзларига хизмат кўрсатиш учун бюджетнинг харажатлари кескин ортади ва бюджет дефицитининг актив шакли пассив кўринишга эга бўла бошлайди ҳамда молиявий-иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг чуқурлашуви бошланади. Шунинг учун бюджет дефицитини бошқариш ва унинг рағбатлантирувчи, фаол салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида уни қоплашнинг мақбул манбаларини қидириб топиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Бунда маъмурий-худудий минтақаларнинг алоҳида ва яхлит тарзда олинган мамлакатнинг,

шунингдек халқаро омилларнинг аниқ молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Бюджет дефицити ишсизликнинг даражаси билан боғланганлиги боис у амалда икки кўринишга эга бўлиши мумкин, яъни:

- тузилмавий бюджет дефицити;
- циклик бюджет дефицити.

Биринчиси тўлиқ бандлилик шароитида давлат даромадлари ва харажатларини шакллантиришнинг шундай тизимида бюджетнинг салбий қолдиғини англатади. Иқтисодий ўсиш юз берган шароитда ишсизликнинг даражаси унинг базавий даражасидан оша бошлайди. Иқтисодчи олим Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловларни фикрига кўра ҳақиқий бюджет дефицити ҳам усади ва ишсизлик бўйича нафақа тўланмаларининг ошиши, солиқ тушумларининг қисқариши, асосан, ишлаб чиқаришнинг қисқариши натижасида солиққа тортиладиган базанинг қисқариши оқибатида у тузилмавий бюджет дефицитининг даражасидан катта бўлиб қолади. Ҳақиқатда мавжуд бўлган ва тузилмавий бюджет дефицити ўртасидаги фарқ бюджет дефицити дейилади. Амалда қисман дефицит деган тушунча ҳам учраб туради. Шу боис, тузилмавий ва циклик бюджет дефицитларининг даражасини мамлакатнинг иқтисодий аҳволи белгилаб беради. Циклик бюджет дефицити даражасининг қисқариши ҳақиқий ва тузилмавий бюджет дефицити даражаларининг тенглашиши тенденциясидан дарак бериб, бу, уз навбатида, иқтисодий ўсишга тенгдир¹¹.

Бюджет дефицити вужудга келиш характериға мувофиқ кўйидаги кўринишларга эга:

- тасодифий (кассавий) бюджет дефицити;
- ҳақиқий бюджет дефицити.

Айтиш жоизки юқорида номалари тилга олинган иқтисодчи олимлар бюджет дефицитини кўринишлари устида тўхталиб утишганда унинг сабабларини кўйидагича асослашга тасодифий

¹¹Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 450 бет.

(кассовый) бюджет дефицити маблағларнинг бюджетга келиб тушиши ва уларнинг бюджетдан сарфланиши ўртасидаги кассавий (даврий) узилишларнинг мавжудлиги натижасида пайдо бўлади. Масалан, бюджет даромадларининг ер солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва шу каби айрим манбалари мавсумий характерга эга. Бўлар, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, баъзи ҳолларда тасодифий (кассовый) бюджет дефицитининг пайдо бўлишига олиб келади¹² деб фикр билдиришади.

Бизнинг фикримизча мисол тариқасида келтирилган солиқ турлари мавсумий хусусиятга эга эмас. Улар қонун асосида доимийлаштириб қўйилган. Аммо айрим хизмат турларига жорий этилган солиқ тўловлари мавсумий бўлиши мумкин, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали яратилган қийматдан, фойдадан ундириладиган солиқлар ва шу кабилар бунга мисол бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, ҳақиқий бюджет дефицити бюджетдан қилинадиган харажатларнинг доимий равишда ортиб бориши ва даромадларнинг эса бундай харажатлардан ортда қолиши муносабати билан ўз аксини топади. Одатда, ҳақиқий бюджет дефицити чегаравий улчам сифатида навбатдаги молиявий йил учун кўзда тутилади. Унинг ҳақиқий даражаси бюджет ижроси жараёнида белгиланган чегаравий улчамдан паст ёки аксинча, юқори бўлиши мумкин.

Прогнозли кўрсаткичлар доирасида эса икки кўринишга эга бўлади, яъни:

- прогозли бюджет дефицити;
- прогозли чегарадан ташқари (режасиз) бюджет дефицити.

Прогнозли бюджет дефицити ҳар молия йили учун қабул қилинадиган бюджет параметрларида уз аксини топади. Унинг миқдори ва молиялаштириш (қоплаш) манбалари прогнозли кўрсаткичларда кўзда тутилади.

¹² Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 450 бет.

Прогнозли чегарадан ташқари (прогнозли) бюджет дефицити эса, бир томондан, бюджет даромадлари ҳажмининг кўзда тутилмаган ҳолда қисқариши, масалан, жаҳон бозорида нефть баҳосининг пасайиши ва шунга ухшашлар, иккинчи томондан, бюджет харажатларининг худди шу тарзда ошиши, масалан, табиий офатлар, (ер кимирлаши, сув тошқинлари ва х.з.) ҳалоқатларнинг содир бўлиши, кургокчилик, баҳоларнинг ўсиши, ҳосилсизлик ва бошқалар натижасида пайдо бўлади. Бундай ҳолларда бюджет дефицитини тартиблаш турли задира фондларининг маблағлари ва ҳукумат томонидан тезкор тадбирларни утказиш ҳисобидан амалга оширилади.

Бюджет дефицити доимийлигига нисбатан турларга булинади; яъни:

- барқарор бюджет дефицити;
- ўзгарувчан бюджет дефицити.

Бюджет дефицити давомийлигига кўра:

- хроник (систематик, нисбатан узлуксиз) тарздаги бюджет дефицитга;

- вақтинчалик бюджет дефицити кўришига эга бўлади.

Айтиш жоизки, хроник (систематик) тарздаги бюджет дефицити энг қийин “даволаниши кейин бўлган” бюджет дефицити бўлиб ҳисобланади. Бундай кўринишдаги бюджет дефицити вужудга келишининг сабаблари қўйидагилардир:

- иқтисодий инқирознинг узок циклда давом этиши;
- узок давом этган урушлар ва тинч вақтда (тинчлик пайтида)

ҳарбий мақсадлар учун катта миқдордаги харажатларнинг қилиниши;

- фавқулодда содир бўлган ҳолатлар ва уларнинг оқибатларини бардам этиш учун йирик миқдордаги харажатларнинг узок давр мобайнида сарфланиши;

- қопланиш муддатлари олдиндан аниқ маълум бўлмаган, бир неча 10 йилга давом этиши мулжалланилган қимматли дастурларнинг қабул қилиниши ва уларнинг амалга оширилиши мумкин.

Бюджет дефицити бир неча ойлик муддатда давом этиши вақтинчалик бюджет дефицити дейилади ва бериш нуқайи-назаридан унчалик қийин эмас. Бундай бюджет дефицитининг вужудга келишида иқтисодиётдаги чуқур инқирозли ҳолатлар эмас, балки бир неча объектив (табiiй офатлар ва шунга ухшашлар) ва субъектив (башоратлашдаги хатоликлар, жаҳон товар ва фонд бозорларида баҳоларнинг тебраниши ва х.з) сабаблар муҳим роль уйнайди.

Молиялаштириш манбаларига қараб бюджет дефицити:

- келгуси авлодга ўтказиладиган бюджет дефицитига;
- келгуси авлодга ўтказилмайдиган бюджет дефицити.


Турларига бўлинади бюджет дефицити натижасида вужудга келган давлат қарзларининг келгуси авлод зиммасига юклатилиши ёки юклатилмаслиги билан боғлиқ. Одатда, бюджет дефицити натижасида пайдо бўлган давлат қарзи келгуси календар йилга ўтказилади. Бу, асосан, хроник (систематик, нисбатан узлуксиз) тарздаги бюджет дефицитига тегишлидир. Шу муносабат билан бундай бюджет дефицити келгуси календар йилга ўтказиладиган бюджет дефицити деб фикр билдирилади.

Айтиш жоизки, бюджет дефицитини молиялаштириш янги солиқларни жорий этмасдан ва давлат қарзларини муомалага чиқармасдан бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин (5.3-чизмага қаралсин).

Ушбу манбалар ҳисобидан молиялаштирилса, бу ҳолда бюджет дефицити бартараф этилиши мумкин бўлади.

Фоизларни тулашнинг халқаро методологиясига биноан давлат қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича бюджет дефицити:

- бирламчи бюджет дефицити;
- иккиламчи бюджет дефицитига эга бўлади.



5.3-чизма. Бюджет дефицитини молиялаштиришни бошқа қўшимча манбалари

Халқаро методологияга мувофиқ бюджет дефицитининг бундай турларга булиниши давлат қарзлари билан боғлиқ фоизлар тўловини бюджет харажатларига киритилиши билан боғлиқ. Шунга кўра, бюджет дефицитини туркумларга ажратишнинг асосига бюджет дефицитини аниқлашда давлат қарзларига тўланадиган фоизли тўловлар билан боғлиқ харажатлар ҳисобига олиниши ёки олинмаслиги ётади. Бюджет дефицити давлат қарзлари бўйича фоизлар тўловини ҳисобга олмасдан унинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланса, бундай бюджет дефицити бирламчи бюджет дефицитини англатади. Аксинча, бюджет дефицити давлат қарзлари бўйича фоизлар тўловини ҳисобга олиб, унинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланса, бундай бюджет дефицити иккиламчи бюджет дефицитини юзага келтиради.

Бошқа доллар тенг бўлган шароитда, бюджет дефицити вужудга келишининг энг умумий сабаблари:

- йирик давлат капитал қўйилмаларини амалга оширишнинг зарурлиги;
- фавқулодда ходисаларнинг мавжудлиги;

- таназзулли (кризисли) ҳолатларнинг мавжудлиги;
- молия-кредит муносабатларининг сайёз даражада бўлганлиги;
- ҳукумат томонидан мамлакатдаги молиявий ҳолат устидан етарли даражада назорат ўтказилмаслиги;
- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги нисбатан паст даражада бўлишлиги;
- ташқи ихтисодий алоқаларнинг нисбатан яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- бюджет харажатларининг нооқилона таркибий тузилиши (структураси);
- мавжуд бўлмаган маблағлар ҳисобидан яшашга интилиш;
- давлат инвестицияларини амалга ошириш мумкинлиги;
- ҳарбий харажатларнинг нисбатан катталиги;
- ички имкониятлар етарли даражада инобатга олмаган ҳолда бошқа мамлакатларга молиявий ёрдам берилиши;
- етарли даражада самарали бўлмаган бюджет механизмининг амал қилиши;
- бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Бюджет дефицити турларининг туркумланиши, унинг вужудга келиш сабабларини таҳлил қилиш ва молиялаштириш манбаларининг таркибий тузилмасини оптималлаштириш, мамлакат молиявий барқарорлигини бюджет дефицитини қисқартиришни бюджетлараро муносабатларни, бюджет ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга шарт шароит яратади.

5.4. Бюджет дефицити даражасини камайтиришни асосий йўналишлари

Бюджет дефицити вужудга келганда, унга нисбатан стратегик ёндошув эътиборга лойиқдир. Стратегик ёндашув қўйидагиларни эътиборга олинишини талаб этади:

- бюджет дефицитининг мавжудлигини математик йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилмасликни;

- бюджетнинг баланслилиги, даромадларнинг харажатлардан куплиги соғлом ва узлуксиз ривожпанаётган иқтисодиётдан далолат бермаслигини;

- бюджет дефицитининг миқдори (даражаси), одатда, мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 2-3%дан ошмаслигини. Ана шу чегарадан ошилса, уни тезроқ қисқартириш (ёки шу даражага келтириш) чораларини ишлаб чиқиш талаб этилишини;

- бюджет дефицитини қоплаш учун, энг аввало, давлат кредитининг турли шаклларида фойдаланмоқ лозим. Шунингдек, давлат қимматбаҳо қоғозларини молиявий бозорда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, миллий пул бирлиги белгиларини зарб этувчи ускунани (станокни) ишга солмасликни;

- бюджет дефицитининг даражасини камайтириш ёки унга бардам бериш учун, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ўзини “даволамоқ” лозим. Акс ҳолда, ана шу мақсадга эришиш учун кўзда тўтилган ҳар қандай тадбир, албатта, мувоффақиятсизликка учрашини.

Бюджет дефицитининг даражасини пасайтириш ёки унга бардам бериш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- бюджет харажатларининг (маблағларининг) инвестицион йўналишини ўзгартириш, уларни энг куп самара берадиган йўналишларга қаратилишидан;

- хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи молиявий имтиёз ва жазолардан кенг фойдаланишдан;

- давлатдан молиялаштиришни ва давлат иқтисодиёти соҳасини қисқартириш, хорижий давлатларга ёрдам кўрсатишни кескин камайтиришдан;

- ҳарбий харажатларни қисқартиришдан;

- энг муҳим ижтимоий дастурларнигина молиялаштиришни сақлаб қолиш, йирик бюджет харажатларини талаб этувчи дастурларни қабул қилишни тўхтатиб туришдан;

- қарзларни давлат қимматбаҳо қоғозлари шаклида расмийлаштирмасдан туриб ҳукумат органларига кредит беришни Марказий банк учун тақиқлаб қўйишдан;

- хорижий сармояларни жалб этишдан ва бошқалардан.

Бюджет дефицитини қисқартириш мақсадида қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- конверсия;

- молиялаштиришдан кредитлаштиришга утиш;

- зарарга ишлаётган корхоналарга дотация беришни узлуксиз равишда қисқартириб бориш;

- давлат бошқаруви харажатларини қисқартириш;

- солиққа тортиш тизимини моделлаштириш;

- маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш ва х.з.

Турли даражадаги бюджет даромадларига ва бюджет дефицитига миллий валюта ва пул муомаласининг барқарорлиги ҳам таъсир этади. Айтиш жоизки, миллий валютанинг заифлиги, иқтисодий айланмани таъминлашда унинг етарли эмаслиги, пул агрегатларининг пайдо бўлишини, соғлом ҳисоб-китобларнинг бузилишига, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Албатта хўжалик субъектларнинг пул тўловларини ва мажбурий тўловларини ўз муддатида амалга оширмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

5.5. Бюджет дефицитини молиялаштириш манбалари

Ҳозирги шароитда бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини аниқлаш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири давлат қарзи бўлиб ҳисобланади.

Давлат қарзлари жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан ташкил топади давлат қарзи уларни олувчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича кафолатни давлат олади ва шу орқал давлатнинг қарз

мажбуриятлари юзага келади. Давлат қарзлари бўйича кафолатлаган мажбурият икки кўринишда бўлади.

Давлатнинг ички қарзларни олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлади, улар бўйича қарз олувчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича кафолатчи сифатида ҳукуматнинг уз миллий валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари пайдо бўлади.

Ташқи қарз эса жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлади, улар бўйича қарз олувчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича кафолатчи сифатида ҳукуматнинг хорижий валютада ифодаланган қарз мажбуриятлари вужудга келади, деб такидлайди Т.С.Маликов, П.Т.Жалиловлар. Шу ўринда айтиш зарурки бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбалари жалб қилинган маблағларнинг барча асосий турлари бўйича навбатдаги молиявий йилга мулжалланган бюджет кодексида келтириб ўтилганидек, ҳар қандай қарор ҳокимият органлари томонидан тасдиқланиши керак.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг манбаи сифатида мамлакат Марказий банкининг кредитлари ва Марказий банк томонидан ҳукуматнинг сотиб олинган қарз мажбуриятларни юзага келиши мақсадга мувофиқ эмас.

Мамлакат миқёида бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбалари ҳам ўз навбатида икки гуруҳга булинади:

- ички манбалар;
- ташқи манбалар.

Амалдаги қонунчиликлардан келиб чиқиб бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ички манбаларига:

- мамлакат ҳукумати томонидан шу мамлакатнинг миллий валютасида кредит ташкилотларидан олинган кредитлар;
- мамлакат ҳукумати номидан қиммат қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилаётган давлат заёмлари;

- давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган тушумлар;
- давлат захиралари ва резервлар бўйича даромадларнинг харажатлардан усган қисми суммаси;
- бюджет маблағларини ҳисобга олувчи ҳисоб варақларидаги маблағлар қолдиғининг ўзгариши;
- ва бошқалар.

Молиялаштиришнинг ташқи манбаларига:

- мамлакат ҳукумати номидан қимматли қоғозларни чиқариш орқали хорижий валютада амалга оширилган давлат заёмлари;
- хорижий валютада тақдим этилган ва мамлакат ҳукумати томонидан жалб қилинган хорижий давлатлар, банклар ва фирмалар, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредитлари.

Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари олдидаги (давлат кафолатлари бўйича мажбуриятларни кушган ҳолда) мамлакат ҳукуматининг қарз мажбуриятлари ҳукуматнинг давлат қарзини вужудга келтиради. Бу қарз давлат мулки билан таъминланади. Бунда давлат ҳокимияти органлари мамлакат қарз мажбуриятлари ва республика бюджетининг даромадларини шакллантириш бўйича барча ваколатлардан фойдаланадилар (5.4-чизмага қаралсин).

Мамлакатнинг қарз мажбуриятлари ўзининг муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан ортиқ ва беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан юқори) бўлиши мумкин. Улар заёмнинг конкрет шартларига мувофиқ равишда (заём шартларини, жумладан, тўлов муддатлари, фоиз тўловларининг миқдори, муомала муддатларини ўзгартирмасдан) қайтарилиши керак. Аммо турли бошқа омиллар таъсирида бундай шартларга нисбатан ўзгаришлар киритилиши мумкин бўлади.

Қарз мажбуриятлари қўйидаги шаклларда бўлади

Қарз мажбуриятларининг шакллари

қарз олувчи сифатида мамлакат ҳукумати номидан кредит ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан тузилган кредит битимлари ва шартномалари;

мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилган давлат заёмлари;


мамлакат ҳукумати томонидан давлат кафолатини бериш тўғрисидаги шартномалар;

ўтган йиллардаги мамлакатнинг қарз мажбуриятларини реструктуризация қилиш ва муддатини узгартириш тўғрисидаги мамлакат ҳукумати номидан тузилган битимлар ва шартномалар;

ва бошқалар.

5.4-чизма. Мамлакатнинг қарз мажбуриятларини ўзига хос шакллар

Давлат қарзларига қўйидагилар киради




5.5-чизма. Давлат ички ва ташқи қарзлари

Бюджет дефицитини молиялаштириш жараёнини қўйидаги йўллардан фойдаланган ҳолда бошқариш мумкин (5.6-чизма).

Бюджет дефицитини самарали бошқариш давлат харажатларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш йўналишларида сарфланишини назарда тўтади. Шунга мувофиқ равишда бюджет ажратмалари ва кредитлар маълум бир самарага эришилига қараб ва маблағларнинг қайтарилиши учун кафолатлар етарли бўлган тақдирда аниқ дастурлар остида ажратилиши лозим. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, бюджет дефицитини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар давлатнинг умумий иқтисодий, молиявий ва бюджет сиёсати билан мувофиқлаштирилиб борилади. Халқаро амалиётда эса бюджет

дефицитини камайтириш учун унинг мамлакатга хорижий капитални жалб қилиш шаклидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олиниши муҳимдир.



5.6-чизма. Бюджет дефицитини молиялаштиришни бошқариш тартиби

Инфляцион тадбирларнинг мураккаблиги таъсирида уларнинг амалга оширилиши давлат харажатларини қисқарилиши, кредит ресурсларини қимматлашуви, пул массасининг камайиши мумкин, шундай ҳолат юзага келганда ялпи талабнинг камайиши, капитал

кўйилмаларнинг қисқариши тадбиркорлик фаоллигининг пасайиши ва ишсизликнинг ортиши кўзатилиши мумкин бўлади.

Юқоридагилар юз берганда бюджет дефицити муаммоси пул муомаласи, бюджет сиёсати, иқтисодий фаоллик ва ижтимоий соҳадаги жараёнларга давлат таъсирчанлигининг пасайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар юзага келади.

Бюджет дефицитини камайтириш бюджет сиёсатининг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Уни мувоффақиятли хал этиш учун, алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу уларни тўлиқ ва узил-кесил ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилган ва бюджет дефицитини камайтиришга қаратилган бюджет сиёсати, турли кўринишдаги салбий оқибатларни юзага келиши мумкин.

5.6. Бюджет дефицити ва бюджет сиёсати муаммоларига концептуал ёндошувлар

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида бюджет дефицити ва бюджет сиёсати муаммоларига нисбатан бир неча концептуал ёндошувлар мавжуд бўлиб уларни ишлаб чиқиш пайтда эътибор олиш муҳимдир.

Бюджет дефицитини бошқариш билан боғлиқ бўлган бюджет сиёсатини остида аввало давлат бюджетининг баланслаштириш масаласи ётади. Уз навбатида, бу ғоянинг амалиётда мувоффақиятли амалга оширилиши бюджет дефицити ва у билан боғлиқ барча муаммоларнинг тартибли ечиш имкониятини яратади. Бундай ғоя утган асрнинг 30-йилларида “Буюк депрессия”га қадар (1929-1932 йиллар) ҳар йили баланслаштириладиган бюджет давлат молияси ва молиявий сиёсати кўзда тўтилган.

Ушбу муаммо атрофлича куриб чиқилганда ҳар йили баланслаштиришга қаратилган бюджет сиёсати антициклик, барқарорлаштирувчи йўналишга эга бўлган давлат фискал сиёсатининг самарадорлик даражасини кескин камайтириши мумкин ҳар йили баланслаштириладиган бюджет, иқтисодий циклнинг тебранишини кескинлаштиради. Бундай шароитда аҳолининг даромадларини пасайиши бюджет солиқ тушумларини

қисқариши юз бериши мумкин. Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсати концепциясининг остида мамлакатнинг давлат бюджети ҳар йили баланслаштирилган бўлиши керак деб ҳисобланади, бюджетни баланслаштиришга ҳаракат қилиш солиқ ставкасини ошириш давлат харажатларини қисқартириши ёки уларни тартибга келтириш усулларида фойдаланиши назарда тутилади. Бундай чораларнинг қулланиши, жами талабнинг купрок қисқаришига олиб келиши мумкин.

Давлат бюджетини баланслаштиришга ўриниш инфляцияни ҳам рағбатлантириши аҳолининг пул даромадларини оширишни ҳамда солиқ тушумларини оширишни тақозо этади. Бундай омиллар таъсирида бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида фарқ вужудга келади. Давлат бюджетини баланслаштириш учун ҳукумат кўйидаги чораларни қуллаши лозим бўлади: амалдаги солиқларнинг ставкасини пасайтириши; давлат харажатларининг ҳажмини ошириш усулларида фойдаланиш зарур бўлади. Умуман бюджетни баланслаштириш мақсадида юқоридаги чораларнинг қулланилиши иқтисодиётдаги инфляцион босимни кучайтиради қолаверса баланслаштириладиган бюджет иқтисодий жиҳатдан холис ҳисобланмайди. Бундай муаммоларни мавжудлигига бюджетнинг баланслаштирилган бўлишини кўзда тутувчи конституцион тузилмани қабул қилишни қўллаб-қувватлаш ғоясига ҳам дуч келиш мумкин.

Бюджет дефицити сиёсати иккинчи концепциясининг мазмунини давлат бюджети ҳар йили эмас, балки иқтисодий цикл давомида баланслаштирилиши ғояси ташкил қилади. Ушбуга кўра ҳукумати, бир томондан, иқтисодий жараёнларга антициклик таъсирни амалга оширса, иккинчи томондан, мамлакат бюджетни баланслаштиришга ҳам интилади. Ҳолда, бюджет ҳар йили баланслаштирилмаслиги мумкин. Бундай вазиятда иқтисодий цикл давомида бюджетнинг баланслаштирилганлигига эришишнинг узи етарли бўлиб ҳисобланади.

Бу концепцияни ҳам жозибатор, деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу концепцияга биноан ишлаб чиқаришнинг қисқаришига қарши туриш учун ҳукумат, дастлаб, бир томондан, солиқларни пасайтириши ва иккинчи томондан, давлат харажатларини ошириш эвазига онгли равишда бюджет дефицитини вужудга келтириши керак. Навбатдаги инфляцион юксалиш даврида эса аксинча, ҳукумат солиқларни ошириши ва давлат харажатларини қисқартириши лозим. Ана шу асосда вужудга келадиган бюджетнинг ижобий қолдиғи иқтисодий пасайиш даврида вужудга келган давлат қарзларини (бюджет дефицитини) қоплашга сарф қилиниши мумкин. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бунда мамлакат ҳукумати ижобий антициклик сиёсатни амалга ошира бориб, бир вақтнинг ўзида, бюджетни ҳам баланслаштиради. Фақат бундай баланслаштириш ҳар йили эмас, балки бир неча йил давом этган даврда амалга оширилади.

Ижобий хусусиятларга эга бўлган ҳолда бу концепцияда ҳам ҳал этилиши лозим бўлган бир неча мураккаб муаммоларга эга иқтисодий циклдаги пасайиш ва юксалишнинг уз чуқурликлари ва давомийлиги жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилиши мумкинлиги ана шундай муаммолардан биридир. Масалан, амалиётда баъзи ҳолларда чуқур ва узоқ давом этган пасайиш юксалишнинг қисқа даври билан ҳам характерланиши мумкин. Иқтисодий пасайиш даврида вужудга келган катта миқдордаги дефицитни қисқа муддатда давом этган юксалиш давридаги бюджетнинг ижобий қолдиғи ҳисобидан қоплашнинг иложи бўлмайди ва демак, бу ерда циклик характердаги бюджет дефицити мавжуд бўлиб қолаверади.

Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсати учинчи концепциясининг негизида функционал молия деган ғоя ётади. Ушубга мувофиқ бюджетни баланслаштириш тўғрисидаги масала - уни ҳар йили баланслаштириш керакми ёки циклик асосда баланслаштириш зарурми - бу принципиал аҳамиятга эга эмас, У иккинчи даражали аҳамиятга молик бўлган масала. Чунки давлат молиясининг асосий мақсади бюджетни эмас, балки энг аввало, ноинфляцион тўлиқ бандлиликни таъминлашдан, яъни

иқтисодиётни баланслаштиришдан иборат. Агар ана шу мақсадга эришиш бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги барқарор ижобий сальдо ёки усиб боровчи давлат қарзлари шароитида амалга оширилса давлат бюджети дефицити ёки профицити билан боғлиқ бўлган концепцияга мувофиқ муаммо юқори муқобил даражадаги узоқ давом этувчи иқтисодиётдаги пасайишлар ёки барқарор инфляция билан қиёслаганда деярли аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Чунки давлат бюджети, макроиқтисодий барқарорликка эришиш инструменти бўли ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳар қандай даражадаги бюджет дефицити ёки профицити ҳукуматни шубҳага солмаслиги лозим.

Иккинчи ва учинчи концепциялари бюджет дефицитига йуналтирилган сиёсати бўлиб у бўлиб у мамлакат пул хўжалигининг салоҳиятига таянадиган молиявий сиёсатга таянади. Бундай сиёсат:

- пул салоҳияти доирасида мамлакатнинг молиявий тадбирларни аниқ дастурининг мавжудлигини;
- бюджет дефицитини назорат этишни ва уни қоплаш манбаларини қидириб топишни;
- юқори самара берадиган тадбирларга бюджет маблағларини ажратишни тақозо этади.

Бу сиёсат жамиятга бюджет дефицитининг оптимал улчамини топишга имкон беради. Масалан, утган XX асрнинг 80-йилларида ЯИМга нисбатан бюджет дефицити Францияда 9,6%ни, АҚШда - 11,6%ни, Германияда - 14,0%ни, Японияда - 15,6%ни, Бельгияда - 25,1 %ни, Италияда - 25,2%ни ва Грецияда - 31,2%ни ташкил этган. Бирок бюджет дефицити билан боғлиқ бўлган сиёсат, у қанчалик жозибадор бўлмасин, нисбатан катта миқдордаги бюджет дефицитлари ҳатто иқтисодий жиҳатдан “бой” саналган мамлакатлар учун ҳам кескин салбий оқибатларни олиб келишига сабаб бўлиши мумкин. Дунёда энг ривожланган АҚШ иқтисодиёти узоқ йиллар давомида федераль бюджетнинг барқарор дефицитли шароитида фаолият кўрсатиб келган бўлишига қарамасдан, утган асрнинг 90- йиллари ўрталарига келиб, федерал бюджет дефицити

ошди бу ҳолат АҚШни унга қарши кўрашиш учун таъсирчан воситаларни қидириб топишга мажбур этди.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ Бюджет дефицити - бу нима? Уни келиб чиқиш сабаблари нима?

⇒ Бюджет сиёсатининг якуний (миқдорий) натижаси бюджет дефицити, бюджетнинг баланслилиги ёки бюджет профицитада ўз ифодасини топиши мумкинми?

⇒ Бюджет даромадлари ва харажатларининг узаро тўғри нисбати хусусидаги муаммога доир мунозараларни қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?

⇒ Кейнсчилар мактабининг вакиллари систематик ёки доимий бюджет дефицити концепциясига қандай ижобий ҳолатларнинг хос деб эканлигини қайд этадилар?

⇒ Кейнсчилар мактаби вакилларининг бюджетни дефицитли молиялаштириш назарияси мавжуд дефицитни қандай бюджетда тўпланишини тақозо этади? У қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

⇒ Неоклассик мактаб вакилларининг қарашларида бюджет дефицитига нисбатан қандай рискларнинг мавжуд эканлиги қайд этилади?

⇒ Бюджет дефицитини қандай белгилари бўйича туркумларга ажратиш мумкин?

⇒ Бюджет дефицити вужудга келиш сабабларига кўра қандай турлари бўлиши мумкин?

⇒ Фавқулодий бюджет дефицит нима?

⇒ Халқаро амалиётда бюджетлараро бюджет дефицити дейилганда нима тушунилади?

⇒ Иқтисодий таъсирчанлик йўналишига қараб бюджет дефицити нималарга булинади?

⇒ Бюджет дефицити қандай вазиятларда актив шаклга эга бўлади?

- ⇒ Бюджет дефицити ишсизликнинг даражаси билан боғланганлигига кўра қандай кўринишларда бўлиши мумкин?
- ⇒ Циклик бюджет дефицити деганда нимани тушунасиз?
- ⇒ прогнозга муносабати бўйича бюджет дефицити қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
- ⇒ прогнозли бюджет дефицити нималарда уз аксини топади?
- ⇒ прогноз чегарадан ташқари (режасиз) бюджет дефицити нималар натижасида пайдо бўлади?
- ⇒ бюджет дефицити давомийлигига кўра қандай кўринишларга эга?
- ⇒ Вақтинчалик бюджет дефицитининг юзага келишида қандай сабаблар мавжуд?
- ⇒ бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларига қараб қандай турлари мавжуд?
- ⇒ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг асосий манбаларига нималарни киритиш мумкин?
- ⇒ Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари дейилганда нималар тушунилади?
- ⇒ Давлат ички қарзларининг таркиби нималардан иборат бўлиши мумкин?
- ⇒ Давлат ташқи қарзларининг таркибига нималар киради?
- ⇒ Бюджет дефицитини молиялаштиришни бошқариш қандай тартибда ташкил этилади?
- ⇒ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ички манбалари нималардан иборат?
- ⇒ Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ташқи манбалари айтинг?
- ⇒ Мамлакатнинг қарз мажбуриятларини бошқариш қандай шаклларда бўлиши мумкин?
- ⇒ “Бюджет дефицити”, “Бюджет камомоди”, “Бюджет такчиллиги”, “Бюджет етишмовчилиги” тушунчаларининг моҳияти бир хилми?

⇒ Бюджет дефицитини молиялаштириш жараёнини қандай усуллардан фойдаланган ҳолда бошқариш мумкин?

⇒ Бюджет дефицити ва бюджет сиёсати муаммоларига қаратилган ёндошувлар нималардан иборат?

⇒ Бюджет дефицити ва унга дахлдор бўлган бюджет сиёсатининг концепцияси остида қандай ғоя ётади?

VI БОБ. ЗАМОНАВИЙ БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСЛАРИ

6.1. Замонавий солиқ сиёсати

Ҳар қандай солиқ сиёсатни жумладан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбик этиш аввало уларни фундаменталь асосларини назарий аспектларини асослашни талаб этади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш биринчи навбатда солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига бўлган амалдаги ҳолатни баҳо беришни сўнг эса утиш даври давомида Ўзбекистон Республикасининг ўз бошидан кечираётган солиқларни жорий этиш тартиблари ва солиқ механизми элементларидан самарали таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо солиқлар ҳақида тасавурга эга бўлиши учун бундай ёндашувга утиш даври иқтисодиёти вақтида ҳуқуқ, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида тегишли ўзгаришларни параллел равишда урганиб борилишини ҳам талаб этади. Солиқ сиёсатини барча жараёнлар билан ўзвий боғлиқликда урганиш таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш жуда мураккаб бўлиб ҳисобланади. Утиш даврининг биринчи босқичида маълум даражада, ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, инфляциянинг ўсишига, ишсизликнинг вужудга келишига, давлат секторининг қисқаришига олиб келди. Бунда мавжуд салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида солиқ сиёсати ва мамлакатимиздаги солиқ органлари тизимининг самарали ислоҳ қилиниши иқтисодиётимизни бозор изига туширишда мувоффақиятга эришиш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Утиш даврининг биринчи босқичида солиқлар муаммоси бизнинг мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Уша даврда жуда кескин танқидга учраган, мунозараларга сабаб булган ва солиқларни ислоҳ қилиш бўйича таҳлил объекти ва карама-қарши ғояларга эътибор кун сайн ортиб борди. Умуман ушанда солиқлардан бўлак ислоҳотлар бу қадар долзарб эмасэди.

Чунки солиқ тизими бозор муносабатларининг энг муҳим жихатлаидан бири эди. Мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг мувоффақияти куп жихатдан унга боғлиқ бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтга қадар яратилган солиқ тизимини кескин (тубдан) қайта ўзгартиришга қаратилган таклифларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам иқтисодий ва солиқ ислоҳатларининг кейинги босқичларида солиқ ислоҳатларидан самарани (кайтимни) ҳисобга олмасдан, балки бу таклифларнинг мамлакат иқтисодиёти ва молиясининг барча томонларига қай даражада таъсир этишни инобатга олинмасдан бу жараёнга кул уриш самара келтирмайди.

6. 2. Солиқ тизимини молиявий муносабатларга таъсири

Солиқ тизими молия муносабатларни ривожланишига, тадбиркорликнинг тараққий этишига аҳолининг турмуш тарзини оширишга хизмат қилиши лозим. Бу эса инновацион ривожланиб бораётган иқтисодиётни ҳимоялашни таъминлашига имконият яратиши лозим бўлади. Унга эришиш учун:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари, уларнинг молиявий аҳволини ҳисобга олиш имконини берувчи солиқ тизими, уларнинг турлари ҳамда эгри ва (бевосита) солиқлар нисбатининг бозор иқтисодиётининг ривожланишига мос тарзда ривожланишни таъминлаш;
- хўжалик юритишнинг самарадорлиги учун барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона талабларни урнатишга эришиш;
- иқтисодиётнинг тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ миқдорини ҳисоблашда ягона ёндошиш тартибини шакллантириш;
- икки марталик солиққа тортишга йўл қўймасликни таъминлаш;
- корхона (ташкilot)ларга нисбатан солиқ ставкасини урнатишнинг, (аниқлашнинг) илмий жихатдан асослашга эриши;
- хўжалик субъектларига соғлом ривожланиш учун шароит яратиб беришига қараб солиқ ставкаларини дифференциалаштириш (табақалаштириш);

- солиқ ставкаларини, солиқ солиш базасини ҳисоблашнинг оддийлигини таъминлаш;

- инвестицияларни жалб этиш жараёнини рағбатлантирадиган ва аҳоли яхши яшаши минимумини таъминлайдиган солиқ имтиёзлари тизимини урнатиш;

- солиқ тўловчиларнинг молиявий потенциалидан келиб чиқиб тоифалашган солиқ имтиёзларининг ягоналигини таъминлаш;

- ахборат технологияларига асосланган ва замон талабларга жавоб берадиган солиқ хизматини яратиш;

- давлат бошқарув даражаси солиқларнинг асосли тақсимланишни таъминлаш зарур бўлади.


Аммо солиқ тизимини амал қилиши замон талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш ханузгача муаммо бўлиб турли мунозараларни юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш йўллари мавжуд бўлиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- самарали фаолият кўрсатаётган ва мамлакатимиз шароитига тўғри келадиган Ғарб мамлакатларидан бирининг солиқ тизимини ўрганиш ва ундан имкон қадар ўз шароитимизга мослаштириш;


- утиш босқичидаги мамлакатлар ва ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда янги солиқ тизимини шакллантиришни ва ундан самарали фойдаланишга эриши.

Ҳозирда амал қилиб келаётган солиқ тизимини тезда ва тубдан ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай тадбир иқтисодиётга тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин. Солиқлар ва солиққа тортиш иқтисодий ривожланиш даражаси доирасида турлича бўлган мамлакатлардаги солиқ тизимларини урганиш, таҳлил қилиш ҳамда олинган билимларни Ўзбекистон шароитига мувофиқлаштиришга эришишда илмий ёндашиш мақсадга мувофиқ.



Бозор иқтисодиётига утиш даврининг дастлабки босқичларида ижтимоий-иқтисодиётда ҳукм сурган солиқ тизими амалиёти ва унинг таркибий тузилиши Ўзбекистон солиқ амалиётида ҳам кўзатилди. Сўнги даврлардаги иқтисодий ислоҳатларнинг суръатлари ва йўналишларини амалга оширишда кўйидагилар ўзининг таъсирини кўрсатди (6.1-чизма):

Ўтиш даврида солиқ тизими амалиётига таъсир этувчи омиллар



Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ тизимининг ривожланиш даврларда вужудга келганлигини ҳам алоҳида қайд этиш муҳимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар ва солиқ тизими бозорнинг энг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувининг барча босқичларида олинadиган солиқлар бюджет даромадларининг 90-95 фоизини ташкил этади. Анан шу муносабат билан солиқ тизимини ривожлантириш, солиқларни тўплаш ва улардан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш лозимки утиш даврига қадар (асосан 1987-1990 йиллар)да жорий этилган иқтисодий норматив ва лимитлар тизими, ресурс тўловлари, уларнинг марказий ҳукумат томонидан юқоридан тақсимланиши зарурий (кўзланган) натижаларга олиб келмади. Улар бошқарувнинг режали услубларидан бўлиб, оқибат натижада, молиявий боқимандаликни тугдирди. Солиқ тизимининг асосий мақсади режа топширикларини бажаришдан иборат бўлган

корхоналарнинг фаолият манфаатларига буйсундирилган эди¹³. Айтиш жоизки иқтисодиётида солиққа тортишнинг таркибий тузилишини ўзининг ҳажми бўйича бир-бирига тенг бўлмаган икки гуҳурдаги солиқлардан иборатдир.

6.3. Ўтиш шароитида амалдаги солиқ тизими

Иқтиқлолга эришгач, мустақил Ўзбекистон «солиқ саҳроси» ҳолатидан ўзининг солиқ-бюджет тизимини шакллантиришга киришди. Уша пайтдаги мурракаб иқтисодий вазият, инфляцияни юқори суръатлари, бюджет дефицитининг мувозанатлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга харажатларни молиялаштириш учун ресурсларни кидириб топиш ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш юзасидан устувор вазифаларни ва ҳалқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш базасини янгилашни ҳал этиш солиқ сиёсатининг мақсад-моҳиятини белгилаб берди.

Бунда солиқлар иккинчи даражали иқтисодий институтлардан бир неча йил ичида давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг хўжалик ҳолатига таъсир утказувчи қудратили дастагига айланди.

Хуллас, мамлакатимиз солиқ тизими ўз тараққиётининг қисқа даврда жиддий ўзгаришларни бошидан келтирувчи ва кўйидаги босқичлардан утди:

Биринчи босқич (1991-1994 йилларда) солиқ тизимининг риожи солиқлар сонининг кўплиги, фақат фискал йўналишларга ноанъанавий солиқлар қўшилганлиги билан ҳам характерланади;

Иккинчи босқич (1995-1999 йиллар)да солиқ тизими нисбатан барқарорлашди, ундан бозор иқтисодиёти тамойиларига жавоб бермайдиган солиқлар ва тўловлар чиқариб ташланди;

Учунчи босқич (2000 йилдан бошлаб)да солиқ тизимини ривожлантириш мақсадида қонунчиликка киритилган ўзгаришлар:

¹³ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 450 бет.

-солиқ юкини янада енгиллаштиришга;

-кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга;

-солиқ тўловларнинг уларнинг хўжалик фаолиятига асосиз аралашувлардан ҳуқуқий химояланганлик даражасини оширишга;

-жиной ва маъмурий жавобгарликка тортишни эркинлаштиришга;

-самарали солиқ тизими тамойилларини янада тўлароқ руёбга чиқаришга қаратилди. Натижада, амалга оширилган тадбирлар солиқ бюджет қонуниятларга нисбатан ўзгаришлар киритилиши кун тартибига олиб чиқди. 2008 йил 1 январдан янги тахрирдаги солиқ кодекси кучга киргач ўзгаришлар амалга оширилди. Бу эса солиқ-бюджет сиёсатини самарали ташкил этишда юзага келган тусиқлар бартараф этилди.

Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi (2008 й.) ҳозирда ҳам давом этилаётганлиги, у туфайли келиб чиқаётган барча салбий оқибатлар, қолаверса 2019 йил Covid -19 юзага келиб чиқиши шароитида Ўзбекистондаги ва умуман бутун Дунёда ривожланиш истиқболли ҳақидаги масала ҳар қачонгидан кўра уткироқ бўлиб қолди. Шунингдек, йиллар давомида йиғилиб қолган иқтисодий мушғулотлар, худудий давогарлар кўринишидаги муаммолар вужудга келди, уларни бартараф этиш ўз навбатида товарлар ишлаб чиқиш (хизматлар кўрсатиш) ҳамларини анча оширишни доимий бюджетга солиқ тушумларини шунга яраша оширишни таъминлаш борасида бюджет солиқ сиёсатини такомиллаштирини англатади лекин утиш шароитида амалдаги солиқ тизими бозор иқтисодиётининг жадаллик билан фаолият кўрсатишига тусқинлик қила бошлади ва янги солиқ тизимига асос солиш зарурияти юзага келди. Бу эса 2018 йилда солиқ сиёсатини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишни ва унга асосан бюджетга тушумларни ўз вақтида туширишни таъминлашга киришилди.

Вужудга келган реал вазият яъни, инфляцион жараёнларнинг кучайиши:

- товарлар бозоридаги номуносивлик;
- ишлаб чиқаришнинг қисқариши;
- бюджет харажатларини молиялаштиришнинг эмиссия ҳисобидан амалга оширилиши ва бошқалар.

Ушбу ларни иноботга олган ҳолда жуда кескин чораларни куриш тақозо этилди ва шунга мос равишда амалиётда кулланилиб келинаётган солиқ тизими жуда қисқа муддатда (3 ой ичида) ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этилди. Янги солиқ тизимини куллаш амалиёти қисқа муддатда (1992 йилдаёк) давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги асосий оғирликни кўшилган қиймат солиғи уз зиммасига олди.

Айтиш лозимки, амалдаги янги солиқ тизими тузилиш (курилиш) принциплари ва таркибий қисмлари бутун жаҳон амалиётида кенг тарқалган солиқ тизимини ўзида акс эттирган эди. Ҳозирда ҳам барча солиқ тизимлари худди шунга ухшаш турли хилдаги солиқлардан иборат.

Ушанда жорий этилган кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва акцизлар бекор қилинган оборот солиғи (ОС) ва сотувдан олинандиган солиқ сингари эгри (билвосита) солиқлар ҳисобланиб, улар узларининг моҳиятига кўра истеъмолга солинадиган солиқлар бўлиб юзага келди. Чунки бу солиқлар билан истеъмолчилар томон юз тутган маҳсулотлар ва хизматлар солиққа тортила бошлади. Охирги истеъмолчи бу ерда фақат шахс сифатида майдонга чиқмасдан, балки бу солиқларни тўловчилар бўлиб ноишлаб чиқариш соҳасидаги истеъмолчилар ҳам ҳисобланди.

ҚҚС ва акцизлар бозор иқтисодиётига эга бўлган жуда куп мамлакатларда узларини фақатгина бюджетнинг самарали фискал инструментлари сифатида намоён этиб қолмасдан, балки барча тадбиркорлар учун хўжалик юритишда тенг шароитлар яратиб берадиган восита сифатида ҳам намоён булди.

ҚҚС оборот солиғидан солиқ тўловчилар контингенти, фаолият кўрсатиш соҳаси, бюджетга олиш услуги, ставкалари сони ва

ҳисобланишнинг оддийлиги билан фарқ қилиши уша вақтда диққатга молик булди.

ОС учун қатъий баҳоларнинг қаттиқ регламентация қилинганлиги, солиқ ставкалари кенг тўпламининг мавжудлиги ва солиқнинг фақат тайёр буюмлар бўйича олиниши характерли бўлган. Бу солиқ, асосан, халқ истеъмол буюмлари бўйича олиниб, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, савдо, таъминот, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларга деярли таъсир кўрсатмади десак муболаға бўлмайди.

ҚҚС энг умумий солиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадларга мулжалланган, халқ истеъмол товарлари, бажарилган ишлар ва нақт пули тўловли хизматлар, ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини уз ичига камраб олди. Бу солиқ товарлар, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларида яратиладиган қиймат ўсишининг бир қисмини бюджетга олиш шакли бўлиб, у уларнинг реализация қилинишига қараб бюджетга олинди (ўтказилди).

ҚҚСнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш учун таркибига хом ашё, материаллар, ёкилғи, энергия, асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан биргаликда), асосий фондларнинг амортизацияси ва бошқа харажатларнинг қиймати кирувчи ишлаб чиқариш харажатларининг элементларига нисбатан тушунчага эга бўлиш муҳимдир. Кўрсатилган моддий харажатлардан буюмлашган меҳнатни ўзида гавдалантирганларнинг барча элементлари бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш ҳақи (асосий ва қўшимча) аввало эса (ижтимоий эҳтиёжларга ҳисоблашлар билан биргаликда) жонли меҳнат билан шу корxonанинг ўзида яратилади ва улар қўшилган қиймат ҳисобланади. Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган ва корxonанинг фойда олишига имкон берувчи баҳоларда реализация қилинади ва у ҳам шу корхона ишчиларининг меҳнати билан яратилади ҳамда қўшилган

қийматга тегишли бўлади. Унга кўра қўшилган қиймат ўзида қайта ишлаш харажатларини ва (меҳнат ҳақи харажатларини) гавдалантирди. Қўшилган қийматнинг таркибига юқоридагилардан ташқари, амортизация ва ишлаб чиқариш цикли билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларнинг бошқа элементлари ҳам киради.

ҚҚС нинг устуворлик роли унинг умумийлиги билан белгиланади. Мулкчилик шакли ва у қайси юқори ташкилотга итоат этишидан катъи назар деярли барча корхоналар бу солиқнинг тўловчиси ҳисобланади (шу жумладан, хорижий инвестицияли корхоналар ҳам).

ОС ва сотувдан олинадиган солиқ бекор қилиниши муносабати билан уларнинг урнига жорий этилган ҚҚС барча ҳолларда ҳам «тушиб қолаётган» бюджет даромадларининг ҳаммасини тулдириши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда бу вазифани бажариш масъулияти акциз солиғи зиммасига юклатилганлиги бежис эмас эди.

Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловларнинг такидлашларига кўра акциз ставкаларининг даражаси сотилиш баҳосига (қўшилган қиймат солиғи чегирилган) нисбатан фоизларда урнатилган бўлиб, улар бутун мамлакат ҳудуди учун ягона ҳисобланган. Бирок бизнинг амалиётимизда акцизлар ставкасининг фоизларда урнатиш натижасида жаҳон амалиётидан бироз четга чиқилди. Чунки бу ерда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда урнатилади¹⁴.

Амалда молиявий нобарқарорлиги, инфляция суръатларининг юқорилиги шароитида акциз ставкаларининг маҳсулот натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда урнатилиши бюджет даромадларига зарур бўлган миқдорда солиқлар олинмаслигига сабаб булди. Шу боис акциз ставкаларини товарни сотиш баҳосига нисбатан фоизларда урнатиш зарурияти туғилди.

¹⁴ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -160-161.

Умуман иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва инфляция даражасини минималлашуви пировардида акциз ставкаларини умум-қабул қилинган услубда, яъни маҳсулот бирлигига нисбатан қатъий равишда (сум ва тийинларда) урнатиш вазиятини юзага келтиради¹⁵.

Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловларнинг фикрига кўра амалиётда қулланилган солиқларда махсус равишда инфляция даражасининг юқори эканлиги эътиборга олиб ой давомида баҳоларнинг 25-30 фоизга ўсиши содир бўлганда фақат тўғри солиқларнинг қулланилиши даромадларга нисбатан харажатларнинг ўсиши ҳисобидан бюджет даромадларининг 35-40 фоиз йўқотилишига олиб келди. Шунинг учун ҳам қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши бундай «самара»ни икки баробарга камайтирди ва эгри солиқларнинг ҳар деганда олинишига утилиши билан юқоридаги салбий оқибатларга бардам берилди деб такидланади¹⁶.

Хуллас ҚҚС автоматик равишда товар баҳосининг таркибига қушилар ва истеъмолчиларга ўтказилди. Айтиш жоизки уша вақтда жисмоний шахслар даромади, мол-мулк ва ерга солинган солиқлар, минимал фойдадан олинадиган солиқлар эса юқори даражада сақланиб қолинди. Пекин барибир уша давр учун солиқларнинг юқори даражадалиги, солиқ ставкаларининг усиб бориши, янгидан-янги солиқларнинг жорий этилиши характерли бўлса-да, шундай бўлишига қарамасдан, давлат бюджетининг даромадларини шакллантираётган солиқларнинг ялпи миллий маҳсулотдаги салмоғи пасайиб борган ва айрим ойларда 8-9 фоизга тенг бўлган. Бўларниг ҳаммаси амалдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш йўллари кидириб топишни зарурият даражасига кутилди.

Утиш даврида солиқ ислоҳотларини амалга ошириш мақсадида бозор иқтисодиёти шароитидаги хорижий мамлакатларнинг солиқ тизимидан андоза олиш тарзида ёндашишни шартли равишда «катта сакраш» деб аташ мумкин. Бироқ хорижий мамлакатлар солиқ

¹⁵ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -160.

¹⁶ Уша ерда Б -160.

тизимларидан нусха олишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи бир неча сабаблар мавжуд.

6.4. Хорижий мамлакатлардаги солиқ тизими

Ривожланган мамлакатлардаги солиқ тизимларини такомиллашган ва ҳозирги куннинг талабларига мос келади деб айтиш асос йўқ, чунки хорижий мамлакатлар ўз солиқ тизимларини систематик равишда ислоҳ қилиб турилишини фикримиз далилидир. Утиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар ривожланган мамлакатларининг солиқ тизимларини тўлиқ жорий этмаган бўлсада, улар солиқ тизимини ривожлантиришда тусиқ бўлиб келаётган камчиликлари бўлиши муҳимдир. Чунки уларнинг солиққа тортиш амалиёти ва тажрибасини тадқиқ қилиш бизнинг мамлакатимиз учун маълум даражада амалий аҳамиятга эга бўлган бир неча хулосаларга олиб келади.

Айтиш жоизки ривожланган мамлакатларда ижтимоий ресурсларни маориф ва интеллектуал эҳтиёжларни қондириш фойдасига қайта тақсимлашга йуналтирилганлиги билан характерланади. Бу эса, содир бўлаётган ўзгаришлар ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича давлатнинг тадбирлари билан таъминланади. Хар бир конкрет шароитда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда жамиятдаги туб ўзгаришларга қодир бўлган барча омиллар ҳисобга олинади ва иқтисодий, технологик, ижтимоий, экологик ва сиёсий оқибатларнинг характери ҳам назардан четда қолмайди. Бир вақтнинг ўзида улар иқтисодий даражаларида тафовутлар бўлишига қарамасдан хўжаликни глобаллашуви шароитида мамлакатларнинг таркибий қайта қурилиши бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ривожлантириб борилади.

Ривожланган бозор мамлакатлар дунёнинг бошқа қисмига (жумладан, бизнинг мамлакатимизга ҳам) таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки уларнинг узлари фаолиятларини ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Мамлакат ичидаги ва ундан ташқаридаги иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири

турли молиявий, кредит, пул услублари ёрдамида амалга оширилсада ҳам улар орасида проретитли ўринни солиқлар эгаллаб келмоқда.

Солиқлар иқтисодий категория сифатида моддий мазмуни шундан иборатки, улар давлатнинг уз функцияларини бажариши учун давлат томонидан яратилган даромаднинг бир қисмининг давлат ихтиёрига йўналтирилишини (жалб) таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, ҳозирги дунё мамлакатларда аксариятида солиқлар давлат бюджетининг асосий (70-90 фоиз) даромадини ташкил этади. Объектив ва субъектив ҳолатларнинг таъсири остида давлат фаолиятининг кескин кенгайиши натижасида солиққа тортиш инсониятга катта хавф туғдираётган экология, урбанизация, моддий қашшоқлашув ва бошқа шу каби муаммоларни ечишни уз зиммасига олаяпти. Ривожланган мамлакатларда солиқ тушумларининг энг чуққиси 70-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келган яъни ЯИМ салмоғи 30- 45 фоизни ташкил этган. Солиқ тушумларининг ортиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижий мамлакатлар бюджет-солиқ тизимларига киритилган «янгиликлар» билан изоҳланади. Уларнинг таркибига қўйидагиларни кирган:

- тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиққа тортиш объектларининг кенгайтирилиши орқали бюджет даромадларини ошириш;

- бюджет даромадларини оширишни оптималлаштириш мақсадида;

- солиққа тортиш услубларининг ўзгартирилиши;

- амалдаги солиқ ставкаларининг оширилиши;

- бюджетга ундириладиган барча солиқ турлари бўйича тўлов муддатларини жорий йилга ўтказилиши ва эгри (билвосита) солиқлар бўйича тўлов муддатлари тезлаштирилишини таъминлаш;

- замонавий бюджет-солиқ каттик қонунларнинг жорий этилиши (киритилиши) ва электрон техникадан фойдаланиш

ёрдамида солиқ тўловчилар устидан давлат молия органлари назоратининг кучайтирилиши.

Шунга қарамай солиққа тортишнинг юқори даражадалиги уларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган:

- капитал куюлмаларнинг манбаларида чекланишларнинг мавжудлиги муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ёмонлашувини юз берганлиги;

- даромадлар ошган қисмининг солиққа тортилиши натижада меҳнатнинг рағбатлантирилишини пасайиши юз берди ва аҳолининг иқтисодий ташаббускорлиги сусайди;

- солиқ тулашдан буйин тортилувчиларни сон жихатдан ошиши натижасида яширин иқтисодиёт ривожланди. Бу эса қонунни бузмасдан уз фаолият шаклини ўзгартирадиган ва бу фаолиятни солиққа тортиш учун қийинлаштирувчилар ҳам киритилганлиги сабабли солиқ муносабатлари оғирлашди;

- ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлар баҳосининг таркибига эгри солиқлар ва ижтимоий суғурта бадаллари ҳамда бир неча тўғри солиқларни киритишлари сабабли инфляцион жараёнлар чуқурлашди;

- солиқ боқаруви хизмати ошди солиққа тортиш субъектлари ва объектларининг ўсиши муносабати билан солиқларни ундириш бўйича харажатлар ортиб кетди;

- ижтимоий низолар вужудга келди ва товарлар реализацияси жараёнини мураккаблаштирди.

Бундай салбий оқибатлари тўплана борди ва маълум бир ҳолатлар юз берганда ишлаб чиқариш ўсишини пасайишига олиб келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар шунингдек, циклик таназзулга якинлаштириб қўйиши мумкин. Утган асирнинг 70 йиллари ўртасида аксарият давлатларда шундай қилиниши таназзулга дуч келди.

Иқтисодий тушкунликни олдини олиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари уз солиқ сиёсатларини қайта куриб чиқишга мажбур бўлишдилар. Таклифлар иқтисодиёти» деб

номланган назарияга асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш солиққа тортишни анча пасайтиришга киришиши муҳим деб топилди ва утган XX асрнинг 80-йилларида аксарият мамлакатларда, тўғридан- тўғри солиққа тортишни пасайтиришга қаратилган солиқ тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалиётга кенг қуллашга киришилди.

Шу ўринда айтиш жоизки иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг ривожлантирилишига кескин қарор қўйидагилар. Биринчи. Германияда 50 дан ортиқ турли солиқлар амал қила бошлаган. Мамлакатда ҳамма сотилаётган нарсаларга маълум бир фоиз ундириб давлат ихтиёрига ўтказилди. Солиқларни рангбаранглиги давлат органларига ҳар бир солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс) устидан назорат ўринатиш учун замин яратилди.

Солиқ тизимларида содир бўлган ўзгаришлар қўйидагиларда ўз аксини топди, яъни:

Биринчидан. Аксарият давлатларда даромад солиғи энг муҳим солиқ тури бўлиб у ҳисобланади, у аҳоли ўртасида оммавий солиққа айланади. Энг муҳим шедуляр солиқ ундириш тежамли бўлган солиқ билан алмаштирилди. Йил давомида солиқнинг олинishi даромадни унинг иштирокида амалга оширилган бўлди. Йил охирига келиб солиқ декларациясининг тақдим қилиниши бўйича солиқ имтиёзлари ва чегирмалар ҳисобга олиниб, солиқлар суммасини қайта ҳисобланиши учун имкониятлар яратилди¹⁷.

Иккинчидан. Уз аҳамиятига кўра ижтимоий (ижтимоий) суғурта бадаллари давлатнинг иккинчи муҳим солиқ даромади ҳисоблана бошланди. Бу мақсадли солиқ бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга қаратилишини таъминлади. Ижтимоий (ижтимоий) суғурта бадаллари жисмоний шахслардан солиқ чегирмалари инобатга олинмаган ҳолда уларнинг даромадларидан пропорционал ставкаларида олинган, бўлса унда юридик шахслардан эса иш ҳақи фондига нисбатан фоизда олинди. Бунда, солиқ ставка

¹⁷ Черник, Д. Г. Теория и история налогообложения: учебник для вузов / Д. Г. Черник, Ю. Д. Шмелев; под редакцией Д. Г. Черника. — М.: Юрайт, 2022. — 364 с.

кулланиладиган максимал бадал (даромад) ҳам белгиланадиган бўлди. Купгина ҳолатларда ижтимоий суғурта бадалларининг тушиб туриш бошқа солиқларга тегишли бўлган шу кўрсаткичлардан юқорирок бўлди.

Учунчидан. Корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқни устувор бўлиб қолиши. Бу солиқ фойдадан имтиёзлар чегирилганидан сўнг қолган фойдадан олинди. Бунда солиқнинг ставка пропорционал кўринишда бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг манфаатларини қўллаган ҳолда оз-моз пасайтирилди. Юридик шахслар фойдасини бундай умумий кўринишда солиққа тортиш даромадларни солиққа тортишга нисбатан анча авзалликларга ҳам эга булди Бу авзаллик солиқни пастлиги билан қайд этилди.

Тўртинчидан. Ривожланган мамлакатларнинг қонунчилигида инвестицияларни солиққа тортиш учун қулай шароитлар яратиб берди, улар инвестицион солиқ кредити тезлаштирилган амортизация қулланди ва шу орқали хусусий капитал куйилмаларининг ўсишини таъминланди. Компанияларнинг акционерлик шаклида ташкил қилишнинг кенгайиши икки марта солиққа тортиш (компания даражасида ва акционерлар даражасида) муаммосини юзага келтирди. Бу эса фойдани солиққа тортиш таркибини қайта куриб чиқишни талаб этди. Айрим мамлакатларда (Германия, Япония, Австрия, Норвегия ва бошқаларда) корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқнинг турли ставкалари ҳозирда ҳам амал қилиб келмоқда. юқорирок ставкалар - тақсимланмаган фойда учун ва пастрок ставкалар - тақсимланган фойда учун. Айтиш жоизки, Бельгия, Буюк Британия, Дания, Канада, Франция қонунчилигида акционерлар дивидендларидан даромад солиғини ундиришда солиқ кредитлари амал қилади. АҚШ ва Италияда эса фойдани солиққа тортишдаги икки марталик пасайтиришга қаратилган солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.

Айтиш жоизки, бюджетларнинг солиқ даромадлари таркибида корпорациялар фойдасидан ундириладиган солиқ ҳиссасининг нисбатан пасайиб бориши қайд этилмоқда.

Бешинчидан: Хорижий мамлакатларда енгил ундирилиши сабабли билвосита солиқлар кенг тарқалган шу жумладан, бундай солиқ универсал акциз (оборот солиғи) бўлиб ҳисобланади. Бу солиқ жуда куп истеъмол товарлари ва хизматларни камраб олганлиги учун бюджет даромадларига жуда катта тушумларни келишини таъминлаб келмоқда.

Олтинчидан: Универсал акциз жуда куп мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи шаклини олиб, солиқ тизимини унификациялаштиришни бошлаб берди. Бу солиқнинг кенгайишига унинг баъзи бир афзалликлари (солиққа тортишнинг оддийлиги, юқори даромадлиги, иқтисодиётни тартибга солишдаги самарадорлиги, ишлаб чиқариш устидан назоратнинг мавжудлиги) сабаб булди. Тўғри (бевосита) солиқларнинг қисқариши билан бир вақтнинг ўзида индивидуал акцизларнинг ставкаси оширилди.

Еттинчидан: Қиймат асосига ўтказилган бўлишига қарамадан бож тўловларининг фискал аҳамияти кескин пасайиб бормоқда. Ҳозирги дунёнинг характерли белгиларидан бири божли тартибга келтириш бўлиб, у давлатлараро бирлашиш доирасида ёки ташқи савдони кенгайтириш мақсадидаги халқаро солиқ битимларида кўзда тутилаяпти.

6.5.Ривожланган мамлакатларда солиққа тортиш тенденциялари

Саноати ривожланган мамлакатларда солиққа тортишнинг асосий тенденцияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Утган асирнинг 40 йилларининг ўрталаридан то 80 йилларнинг бошларига қадар ҳарбий харажатларнинг тез ўсиши солиқли даромадларнинг тез ўсишини кўзатилишини;
- XX асирнинг 80-йилларнинг бошларида солиқлар ўзининг юқори нуҳасига етди, яъни тўғри солиқларнинг (энг аввало, даромад

ва корпорация солиқларининг) ошиши фақат турли даражадаги бюджет даромадларининг ошишини эмас, балки оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга ҳам олиб келиши;

- Ғарб давлатлари харажатларни қисқартириш бўйича чоратадбирлар қурилиши солиқ тизимини ҳозирги шароитга мослаштириш мақсадида такомиллаштиришни;

- утган асирнинг 80-йилларда ривожланган мамлакатларда солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиш тартибини енгиллаштириш солиқ имтиёзларини имкон қадар қисқартириш даромад ва корпорация солиқларини камайтиришга йуналтирилди солиқ ислохотларини амалга оширилиши, шулар жумласидан бўлиб ҳисобланади.

Юқорида номлари тилга олинган мамлакатларида солиқ тизимларини такомиллаштирилиши солиққа тортишдаги анча таркибий ўзгаришларга имконият яратди. Тўғри (бевосита) солиқларнинг ҳиссаси камайиб, эгри солиқларнинг ва ижтимоий суғурта бадалларининг ҳиссаси ортиб борганлиги қайд этилди. Бу мамлакатларда утган асирнинг 40- йилларига қадар солиққа тортиш солиқларнинг каттагина қисмини тулаган юридик шахслардан жисмоний шахсларелкасига тўғри келган эди.

XX асининг 50 йилларда солиқларнинг миқдорий купайиши уларни соф фискал инструментдан давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига самаралироқ аралашувига имкон берадиган иқтисодий инструментига айлантирди. Тўғри солиқларни яъни, фойда (даромад)ни солиққа тортишдаги ўзгаришлар капитал ҳаракатнинг тезлигига, маҳсулот сифатига, жамғарма ва инвестицияларга таъсир кўрсата бошлади.

Ривожланган мамлакатларда давлатлар манфаатлари нуқайназаридан, моддий бойликпарни тақсимлаш жараёнида фаол аралаша бошлаши натижасида. Солиқ ставкалари, объектлари, имтиёзлари, ундириш услубларидан фойдаланган ҳолда ҳокимият ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг турли улчамларига ҳамда аҳолининг талабига ҳам таъсир қилади. Натижада эса,

иқтисодиётнинг ўзгарувчанлиги ижтимоий, иқтисодий таркибий тузилмаларнинг сезиларли даражада мосланувчанлиги таъминлана бошланди.

Уларда солиқлар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солиш ишлаб чиқариш жараёнида турли зиддиятларни келтириб чикувчи карама-қаршилиқ билан кўзатилди. Ишлаб чиқариш циклик тарзда ривожланди, солиқлар ёрдамида тартибга солиш ана шу карама-қаршилиқларнинг салбий оқибатларини пасайтиришга йуналтирилди у фақат таназзул жараёнларини содир бўлишини биров кечиктиришга хизмат қилди холлас. Бу эса айрим қийинчиликларни еча бориб, солиқ тадбирлари уларнинг янгиларини (экологик, энергетик ва бошқалар) вужудга келишига олиб келди, келажакдаги иқтисодий вазиятни эса бир оз ёмонлаштирди, мураккаблаштирди.

Бунда солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг зиддиятлари қўйидагиларда намоён бўла бошлади:

1. Тартибга солиш мақсадларининг карама-қаршилиқларида (зиддиятчилиги). Давлат солиқ тадбирлари айрим ҳолларда бири-бири билан мутлақо тўғри келмайдиган мақсадларни кўзлай бошлаши бунга, АҚШ маъмурияти 1981-1986 йиллар давомида солиқ ислохотини амалга ошириш ёрдамида федерал бюджет дефицитига бардам бериш ва инфляция жараёнларини сусайтиришни кўзда тутганлиги мисол бўла олади. Ислохот инфляцион жараёнларга ижобий таъсир кўрсатса-да бироқ, бюджет дефицитини қисқартиришга эришилган тақдирда ҳам бюджетнинг баланслилигини таъминлаб бўлмади.

2. Солиқ тадбирларининг демократик принциплари ва уларнинг реал намоён бўлишлари ўртасидаги зиддиятларда. Солиқ қонунлари яратилаётган пайтда бу қонунларнинг одатда тенглик, оддийлик ва оммавийлик каби мақсадларнинг кўзлаши расмий равишда эълон қилинади. Аммо сиёсий кучга эга бўлган жамоатчилик ташкилотлари, бирлашган ҳолда аҳолининг айрим катламини купроқ солиқ афзалликларига эга бўлишган бўлсада унда

жамоатчилик ташкилотларига бирлашмаган аҳоли катлами узларининг тегишли муаммоларини ечиш имконига эга бўлмай қолишлари қайд этилди.

3. Иқтисодий жараёнларга таъсир этишдаги зиддиятларда. Солиқлар ёрдамида тартибга солишдан фойдаланган ҳолда давлат умуммиллий мақсадларни ҳисобга олиб айрим ҳудудларда капитал жамгарилишини рағбатлантирилиши мумкин бўлади ва шу орқали у ҳўжаликда вужудга келиши мумкин бўлган номутаносибликни сусайтиришга ҳаракат қилади. Тадбиркорларнинг бир гуруҳи учун қулай солиқ муҳитини яратиб бериб, уларнинг иккинчи бир гуруҳига зарар етказди ва уларнинг норозиликларига сабаб бўлади. Шундай ҳолат АКШда кўп кўзатиладиган булди, чунки саноат учун солиққа тортишни тенглаштириш мақсадида саноатнинг казиб чиқарувчи тармоқларида казилма бойликларга нисбатан устаманинг қисқартирилиши натижасида содир бўлиши кўзда тутилиб келинди. Тадбиркорликни манфаатларига жавоб берадиган бу тадбир олдин худди шу имтиёздан фойдаланиб келганлиги бир вақтнинг ўзида нефть компанияларида норозиликларни келтириб чиқишига сабаб бўлган.

4. Натижаларнинг зиддиятлилигида. Солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳукумат ҳамма учун тенг имкониятларга эга эканлигидан баёнот беради. Аммо имкониятларнинг тенглиги улардан ҳамманинг ҳам фойдалана олиши мумкинлигидан далолат бермайди. Турли соҳаларда ягона манфаатлар мавжуд бўлмаслиги боис дунё мамлакатларида тенгсизлик мавжуд бўлди. Солиқ сиёсати қай даражада демократик бўлишига қарамасдан жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари ўртасида фарқ сақланиб қолаверади ёки боргани бир хил тарзда каноатлантира олмайди. Бу сиёсат, энг аввало, капитал эгаларига, купроқ таъминланган гуруҳларга қулайликлар тугдиради ва улар қўшимча афзалликларга эга бўлиб келаверадилар.

Солиқлар ёрдамида тартибга солиш мулкый ҳолатни тенглаштиришни уз олдига мақсад қилиб қўйса-да, аммо унга эриши эҳтимоли «0» га тенгдир. Солиқ ислоҳатлари натижасида айрим

вақтларда ижтимоий гуруҳлар ўртасида тенгсизлик юзага келиши вақти-вақти билан мунозарали вазиятларни юзага келтиради. Бунга мисол бўлиб, 1990 йилда Буюк Британияда маҳаллий бюджетларнинг даромадларини купайтириш мақсадида қабул қилинган «Жон солиғи тўғрисида» ги қонун кўпчилик томонидан норазиликни юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса солиқ юки ошгани боис аҳолининг кенг катламининг норозилигига сабаб бўлди. Бир вақтнинг ўзида ҳар бир кишини бир хил тарзда қондира оладиган солиқ тизимларига тегишли бўлган муаммо ечимсиз қолмоқда ва катта мунозараларни юзага келишига сабаб ҳам бўлмоқда. Айтиш жоизки кўпчилик илмий ишларда солиқлар ёрдамида тартибга солиш чекланганлиги солиқларнинг иқтисодиётга таъсири маълум бир чегара доирасида амалга оширилаётганлиги ихтиёри келади¹⁸. Бунинг объектив сабаблари бўлиб:

- тадбиркорликнинг ихтиёрида катта миқдордаги ортиқча капиталнинг мавжудлиги ва уларда маблағлар билан манёвр қилиш имкониятларининг юқорилиги;
- турли солиқ имтиёзларини амал қилиши натижасида даромадларни камраб олиш ва фойдани солиққа тортишнинг чекланганлиги бу эса, солиқ имтиёзларининг давлатни тартибга солувчанлик фаолиятига таъсир кўрсатишлиги;
- солиқларни тулашдан буйин товлаш улчамини тобора ошиб бориши ва уни иқтисодиётни тартибга солиш бўйича давлат бошқарув органларини имкониятларини пасайтириши;
- ривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри солиққа тортишнинг «пасайиб бориш» тенденциясининг мавжудлиги;
- товарлар оқими, илмий-техникавий тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясини камраб олган ҳолда хўжаликларнинг интернационализациялашуви ва халқаро алоқаларнинг ўсиши. Бунинг оқибатида хўжалик юритувчи

¹⁸ ZAYNALOV J. R., AHROROV Z. O., ugli AKHADOV I. E. The Importance and Characteristics of Application of Blockchain Technologies in the Tax System //ECLSS Online 2020a. – 2020. – Т. 297.? Черник, Д. Г. Теория и история налогообложения: учебник для вузов / Д. Г. Черник, Ю. Д. Шмелев; под редакцией Д. Г. Черника. — М.: Юрайт, 2022. — 364 с.

субъектларнинг хорижий филиаллари ва бўлимлари давлатнинг назорати остидан четга чиқиши. Жаҳон бозори иштирокчилари эса алоҳида олинган бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига буйсунмаслиги. Бундай омиллар халқаро муносабатлар соҳасида ҳам солиқлар ёрдамида тартибга солиш механизмини яратиш зарурлигини тақозо этиши. Дастлаб бундай тартибга солиш икки томонламалик шартномалар асосида амалга оширилган бўлса, эндиликда эса у куп томонламалик шаклини ола бошлади. Шундай бўлишига қарамасдан, солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг халқаро шаклини кенг ривожлана олмаслиги маълум даражада суверенитет-мустақиллик масалаларига бориб такалиши:

- солиқ тадбирларининг вақт жиҳатдан чекланган бўлишига. Бундай тадбирлар солиққа тортишдаги ўзгаришларнинг дастлабки босқичларида амал қилади, сўнг вақт утиши билан унинг таъсирчанлиги кескин пасая бошлайди ва «0» га тенг бўлиб қолиши;

- тадбиркорлик ва трансмиллий компанияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Дунё миқёсида куп мамлакатларида филиаллари бўлган ва валюталарда куп миллиардли активларга эга бўлган бу халқаро гигантлар ҳеч қандай тусиқларсиз ҳаракатлардан кутилиш имкониятига эга бўлиши. Компаниялар солиққа тортиш масалалари бўйича низоли вазиятларга дуч келиш ҳолатлари юз бериши мумкин. Лекин у ёки бу давлат ҳамма вақт ҳам бу кўрашда талиб келавермайди. Бунга мисол бўлиб 2014 йилдан то ҳозиргача Россия ва Украина давлатлари ўртасида юзага келган вазият натижасда РФ га нисбатан эълон қилинаган сангциялар бир вақтни ўзида барча давлатларда ҳам юзага келган ҳолатлардан зарар кўраётганлиги ҳисобланади.

Мамлакатларда солиқ тизимлари бир- бирларидан фарқ қилса-да, лекин улар учун умумий тенденциялар ҳам характерлидир. Ана шундай умумий тенденциялардан бири маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқлар ролининг ошиши бўлиб ҳисобланади. Бунга мисол Японияда, АҚШ ва уларда маҳаллий солиқлар давлат бюджетининг 30 фоиз ва 65 фоизини ташкил этиши

бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим давлатларда ягона маҳаллий солиқ маҳаллий бюджетларнинг 40% даромадини ташкил этиб келмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки АҚШ шаҳарлари бюджети даромад қисмининг асосий тушуми мол-мулк солиғи ташкил этмоқда. Бу солиқ АҚШ нинг купгина шаҳарларда бюджет даромадларининг 35-70 фоизини ташкил этмоқда АҚШ шаҳарларида ишбилармон фаоллиги учун олинадиган солиқ ҳам бюджет даромадларида муҳим рол уйнайди. Голландияда икки маҳаллий солиқ - кучмас мулк ва туристлар солиғи - Гаага шаҳри бюджет даромадининг 75 фоиздан купрогини ташкил қилмоқда. Хельсинки шаҳри бюджетида маҳаллий солиқлар ва йигимлар пойтахт бюджетининг 2/3 қисмини таъмин- ламовда. Токиода маҳаллий солиқларнинг салмоғига 70 фоиздан ортик кўрсаткич тўғри келмовда. Япония маҳаллий солиқларининг таркибий тузилишида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (52 фоиз), юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи (30 фоиз) ва сотувдан олинадиган солиқ (16 фоиз) ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) маҳаллий солиқларнинг олиниси (ундирилиши) барча мамлакатлар учун умумий бўлган ҳолдир (Буюк Британия бундан мустаснодир, чунки бу ерда эгри (билвосита) солиқлар амал қилмайди)¹⁹.

Иқтисодий адабиётларда келтирилган манбаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки маҳаллий солиқлар орасида энг муҳими мол-мулк солиғи бўлиб ҳисобланмоқда. Бу солиқ бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб ер, саноат ва уй-жой қурилишлари, кучмас мулкнинг бошқа шакллари хизмат қилади. Ставкаларнинг даражаси ҳудудлар бўйича табақалаштирилган, ҳукумат томонидан бу ставкаларнинг чегаралари урнатилган. Мол-мулкнинг баҳолаш қиймати солиққа тортишнинг асосидир. Бирок мол-мулклар кам (10-20 йилда бир

¹⁹ Черник, Д. Г. Теория и история налогообложения: учебник для вузов / Д. Г. Черник, Ю. Д. Шмелев; под редакцией Д. Г. Черника. — М.: Юрайт, 2022. — 364 с.

марта) қайта баҳоланганлиги учун бу солиқнинг самарадорлик даражаси кўзда тўтилганидан анча пастдир²⁰.

6.6. Солиққа тортишнинг ҳозирги тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш масаласи.

Ривожланган мамлакатлардаги солиққа тортиш тажрибасидан Ўзбекистон фойдаланиш имкониятлари юзага келган бир пайтда биз, энг аввало, тараққий этган давлатларда нисбатан барқарор баҳолар ва барқарор бандлик даражасини юқори эканлигини, бу эса солиқ тизими элементларидан мамлакатимиз шароитида тўлиқ фойдаланишга тусиқли ҳолатларнинг мавжудлиги тадқиқот ишларидан четда қолмаслиги лозим тараққий этган мамлакатларда давлат тузилиши учун мураккаб қонунчилик тизими ва ҳисобот қоидалари мавжуд. Улар утиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда иқтисодий-ижтимоий муносабатлардан тубдан фарқланади. Шунинг учун ҳам улардаги солиққа тортиш тизимини қабул қилиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши амалиётда уни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган тусиқларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос омилларни эсдан четда қолдирмаслиги лозим. Хатто тараққий этган мамлакатларда ҳам бири-бирига ухшаш бўлган икки солиқ тизимининг узи мавжуд эмас.

Купгина ривожланган мамлакатларда солиқ органларини туб ислоҳ қилишга (80-йиллардан бошлаб) киришилган эди. Солиқ ислоҳатлари аввало солиқ ставкаларни тенглаштириш солиққа тортиш базасини кенгайтириш даромад солиқларининг таркибий тузилишини оддийлаштириш, қўшилган қиймат солиғини купгина товарлар ва хизматлар таркибига киритишга, акцизлар ставкасини ошириши билан боғлиқ эди. Солиқ сиёсати эса иқтисодиётдаги «узилиш»ларга солиқларнинг таъсирини юмшатиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини тенглаштириш ва солиқ тизимини соддалаштириш мақсадини кўзда

²⁰ Черник, Д. Г. Теория и история налогообложения: учебник для вузов / Д. Г. Черник, Ю. Д. Шмелев; под редакцией Д. Г. Черника. — М.: Юрайт, 2022. — 174-175 б

тутиб колди. Саноати ривожланган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бу мақсадларга эриша олмади. Аммо шунга қарамай Ғарб модели мисолида утиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакат келажакда нимага интилишини билиб олиш мумкин. Кенг маънода, истиқболда солиқ ислоҳоти қўйидагиларни уз ичига олиши зарур:

- даромадга нисбатан соддалаштирилган тузилишга эга бўлган жисмоний шахсларга нисбатан даромад солиғини амал қилиниши;
- корхоналар фойда солиғини чеклаш орқали фуқароларнинг даромад солиғини мукамаллаштиришни;
- корхоналар фойда солиғи ва фуқароларнинг даромад солиғини интеграциялаштириш таъминлаш орқали бюджет даромадларини оширишни;
- доимий ставкага эга бўлган қўшилган қиймат солиғини ва товарларнинг алоҳида турларига яъни аҳолини ижтимоий манфаатларини пасайтиришга қаратилган солиқларни қуллаш;
- анъанавий акцизларни сақлаб қолиш ва уларни иқтисодий чегараларини белгилаб олишни;
- табиий ресурсларни казиб олишни солиққа тортишдан уларни реализациядан кўриладиган фойдани солиққа тортишга утишни;
- экспорт тарифларидан воз кечиш ва паст импорт тарифини сақлаб қолишни.

Солиқларни бюджетга туширишда, кўриладиган солиқ ҳажмини рентабеллик даражасидан келиб чиқиб пасайтириш ёки оширишга утишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кўринишдаги тавсиялар аксарият хорижлик экспертлар томонидан маъқулланиб келинсада бундай тавсияларни тўлиқ равишда бизда фойдаланиш имконияти яратилмаган. Чунки, бизда айрим бозор иқтисодиётига мос келадиган қонунларининг тулаконли амал қилиши учун етарли шароитларни бўлмаслиги сабаб бўлмоқда. Бирок улардан тўлиқ фойдаланиш ғояси иқтисодчи олимларимиз томонидан илгари сурилмоқда. Шу боисдан таъкидлаш жоизки, бўлар назарий

жиҳатдан жуда яхши, лекин бизнинг иқтисодий ҳаётимиз амалиётидан анча узоқ бўлган солиқ ундириш тартибларидир.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги ўтказилаётган ислохотлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки бу мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасида бир неча ухшаш шароитлар мавжуд. Аммо солиқ соҳасида ўзгаришларни амалга оширишда бир неча фойдали ҳолатлар ҳам мавжуд бўлсада улар билан Ўзбекистон ўртасида айрим мавжуд бўлган ухшашликларга қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: солиқ органларини етарли даражада ривожланмаганлиги; солиқ интизомига риоя қилиш анъаналари етарли эмаслиги; зарурий харажатларни қоплашга бюджет даромад харажатларининг етарли эмаслиги; қисқа муддатда солиқ тушумларини таъминлашнинг устуворлиги ва ҳакозо.

Умумий кўринишда ривожланаётган мамлакатлардаги солиқ ислохотларининг утиш даври иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар учун куллайлик томонлари қўйидагиларда намоён бўлиши:

1. Билвосита солиқларни қонунчиликда осон расмийлаштириш ва осон йиғиши, шунинг учун ҳам билвосита солиқлар даромад тушумларининг манбалари орасида истиқболда нисбатан катта салмоққа эга бўлади;

2. Мол-мулк солиғини ундиришдан тушумларини бюджет даромадларининг самарали манбаи сифатида ташкил этиш мураккабдир. Шунга қарамай истиқболда бюджет тушумларининг муҳим манбаи сифатида уни ҳисобга олмасликка этиборни қаратиш;

3. Солиққа тортишнинг презумптив услубининг ва альтернативли минимал солиқларнинг қулланилишини ижобий натижа берганлиги, шу боис билвосита бу тажрибадан фойдаланиш учун замин яратиши лозимлиги;

4. Акцизлар яхши тушумларни таъминлайди ва ундирилиши енгил, шу боис уни ҳам бизда фойдаланиш учун имконият яратиш муҳимдир;

5. Капиталдан кўриладиган даромадни аниқлашда инфляция таъсирини ҳисобга олишни таъминлаш;

6. Солиқ хизмат ходимларини айрим функцияларини банк тизимига юклашга эришишга замин яратиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, солиқ муносабатларига нисбатан маъмурий чекланишларни ҳисобга олиши ва вужудга келадиган бюджет камомадидан кўринадикки ёки юзага келадиган оқибатларга катта эътибор бериши муҳимдир. Утиш даврида, фақат иқтисодий ва хўжалик муаммоларининггина эмас, балки ижтимоий муаммоларнинг ҳам алоҳида аҳамият касб этишини эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Шу боисдан солиқлар таъсирини инобатга олиш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун қўйидагиларни таклиф қилиш мумкин эди:

- солиқ тизимини такомиллаштириш концепциясига таяниб солиқ тизимини янги шароитга мослаштириш;

-. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва қонунчилик актларини ўзгартириб борилишига секин-асталик билан ёндашиш.

Бу йўллар орқали солиқ тизимини ислоҳ қилиш қисман ўзгаришларни осонлик билан амалга оширишга замин яратилиши мумкин ёки тубдан ўзгартириш зарур бўлмайди, мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун вақтг етарли бўлади. Лекин келажакда ушбу йўл бу соҳадаги ишларни боши берк кучага олиб кириши шубҳасиздир. Бунда қонунлар меъёрий ҳужжатларнинг маълум даражада трансформацияланишини кутиб туриш ўринсиздир.

6.7.Солиқ органларининг иш амалиётини мамлакатда вужудга келган иқтисодий вазиятда солиқларнинг ундирилиш даражасини ошириш

Солиқ органларининг назорат-иқтисодий ишларининг сифатини ва сонини кескин ошириш, вазифаларни аниқ тақсимлаш, солиқларни бошқаришнинг ягона автоматлаштирилган ташкилий тузилмасини яратиш, назорат-иқтисодий вазифаларни бажариш билан банд бўлган ходимларни бошқа ишларга жалб қилмаслик, солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш, товарнинг (ишнинг,

хизматнинг) бозор баҳосини аниқлаш, солиқ органларига солиқ тўловчи тўғрисида келиб тушадиган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш солиқларни ундириш даражасини оширилишига хизмат қилади.

Солиқ тўловчиларни солиқларни тулашга жалб қилиш мақсадида солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш борасида маълум ишлар амалга оширишни янада кучайтириш талаб этилади. Солиқ кодексида белгилаб қўйилган ишлардан бошқа ишларни амалга оширилиши давлат солиқ инспекцияси ходимларининг уз асосий бурчларини бажаришларига халакит беради ва улар учун қўшимча юкламаларни юзага келтиради.

Ҳозирда турли тоифадаги солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари ҳамда қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, солиқ қонунчилигини уз ичига олган алоҳида рисоалари ва амалий дастурий маҳсулотлари шаклида нашр этиб, уларнинг моҳиятини тушунтириб берадиган, Давлат солиқ Кўмитасининг ягона услубий раҳбарлиги остида ишлайдиган, юқори касбий даражада ташкил қилинган ҳамда давлат томонидан мақсадли йуналтирилган ишларни амалга ошириш зарур. Бир вақнинг ўзида минтақавий солиқ органларининг матбуот хизматини кучайтириш ва уларнинг зиммасига солиқ қонунчилигининг шу ҳудудга хос бўлган хусусиятлари ни кўрсатувчи рисоалар нашр этиш вазифасини юклаш зарур бўлади²¹.

Солиққа тортиш тизимининг яна бир муҳим муаммоларидан бири мулкчилик ҳуқуқи асосида солиқ тўловчига тегишли бўлган мулкнинг ва даромаднинг қийматини аниқлашдир. Амалиётда қулланилаётган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга кўра юқорида таъкидланган солиққа тортиш объектларининг бозор баҳосини аниқлаш механизми белгиланмаган. Шунинг учун ҳам бу нарса амалиётда солиқ инспекторининг зиммасига юкланганки, унга кўра у бозор конъюнктурасини аниқлаши, мулкнинг (даромаднинг)

²¹Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -180.

баҳоси тўғрисидаги барча ҳулосаларни тўплаши, уларни таҳлил қилиши ва солиққа тортиладиган суммани аниқлаши керак бўлади. Шундай экан, бозор баҳосини аниқлаш механизмининг йўқ эканлиги солиққа тортиш мақсадлари учун объектларни баҳоловчи органлар томонидан сиёсий мотивлардан фойдаланган ҳолда (аҳолини уй-жой фондини хусусийлаштиришга жалб қилиш, кучмас мулк икқиламчи бозорини кенгайтириш ва бошқалар) солиқ қонунчилигини рад қилиб объектнинг қиймати билан манипуляция («уйнаш»га) қилишга олиб келиши мумкин бўлади²².

Шундай қилиб, солиққа тортиш учун товарнинг (иш ёки хизматнинг) бозор баҳосини аниқлашнинг илмий жиҳатдан асосланган услуби бўлмаганлиги учун солиққа тортилувчи бир объект икки, уч ва ундан ортиқ қийматланган баҳоларга эга бўлиб қоляпти. Бундай баҳолаш бизнингча, объектив бўлиши мумкин эмас ва бу нарса амалиётда солиқ тўловчи томонидан суд тартибидаги шикоятларга сабаб буляпти. Ушбуларни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш объектларининг реал бозор қийматини аниқлаш ва шунга мос равишда солиқлардан йўқотишларни қисқартириш мақсадида ҳамда ишларга тегишли хориж тажрибаларини инобатга олган ҳолда жуда қисқа муддатларда солиқ органларининг таркибида солиққа тортиш мақсадлари учун товар (хизмат, иш) ларнинг бозор баҳосини аниқлаш бўйича мутахассис-баҳоловчиларнинг институт фаолиятини янада ривожлантириш зарур бўлади.

Эксперт-баҳоловчининг малакали ҳулосаси солиқларни ҳисоблаш ва солиқ мажбуриятларини ундиришда асос бўлиб хизмат қилиши ҳамда солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг даъволари бўйича шикоят тушганда бу шикоятни судга тақдим этилиши лозим бўлади.

Энди солиқ ислохотининг асослари ва янги солиқ тизимига нисбатан қўйиладиган талабларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда купгина хориж мамлакатлари каби давлатнинг солиқли

²²Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -180.

даромадларини ошириш йўллари кидириб топишга бизда ҳам ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистонда солиқларнинг ундирилиши халигача оғир бўлганлиги боис бюджетнинг профицитли ижро этилаётганлигига қарамасдан бюджет дефицити мавжуд бўлган бир пайтда, энг аввало, ҳозирги босқичда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурини қабул қилиш муҳим бўлади. Ҳозирда дастурнинг таркибий қисми бўлиб солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси ҳисобланмоқда.

Солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси асосида, энг аввало, бир неча ривожланган хориж мамлакатларида асос сифатида олинган ва ўзининг самарадорлигини амалда кўрсатган принциплар қўйилиши керак. Бундай принциплар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Солиқларнинг давлат бюджетга тушувчи ва маҳаллий солиқларга қатъий булиниши ва давлат томонидан солиқларни самарали бошқариш асосида солиқ тизимини яхлитлиги билан таъминланган тизимлиги;

2. Давлат бюджети масалалари бўйича солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқлар ставкасини тизимли аниқлаштириш йўли билан таъминланган солиқ тизимининг мослашувчанлиги;

3. Солиқ тизимининг ижтимоий йўналишдалиги. Бунда ривожланиш суръатлари, иқтисодиёт тармоқларининг молиявий аҳволи, инфляция ва ишсизлик омилларини ҳисобга олган ижтимоий ривожланишини рағбатлантиришга эришишни таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Ушбу принципларини бузилиши солиқ назоратнинг шакл ва услубларини такомиллашмаганлиги, солиқ органлари томонидан уларга хос бўлмаган вазифаларнинг бажарилиши солиқларнинг ундиришдан олинадиган бюджет даромадларининг қисқаришига ва бюджет тақчиллигини юзага келишига сабаб бўлиши табиийдир.

Юқоридаги сабабларга кўра амалга оширилаётган назорат - иқтисодий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ органлари қонунчилик соҳасида тажрибага кул уришга, амалдаги солиқ қонунларини тарғибот қилишга, замонавий талабларга жавоб

берадиган назорат - иқтисодий ишларнинг шакллари ва услублари ҳамда уларнинг янги ташкилий тузилмаларини яратишга мажбур.

Ривожланган мамлакатларда солиқларнинг қўйидаги асосий турлари амал қилади: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи; оборот солиғи; қўшилган қиймат солиғи; ижтимоий (ижтимоий) суғурта фондига бадаллар; истеъмол солиғи; мулкый солиқ; мерос солиғи ва бошқалар.

Айрим мамлакатлар иқтисодиётининг турли кўринишдаги даромадлардан олинадиган солиқлар бир хил эмас. Бирок охириги йилларда ривожланган мамлакатларнинг барчасида бюджет таркибида даромад солиғи ва ижтимоий (ижтимоий) суғурта бадаллари салмоғининг ошганлиги қайд этилмоқда. Биизда ҳам солиқ тизимини ислоҳ қилишга бағишланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бундай ҳолатлар содир буляпти. Шу боис солиқ тизимини ривожлантириш концепциясида солиқларнинг устувор кўринишлари ва уларнинг якуний шакллари, масалан, фақат аҳоли даромадларини солиққа тортиш ёки истеъмол харажатларни ҳисобга олган ҳолда оила даромадларини солиққа тортиш масалалари аниқланишга зарурият юзага келмоқда.

Баъзи хорижий мамлакатларда солиқ органлари фаолиятининг самарадорлиги бир неча кўрсаткичлар билан тавсифланиб, уларнинг орасида энг асосийси солиқ рентабеллигидир. Унга талукли бўлган кўрсаткичлар солиққа тортиш тизимидаги содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш орқалигина аниқланади. Бунга эса ўзига хос бўлган ҳисобот яратилгандагина эришилади. У ёки бу турдаги солиқларни ундириш бўйича солиқ органи фаолиятини чуқур таҳлил қилишни амалга оширишда бизда солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омилларни таҳлил қилиш имкони мавжуд эмас.

Бюджетга бориб тушувчи солиқли даромадни кўрсатувчи ва солиқ органлари фаолиятини характерловчи кўрсаткич солиқ рентабеллиги (реал солиқ суммаси ва уни ундириш бўйича солиқ органларининг харажатлари ўртасидаги нисбат) кўрсаткичини

йўқлиги солиқ органларини самарали ва оқилона бўлишига таъсир кўрсатмайди десак тўғри бўлмайди. Барча ишлар автоматик равишда амалга оширилиб келинмоқда солиқ ислоҳотини мувоффақиятли амалга ошириш учун мантикий жиҳатдан тўғри ҳаракат қилмоқ лозим. Бунинг учун, энг аввало, бюджет харажатларининг оқилона эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Солиқ ислоҳатларини амалга ошириш

Солиқ ислоҳотини амалга ошириш кўйидагиларга эътибор бериш муҳимдир, яъни:

- қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар бутун мажмуини ягона ҳолатга (тартибга) келтириш;

- солиқ қонунчилиги қоидаларини тушунарли этиб ёритиш ва бир хил тартибда тушуниш;

- солиқлар сонини минимал даражага келтириш, солиқ қонунчилигида кўрсатилмаган солиқлар ва йигимларни жорий этилишини олдини олиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан барча солиқ ва йигимларни бекор қилиш;

- меҳнат ҳақини ундириладиган солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш;

- фойдани солиқ солиш базасини иқтисодий чегарасини белгилашда хорижий андозадан фойдаланиш ва янги солиқ сиёсатини юргизишга эришиш;

- самарасиз солиқ имтиёзлардан воз кечиш.

Солиқ кодексини конкрет шароитлардан келиб чиқиб модификациялаш чунки йуриқномалардаги жорий ўзгаришларни кўзатиш, алоҳида амал қиладиган қонунларнинг узаро куп сонли номутаносибликларини таҳлил қилиб боришга эриши ҳам муҳимдир. Солиқ қонунчилигида қулланилган тушунчаларни бир хил тарзда талкин этишга эриши шу ва орқали мамлакатимиз ва хорижий компанияларни солиққа тортишда бир хил тарзда ёндашишга, солиқ қонунидаги камчиликларни бардам топишига имконият яратиш зарур.

Солиқ тизимини такомиллаштиришда қўйидагиларга ҳам алоҳида эътибор бериш ута зарур, яъни:

- солиқлар тизимининг ва бошқа мажбурий тўловларнинг молиявий йил давомида ўзгармаслигини, карама-қарши бўлмаслигини, уларнинг бирлигини таъминловчи солиқ тизимини яратиш;

- солиқларни йириклаштириш ҳисобига улар сонини қисқартириш эришиш;

- солиқ юкини енгиллаштиришга эришиш;

- самара келтирмайдиган солиқ имтиёзларни қисқартиришга эришиш.

Бундан вазифалар тадбиркорлик фаолиятини ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири унинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш бўлиб ҳисобланади. Янги Ўзбекистон шароитида инновацион аҳамиятга эга солиқ тизимини юзага келиш босқичида солиқларнинг турлари бўйича ихтисослашган ҳолда, дастлаб, солиқ органларининг марказлаштирилган иерархик тизимини мукаммаллаштириш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Солиқ тизимини шакллантиришнинг дастлабки босқичида солиқларни ҳисоблаш ва ундириш методологияси ҳамда солиқ ҳужжатларининг шакллари маълумотларни анъанавий равишда кулда ишлашга барҳам бериш. Аксарият ҳолатларда солиқ методологияси ривожланишининг ана шундай тенденцияси ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолапти. Бу эса маълумотларни электрон тарзда қайта ишлашни ташкил этиш утишни тезлаштиришни талаб этади.

Мамлакатимизда солиқ тизимининг ривожланиш жараёни давом этаётган бўлишига қарамасдан унинг дастлабки ташкилий тузилмаси ва солиқ органлари ишининг таркиб топган тизими узларининг жуда куп улчамларига кўра тегишли ишнинг самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади.

Хориж андозаларига кўра солиқ органлари тизими икки элементдан таркиб топган: солиқ маъмурчилиги тизими; солиқ органларини ташкил қилиш тизими.

Айтиш жоизки Солиқ маъмурчилиги солиқ органлари ишини ташкил этиш, у солиқ органларида қонун томонидан кўзда тўтилган функцияларни бажаришни таъминлайди. Бу қўйидагиларни камроқ олади: Солиқ органи функциясининг таркибини аниқлашни; солиқ органи ҳар бир функциясини амалга ошириш учун иш процедураларининг таркибини аниқлаш; солиқ органининг булинмаларига уз функцияларини бириктиришни. Бир вақтнинг ўзида солиқ маъмурчилиги тизими ва солиқ органларини ташкил этиш узаро боғлиқ бўлганлиги учун бу категорияларни ҳар доим комплекс ҳолда баҳолаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда солиқ органлари фаолиятини объектив омиллар билан белгилаб бориш ҳам муҳимдир:

- солиқ тизимининг муттасил равишда мураккаблашиб бораётганлигини;
- ҳудудий солиқ органлари инспекторларига тўғри келувчи юклама ҳажмининг ошиб бораётганлигини;
- солиқ органларини молиялаштириш ҳажмининг чекланганлигини.

Жойлардаги солиқ органлари учун эса модернизация қилишнинг мажбурий компонентлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- замонавий ташкилий тузилишга утиш;
- замонавий солиқ маъмурчилиги тизимини яратиш;
- самарали солиқ технологияларини жорий этиш;
- IT даражасини ошириш;
- IT ресурсларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- мутахассислар ва солиқ тўловчиларни уқитиш ва малакаларини ошириб бориш мутахассислар ва солиқ тўловчиларни уқитишдир. Мутахассислар ни уқитиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- солиқ инспекцияси раҳбарлари ва мутахассисларини солиқ органлари ишини ташкил қилишнинг замонавий тизимига утишини таъминлаш учун уқитиш;

- маълумотларни электрон қайта ишлаш янги тизимини эксплуатация қилиш учун уқитиш.

Ўқитишни солиқ тўловчилар учун ташкил этиш эса лойиҳа ресурсларининг чекланганлиги сабабли экспериментал ва чекланган характерга эга бўлмоқда.

Иқтисодчи олимлар Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловларнинг таъкидлашларича солиққа тортиш назарияси ва амалиёти ҳамда солиқ инфор­мацион тизимлари бўйича укув жараёнини ташкил этиш назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарликни тақозо этади. Солиққа тортиш соҳасидаги малакали мутахассис назарий жиҳатдан солиқ тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини билиши; турли хилдаги иқтисодиёт ва ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатлар солиқ тизимларидаги фарқлар ва уларнинг таркибий тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; ҳар бир солиқни ҳисоблаш услубини билиши, солиққа тортиладиган базани таҳлил қила олиши; тадқиқотнинг замонавий статистик услубларидан фойдаланган ҳолда солиқ тушумларининг истикболини белгилай олиши; компьютер саводхонлигига эга бўлиши ва солиққа тортиш соҳасида автоматлаштирилган тизимлар ҳамда замонавий инфор­мацион технологиялардан оқилона фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш керак ва ҳ.к²³.

Солиқ шу билимларини мукамал эгаллашга тегишли олий ва ўрта махсус укув юртларида, коллежпарда, малака ошириш курсларида ва бошқаларда кенг эътибор берилиши лозим. Бир вақтнинг ўзида, солиққа тортиш соҳасидаги малакали мутахассис солиқ тўловчилар томонидан бериладиган барча саволларга малакали тарзда ва ҳар томонлама жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун унинг узи, энг биринчидан, ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг асл моҳиятини тўғри идрок

²³ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -187-188 б.

этиши лозим бўлади; иккинчидан, солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммосининг нимадан иборат эканлигини билиши лозим; учунчидан: солиқ тизими ва солиққа тортиш асосий принципларининг мазмунини тўғри тушуниши лозим; тўртинчидан; солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни кўра билиши лозим. Бешинчидан; солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий лозим (йўналишлари) нималардан иборат эканлигини белгилай олиши лозим бўлади.

6.8. Солиққа тортиш назариясининг ва солиқ сиёсати муаммолари

Ҳозирда амалиётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг ижтимоий -иқтисодий моҳиятини солиққа тортишнинг энг долзарб муаммоларини назарий жihatдан тўғри тушуниш муҳимдир. Таъкидлаш лозимки, солиққа тортишни назарий асослари тарихан энг долзарб муаммо сифатида сифатида эътироф этиб келмоқда. Энг муҳим муаммолардан бири бюджет даромадларини шакллантиришда соф фискал услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми ёки солиқларни пасайтириш ва шулар орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш кабилар жуда муҳим ҳисобланади. Улардан кўриладиган самара эса муаммо ечими бўлиб ҳисобланади. Тўғри бундай муаммоли вазиятларга нафақат мураккабдир.

Аммо ҳар қандай муаммо кун тартибига чиқарилмасин уни жавобини топиш бевосита амалдаги қонунларга бориб тақалади. Чунки қонунларни яратишда иштирок этувчилар ўз касби бўйича профессионал мутахассисиз эмас. Улар хато мутахассислар томонидан киритиладиган таклиф ва тавсияларни тўлиқ тушуниб етган десак хато бўлар эди. Қонун ҳужжатларини яратишда солиқ идора ходимларни ва солиқ тўловчиларни иштирокини кучайтириш истиқболда юзага келиши мумкин бўлган муаммони олдини олиш мумкин бўлади.

Чунки саволнинг ўзида унинг жавоби мавжуд мураккаблигини омил билан изоҳланади, аввало бюджет даромадларини

шакллантиришда фақат соф фискал услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ сўнг эса бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш афзаликларга эга бўлишига бориб тақалади. Шунга қарамай муаммонинг юзага келиб чиқиши қандай тартиб муҳим ва уни танлаш орқали нимага эришиш мумкинлиги диққат марказимизда бўлади. Аммо юзага келган вазиятни юмшатиш анча мураккаб бўлиб ҳисобланади.

Қўйида келтирилган фикрлар мавжуд муаммоларга тўғри жавобни танлашга имкон бериши мумкин бўлади:

1. Мустаҳкам иқтисодий асосга таяниб солиқ юкини пасайтириш истагига эмас, Бундан яхши натижаларни кўзлашга эришиш.

2. профессор Л.Эрхарднинг фикрига кўра, барча солиқ тўловчиларнинг солиқ юкини пасайтириш адолатлидир. Бундай мақсадга эришишнинг воситаларини бўлиб, харажатларнинг талаб қилинган барқарорлигига ва унумдорликнинг ривожланишини белгиланган суръатларда амалга оширилишига эришилса, солиқларни қандай пасайтириш имкониятини ҳисоблаб топиш ва тасаввур қилиш ҳисобланади. Ушбу орқали солиқ муаммосини ҳаққоний ҳал этиш йўллари юзага келиши мумкин бўлади

Утган XX асрнинг 70-80-йилларида иқтисодчиси А. Лэффернинг бюджет концепциясини ривожланган хорижий давлатлар тан олиниши солиқ тушумлари икки асосий омилнинг маҳсули сифатида идрок этиш учун замин яратилади. Яъни: 1. Солиқ ставкаси. 2. Солиқ базаси.

Унинг фикрича солиқ юкининг оғирлашуви (ўсиши) фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат даромадларини ошишига олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқариш солиққа тортиладиган қисмининг қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегарадан босиб утилса, солиқ ставкасининг ўсиши бюджет

даромадларининг ўсишига эмас балки, аксинча, қисқаришига олиб келади.

Униг номи билан эътироф этиб келинаётган эгри чизиғи давлат бюджети даромадларининг солиқ ставкаси даражасига (улчамига) боғлиқлигини кўрсатади. Ундан солиқ ставкаларининг ўсиши маълум бир критик (максимал) нуҳага етгунга қадар давлат бюджети даромадларининг ўсишига (ортишига) олиб келиши мумкинлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ана шу максимал нуҳадан сўнг солиқ ставкаларининг яна оширилиши тескари натижаларга олиб келади: корхоналар олинган фойдани қандай қилиб бўлса ҳам солиқдан яшириб қолиш йўллари кидира бошлайдилар натижада ишлаб чиқариш ва инвестициялар ҳажми қисқаради. А.Лэффернинг фикрича, солиқ ставкалари максимал даражасининг пасайтирилиши нафақат тадбиркорликни ривожланиши учун яхши, қулай вазиятни вужудга келтиради. Балки шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, инвестицияларнинг ўсишига, бандликка эришишга, даромадларнинг купайишига ва ниҳоят давлат бюджетига солиқ тушумларининг ортишига олиб келади. Натижада бюджет дефицитининг қисқариши ва инфляцион жараёнларнинг сусайишига имконият яратилади ёки тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш солиқ юкни пасайтириш орқали ҳал қилиш зарур бўлади. Солиққа тортиш ставкасининг пасайтирилиши эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва уз навбатида, келажакда солиқ тушумларининг вақтинчалик камайишини компенсациялаш орқали қайта тикланишига замин яратилади. Инфляциясиз ишлаб чиқаришнинг ўсишига, энг аввало, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиққа тортишнинг прогрессивлигини оқилона манипуляция қилиш ҳисобига эришиши мумкин бўлади.

Утган XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошларида дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Швеция ва бошқа бир қатор етакчи мамлакатлари капитал жамгарилишини тезлаштиришга ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга йуналтирилган солиқ ислоҳотларини амалга

оширишга эришадилар. Ана шу мақсадлар учун корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқнинг ставкаси бирмунча пасайтирилди. Масалан, АКШда корпорацион солиқнинг ставкаси 46 фоиздан 34 фоизгача пасайтирилди; Буюк Британияда - 45 фоиздан 35 фоизгача, сўнг эса 33 фоизгача, Францияда - 1986 йилда 50 фоиздан 45 фоизгача, 1991 йилда 42 фоизгача, сўнг эса 34 фоизгача; Японияда - 1989 йилда 42 фоиздан 40 фоизгача (префектура ва маҳаллий солиқларни ҳисобга олган ҳолда). 1994 йилда Данияда солиқ ислоҳотини секин-асталик билан амалга ошириш бошланди. Параллел равишда бу мамлакатларда жисмоний шахслар шахсий даромадларини солиққа тортишнинг юқори даражаси пасайтирилди ва солиққа тортилмайдиган даромаднинг оралиқлари кенгайтирилди²⁴.

Айтиш жоизки 90-йилларнинг ўрталарида тўғри солиқларнинг камайрилиши кўшилган қиймат солиғи ва сотувдан олинадиган солиқ сингари эгри солиқларнинг оширилиши билди. Чункишу даврда мисол учун Германияда кўшилган қиймат солиғининг умумий ставкаси 14% дан 15% га, Японияда эса сотувдан олинадиган солиқнинг ставкаси 3% дан 5% га кутарилди. Швейцарияда ҳам кўшилган қиймат солиғи жорий этилди. Баъзи бир мамлакатларда ер солиғининг ортиб бораётганлиги кўзатилди вабу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Солиқ соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ қонунчилигига риоя қилиш устидан назоратнинг кучайтирилаётганлиги ва иқтисодий ҳамда маъмурий жазоларнинг оғирлашаётганлиги ҳам характерлидир.

²⁴ Черник, Д. Г. Теория и история налогообложения: учебник для вузов / Д. Г. Черник, Ю. Д. Шмелев; под редакцией Д. Г. Черника. — М.: Юрайт, 2022. — 364 с.

6.9. Солиқ тизими, солиққа тортиш принциплари ва уларнинг солиқ сиёсатини мукамаллаштиришга таъсири

Солиқ сиёсатини жозибаторлигини оширишда унинг барқарорлиги ётади. Унинг амалдаги жозибаторлик даражаси бундай сиёсатнинг негизини ташкил этувчи солиқ тизими ва солиққа тортишнинг принципларига бориб такалади. Солиқ тизимининг асосий принциплари ва уларга амал қилиш ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг асл моҳиятини тўғри идрок этилишига ёрдам беради. Ушбу масалага нисбатан иқтисодчи олимлардан Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар қўйидаги йўналишдаги фикрларни илгари сурдилар яъни: мамлакатимиз солиқ тизимига асос солинаётган пайтда бу принципларга маълум даражада риоя қилинган бўлса-да, айрим сабабларга кўра уларнинг асл моҳияти ҳанузгача солиқ тўловчиларга тўлиқ етиб бормаган. Бунинг натижасида солиқ тўловчиларимиз солиқларга нисбатан уз муносабатларини билдираётган пайтда маълум ноаниқликка, нообъективликка йўл куяётирлар. Солиқ тизими (солиққа тортиш) принципларининг туб моҳиятини туфи ид рок этмасдан туриб, солиқ Кодексининг асл мазмунини ҳам тулаконли тарзда тушуниш мумкин эмас. Негаки, бу ҳолатлар принципиал аҳамиятга молик бўлган масала бўлиб, ундан ҳар бир солиқ тўловчи уз вақтида огоҳ булмоғи лозим²⁵.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолатда айтиш мумкинки ҳозирда қўйидаги солиққа тортиш принциплари амал қилмоқда уларга қўйидагиларни киритиш мумкин. яъни:

Мажбурийлик принциpidир	Ҳеч кимга солиқлар ва йиғимларнинг барча аломатларига эга бўлган, бироқ ушбу Кодекса назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.
Солиқ солишнинг аниқлиги ва солиқ органларининг	Солиқ органлари солиқ муносабатлари доирасида солиқ тўловчилар билан солиқ тўғрисидаги қонунчиликни тўғри бажариш мақсадида ҳамкорлик

²⁵ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -187-192 б.

солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципи	қилиши шарт. Бунда солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг қонуний фаолиятига асоссиз тўсиқлар яратишга ҳақли эмас, солиқ тўловчилар эса солиқ органлари ўз ваколатларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиши керак.
Адолатлилик принципи	Солиқлар ва йиғимлар камситиш хусусиятига эга бўлиши ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас. Мулкнинг шаклига, жисмоний шахсларнинг фуқаролигига ёки капиталнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб фарқланган солиқ ставкаларини, солиқ имтиёзларини ёки бошқа афзалликларни белгилашга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган солиқларни белгилашга йўл қўйилмайди.
Солиқ тизимининг ягоналиги принципи	Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ягонадир. Ўзбекистон Республикасининг ягона иқтисодий маконини бузувчи, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида товарларнинг (хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар белгиланишига йўл қўйилмайди.
Ошкоралик принципи	Солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари расман эълон қилиниши шарт. Расман эълон қилинмаган солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.
Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи	Солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин этилади.

Солиқ тўловчилари бундай принципларни билишлари ва унга куникишлари лозим бўлади. Аммо солиқларни (солиққа тортишни) оғирлик даражасини фақат солиқ тўловчилар эмас, балки бу нарсани мамлакатимиз доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчилар ва ҳаётга татбиқ этувчилар ҳам аниқ идрок этмоқлари лозим. Ҳар бир солиқ тўловчи у ёки бу солиқ тўрини нима учун тулаётганлигини аниқ билиши лозим. Солиқ тўловчи солиқни тулар экан у нима учун тулаётганлигини ва унинг моҳиятини тушуниши лозим. Буни ижобий ҳол деб баҳолаш мумкин. Чунки бундай вазиятда солиқнинг

тўланиши, бир томондан, солиқ тўловчиларнинг билимлилик даражаси билан изоҳланса, иккинчи томондан, солиқ сиёсатини юргизувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчиларнинг уз вазифаларини сидкидилдан бажараётганликларини англатади. Ушбу принципларга мувофиқ солиқ тўловчиларнинг бу нарсалардан хабардор бўлишлари ҳам куп жиҳатдан солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчилар ва уни амалда татбиқ этувчиларнинг фаолиятлари билан бевосита боғлиқ. Чунки улар томонидан тайёрланган тегишли қонун ва йуриқномаларда юқорида қайд этилган ҳолатлар аниқ ва содда равишда уз ифодасини топмоғи лозим.

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган солиқ сиёсатини ҳаётга татбиқ этувчилар - солиқ тизими ходимлари, фикримизча, бу борада маълум даражада сусткашликка қўйилмасликлари лозим. Аммо бу соҳада анча-мунча ишлар қилинган бўлса-да, уларни ҳали етарли даражада деб бўлмайди. Бу борада шундай иш тутилиши лозимки иложи борича уни тўлиқроқ ва тезроқ эришиш мумкин бўлсин. Бунинг учун тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш зарур бўлади.

Шу ўринда айтиш лозимки тенг шароитларда бир хил солиқларнинг тўланиши бир хил суммадаги солиқ тўланиши зарурлигини англатмайди. Тенг шароитларда нисбатан самарали фаолият кўрсатиб, нисбатан куп даромад (фойда)га эга бўлган, ҳам ўзини ва ҳам купроқ суммадаги солиқларни тулаб уз даромадларини олганлар, яъни, солиқ тўловчилар солиқларни тулашдан норози бўлмасликлари лозим. Агар норозилик билдирилса унда, уни хар қандай асосга эга бўлмаган норозилик деб қабул қилиш лозим. Тенг шароитларда тенг фаолият кўрсатган солиқ тўловчилар тенг миқдордаги солиқ суммаларини бюджетга тулашлари мумкин бўлади.

Солиқ тўловчиларимиз купгина ҳолларда ҳаётда содир бўлаётган воқеликлардан фойдаланиб даромадларни яширишга солиқ тулашдан буйин товлашга, баҳоларни уз билганларича урнатишга ва ҳоказоларга интилишадилар. Бундай вазиятга

тушмаслик, тушган холда уни олдини олиши солиқ тўловчиларни солиқ саводхонлиги билан боғлиқ.

Амалда солиққа тортишнинг бешта муҳим ҳолатлари мавжудки уларни принципи даражасида эмас балки ўзига хос тартиб сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ уларга солиққа тортишнинг унверсаллаштириш бир солиққа тортишнинг илмий ёндашув ставкаларини табақалаштириш солиқ ставкаларини барқарорлиги, солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш, давлат бошқаруви даражасига қаратилган солиқларни табақалаштириш, манбаларидан қайий назар барча даражаларидан солиқ тулашни мажбурийлигини барча худудий поғоналар учун ягона бўлган умумдавлат солиқ сиёсатини маҳаллий ҳокимият идораларининг умумдавлат солиқ сиёсати доирасида солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақилиги билан уйғун ҳолатда амалга ошириш ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кумаклашаётган самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг илғор шаклларини юритишни рағбатлантириш тизими орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш ҳамда ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидин молиявий-назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш.

Юқорида келтирилган ёндашувлар солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилувчи ҳолатлардир. Уларни принцип сифатида қабул қилиш илмий-назарий жихатдан мантиқий “принцип” атамасига қўйилган талабларга тўғри келмайди. Бу борада мунозараларни кенг ёритиш учун ҳам асос йўқ, чунки барча иқтисодий адабиётларда принцип атамасига классик ёндашув устиворликка эга. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар ҳақида тушунчага эга бўлиш эса жуда муҳимдир. Уларни солиқларни ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритишда муҳим аҳамият касб этувчи воситалар йиғиндисидир.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида солиқлардан оқилона фойдаланишга етарли даражада эътибор берилса ёки ишлаб чиқаришни рағбатлантирилиши йўлга қўйилса истеъмол жараёнларида қўшимча ечимига эга бўлмаган масалалар юзага келмаслиги мумкин.

Бир марта солиққа тортиш солиқ тизимини такомиллаштиришда ута муҳим ва амалиётда жуда мунозарали саналади. Моҳиятига кўра солиққа тортишнинг бир объектидан бир солиқнинг бир марта олинишини англатади. Шунга мос равишда солиққа тортишнинг бир объектидан бир солиқ икки ва ундан куп марта олинмаслиги муҳимдир. Бир вақтнинг ўзида солиққа тортишнинг бир объектидан бошқа бир неча солиқларнинг ундирилиши эса бу солиқ солишнинг адолатли принципига зид ишдир, аммо бундай ҳолатни эътиборга олиш зарурдир.

Чунки амалиётда фойда, даромад, тушум, иш ҳақи ва бошқаларнинг бир неча марта (қайта-қайта) солиққа тортилаётганлиги ва бу адрлатдан эмас. Юқорида қайд этиб ўтилган ёндашувлар ва ҳолатлар доирасида жуда кўп “мунозаралар” га дуч келиш ҳам мумкин. Аммо улар ўзининг илмий ва амалий асосига эга эмас, улар солиқ тўловчиларни ўзига хос тарзда чалғитиши, нотуфи йўлга бошлаб юбориши ва олиб борилаётган солиқ сиёсатига нисбатан хулосаларни чиқаришга олиб келишни кучайтириши мумкин.

Солиқларни тартибга солиш инструменти солиқ сиёсатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, солиқлар ва йигимлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишига тараққиётга таъсир кўрсатувчи молиявий механизм сифатида иштирок этади. Хўжалик субъектлар фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаш улар фаолиятини ривожланишига солиқлар ёрдамида таъсир кўрсатиш демакдир. Солиқлар ишлаб чиқариш (муомала) харажатларини қисқартириш, улар рақобатбардошлигини ошириш учун шарт- шароитлар яратиб беради. Солиқлар орқали товарлар бозорининг эркинлигини тўлиқ таъминлашга эриши мумкин бўлади. Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар

даромадларининг асосий қисмини ташкил этади ва бюджетнинг харажатлари орқали иқтисодиётнинг ўсишини таъминлашга имконият яратади. Бундай таъсирни қўйидагиларда кўриш мумкин:

- бюджетдан субсидиялаштиришда ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш, чакана баҳоларни талаб даражада сақлаб туришга корхоналар ўртасидаги фақларни қоплашва ҳ.к.;

- иқтисодиётга давлат инвестицияларини жалб қилишда;

- дотация ёки қайтариладиган ссуда кўринишида корхоналарни туфидан-туфи субсидиялаштиришда;

- айрим ҳолларда пул-кредит чекланишларини жорий этишда. Бўларга баҳоларни тартибга солиш, истеъмол кредитининг шартлари, кредитни чеклаш, валюта назорати кабиларни киритишни мумкинлигида;

- лицензиялаштиришда;

- хусусий савдо туфисидаги қонунчилик: маҳсулотларни стандартизациялаштириш, давлат арбитражи, трестларга Қарши қонунчиликда;

- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштиришда;

- солиқ сиёсатида.

Шуни ҳам инқирозлар шароитида давлат рестрикционистик сиёсатни юритиш орқали товарлар ишлаб чиқаришни чеклаш имконини берди. Бунда давлат ижтимоий ишларни амалга оширишни, субсидиялар ва арзон кредитлар беришни купайтиришни уз зиммасига вазифа этиб олади.

Иқтисодий дастурлаштиришдан фойдаланишда энг аввало хўжалик вазифаларини кун тартибига қўйишни ва уларни ечиш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундан кўзланган мақсад давлат тадбирларини:

- инвестицияларни тартибга солиш;

- кредитларни тақсимлаш; бюджетнинг йўналишини аниқлаш;

- фоиз ставкасини ва кредитлаштириш тартиби (қоидаси)ни ўзгартириш орқали пул бозорини бошқариш;

-иш ҳақи ва ижтимоий эҳгиёжлар соҳасидаги сиёсат ва бошқаларни мувофиқлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Бу борада юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар давлатнинг инвестицион сиёсатига давлатни аралашувисиз содир бўлмайди. Молиявий имтиёзларнинг шартлари давлат томонидан белгилангани учун бу нарса унга алоҳида тармоқларнинг ривожланишини ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Маҳаллий бошқарув органлари иқтисодий тартибга солишда ҳам жалб қилиниши табиийдир. 80-йилларда АҚШдаги 326 йирик шаҳарларнинг ҳокимлари суровномада иштирок этиб, уларнинг 90 фоизга яқини энг муҳим муаммолар орасида иқтисодий ривожланиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни алоҳида кўрсат утганлар. Бир вақтнинг ўзида ҳар туртинчи ҳоким ўзининг аҳамияти ва муҳимлиги жиҳатидан аҳоли бандлик даражасини оширишни 1-ўринга қўйишган бўлса, уларнинг 70 фоизи бу масalani биринчи даражали уч вазифанинг бири сифатида қайд этган²⁶.

Ушбу суров натижаларини инобатга олган ҳолда деб таъкидлайди иқтисодчи олимлар Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар устувор йўналишлар қўйидаги кўринишни олади:

- шаҳарлар (туманлар) даромад базасининг ўсиши;
- амалдаги корхоналар ва бор бўлган иш жойларини сақлаб қолиш;
- иқтисодийнинг мутаносибли сифат ўсишига эришиш;
- саноат ва тижорат базасининг ривожланиши;
- хароба ва вайроналарни йўқ қилиш;
- колок (камбагал) туманларга ёрдам бериш.

Маҳаллий бошқарув органлари уз ҳудудларига хусусий капитални жалб этишдан манфаатдордирлар улар инвесторларга билвосита ёрдам беришга ҳар доим тайёр бўлиб ер майдонлари ва бинолар сотиб ёки ижарага олинаётганда сотув баҳоси ёки ижара ҳақиға нисбатан чегирмаларнинг берилишида, заёмлар билан таъминлашда кафолатли фондларда иштирок этишда, саноат

²⁶ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2011. – Б -187-237 б.

зоналарини яратишда ўз ерда уларни кўрсатиб келмоқдалар. Саноат зоналарида худудлар ва корхоналарга бинолар қулай молиявий шароитларда тақдим этилади. Айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобидан махсус равишда хўжалик юритишнинг янги турларини ривожлантиришга имкон берадиган ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга имкониятлар яратиб беради. Бунда уларга доимий равишда ёки вақтинчалик маҳаллий солиқлардан озод этилиш имконияти яратилади.

Айтиш жоизки, турли даражали бошқариш органлари томонидан иқтисодий соҳаларга капитал қўйилмаларни жойлаштириш фойда олишга мулжалланмаган бўлса-да, улар пировард натижада хусусий капитал фойдасининг ошишига олиб келади. Фойдани ошириш харажатларни пасайтириш билан боғлиқ бўлади транспорт коммуникацияси, алоқа линиялари, саноат, сув таъминоти, тозалаш иншоотлари, ер майдонларини саноат қурилишига тайёрлаш тизимларини қуриш ва уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни камайтиришдир. Шу ўринда кўрсатиб ўтиш лозимки тараққий этган давлатларда инвестицияларни жойлаштиришни рағбатлантирилади. Бунда асосий этиб узоқ чекка томонларга инвестицияларни жойлаштириш учу қуллаларини рағбатлантириш механизимлари мисол бўлади

Ушбуни эътиборга олиб бизда ҳам иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган туманларда эса ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва модернизация қилишга мулжалланган инвестицияларнинг рағбатлантирилишини жадаллаштириш муҳимдир деб ҳисоблаймиз, шунингдек, бюджетдан капитал қўйилмаларга тўғридан-туғри субсидиялар ажратилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай тартиб Германияда кенг қулланилиб келинмоқда.

Кўп вақт ўтмаган бўлсада (XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб) иқтисодий ривожланган мамлакатларда янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни яратишда рағбатлантириш услубларидан фойдаланилиши кенг йўлга қўйилган эди. Бу тартиб ҳозирда ҳам эътиборли ҳолат сифатида баҳоланиб келинмоқда. Айрим саноат туманлари қурилиш ҳолларда хўжаликнинг эскирган

индустриал таркибий тузилишига эгадир. Албатта, олдинги йилларда бу туманлар юқори даражада ривожланган ёки тараққий этган туманлар қаторига кирган. Аммо кейинчалик илмий-техника революциясининг таъсири остида бошқа туманлардан ортда қолган ва улар уз худудларининг иқтисодий ўсишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай келганлар²⁷ 1-иловага қаралсин.

6.10. Бюджет солиқ сиёсати ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни доимийлиги

Ҳозирда Янги Ўзбекистон шароитида солиқ сиёсатида хорижий инвестицияларни мамлакат худудларига тўғри жалб этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистони янги жаҳон иқтисодий хўжалигини интеграциялашувига интилиши хорижий капиталнинг бизнинг мамлакатимизда ҳам эркин ҳаракатланишини тақозо этмоқда. Бу эса солиқ сиёсатидан фойдаланган ҳолда, хорижий капитални мамлакатимизга жалб этиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Инвестицион тараққиётда хар бир инвестицион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослашган тармоқларда инвестиция оқимларига эҳтиёткорлиги ошиб бормоқда. Айниқса, хорижий капиталнинг ҳам мамлакатга оқиб келиши бу тармоқларнинг таназзулдан тезроқ чиқиб кетишига кучли туртки бериб, ички бозорда ишбилармонлик фаолиятининг фаоллашувини рағбатлантирмоқда ҳамда жаҳон бозорида эса Ўзбекистон товарларининг рақобатбордошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Республикаимизда охириги беш йил давомида ўтказилган халқаро форумлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки хорижий тадбиркорлар Ўзбекистон иқтисодиётига катта кизиқиш билан эътиборларини қаратмоқда. Чунки Ватанимиз табиий казилма бойликларга бой, қиёсан арзон энергетика ресурсларига эга. Бу ерда нисбатан арзон ишчи кучи қийматига эга бўлган малакали меҳнат ресурслари ва чуқур ички бозор мавжуд. Маълумотларга кўра, хорижий

²⁷ Ушбу масалага доир мисолларни иқтисодчи олимлардан Маликов Т.С., Жалилов П.Т. лар томонидан чоп этилган. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019. 239, 240, 243 бетларига қаралсин.

инвесторлар учун энг қулай ва мақбул ҳудудлар сифатида Тошкент шаҳри, Фаргона водийси, Навоий ва Самарканд вилоятларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирги кунга келиб минглаб хорижий инвестицияли кушма корхоналар фаолият кўрсатяпти. Бир неча юзлаб хорижий фирмалар узларининг ваколатхоналарига, филиалларига ва бўлимларига эгадирлар. Яна бир гуруҳ хорижий компаниялар узларининг доимий ваколатхоналарига эга бўлишмасида, улар ҳам Ватанимизда иш юритишмоқда.

Айниқса, қурилиш компаниялари юқори даражада фаоллик кўрсатишяпти. Ўзбекистондаги қурилиш ишларини Туркия, Югославия, Италия, Германия, Россия Корея, Япония ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари амалга оширяпти.

Ҳозирги пайтда ҳам мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг куламини кунгилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шу ўринда «Хорижий инвестицияларни янада фаолроқ жалб этишга тускинлик қилиб келаётган олимлар мавжуд. Бундай оимларга қўйидаги иқтисодчи олимларимиз қўйидаги олимларни киритилишини катта ўрғу бериб келмоқдалар, яъни ларни кўрсатиш мумкин:

- амалдаги солиққа тортиш етарли даражада мукамал эмаслиги;
- божлар бўйича тартибга солишдаги муаммоларни мавжудлиги;
- молиялаштириш манбаларига йўл топишдаги муаммолар, кредит олиш бўйича қийинчиликларни мавжудлиги;
- мамлакатнинг айрим ҳудудларда малакали меҳнат ресурсларининг етарли эмаслиги;
- транспорт билан боғлиқ бўлган муаммолар;
- телекоммуникация ва алоқа бўйича муаммолар;
- ижтимоий инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва шу каби масалалар билан боғлиқ бўлган муаммолар;

- эркин ҳаракатланиш ҳамда консуллик хизматини кўрсатишдаги муаммолар ва бошқалар²⁸.

Айтиш жоизки, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги салбий омиллар орасида солиқ қонунчилигининг такомиллашмаганлигидир. Уз мамлакатларида нисбатан анча юқори солиқларни тулашга куникиб колган хорижий инвесторларни айнан нима безовда қилаётганлигини уйласак, бу солиққа тортишнинг даражаси эмаслигидир. Солиққа тортиш тизимининг нобарқарорлиги мукамал бўлмаган қонунларнинг қабул қилиниши ва уларнинг айрим моддаларининг етарли даражада ноаниқ эканлиги, солиқ қонунчилигининг оз бўлса-да ха хорижий инвесторларнинг жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишларига мажбур этмоқда.

Ҳозирда икки марта солиққа тортиш ҳолатининг мавжудлиги солиқлар бўйича бу соҳадаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хатто халқаро солиққа тортиш амалиётидаги энг асосий бўлиб қолмоқда.

Давлатларда савдо-сотик ишлари амалга оширилаётган пайтда ҳар иккала савдолашаётган томонларнинг ҳукуматлари деб айтишади иқтисодчи олимлар Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар ана шу савдодан келаётган даромаддан солиқ олишни исташади. Икки марта солиққа тортиш потенциал равишда шунинг учун ҳам вужудга келадики, бир мамлакат солиқ тўловчининг яшаш фактига асосланган ҳолда солиққа тортиш ҳуқуқини даъво килса, иккинчи мамлакат эса даромаднинг олиниш жойини ҳисобга олган ҳолда худди шу нарсага даъво қилади. Икки марта солиққа тортиш ҳар иккала мамлакат солиқ тўловчи унинг резиденти ёки даромад айнан шу мамлакатда олинган деб эълон килган ёки тасдиқлаган пайтда ҳам вужудга келиши мумкин, улар шундай шароитда деб фикирларини давом эттиришлари холисона халқаро солиққа тортиш

²⁸Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 420 б., ZAYNALOV J. R., AHROROV Z. O., ugli AKHADOV I. E. The Importance and Characteristics of Application of Blockchain Technologies in the Tax System //ECLSS Online 2020a. – 2020. – Т. 297.

концепцияси алоҳида аҳамиятга бўлади. Бундай концепция уч асосий қондани уз ичига олади:

- капитални экспорт қилишга нисбатан холисоналик. Агар солиқ тўловчининг уз мамлакатига ёки хорижий мамлакатга инвестициялаштиришдаги танловига солиққа тортиш масаласи уз таъсирини кўрсатмаса солиқ тизими юқоридаги қоидага мос келади. Бундай шароитда корпорация инвестициялаштириш туфисидаги қарорни солиқ омили асосида эмас, балки тадбиркорлик омили асосида қабул қилади. Идеал рақобат шароитида капитални экспорт қилишга нисбатан холисоналик капитални самарали тақсимланишига ва ундан оқилона фойдаланишга олиб келади;

- капитални импорт қилишга нисбатан холисоналик. Агар бозорда фаолият кўрсатаётган барча корпорациялар ягона солиқ ставкаси асосида солиққа тортилса, бу қондани бажарилган деб ҳисоблаш мумкин;

- миллий холисоналик. Бу қоидага кўра солиқ тўловчи ва бюджет ўртасида тақсимланадиган капиталдан олинадиган умумий фойда капиталнинг каерда (уз мамлакатидами ёки хорижий мамлакатдами) инвестиция қилинганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хил булмоғи лозим²⁹.

Икки марта солиққа тортишни бекор қилиш туфисида бир неча ҳукуматлараро битимларни имзолаган бўлсада ҳам солиқларни ундириш бўйича ҳукуматлараро битимлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунларига нисбатан устувор мавқега эга бўлиб қолмоқда. Ҳукуматлараро битимлар бўлмаганда хорижий фирмалар ва компаниялар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бўйича солиққа тортилади. Бунда хорижий юридик шахе фойдасининг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин бўлган бўлар эди.

Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш ва бюджет солиқ сиёсати

²⁹Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 420 б.

Янги Ўзбекистон шаритида солиқ сиёсатидан солиқларнинг ундирилувчанлик ёки солиқларни йиғилувчанлиги даражасини ошириш масалалари ҳам жиддий тус олмоқда. Уни ҳал қилишни орқага суриш (кечиктириш) мумкин эмас. Ҳозирги вазиятда, ҳақиқатдан ҳам, солиқларнинг ундирилувчанлик даражасини ошириш мумкин ва бунинг учун эътиборни қўйидагиларга қаратиш лозим бўлади:

1. Тадбиркорлик субъектини (фаолиятини) руйхатдан ут- казиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш;

2.Кредит муассасасида тадбиркорлик субъектининг ҳисоб-китоб счётини очиш тартиби билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш;

3.Солиққа тортиш фақат лицензион йигимларни олиш ёки патент учун тўловларни амалга ошириш орқали содир этиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолият турлари руйхатини аниқлаш борасидаги муаммоларга бардам бериш;

4.Солиққа тортиш объектларининг фақат бухгалтерия ҳисоби қоидалари бўйича (товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш бўйича тушум, баланс фойда ва ҳ.к.) шакллантиришни қонуний тарзда кўзда тутиш, солиққа тортиш мақсадлари учун эса аниқ қонуний актлар асосида ўзгартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ижобий ҳал этиш;

5.Солиқ суммаларининг бюджетга уз вақтида ўтказили- шига тускинлик қилаётган банкларга нисбатан тез ва кескин чораларни куриш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимини топиш;

6.Фойдадан олинадиган солиқ ва бошқа солиқларнинг ставкасини табақалаштириш, тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлардан максимал олинishi мумкин бўлган фоизнинг даражасини урнатиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш;

7. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг техникавий жиҳатдан оддийлигини, қулайлигини ва тушунарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ечиш;

Юқоридаги муаммоларнинг мувоффақиятли ҳал этилиши солиқларнинг ундирилувчанлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ Солиқ сиёсатида ҳозирги вазиятни қандай баҳолаш мумкин деб ҳисоблайсиз?

⇒ Солиқлар муаммоси иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда?

⇒ Солиқ тизимини ташкил қилишнинг асосий принциплари нималардан иборат?

⇒ Амалдаги солиқ тизими уни ташкил қилиш принципларига тўлиқ жавоб бераяптими?

⇒ Янги Ўзбекистон солиқ тизимини ислох қилишнинг қандай йўллари мавжуд?

⇒ Амалдаги солиқ тизими қандай шароитларда вужудга келган?

⇒ Амалдаги солиқ тизими тузилиш (қурилиш) принциплари ва таркибий қисмларига жаҳон амалиётидаги солиқ тизимини тўлиқ ақс эттирганми?

⇒ Хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан айнан нусха олишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигига қандай сабаб бор?

⇒ Хорижий мамлакатлардаги солиқ тизимларини ҳозирги талабларига жавоб беради, деб айтиш мумкинми?

⇒ Солиққа тортишнинг юқори даражадалиги бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатадими?

⇒ Хорижий мамлакатлардаги солиққа тортишнинг асосий тенденцияларига нималарни киритиш мумкин?

⇒ Солиқ тизимларининг такомиллаштирилиши солиққа тортишдаги қандай таркибий ўзгаришларга олиб келиши мумкин?

⇒ Ҳозирда солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг карама-қарши зиддиятлари нималарда намоён бўлади?

- ⇒ Солиқларнинг иқтисодийга таъсирининг қандай сабаблари бор?
- ⇒ Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун қандай йўللарни танлаш мумкин?
- ⇒ Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ягона варианты сифатида нимани қабул қилиш тан олинди?
- ⇒ Солиқ тизимини ривожлантириш концепциясида хориж мамлакатларида асос сифатида олинган принциплар қўйилиши шартми?
- ⇒ Солиқ ислохотини амалга ошириш режалаштирилаётган пайтда ва солиқ тизимини такомиллаштиришда нималарга эътиборга олиш мумкин?
- ⇒ Солиқ органларини модернизация қилишнинг зарурлиги қандай объектив омиллар билан белгиланади?
- ⇒ Худудий солиқ органлари учун модернизация қилишнинг мажбурий компонентлари нималардан иборат?
- ⇒ Солиқ хизматини модернизация қилишнинг муҳим компонентлар қандай йўналишларда амалга оширилмоқда?
- ⇒ Солиққа тортиш назарияси солиқ сиёсати билан қандай боғланишга эга?
- ⇒ Бюджет даромадларини шакллантиришда соф фискал услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми?
- ⇒ Солиққа тортиш назариясида Л.Эрхард ва А.Лефферларнинг фикрлари қандай аҳамият касб этади?
- ⇒ Солиқ тизими, солиққа тортиш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари ва уларнинг солиқ сиёсатида қандай этади?
- ⇒ Солиқ сиёсатининг ҳаётийчанлиги бу нима? Уни қандай тушунасиз?
- ⇒ Солиққа тортишнинг қандай принциплари мавжуд?
- ⇒ Солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги деганда нимани тушунасиз?
- ⇒ Солиққа тортишнинг адолатли бўлиши ва тенг шароитларда турли солиқ тўловчилар бир хил солиқларни тулаши лозими?

- ⇒ Давлат куп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни (йигишни) уддаламоғи керакми?
- ⇒ Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларнинг турли хилларидан оқилона фойдаланиш нималар учун зарур?
- ⇒ Бир марта солиққа тортишдан мақсад нима?
- ⇒ Солиққа тортишда илмий ёндошувни кучайтириш зарурияти нима билан боғлиқ?
- ⇒ Ставкаларни табақалаштириш нима учун керак?
- ⇒ Солиқ ставкаларининг барқарорлигини таъминлашдан асосий мақсад?
- ⇒ Солиқ имтиёзларидан фойдаланишдан мақсад нима?
- ⇒ Давлат бошқарув даражасига қараб солиқлар тақсимланишдан мақсад нима?
- ⇒ Жисмоний шахсларнинг жами даромади нималардан ташкил топади?
- ⇒ Мулкӣ даромадлар деганда нимани тушунасиз?
- ⇒ Солиқ туфисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари нималардан иборат?
- ⇒ Иқтисодиётни тартибга солиш инструменти сифатида солиқлар ва солиқ сиёсати ўртасида қандай боғланиш мавжуд?
- ⇒ Давлатнинг молия-бюджет механизми таъсирининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
- ⇒ Иқтисодиётни тартибга солишга маҳаллий бошқарув органларининг ролини изоҳлаб беринг?
- ⇒ Солиқларнинг экологик муаммоларни ҳал этишдаги роли нимада намоён бўлмоғи лозим?
- ⇒ Солиқларнинг ундирилувчанлигини ошириш масаласи солиқ сиёсатида уз аксини топмоқдами?
- ⇒ Қандай муаммоларнинг мувоффақиятли ҳал этилиши солиқларнинг ундирилувчанлигини оширишга хизмат қила олади?

VII БОБ. СОЛИҚ ЮКИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ - СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАСИ

7.1. Солиқ юки: аниқланиш тартиби, даражаси, камайтириш масалалари

Бозор иқтисодиётини муҳим жихатларидан бири бу рақобат ва рақобатбардошлик бўлиб, иқтисодиётни барча соҳаларини қамраб олмақда. Рақобат ҳар қандай корхона ёки фирмадан, машҳур маркетинг Ф.Котлер айтганидек, доим изланиш, ривожланишни тулаб этади. Акс ҳолда у рақобатбардош корхона, фирма томонидан «ютиб» юборилиши ёки хонавойран бўлиши, инқирозга юз тутиши мумкин. Рақобат ва рақобатбардошлик масалалари ута муҳим бўлса-да, Ўзбекистонда корхоналарни бошқариш бўйича ҳар томонлама асосланган мукамал ва тар томонлама улчамга келтирилган ишланмалар йўқ. Бундай ишланмалар таркибига рақобатбардошлики таъминлашда алоҳида аҳамият касб этиб келаётган солиқлар, уларни оқилона бошқариш орқали солиқ юкини пасайтириш бўлиб ҳисобланади. Солиқ юки ҳар қандай корхонани рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигининг ҳозирги ҳолати унинг ривожланишига оид муаммолар ичида солиқ юки билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш ҳозирги пайтда, купчиликнинг диққат марказида турибди. Солиқ юкини катта бўлиши корхоналарни издан чиқариши жисмоний шахсларни эса тўлов қобилиятини пасайтириши мумкин. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш давр талабидир. Солиқ юкини пасайтиришга асосли ёндашиш зарур. Солиқ тизимини ислоҳ қилмасдан туриб солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтиришни назарда тутиш кўзланган натижа бермаслиги мумкин. Солиқ юкини пасайтириш чегараларини ишлаб чиқишдан олдин солиқ юкидан, унинг таъсиридан иқтисодиётимизни ривожланиш ҳолатини аниқлаштириб олиш керак. Бунинг учун аввало, “Солиқ юки” уни аниқлаш усулларига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибидаги солиқлар миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдори (ҳажми) га нисбати солиқ юки дейилади. Ушбу таъриф анъанавий бўлиб ҳисобланади ва барча солиққа бағишланган иқтисодий адабиётларда бундай таърифга тукнаш келиш мумкин. Ҳақиқатда ҳам давлат харажатларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатига солиқ юки дейилади. Ушбу таърифлар бир-биридан шаклан бироз фарқлансада ҳам уларнинг ҳар иккаласи ўз моҳиятига кўра солиқ юкининг мазмунини англатади.

Солиқ юкини маълум бир маънодаги оғирлик улчови сифатида қабул қилинади, яъни у кучма маънодаги оғирлик улчовидир. Уни оғирлик улчовининг бирликлари яъни тонна, центнер, килограмм ёки граммлар бўлиб ҳисоблансада солиқ юкини шундай белгилар билан ифодалаб бўлмайди у фақат нисбий кўрсаткичлар орқали ифодаланади, яъни фоизда ёки коэффициентда ифодаланиши мумкин.

Солиқ юкининг оғирлигини амалиётда фоизда акс эттириш қабул қилинган.

Солиқ юки кўпчилик ҳолларда икки хил усулда ҳисобланади. Биринчи усулда солиқ юкини ҳисоблашда фақат солиқларнинг соф миқдори инобатга олинади. Иккинчи усулда эса солиқларнинг таркибига бошқа ижтимоий ажратмалар ёки бошқа мақсадли фондларга ажратмалар ҳам кушиб ҳисобланади.

Айтиш жоизки, солиқ юкининг оғирлигини мамлакат миқёсида эмас, балки алоҳида олинган тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар ёки алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун унинг оғирлигини улчашнинг умумий тартибига риоя қилиш керак бўлади. Бунда солиқлар, ижтимоий ёки бошқа мақсадли жамғармаларга ажратмаларнинг миқдорини аниқлашда унчалик муаммо бўлмайди. Фақат тармоқ, ҳудуд, корхона ёки алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар доирасида ЯИМни аниқлашда баъзи бир муаммолар юзага келиши.

“Солиқ юки” қандай ўлчаниши мумкин деган саволга жавоб топгандан сўнг энди “Солиқ юкининг оғирлиги нимани

англантишини тушуниб етиш мумкин бўлади. Ўзбекистон Республикасида солиқ юкининг оғирлиги 19-28% атрофида эканлиги бизга маълум. Бу Ўзбекистон ЯИМнинг шунча қисми солиқларга тўғри келишини англатади. Ривожланган мамлакатларда яъни бу кўрсаткичнинг мисол учун Данияда - 60,0%; Швецияда - 58,4%; Норвегияда - 55,3%; Финляндияда - 53,1%; Бельгияда - 51,5%; Голландияда - 51,4%; Австрияда - 47,5%; Португалияда - 45,7% га тўғри келади.

Бу рақамларни келтиришдан мақсад бизда солиқ юки унга оғир эмаслиги ҳақида фикр юритмоқ хатодир. Солиқ юкини амалий ва назарий жihatларини билиш энг аввало Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардош ҳолатига баҳо беришдир. Негаки юқорида келтирилган давлатларнинг иқтисодиёти рақобат хаддан ташқари юқори шу боис солиқ юки ҳам унга мос равишда юқоридек туйилади.

Солиқ юкининг оғирлиги қанча паст бўлса, шунча яхши деган фикрға келиш ҳам тўғри бўлмайди. Бундай масаланинг бошқа томонлари юзага келади. Солиқ юкини юқори даражада қайд этилиши, давлатни жамият олдидаги маъсулиятини юқори эканлигини англантиши мумкин. Агарда бизда солиқ юки хўжалик субъектларига нисбатан пасайиб борса унда, ҳозирда давлат томонидан амалга оширилиб келинаётган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ва улар билан боғлиқ давлат харажатларини бир қисми улар зиммасига тушиши мумкин бўлади. Аммо рақобат бардошликни кучайиши, иқтисодиётни глобаллашуви шароитида корхоналар хар қандай ҳолатда ҳам ҳозирда давлат зиммасида бўлган чора-тадбирларни бир қисмини ўз зиммасига олиш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг учун корхоналарни энг аввало йириклаштиришга ва турли мулк шаклидаги йирик корхоналарни юзага келтириш зарур бўлади. Ҳозирда мавжуд бўлган корхоналар давлат томонидан амалга ошириб келаётган айрим чора-тадбирларни қисман амалга оширилишида иштирок этиш мумкин, яъни корхоналари ободонлаштириш, кадрлар тайёрлаш ёки уларни малакасини ошириш, мезонидан фойдаланиш ўз-ўзини

молиялаштириш, болалар боғчасини тамилаш ва шу кабилар. Аммо бундай чора-тадбирларда корхоналарни иштироки доимий бўла олмайди. Иқтисодий қийинчиликлар юз берганда ҳар бир корхона бундай тадбирларда иштирок этишда ўз активлигини намоён этмаслиги мумкин. Натижада бундай чора-тадбирларни давлат зиммасига юкланишига тўғри келади. Бу эса юқорила келтирилган нисбий кўрсаткични ўсишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб ҳар бир мамлакат ўз зиммасига олган тадбирларни молиялаштиришдан келиб чиқиб солиқ тизимини ривожлантиради ва шу орқали солиқ юкини бюджет харажатларида акс эттиришга ҳаракат этади. Мисол, учун аҳолини дори дармонлар билан бепул таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимни тўлиқ бюджетдан молиялаштирувчи ва ҳақозо давлатларда солиқ юки юқори бўлиши мумкин.

Умумий тарзда, айтадиган бўлсак солиқ юкининг оғирлиги 30-33%га етгунга қадар (айрим мамлакатларнинг тажрибаси бундан мустасно) ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш бюджет харажатларининг ҳажмига боғлиқ. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет (давлат) ҳисобидан қилинадиган харажатларни камайтиришга рози бўлсак, давлат ҳам ўзининг солиқ сиёсатида хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) зиммасига юкланган солиқ юкини камайтириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга ошираверади. Математик тилда айтадиган бўлсак, солиқ юкининг оғирлик даражаси ва бюджетдан қилинадиган харажатларнинг ҳажми ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик бор. Бюджетдан катта ҳажмдаги харажатларнинг қилиниши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ юкининг нисбатан оғир бўлишини тақоза этади ва аксинча.

Солиқ юкини пасайтириш мақсадида маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларини ва ҳақозоларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг кескин қисқартирилиши улар фаолияти доирасининг ҳам кескин қисқаришига ва бу эса, уз

навбатида, мафқўравий бушликнинг вужудга келишига олиб келмайди. Мафқўравий бушлик бор жойда хар қандай хавфнинг вужудга келиши мумкин. Бундай бушлиқдан фойдаланиши мумкинлигини ҳаммамиз биламиз. «Харажатларни кескин қисқартириш керак» деяётганда масаланинг бу жиҳатларини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Хар қандай жараёни юзага келиши бюджетдан уни олдини олиш учун катта харажатларни талаб этади.

Бюджетдан ижтимоий таъминот мақсадлари учун мулжалланган маблағларни кескин қисқартирмаслик унинг ўрнига аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни бюджетдан қоплаш амалиётига чек қўйиш ёки куп болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар беришни нобюджет манбаларга ўтиш ва шу кабилар орқали солиқ юкини қисмман пасайтириш мумкин бўлади. Аммо ушбу манбаларни топиш ҳам мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолиши таббидир. Бунинг учун яъни қарор қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади.

Бундай фикрни қуллаш мумкин, агарда хусусий ёки шахсий манфаатига мос келадиган бизнесни ривожлантириш билан корхона пул тугдириш билан банд бўлса, унда умуммиллий, умумдавлат ва умумхалк манфаатларига мос келадиган ишларни юклаш мумкин бўлади.

Бюджет харажатларининг маълум бир қисми давлат ҳокимияти, бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда фуқароларнинг ўзини-узи бошқариш органларини саклашга сарф қилинапти. Бундай харажатларни нақадар асосли эканлигини яна бир бор ҳозирги шароитдан келиб чиқиб тўғри белгилаш ҳам талаб этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасини яратиш ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу заҳира жамғармасининг нима учун мулжалланганлигидан беҳабарларга содда қилиб айтиб қуяйлик: жамғарма эҳтиёт шарт учун, кўзда тутилмаган харажатларни қоплашга, жумладан, сиз билан бизни турли бало-қазолардан асрашга, табиий офатлар натижасида курган зарарларимизнинг бир қисмини оператив равишда қисқартиришга

мулжалланганлигини били шва асослаш ҳам муҳимдир. Бундай жамғарма эҳтиёт шарт учун кўзда тутилмаган харажатларни қоплашга, жумладан, бизни турли табиий офатлар натижасида кўрган зарарларимизнинг бир қисмини оператив равишда қоплашга мўлжалланган.

Бюджет харажатларининг маълум бир қисми мамлакатимизнинг мудофаа кудратини мустаҳкамлашга ҳам сарф қилиш кўзда тўтилган. Бундай харажат тури бюджет таркибида алоҳида кўрсатиб утилмаган бўлсада ҳам турли харажатлар таркибида у ўрин эгалаб келмоқда. Бу харажатларни кескин қисқартириш мумкин эмас. Юртимизда тинч-осойишталикни сақлаш муҳимдир. Мамлакатда тинчликни таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун чегараларимиз мустаҳкамлаш, замонавий курул-аслаҳа ва техника сотиб олиш, ҳарбий кушинларимизнинг шахсий таркибини бақувват қилиб тайёрлаш ҳам керак бўлади. Бўларнинг ҳаммаси маблағ талаб этади. Уларга эришиш катта миқдордаги маблағларни мақсадли ажратилишини тақозо этади.

Шундай қилиб ҳозирги бизнинг шароитимизда солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, энг аввало, бюджетдан қилиниши лозим бўлган харажатларнинг миқдорини камайтиришга боғлиқлиги ва уларни кескин қисқартириш нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида фикр чиқариб олиш мумкин.

7.2. Солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида тақсимлаш муаммолари

Ҳозирги шароитда солиқ юкини камайтириш учун бюджет харажатларини кескин қисқартириш ёки қисқартирмаслик билан бирга янада муҳимроқ бўлган бир масалага аниқлик киритиш лозим. Бу масала ҳам солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида қандай тақсимланган ёки тақсимланиши зарурияти билан боғлиқдир. Бу солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида адолатли равишда тақсимланганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Солиқ юкини тўғри тақсимланганлиги ҳақида амалдаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар далолат бериш мумкин. Хар бир солиқ

объектига нисбатан солиқ ставкалари амал қилади. Солиқ солиш базаси низомларга таъянилган ҳолда аниқланади. Шунга қарамай бу борада ўз ривожини топмаган масалалар мавжудки, улар доим солиқ юки нотўғри тақсимланган деган фикрни келтириб чиқаради. Мисол учун бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи икки корхонада бир хил солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, солиқ солиш базасини аниқлаш механизмлари амал қилади, аммо бир корхона хом-ашёга яқин жойлашган бўлиши иккинчисиси эса узоқ жойлашган бўлиши мумкин. Натижада харажатлар кам иккинчисида эса харажатлар юқор бўлиши табиийдир. Бундай ҳолатларда икки корхона учун тенг шароит яратиш, уларни барча ташқи ва ички омилларни эътиборга олиш талаб этилади. Шу ҳолдагина солиқ юкини тўғри тақсимлашга ва уни ривожлантириб боришга эришиш мумкин бўлади. Айтиш жоижки амалда солиқ тўловчидан қочиш ҳолатлари, солиқ базасини камайтириб кўрсатиш ҳолатлари ҳам мавжуд, бундай ҳолатлар солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ноқонуний ҳаракат деб билиш мумкин.

Бундай корхона раҳбарлари қонунда белгиланган солиқларнинг тулаш зарур эканлигини тушуниб етмаган десак муболаға бўлмайди. Иложи бўлган жойда уни белгиланганидан камрок тулашга ҳаракат қилишади. Бу йўлда турли-туман ноқонуний усуллардан фойдаланишга ҳаракат этишади. Солиқларни иложи борича камрок тулаш имкони бор жойда улар узларини фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилишади. Улар солиқларни иложи борича камрок тулашга интилишади бу тоифага кирувчи солиқ тўловчиларнинг сони анчагина. Буни давлат солиқ идора ходимлари уларни яхши йўлга киритишларига ишончлари комил. Уларнинг ҳеч бирига нисбатан қатик чора кўрилмайди. Имкон қадар яхши йўлга киришлари учун шароитлари яратиб берилмоқда.

Шундай тоифадаги тадбиркорлар борки улар ҳар хил йўллар билан солиқ тўловидан бош тортишга ҳаракат этишади, улар нима бўлса, булсин, ишқилиб солиқ туламасалар булди. ҳонституциямизнинг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йигимларни тулашга

мажбурдирлар» деб акс эттирилган тартиб етти ухлаб, уларнинг тушига ҳам кирмаган. «Конституцион бурч» деган тушунча улардан жуда йирокда. Солиқларни тулаш ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги улар учун бегона. Дунёда фақатгина улимдан эмас, балки солиқларни туламасликдан ҳам кочиб кутилишнинг иложи йўқ эканлигини тушунишган эмас.

Солиқ юкининг тақсимланишига оид вазият ана шундай. Бундай вазиятда солиқ юкининг асосий оғирлиги кимнинг зиммасида? Ким солиқ юкининг асосий оғирлигини тортаяпти-ю, ким тортмаяпти. Ушуб ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш жоизки солиқларни уз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тулаб келаётганлар аслида солиғини қисман тулаётган ёки умуман туламаётганлар зиммасига юкланиши керак бўлган солиқ юкини узларининг зиммаларига қўшимча равишда олишмаяпти. Бундай шароитда қўйидаги саволнинг кун тартибига қўйилиши табиий: солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланганда вазият қандай бўлар эди?

Саволни бу шакл ва мазмунда қўйилиши барча солиқ тўловчиларнинг бир хил миқдорда солиқ тулаши керакпигини англатмайди. Оддий тилда айтадиган бўлсак, объектив равишда салоҳияти кучсизлар эса - камрок ва ҳоказо солиқ тулашлари лозим. Шунинг учун ҳам солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланиши солиқлар олинишининг барчанинг аҳволига бир хил таъсир кўрсатиш орқали ифодаланади. Бошқача айтганда, солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида бир хил тақсимланиши уларнинг манфаатларига бир хил даражада таъсир кўрсатишни англатади.

Солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланишига эришилса, бу нарса бировнинг кучли рақобатбардош бўлишига, бошқа бировнинг рақобатбардошлигини англатмайди.

Энг асосийси, солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида бир текис тақсимланиши натижасида мамлакат миқёсида умумий солиқ юкининг томонлар (давлат ва солиқ тўловчилар) манфаатларига зиён етказмасдан пасайтирилишига эришилади. Солиқ юкининг

оғирлигини ҳамма вақтг ҳам салбий маънода талкин қилинмаслиги лозим.

Солиқ юки қанча қанча юқори бўлса, шунча ёмон ва аксинча, деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам солиқ юкининг оғирлигини тезлик билан кескин камайтириш яхши натижаларга олиб келмайди. Масаланинг барча томонлари пухта ишлаб чиқилиши муҳимдир. Хеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Хар бир масала пухта ҳисоб-китоб қилиниши зарур. Ундан сўнг солиқ юкини аста-секинлик билан, босқичма-босқич пасайтириб боришга утиш ўз натижасини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб «Ўзбекистон солиқ тизими тўғри ўрнатилган солиқ юкининг даражаси хеч қандай муаммо келтириш чиқармайди деб ҳисоблаш ноўринлидир. Шунингдек, биздаги солиқ сиёсати энг самарали ҳам деб бўлмайди. Бунақанги фикрларни билдиришдан жуда ҳам йирокдан бўлиши лозим.

Боз устига солиқ тизимимиз, амалдаги солиқ юки ва солиқ сиёсати ҳам тикланиш ва ривожланиш босқичларини бошдан кечирмоқда. Ушбуларни кучсиз жойлари, камчилиг-у, нуксонларининг каерда эканлигини били шва уларни бартараф этиш муҳимдир.

7.3. Солиқ юкини камайтиришнинг мунозарали масалалари

Ҳозирги шароитда солиқ юкининг камайтирилиши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ тўловчилар ихтиёридан солиқлар шаклида бюджет ихтиёрига олинаётган маблағлар бир қисмининг шу солиқ тўловчилар ихтиёрига қолдирилишини ёки шунча миқдордаги маблағларнинг бюджетга бориб тушмаганлигини аниқлатади. Солиқ юкининг камайтирилиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган маблағларни қайта тиклаш, урнини тулдириш, қоплаш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу масаланинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб айрим иқтисодчи-олимлар томонидан бундай қайта тиклашнинг (яъни компенсация қилишнинг) бир неча йўллари кўрсатилмоқда. Яъни:

1. Солиқ юкининг камайтирилиши автоматик равишда ишлаб чиқаришнинг жонланишига, ривожланишига ёки кенгайишига олиб келадими, бу нарса, охир-оқибатда солиқ тўловчилар сонининг ортиши, солиққа тортиш объекти (базаси)нинг кенгайиши, купайишини таъминлайди. Бу эса, уз навбатида, солиқ юкининг камайиши натижасида “юкотилган” маблағларнинг бюджет учун компенсация қилишини таъминлаши мумкин.

Мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этишда солиқ юкини камайтиришни асосий “даво чораси” сифатида талкин этаётганларнинг асосий талаби ҳам ана шундан иборат. Иқтисодий назария ҳам бунинг тасдиқлайди.

Айрим ривожланган мамлакатларнинг амалий тажрибаси ҳам шундан далолат беради. Бирок, бўларнинг ҳеч бири, бюджет “юкотган” маблағларнинг қопланишига олиб келади, деган кафолатни бера олмайди. Буни ўз вақтида тараққий этган мамлакатлардаги иқтисодий тажриба ҳам тасдиқламоқда. Чунки ишлаб чиқариш тараққий этиши, солиқ тўловчилар сони ортиши, солиққа тортиш объекти (базаси) кенгайишининг якка-ю-ягона сабаби ёки омили фақат солиқ юки эмас. Бошқа юзлаб сабабларни ёки омилларни инобатга олмаган ҳолда биргина солиқ юкининг пасайтирилиши, уз-ўзидан ёки автоматик равишда, юқоридаги ижобий ҳолатларни вужудга келтира олмайди.

Шунинг учун солиқ юкининг камайтирилиши натижасида бюджет “юкотган” маблағларни қоплашда биринчи вариант кўзда тутиладиган бўлса, у ҳолда солиқ юкининг камайтирилиши ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келадими ёки йўқми ва у қанча вақт ичида ёки давомида содир бўлиши мумкин? “Бугун солиқ юки камайтирса унда келгусида ишлаб чиқариш ривожланиб кетадими? Ва бу ҳақида кафолатни ким берадими? аа ҳ.к.

2. Солиқ юкининг камайтирилиши орқали бюджет “юкотган” маблағларни қарз олиш йўли билан тулдириш мумкин.

Айтиш жоизки бугунги кунда аксарият тараққий этган мамлакатлар ҳам қарзга яшамокда. Ҳатто ута юқори тараққий этган

мамлакат сирасига кирувчи АҚШнинг қарзлари 18-19 трлн долларни ташкил этмоқда. Аммо бундай қарзга эга бўлган мамлакатда аҳоли яшаш даражаси юқори. Бу ҳам бежиз эмас. Пекин солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет “юкотган” маблағларни қарз олиш йўли билан қоплаш мумкинми? Шу боис хар қандай ҳолатда ҳам бюджет “юкотган” маблағларни қоплаш мақсадида қарзга олиниши керак бўлган маблағларнинг миқдори қанча бўлиши лозим? Бундай маблағни кимдан олиш мумкин? Шундайлар бор бўлса, улар мамлакат ичкарасидами ёки ташқарисида? Улар қарзни кай муддатга ва қандай шартлар асосида беришлари мумкин? Уларнинг шартлари бизнинг манфаатларимизга мос келадими? Қарзни олгандан сўнг, уни уз вақтида ва шартларига риоя этган ҳолда қайтариш оламизми? Ва шу кабилар.

3. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет юкотишларини қоплаш ўзига хос варианты, бу бюджет харажатларини бюджет юкотишларига мос равишда қисқартиришдир.

Кўзланган мақсадга эришиш учун бу вариантнинг танланиши кўйидаги саволларнинг аниқ ва ишончли жавобига эга бўлишни тақозо этади яъни бюджетда қисқартилиши лозим бўлган харажатларни мавжудлиги? Бюджет харажатларини қисқартирилишида эътирозларни йўқлиги? Бор бўлса, унинг қанчагача қисқартирилишини мумкинлиги? Бюджет харажатлари қисқартириш кимларнинг манфаатларига таъсир этиши мумкин? Ва ҳакозолар.

4. Солиқ юкининг камайтирилиши натижасида бюджет юкотишларини қоплашнинг яна бир варианты юқоридаги вариантларнинг турли кўринишларидан бир вақтнинг ўзида ҳам фойдаланиш мумкин.

Мақсад юқорида келтирилган саволларга аниқ жавобни топган ҳолда хулоса чиқариш, сўнг эса тегишли қарорни қабул қилиш. Керакли натижани беради шу боис уларга малакали, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган жавобларни бериш, ҳеч бўлмаганда, солиққа тортиш ва солиқ тизимининг иқтисодий принципларини

сузсиз тўғри қабул қилиниши ва уларга риоя этилишини тақозо этади. Хуллас солиқ юкини камайтириш масаласи ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Унга нисбатан муносабатни ўзига хос тарзда, солиқ сиёсатидан келиб чиқиб эътироф этиш муҳимдир.

Солиқ юки ва унинг оғирлигини камайтириш билан боғлиқ бўлган масалага масъулиятсизлик, қараш мақсадга мувофиқ эмас. Унга нисбатан фикр билдиришга унинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини бўлиш ҳам талаб этилади. Солиқ юки ва уни камайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга уларни ҳал қилиш нуқай-назаридан асоссиз ёндашиш кўзлаган мақсадга олиб келмайди.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ иқтисодиётнинг ҳозирги аҳволи, унинг ривожланишига тускинлик қилаётган мавжуд муаммолар тўғрисида, қандай фикрлар билдирилаяпти?

⇒ “Солиқ юки” деганда нима тушунилади ва у қандай ўлчанади?

⇒ “Солиқ юки”га нисбатан қандай таърифларни бериш мумкин? Бу ерда принципал аҳамиятга эга бўлган нарса нима ўзи?

⇒ “Солиқ юки” хусусида гап кетганда барча мамлакатларда бир нарса назарда тутилиши керакми ёки уни ҳар ким уз қаричи билан улчайверса ҳам бўлаверадими?

⇒ Солиқ юкини турли тарзда (усулда) улчаш мумкинми? Агар шундай қилинадиган бўлса, унинг хавфли жиҳати нимада?

⇒ Солиқ юкининг оғирлиги бизда қай даражада-ю, бошқа мамлакатларда қандай?

⇒ Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин? Бундаги чидамликка нималар уз таъсирини кўрсатади?

⇒ “Солиқ юкининг оғирлиги қай даражага етгунга қадар чидаб туриш мумкин?” деган саволга барча мамлакатлар учун ягона бўлган “рецепт”ни бериб бўладими?

⇒ Солиқ юкининг оғирлигини камайтириш нимага боғлиқ?

⇒ Шу кеча-ю кундузда бюджетдан қилинаётган харажатларнинг қай бири мутлако керакдир? Қайси бирини кескин қисқартирса бўлади?

⇒ Бюджетдан маориф соҳасини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар кескин қисқартирилса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин?

⇒ Балки соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин қисқартириш керакдир?

⇒ Маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун мулжалланган харажатларни кескин қисқартирсак, нима бўлади?

⇒ Фанни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин қисқартирсак, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

⇒ Бюджетдан ижтимоий таъминот мақсадлари учун мулжалланган маблағларни кескин қисқартириш мақсадга мувофиқми?

⇒ Биз учун балки бюджетдан иқтисодиётга ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга қилинаётган харажатлар керак эмасдир?

⇒ Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган Вазирлар Маҳкамасининг задира жамғармаси керакми ёки керак эмас?

⇒ Бюджет харажатлари маълум бир қисмининг мамлака- тимиз мудофаа кудратини мустаҳкамлашга ҳам сарф қилинаётганлигига қандай қарайсиз?

⇒ Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида қандай тақсимланган? Солиқ тўловчиларни уларнинг солиқларни тулаш даражасига қараб, шартли равишда бўлса-да, қандай тоифаларга бўлиш мумкин?

⇒ Солиқ юки солиқ тўловчилар ўртасида текис тақсимланганда вазият қандай бўлар эди? Саволнинг бу шакл ва мазмунда қўйилиши барча солиқ тўловчиларнинг бир хил миқдорда (суммада) солиқ тулаши кераклигини аниқлатадими ёки...?

⇒ Солиқ юкининг оғирлигини ҳамма вақт ҳам салбий маънода талкин қилиш ўринлими?

⇒ 25-30%ли солиқ юки оғирлигининг дастидан «Дод!» деяётганлар 50-60%ли солиқ юкини мардларча кутариб, рақобатбардош иқтисодиётга эришганлардан урнак олса, арзимайдими? Ёки бу фикр нотўғрими?

⇒ Солиқ юкига нисбатан муносабат масаласида кимлардан (қайси мамлакатлардан) урнак олиш мақсадга мувофиқ? Бунда охириги ёки энг юқори (якуний) меъзон сифатида нималарга эътибор бериш керак? Иқтисодиётнинг рақобатбардош- лигигами, аҳолининг турмуш даражасигами, мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларигами ёки бошқа нарсалар- гами?

⇒ Солиқ юкини камайтиришнинг мунозарали масалалари нималардан иборат?

⇒ Солиқ юкининг пасайтирилиши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, нимани англатади?

⇒ Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган маблағларни бюджет манфаатлари нуқайи-назаридан компенсация қилиш (қайта тиклаш, урнини тулдириш, қоплаш)ни қандай қилиб ҳал қилиш мумкин? Ҳозирги пайтда иқтисодчи- олимлар томонидан бундай “компенсация қилиш” нинг қандай вариантлари (йўллари) кўрсатилмоқда?

⇒ Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет юкотмаларини компенсация қилишнинг ўзига хос варианты, маълум маънода, бюджет харажатларини бюджет юкотишларига мос равишда қисқартириш экан, бу, аввало, қандай саволларнинг аниқ ва ишончли жавобига эга бўлишни тақозо этади?

VIII БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ОҚИЛОНА ТАҚДИМ ЭТИШ - СОЛИҚ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ

8.1. Солиқ имтиёзларини оқилона таъдим этиш принциплари

Бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий ва бир вақтнинг ўзида, унинг нисбий жиҳатдан мустақил қисми сифатида қаралаётган солиқ сиёсатининг мувоффақияти, таъсирчанлиги, натижавийлиги, ва ниҳоят, унинг самарадорлиги, куп жиҳатдан, солиқ имтиёзларини таъдим этиш масаласи билан боғлиқ бўлади. Солиқ имтиёзлари қанчалик оқилона таъдим этилса, солиқ сиёсатнинг самарадорлиги шу қадар юқори бўлади.

Агар солиқлар бўйича у ёки бу шаклда имтиёзларни бериб туриб, кўзланган мақсадларга етарли даражада эришилмаётган бўлса, унда унинг асосий сабабларидан бири солиқ имтиёзларини таъдим этишда эътиборга олинishi зарур бўлган принципларини етарлича эътибор олмаслигидир.

Айтиш жоизки солиқ имтиёзларини таъдим этишда маълум бир тартибга ва қоидага риоя этиш зарур. Солиқлар бўйича имтиёзларини таъдим этишда ўзига хос бўлган принциплари мавжуд бўлиб эътиборга олмаслик солиқ имтиёзларини натижавийлигини пасайтиради, бундай кўпроқ зарар кўрилиши ҳам мумкин бўлади. Агарда таъдим этилган солиқ имтиёзлари боқимандалик кайфиятини юзага келтирса унда бундай имтиёздан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шундай, экан амалда қоида доирасида солиқ имтиёзларини таъдим этишда қўйидаги принципларга амал қилиш талаб этилади. Яъни:

-солиқ имтиёзларини даврий доимийлиги, яъни солиқ имтиёзи таъдим этилган давр ичида унга нисбатан қўшимча тартибларни жорий этилмаслини таъминлаш лозим бўлади.

-анъанавий доимо амал қилиб келган солиқ имтиёзини истиқболи даврда сақлаб қолиш ёки танланмаслиги тамойили.

Утиш даврининг барча синовларидан мувоффақиятли утган ва ўзининг ҳаётийчанлигини ҳамон сақлаб келаётган бу солиқ имтиёзлари асосий хусусиятидан бири ҳаётийлигидир:

1. Солиқ имтиёзларининг қулланилиши мулкчилик шакли, фаолият тури, корхона туб корхоналарнинг субъектив баҳоларига боғлиқ бўлган ҳолда танланишга эга бўлмаслиги;

2. Солиқ имтиёзларини тақдим этишда мажбур қилмаслик яъни солиқ имтиёзини қулланилишни мажбурийликка хос бўлмаслиги;

3. Ўзининг ички табиатига кўра, солиқ имтиёзларига қулланилишнинг маъмурий-буйруқбозлик характериға эга бўлмаслиги;

4. Инвестицион солиқ кредитлари умумдавлат аҳамиятиға эга бўлган инвестицион дастурларнинг бажарилишини таъминлайдиган солиқ тўловчиларға тақдим этилишини таъминлаш;

5. Солиқ имтиёзларининг қулланилиши бюджет даромадларига, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларға зиёён етказмаслик;

6. Солиқ имтиёзларини шакллантириш тартиби умумдавлат миқёсида аниқланиш ва қонуний тарзда марказий ҳокимият томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши;

7. Маҳаллий даражада солиқ имтиёзларининг қулланилиши қонунчилик органи томонидан белгиланадиган доирада бўлиши;

8. Солиқ имтиёзларидан самара кўрилиши мумкинлиги, яъни фойда (даромад)ни ошиши, яъни иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошиши кўзатилиши билан белгиланади.

Бу ўринда, аввало шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган солиқ имтиёзларини бериш масаласида инобатға олиниши лозим бўлган принциплар бирор бир иқтисодчи олим ижодининг маҳсули эмас. Улар буш жойдан уз-ўзидан ўйлаб ҳам топилмаган. Уларнинг ижодкори - иқтисодий ҳаёт. Бу принципларнинг тўғри эканлигини ва улар албатта солиқларни амалий тажрибаси уни қуллаш зарурлигини тасдиқлаб келмоқда.

Солиқ имтиёзларини бериш юқорида келтирилган принципларнинг талабларига жавоб бериши муҳимдир.

Корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар беришда тўғрилигини иқтисодий ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган юқоридаги талабларга етарли даражада риоя қилинмаётганлигини кўрсатиши мумкин. Солиқлар бўйича берилган имтиёзларнинг самарадорлигини асослаш ҳам муҳим масалалардан биридир.

Солиқ имтиёзларни тақдим этиш масаласи доимо амалиёт ходимларини ва олимларни диққат марказида бўлиб келмоқда. Солиқлар бўйича имтиёз беришдан асосий мақсад солиқ имтиёзларининг берилиш даражаси солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдалана олиш. Солиқ имтиёзларидан кўзлаган мақсадларга эришилаётган натижалар солиқ имтиёзларини амал қилиш ҳолати ва ва ҳакозолар ҳақида тасавур тўлиқ эга бўлиш муҳимдир. Берилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланмасдан туриб кўшимча имтиёзга эга бўлишдан манфаат борми? Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик таъминланганми? Бундай саволлар эса ҳозирги кунга қадар жавобсиз қолмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар эса солиқ имтиёзларини муқарар амал қилиши зарур эканлиги билан якунига етказилмоқда. Буж уда жиддий масала. Чунки солиқ имтиёзларини борлиги қонуниятларда нималар етишмаслигидан далолат беради.

Ушбу масалага нисбатан проф.Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар кўйидаги фикрни билдиради, яъни: «солиқлар бўйича имтиёзларни бериш ёки бермаслик масаласи муҳокама этилаётган пайтда юқоридаги саволларнинг ҳақиқий жавобига эга булинса ва уларни инобатга олган ҳолда имтиёзларни бериш ёки бермаслик масаласида тегишли қарор қабул қилинса, бундай қарорнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлик даражаси шунга мос равишда юқори бўлган булур эди»³⁰.

Солиқлар бўйича имтиёзларни оқилона тақдим этиш масаласини имтиёзни олаётган томоннинг (бу ерда уларнинг юридик ёки жисмоний шахе эканлиги принципиал аҳамиятга эга эмас) солиқ ва

³⁰Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 295 б.

имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик мавжудлигини қандай идрок этишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Имтиёзнинг берилганлиги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган субъектга хотиржамликка берилишга асос бўлаолмаслиги керак. Аксинча, имтиёзни олгандан сўнг бундай имтиёзга эга бўлган тадбиркорлик субъекти, оддий тилда айтадиган бўлсак, жонини жабборга бериб, уйқуни ҳаром билиб, айшу-ишратдан воз кечиб, тиниб-тинчимасдан, елиб-югуриб, гайрат-шижоат билан фаолият кўрсатиши лозим³¹. Умуман олганда имтиёзга эга бўлган корхона боқимада кайфиятида бўлмасли лозим, унда имтиёз тақдим этилган.

8.2. Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш учун ҳисобга олинадиган амалий ҳолатлар

Солиқ имтиёзларини тақдим этиш солиқ сиёсатида солиқлар бўйича берилиши лозим бўлган имтиёзлар билан боғлиқ масала жуда куп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Чунки солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиб солиқ сиёсатининг самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Ҳар бир тадбиркорларни фаолиятини кунгилдагидек эмаслигига дуч келиши мумкин бунинг бир неча сабаблари мавжуд бундай сабабларнинг асосийси «солиқ имтиёзларининг етарли даражада эмаслиги ва солиқлар томонидан етарли даражада рағбатлантирилмаётганлиги» ни шу боис ҳозирда имтиёзлари нима учун берилиши ёки солиқ имтиёзларини беришдан мақсад нимадан иборат эканлигини ҳар бир тадбирлар бўлиши керак.

Ҳозирда берилаётган имтиёзлар боқиманда бўлиш учун берилмайди. Боқимандалик бу ноинсофликдир. Унга давлат маблағларига нисбатан соғин сигир сифатида уни бошқача тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Боқимандалик фақат жамиятга зарар келтиради холлос.

Солиқлар бўйича имтиёзлар актив фаоллик кўрсатилиши учун берилмайди. Солиқ имтиёзи фақат ижобий натижани қулга

³¹ Ушу ерда.

киритиши муҳимдир. Имтиёзни олгач биз оёкка туриб кетишимиз ёки қаддимизни ростлаб олишимиз керак. Имтиёзлар фақат оёкка туриб кетиш қадни ростлаб олиш ва унга эришгандан сўнг узиш мустақил юритиш солиғи белгиланган муддатда ва сўммада тулаб туришга ҳам эришиши лозим бўлади.

8.3. Солиқ имтиёзларини амалда самарали фаолиятини ташкил этишга рағбатлантириш

Солиқ имтиёзи янада самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантириш мақсадида берилади. Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлаш гаровидир. Солиқ имтиёзларини берилиши даражасини ҳам аниқлаш муҳимдир. Шунини инобатга олган ҳолда солиқлар бўйича тегишли ҳужжатларга назар соладиган бўлсак, уларнинг ҳар бирида имтиёзлар мавжуд. Уларни 3 тадан 40 тагача тебранаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имтиёзларининг кўплаб тури мавжуд. Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар кўплаб гуруҳга бирлаштирилган. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар 39 кўринишга эга. Ер солиғи бўйича тақдим этилган имтиёзлар сони 33 тага тенг. Бошқа солиқ турлари бўйича худди шундай рақамларни қайд этилмоқда.

Бундай ҳолатнинг иккинчи бир солиқ тури бўйича имтиёзни бир солиқ имтиёзини олишга дават этади. Солиқ тизими манфаатларини ҳимоя қилиши учун амал қилиш учун қулланиб келиши кўзга ташланиб қолади. Ҳа «Ўзбекистон солиқ тизимида кўзда тўтилган имтиёзлар нардан зиёд куп. Айрим ҳолларда улар сонининг куплиги оқиллик чегарасидан утиб кетган. Бу нарса солиқ тизими ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу сабабли кейинги йилларда солиқ имтиёзларини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб куяй. Бюджет даромадларини шакллантириш, солиқлар ва солиққа тортиш масалалари бўйича чорак асрдан буён талабаларга сабоқ бераман, тадбиркорлар олдида маърузалар уқийман, раҳбар ходимлар учун ташкил қилинган илмий-амалий семинарларда иштирок этаман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу йиллар давомида бирор марта ҳам «Солиқлар бўйича имтиёзлар етарли ёки улар керагидан ортиқча», - деган фикрни билдирган мардни учрата олганим йўқ эди. Бу борада «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш» мавзусида республика илмий-амалий конференция ташкил этиб, унда иқтисодчи олимлар, амалиёт ходимлари билан биргаликда республикамизни ҳам тақлиф этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу ташкил этиладиган Конференция кун тартибида мамлакатимизда амалдаги қонунчилик билан берилган солиқ имтиёзлари, улардан қандай фойдаланиш кераклиги, берилган солиқ имтиёзларидан оқиллик билан фойдаланилса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида амалий жиҳатлари келтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

8.4. Солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг роли

Солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашда солиқ имтиёзларини оқилona тақдим этиш муҳимлиги сир эмас амалда бу жараёнда “Мавжуд солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланиш берилган имтиёзларни амалда ишлатиш принципал аҳамиятга эга.

Албатта, имтиёз берилганидан сўнг, ундан фойдаланиш даркор. Имтиёз берилса-ю, ундан фойдаланилмаса, бундай имтиёзнинг нимага ёки кимга кераги бор? Фойдаланилмаётган имтиёзнинг берилганлиги унинг бемақсадлигидан, самарасизлигидан даракдир. Имтиёз давлат номидан ва томониан берилади. Ундан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқиш имтиёзни олган томон (тадбиркор, сиз билан биз) учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак.

Оддийгина бир мисол: тегишли ҳужжатда олинган даромаднинг маълум бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш

ва реконструкция қилишга сарфланса, унинг шу қисмига солиқ солинадиган даромад камайтиради, деб ёзиб қўйилган бўлишига қарамасдан, бундай имтиёздан ва имкониятдан фойдаланмасак, бу нима дегани? Тўғри, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун фақат маблағлар бўлишининг ўзи етарли эмас, албатта. Бунинг учун уддабуронлик қилиш ва қаллани ишлатиш ҳам керак. Пекин бунда давлатда не айб? Ахир у «Ишлаб чиқаришининг ривожлантирмоқчи, кенгайтирмоқчи ва реконструкция қилмоқчи бўлсанг, марҳамат, қилавер бу ишининг. Даромадининг бир қисмини шу мақсадларга сарфламоқчи бўлсанг, унинг шу қисми солиққа тортилмайди», - деб туриб, солиқ бўйича имтиёз бераяпти-ку!

Боз устига, холисона тан олайлик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун, минг бир баҳонани рукач қилиб, турли-туман «объектив» ва «субъектив» сабабларни кўрсатиб, даромадининг бир қисмини шу мақсадларга йуналтиришдан солиғини тулаб қўйишни афзал курмаяпмизми? Берилган имтиёздан фойдаланиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш устида бош қотиришдан кўра, «Оч қорним, тинч қўлоғим!», ёки «Бугун утсин, эртага бир гап бўлар!» шаклида иш юритмаяпмизми? Имтиёзларни увол қилмаяпмизми?

Бу биргина мисол. Пекин солиқ имтиёзларига тегишли бўлган бундай мисолларни қалаштириб ташлашимиз мумкин.

Юқоридаги ҳолатнинг вужудга келганлиги бизнинг мавжуд имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқа олмайётганлигимизни кўрсатади. Шу муносабат билан яна бир воқеа ёдимга тушди. Катта бир аудиторияда маъруза ўқияпман. Унда республикамиз иқтисодиётининг келажаги, прогрессив-илғорлари деб тан олинган бир гуруҳ раҳбарлари иштирок этишяпти. Маъруза солиқ имтиёзлари билан боғлиқ бўлган масалага бағишланган. Маъруза энг қизиқ жойига етганда, улардан бири: «Домлажон, тўхтанг! Фикрларингизга қўшиламан. Ҳақиқатдан ҳам солиқлар

бўйича имтиёзлар жуда куп. Пекин уларнинг бирортаси ҳам ишламаяпти-ку! Ишламаётган имтиёзларни бошимга ураманми? Нима қилсак, улар ишлаб кетади? Менга ушаларни ишлатадиган нуҳасини топиб беринг, мен уни туртиб юборар эдим ва улар ишлаб кетарди», - деган архимедона савол билан «кўйиб-пишиб» мурожаат қилиб қолди. Бу саволдан «хушёр тортган», «жонланган» яна 4-5 киши «Домлажон! ҳамкасбимиз тўғри айтаяпти. Имтиёзларни ишлатиш механизми йўқ. Шунинг учун ҳам улар ишламаяпти», - деган фикрни билдиришди.

Эссиз! Солиқлар бўйича имтиёзларнинг ишлаб кетиши, энг аввало, ҳар биримизнинг, ўзимизнинг фаолиятимизга бевосита боғлиқ эканлигини англай олмасак. Ахир берилган имтиёз, сиз уйлаганингиздек, ўз-ўзидан ишламайди. Унинг (имтиёзнинг) туртиб ишлатадиган жойи (нуҳаси) йўқ. У (имтиёз) робот эмас, мурувватини бураб қўйсангиз ишлайверса. Сиз айтган «имтиёзларни ишлатиш механизми»даги асосий «винт» сиз билан бизмиз. Ана шу асосий «винт» (сиз билан биз) «қимирламаса(к)» механизм ишламайди. Механизмдан фойдаланиш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг ишлаб кетишини таъминлаш, ундан фойдаланиш учун уддабуронлик керак, ақл-заковат ва билимлилик талаб қилинади, бошни қотириш лозим, ҳузур- ҳаловотдан воз кечиш керак, узоқни (келажакни) ўйлаб, совуққонлик билан ҳисоб-китоб қилиб, елиб-югуриш лозим. Шу ишларни қиляпмизми? Йўқ! «Берилган имтиёз ишласин- да! Ишламайдиган имтиёзни менга нима кераги бор!», - деб қулни култиққа уриб утирибмиз. Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларидан озгина хабардор бўлган одам бизнинг бу хатти-ҳаракатимизни сира тушуна олмайди.

Имтиёзни бериш давлатнинг вазифаси бўлса, уни ишлатишни қойил-мақом қилиб уддасидан чиқиш эса бизнинг вазифамиздир. Ёки давлат имтиёзни бериб, унинг ишлашини ҳам таъминласинми? Кунгил курсин, нималарни истмайди-а? Унда сиз билан биз нима қиламиз? Оғзимизни очиб, тайёр ошга баковул бўлиб утираверамизми? Ундан ташқари, шундай фикрга бораётган

пайтимизда, бошдан дуппини олиб, атрофга бир назар ташлайлик. Ахир дунёнинг ҳеч бир мамлакатида шу пайтгача ҳеч бир давлат солиқ бўйича имтиёзни бериб, унинг ишлаб кетишини таъминлаш билан ўзи шуғулланмаган. Бу ақл бовар қилмайдиган кулгули ҳол. Бу муаммонинг ҳал этилиши давлатнинг фаолиятига боғлиқ бўлганда эди, бу нарса аллақачон ҳал этилар эди. Афсуски, бундоқ эмас.

8.5.Солиқ имтиёзлари бўйича муаммоларни юзага келтирувчи омиллар

Бозор иқтисодиёти шароитида имтиёзга эга бўлишда муаммо пайдо бўлиши мумкин. Аммо қўлга киритилган имтиёздан фойдаланишда, уни ишлатишда эса муаммонинг бўлишини ақли расо одам идрок эта олмайди. Сиз билан биз орзу қилаётган мамлакатларда солиқлар бўйича зиғирдек имтиёзга эга бўлиш, биздагидек, осонлик билан эмас, балки аёвсиз ва шиддатли кўрашлар натижасида қўлга киритилади. Уша имтиёзни бериш ёки бермаслик масаласи у ёки бу ҳукуматнинг тақдирини, ҳокимият тепасида қолиш ёки қолмаслигини белгилаб беради. Республикамиз раҳбарияти томонидан ҳаётга тадбиқ этилаётган оқилона иқтисодий сиёсат орқали солиқлар бўйича турли-туман имтиёзлар икки қўллаб тақдим этиб турилса-ю, улардан самарали фойдаланишни уддасидан ўзимиз чикаолмаётган бўлсак, давлат додини кимга айтсин ва у яна нима қилиб берсин?

Шу ўринда иқтисодчи олимларимиздан Т.С.Маликов ва П.Т.Жалилов берилган солиқ имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаши ва унда нимага эришиши мумкинлик масаласига эътибор қаратиб кўйидаги фикрни илгари сурганлар, яъни. «Солиқлар бўйича имтиёзларнинг берилиши, маълум маънода, давлатга ёки бюджетга тегишли бўлган маблағлар бир қисмининг хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида колдирилишини англатади, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, агар ҳозирги пайтда қонунчиликда ҳеч бир қўшимча ўзгаришларни киритмасдан туриб

мавжуд имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқаолсак, хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида колдирилиши мумкин бўлган маблағлар бюджет даромадларининг қарийиб 50%ига тенг бўлиши мумкин экан. Бундай натижанинг кулга киритилиши давлат бюджетининг даромадларини таъминлаш нуқтаи-назаридан жуда катта риск бўлса-да, давлат шунга йўл қўйяпти. Унинг нияти шундай қарор қабул қилиш эвазига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини кескин мустаҳкамлашдан иборатдир»³². Ҳақиқатда уларнинг фикрлари ўринли чунки берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи яхшиланиши уларнинг молиявий потенциални ошириш ва ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари лозим бўлади.

Солиқ имтиёзларини бериб, кўзлаган мақсадларга эришиш муҳимдир. Солиқлар бўйича имтиёзларни бериб, тадбиркорлик фаолияти кенгайиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи кескин яхшиланиши, тўлов оборотидаги муаммолар барҳам топиши, корхоналар бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаришлари, имтиёзга эга бўлганларнинг молиявий аҳволи кескин яхшиланиши лозим.

Ҳозирда солиқ имтиёзлари орқали амалда молиявий вазият анча яхшиланди. Аммо барибир, бугунги кунда реал аҳвол инобатга олган ҳолда солиқлар бўйича имтиёзларни бериб, кўзланган мақсадларга тўлиқ эришдик, дея олмаймиз. Жуда купчилик ҳолларда имтиёзга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти имтиёз даври давомида самарали фаолият кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Имтиёз даврининг тугаши яқинлашган сайин бундай «фирма»ларнинг пайтавасига курт тушиб, қанчалик тусиқлар қўйилган бўлишига қарамасдан, уларнинг пулни пулга уриштириб, пул тўғдирадиган «рахбар»лари ўз «фирма»ларини тугатишга ва бир вақтнинг ўзида параллел равишда янги имтиёзга эга булувчи

³²Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 303 б.

«фирма»лар очишга ҳаракат қилаяптилар. «ҳоловини топсанг, кор ҳам ёнади», - деган қоидага риоя қилиб, бунинг устидан чикаяптилар ҳам. Урни келганда эса, сиз билан биз «Менга нима, кандини урсин!», - дея оддий томошабин бўлиб утирибмиз.

Имтиёзга эга бўлган жуда купчилик хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий аҳвол яхшиланмаяпти. Уларнинг фаолияти ҳамон «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаётир. Юзага келган шароитда “Қўшимча солиқ имтиёзига давогарлар ҳам топилмоқда. Бундай имтиёзга аввало имтиёзга эга бўла туриб табиий офат таъсирида катта юқотишлар дуч келиш пайтида тўғилади. Ёки корхона фаолиятида катта инновацион бўрилиш юз берган тақдирда.

Ҳақиқий вазият шуни талаб этган тақдирда солиқлар бўйича яна имтиёз берилса, айти муддао булур эди. Жуда куп муаммолармиз ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетар эди» бу заруриятдир. Чунки вазият юзага келганда. Амалдаги имтиёзларга қўшимча равишда яна имтиёз берилишига зарурият тўғилади. Бундай пайтда олдин «Берилган имтиёзлардан қандай фойдаланади деган савол савол тўғилмаслиги лозим бўлади. Чунки берилган имтиёз ўз олдига қўйилган вазифасини бажариб келаётган бир пайтда ходиса юз берди ва қўшимча имтиёз олишга зарурият тўғилди. Бунда қўшимча имтиёзга зарурият йўқ деб бўлмайди. Бундай вазият “Covid-19” билан боғлиқ бўлганлиги ёдимизда қўшимча имтиёз ҳукумат қарорлари билан жорий этилди ва ундан оқилона фойдаланиш таъминланди.

Солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашнинг гарови. Бундай саволга жавоб бериш учун солиқ ва солиққа тортишга нисбатан имтиёзлар ўртасида ўзвий боғланиш борлигини сезиш лозим бўлади.. Афсуски, уни оддий кўз билан куришнинг иложи йўқ. У ақл кўзи билан курилади деб изоҳлайди иқтисодчи олимлардан Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар. Бундай боғлиқликни куриш учун озгина фаросат, ақл-заковат ва билимнинг бўлиши тақоза этилади. Акс ҳолда барча

ўринишлар беҳуда кетаверади, уша боғлиқликни кўра олмасдан, ожизлигимизча қолаверамиз³³.

Ҳақиқатда ҳам солиқлар ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик даромадни тақсимлаш ва фойдаланишда намоён бўлади. Унинг биринчиси (солиқ) яратилган даромаднинг бир қисмини бюджетга олишни, иккинчиси имтиёз эса олинган даромаднинг бир қисмини яна қўшимча равишда хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрида қолдиришни тақоза этади. Ушбу жараёнда маълум бир оптимал мувозанат таъминланиши талаб этилади. Бундай мувозанатнинг таъминланиши шу жараёнда иштирок этувчилар (ишчи-хизматчилар, корхона ва давлат) манфаатларининг (бир-бирига мос келиши) ёки муштараклиги билан белгиланади. Аммо даромадни тақсимлашда иштирокчилар ўртасида нотўғри тақсимлаш принциpidан фойдаланмаслик лозим.

Амалдаги қонунларга назар ташласак унда солиқлар бўйича берилаётган имтиёзлар икки томонлама хусусиятга эга. Уни бир томон (давлат) эҳтиёжмантларга беради ва иккинчи томондан истимолчилар яъни (хўжалик юритувчи субъектлар) олади. Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик ана шу ерда яъни бериш-олиш жараёнида юзага келади ҳамда ҳар икки томоннинг ҳам манфаатларига мос келишини тақоза этади. Бу жараёнда бир томон ютиб, иккинчи томон эса ютказиши мумкин эмас. Ёки ундан бир томон фойда, иккинчи томон эса зарар кўрмаслиги лозим. Бунга эришиш учун нима қилмоқ лозим? Саволга жавоб бериш оддий.

Бунга эришиш учун имтиёзни олган томон имтиёзга эга булдик деб хурсанд бўлмаслиги балким бизга катта масъулият юклатилди деб қабул қилиш лозим. Солиқ имтиёзи хаддан зиёт корхонани фаолият доирасини кенгайтиради ёки чеклайди. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга дават этади. Уни жавоби тахлил этилади ва ҳуқум чиқарилади. Фаолиятимни кўллаб-қувватланишига имкон берди қулай шароитни яратиб берди энди самарали фаолиятини янада

³³Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 304-305 бетлар.

яхшироқ ва самаралироқ натижага эриши керак бўлади деб фаолият кўрсатиш лозим бўлади. Ўшандагина имтиёзни олган томон ортиқча даромадни яратиши мумкин. Шу боис, олдингидан купроқ даромаднинг яратилиши имтиёзни бериш натижасида кўзланган мақсадга эришилганлигини англатади. Купроқ даромаднинг яратилганлигидан ҳар иккала томон - имтиёзни берган давлат ва уни олган хўжалик юритувчи субъект - ҳам манфаатдор бўлиши механизмдир. Бу иккала томоннинг манфаатларига мос тушади. Бу солиқ бўйича имтиёзни бериш натижасида унинг иштирокчилари ўртасида манфаатлар муштараклигига эришилади. Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик айнан шуни тақоза этади.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг маъно-мазмунини идрок этиш сиз билан биздан куп нарсани талаб этмайди. Муаммонинг моҳиятини мушоҳада қилиш билан бирга унга жуда кенг мазмун берадиган воқеълик сифатида қараш муҳимдир, яъни имтиёз бор ерда унумдор талаб даражасидан юқори бўлиши лозим. Имтиёз бор ерда юқорига қараб ўсиш бўлиши лозим.

8.6. Солиқ ва имтиёз диалектикаси

Солиқ ва имтиёз диалектикасининг моҳиятини очиб беришга қаратилган назарий қарашларга урғу берилган бўлсада ҳам бу борадаги муаммо ута мураккаб бўлганлиги учун, унга батафсил тўхталиб утиш зарур. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда солиқ тўловчиларнинг барчаси солиқлар бўйича имтиёз масаласига бефарқ эмасдир. Хатто ҳозирда ҳам ҳар бир солиқ тўловчи барча солиқлар бўйича имтиёзларга эга бўлишга интилишади. Уларнинг бундай талабларини қондириб бўлмайди. Солиқ тулашдан батамом озод этилган тақдирда ҳам солиқ тўловчи бундай имтиёзга эга бўлдим деб барала айта олмайди. Бунинг сабаби молиявий натижа, яъни иш ўринлари сифатли махсулот ишлаб чиқариш ва уларга эришиш айни муддао бўлур эди.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг узвий боғлиқлигини айнан шунда намоён бўлади. Аммо амалда солиқ тўловчилар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини туфи тушунаётганлари йўқ. Натижада айрим солиқ тўловчилар томонидан солиқ бўйича имтиёз берилганда, ишимиз юришиб кетарди”, деган фикрни илгари сурмаган бўлар эди.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини туфи тушунмоқ учун, дастлаб қўйидагича жавоб бериш лозим.

Инсон каби ишлаб чиқариш корхоналарни аҳолини айрим қатламини бир манфаат йўлида бирлаштириш ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нархни икки қисмга бўлиш корхона ва давлат манфаатларини қондириш. Юқоридаги тартибда мушоҳада қилишимиздан мақсадимиз битта: солиқ тўловчилар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл маъносини тўғри тушунишлари учун, дастлаб, фақатгина бир томонлама манфаатни қондиришдан эмас, иккинчи манфаатни қондирмасликни иложи йўқлигини қалбан ҳис этмоқлари даркор. Солиқ тўловчиларимизда бундай ҳиссиёт пайдо бўлмас экан, улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини идрок этишга ожизлик бўлиб қолишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги ҳиссиёт жамиятнинг ҳар бир аъзосида қарор топмоғи лозим. Бу ҳаммага бир хил тарзда тегишли бўлган нарсадир. Бу нарса оддий фуқародан тортиб бутун дунёга машҳур бўлган, шу миллатнинг фақри ҳисобланган, уни бутун дунёга танитиб, унинг обрусига обру қўшган ҳар бир шахсга нисбатан ҳам бир хилда дахлдордир.

Мисол тариқасида айтиш жоизки Штеффи Граф жаҳонга машҳур бўлган немис теннисчиси ўзи топган даромадлар фақатгина унинг эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки маълум маънода хайр-эҳсон мақсадларига қилинган харажатларни санаб ниҳоясига ета олмайсиз. У тинимсиз меҳнати туфайли фақатгина ўзини бойитибгина қолгани йўқ, балки бошқаларни, шу жумладан, ўз давлатини ҳам бойитди.

Лекин нима булди-ю, айрим сабабларга кўра унинг солиқ декларациясида кўрсатган рақамларига немис солиқчи мутахассислари шубҳа билан қараб қолдилар ва уларнинг шубҳалари асосли эканлигини ҳисоб-китоблар тасдиқлади. Маълум бўлишича, Штеффи Графга тегишли бўлган даромадларнинг бир қисми солиқ декларациясида ўз ифодасини топмаган. Вужудга келган бу вазият тегишли тарзда принципиал баҳоланди: Штеффи Граф тўғридан-тўғри солиқ тулашдан бош тортганликда айбланди, унга нисбатан бир неча миллион немис маркаси миқдорида иқтисодий жазо чораси - жарима белгиланди ва ундириб олинди. Жазо белгиланаётган пайтда уни немис халқининг миллий ифтихори, қаҳрамони эканлиги, немис халқи ва давлатининг олдидаги унинг хизматлари инобатга олинмади. У ўз қилмишига яраша (солиқ тулашдан қисман бош тортганлиги учун) жазосини олди³⁴ солиқ туламасликдан ҳам қочиб кутулишнинг сира иложи йўқ эканлиги, бу қоида шоҳу гадо учун баб-баравар эканлигини яна бир марта тасдиқламоқда.

Солиқ ва имтиёз диалектикасининг асл моҳиятини тўғри тушуниш олиб борилаётган тизимли сиёсати ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тинчлик туфайли солиқ тўловчиларимизга жуда қулай шароит яратилган. Уларнинг мол-мулкларини ёқиб юбориш хавфи йўқ. Уларнинг солиқ тўловларини хавфсизлигини таъминлаётган солиқ тўловини ўз вақтида тўлаш учун тусиқлар йўқ. Уларнинг мол-мулклари зурвонлик йўли билан талон-торож қилинмайди. Мамлакатимиз саҳнада туриб, теварак- атрофга назар ташлагудик бўлсак. Оммавий ахборот воситалари орқали сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган маълумотларни таҳлил қилинг. Қўшни мамлакатларда нималар содир буляпти? Улардаги реал аҳвол қандай? Бошқа нарсаларга эътибор бермасдан масалага бевосита алоқадор бўлган фактни таъкидлайдиган бўлсак деб такидлайдилар иқтисодчи олимлар Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар бу

³⁴Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 309-310 бетлар.

мамлакатлардаги солиқ тўловчилар сиз билан биздан кўра купроқ солиқ тўласалар тўлаётирларки, аммо кам тулаётганлари йўқ. Бунинг устига улар мол- мулкни ёқиб юбориш, зуравонлик ва “буюртмали ўлим”лар натижасида жуда катта зарар кўраётирлар, риск даражаси юқори бўлган шароитда, таваккалчилик асосида, ҳар қадамда кутилмаган хавф-хатарга дуч келиш эҳтимоли жуда катта бўлган ҳолатларда фаолият кўрсатаётирлар. Сиз билан биздан купроқ солиқни давлатга тулаб қўйган бўлсалар-да, уларнинг давлатлари осойишталик ва хотиржамликни таъминлагани йўқ, ҳанузгача тинчлик деган муқаддас суз уларнинг орзуси бўлиб қолаётир. Бўларни кафолатлашни уларнинг давлатлари уддалаётгани йўқ. Ҳолбуки, ўз фуқаролари учун тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бериш ҳар бир давлат учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади³⁵.

Солиқ ва имтиёз диалектикасига нисбатан муносабат билдирилаётганда солиқ тўловчиларимиз масаланинг яна бир томонини инобатга олиш зарур. Айни солиқ тўловчиларни ўзларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар эвазига бюджетнинг даромадлар қисми шаклланади. Унда бюджет харажатларининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг асосий қисми ижтимоий - маданий тадбирларни молиялаштиришга ёки аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарф этилмоқда солиқларга бундай муносабат солиқлар улар ўртасида ва солиқлар билан уни тўловчилар ўртасида диалектик боғлиқликни кучли эканлигидир.

Бюджет харажатларининг асосий қисмини аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига йуналтириб, давлатимиз мураккаб бир шароитда ўзга давлатлардан фарқлироқ ўз фуқароларини ўз ҳолига ташлаб қўймади, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида кескин фарқлар бўлишига йўл қўйилмаётир. Энг муҳими солиқлар давлатнинг белини бақувват, қулини узун қилиб келмоқда. Бу эса солиқлар иқтисодий

³⁵ Уша ерда.

сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб хизмат қилмаслигидан далолат бермоқда.

Ўз навбатида, давлат томонидан амалга оширилиши зарур бўлган харажатларни бюджетдан сарф этилишини тақозо этади. Маблағ бюджетда бўлсагина уни сарф этиш мумкин. Бюджетда маблағ бўлмаса, унда солиқ тўловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида гапириш ҳам ўз маъносига эга бўлмайди.

Умуман ўргаанилаётган масала тахил қилинаётган пайтда этиборга олинishi ҳам этибордан четда қолмаслиги керак. Ҳозирги пайтда амалда қулланилиб келинаётган солиқ қонунчилигига бирор-бир ўзгариш киритмасдан уларда мавжуд бўлган имтиёзлардан 100% фойдаланилса, хўжалик субъектларидан бюджетга олинадиган солиқларнинг миқдорини (суммасини) 50% га яқин камайтиришни имкони юзага келди шундай экан унда имтиёзлар берилган, лекин солиқ тўловчилар улардан етарли даражада фойдаланмасдан келишса унда яна қўшимча равишда имтиёзга эга бўлишга интилиши табиийдир.

Берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланилса ундан сўнг бу имтиёзлар етарли бўлмаган тақдирда яна қўшимча имтиёз олишга ҳаракат қилишса уни тушуниш мумкин. Шунинг учун «Солиқлар бўйича бизга имтиёз берилса яхши бўлар эди», - деган фикрга қўшилиш қийин.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб утиш керакки, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг туб моҳиятини ҳозирги кунда айрим иқтисодчиларимиз ва, ҳатто, айрим иқтисодчи- олимларимиз ҳам туфи тушунмоқдаларми? Биз бу ўринда оддий фуқароларимизни, оддий солиқ тўловчиларимизни тўғри тушунишимиз ва улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни туфи тушунмаётган бўлсалар, буни биз уларнинг иқтисодий билимлилик даражаларининг етарли эмаслиги билан изоҳлашимиз ва уларни маълум маънода кечиришимиз мумкин. Лекин айрим иқтисодчи ва иқтисодчи-олимларимиз бундай ҳолатни тўғри тушунишмаса уларни кечириб бўлмайди.

Иқтисодчи олимлар Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловлар томонидан айтиб ўтилган фикрларни шу ўринда ишлатиш муҳимдир. Иқтисодчи сифатида жуда куп анжуман, давра суҳбатлари, учрашувларда иштирок этамиз. Бўларнинг аксариятида иқтисодий муаммолар ва уларнинг ечимлари туфисида баҳслар бўлади, бош қотирилади. Иқтисодий жараёнларнинг кунгилдагидек эмаслигининг сабаби қидирилганда, “айбдор” изланганда айрим иқтисодчиларимиз ва иқтисодчи-олимларимиз, биринчи навбатда, гапни солиқлар томонига бурадилар. Иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришлар кунгилдагидек бўлмаса солиқ тизимини айиблаш одат тусини олган.

Лекин айрим амалиёт ходимлари ёки иқтисодчи-олимларимиз асосий айбни солиқларда кўришишга одатланиб қолишган. Муаммо шу даражада талкин қилинадикки, уларнинг фикрларидан огоҳ бўлган киши, гуё солиқ соҳасида маълум бир ўзгаришлар киритилса, муаммолар ўз -ўзидан ҳал бўлиб кетиши мумкин деган хулосага келиб қолишни сезмай қоламиз деб фикр чиқара бошлаймиз деб умид қиламиз. Шу ўринда олимларимиздан Т.С.Маликов ва П.Т.Жалиловларни бу масалага қарашлари алоҳида таъкидлаб утишни жоиз топдик. Иқтисодиёт назарияси, маркетинг, менежмент, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, халқаро валюта-кредит муносабатлари, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, информатика, бизнес, режалаштириш, баҳо ва ҳоказо соҳаларнинг айрим мутахассислари, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал этиш учун “Солиқ соҳасида ўзгартиришлар керак”, деган “тайёр рецепт” беришдан кўра ўз соҳаларида мавжуд муаммолар устида бош қотирсалар яхши бўлмасмиди? Ёки бу соҳалардаги мавжуд муаммолар аллақачон шараф билан адо этилдимикан? Хар ҳолда айбни бировга ағдариш муаммони ҳал этишнинг оқилона йўли бўлмаса керак?

Айтиш жоизки айрим иқтисодчи олимлар томонидан ушбу масалага нисбатан билдирилаётган фикрлар солиқ

тўловчиларимизда солиқларга нисбатан таянадиган муносабатда бўлишига ундашади. Бу, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаш билан баробар бўлиб, маълум маънода илмий жиноят сари ташланган кадамдир. Бу нарсага бефарқ қараб бўлмайди³⁶.

8.7. Солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари

Солиқ имтиёзлари тараққиётни таъминлашда ва моддий манфаатдорликни оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Давлат солиқ имтиёзларини тақдим этиб, тегишли жараёнларга уз таъсирини ўтказиши, уларни жадаллаштириши мумкин. Шу муносабат билан солиқ имтиёзларининг ижобий жиҳатлари хусусида қанча гапирилса, шунча арзийди. Иқтисодий манбаларда уларнинг фақат ана шу жиҳатларига урғу берилаётганлиги, қандайлигидан қатъий назар мавжуд муаммоларни ҳал этишда солиқ имтиёзларининг “сеҳрли таёқча” даражасигача кутарилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Лекин кейинги пайтларда масала шу даражагача бориб етдики, ҳатто “Талабаларнинг илимга чанқоқлигини таъминлаш учун нима қилиш керак?”,- дея савол берилса, биттамыз ҳеч икқиланмасдан ва ички ишонч билан “Илимга чанқоқ бўлмаган талабаларнинг стипендияларидан солиқ олиш тартибини жорий этиш лозим. Ана шунда улар ҳаракатга тушиб қолади”,- деган фикрни айтишдан ўзимизни тўхтата олмаяпмиз. Ёки, энг умумий тарзда, “Муаммони ҳал қилиш учун энди нима қилдик?”,- кабилидаги савол билан бош кутарилса ёки теварак-атрофга назар солинса, унинг қандайлигини сира эътиборга олмасдан “Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш керак!”,- деган анъанавий жавобга эга бўлиб қолаяпмиз ва муаммонинг ечими топилди деб, хотиржамликка берилаяпмиз.

Масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам бор: иқтисод илим соҳаси бўйича қайси ихтисослик (иқтисодий назария; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; менежмент; маркетинг;

³⁶Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 323-324 бетлар.

агросаноат мажмуи иқтисодиёти; молия, пул муомаласи ва кредит; бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит; статистика ва эконометрия; иқтисодиётда математик методлар ва моделлаштириш ва ҳ.к.) бўлишига қарамасдан ундаги айрим “игна билан қудуқ қазувчилар” томонидан “ишлаб чиқилган” ва “илмий-амалий жиҳатдан асосланган” “таклиф-тавсиялар”нинг маълум бир қисми, томдан тараша тушгандек, “солиқлар бўйича имтиёз бериш”га бориб тақалапти.

Устига-устак, иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, эшиттиришлар, кўрсатувлар ва ҳ.к.лар шаклида амалга оширилаётган айрим тадбирларнинг “Таклифлар” ёки “Тавсиялар” қисмида ҳам “солиқ имтиёзларини бериш”га каттагина ўрин берилаяпти.

Қайд этилганларнинг барчаси, яна бир марта, солиқ имтиёзларининг бизнинг турмуш тарзимизда қандай роль уйнаётганлигини яққол кўрсатапти.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги ҳолатларнинг вужудга келиши, энг аввало, солиқ имтиёзларини сунъий равишда идеаллаштиришга (барча муаммоларни мувоффақиятли ҳал этувчи воситага айлантиришга) бориб тақалади. Ҳолбуки, солиқ имтиёзлари, баъзи-бирова уйлаганидек, фақат фаришта эмас. Уларнинг нуқсонлари ва салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларда ҳам табиат ва жамият тараққиётининг (марксча-ленинча фалсафанинг эмас) асосий қонунларидан бири бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кўраши қонуни ўзини намоён этади. Шунинг учун солиқ имтиёзларининг фақат ижобий томонларини куриб, унга сажда қилаётганлар ва уни “сеҳрли таёқча” даражасигача кутариб, эътироф этаётганлар уларнинг салбий жиҳатларидан огоҳ бўлсалар, фойдадан холи бўлмас. Шу муносабат билан қўйида айнан шундай эканлигини жаҳон илғор тажрибаси узил-кесил тасдиқлаган ва солиқ имтиёзларига хос бўлган айрим салбий жиҳатлар хусусида тўхталамиз. Уларнинг энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

- солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тўтилган мақсадларга эришилмаган. Уларнинг самарадорлиги эса муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли (очик- ойдин ва енгил, осон бошқариладиган) молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган;

- солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади;

- солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотадилар ва узларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

- имтиёзга эга бўлмаган компаниялар ҳар қандай йўл билан бўлса-да, уни қулга киритишга ҳаракат қиладилар;

- солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштиради ва коррупцияга имкон яратади;

- бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда мураккаб ҳисобланади.

Соғлом фикрлайдиган оддий бир фуқаро сифатида энди юқоридаги тасдиқларга ҳолисона озроқ эътибор берайликчи, уларда “жон” бормикан? ҳаётга қараб (хаёл суриб эмас) мушоҳада юритишга қодир бўлган ҳар бир шахс уларнинг бежизга айтилмаганлиги хусусида ижобий хулоса чиқаришига бизда шубҳа йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, шу ўринда солиқ имтиёзларига тегишли бўлган салбий жиҳатларнинг юқоридаги кўринишлари ғойибдан пайдо бўлмаганлигини, у ёки бу муаллиф (жумладан, ушбу қўлланма муаллифининг ҳам) фантазияси ёки ижодининг маҳсули эмаслигини, яна бир марта, алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Солиқ имтиёзларига хос бўлган салбий жиҳатларнинг айнан юқоридаги кўринишларини объектив реаллик ёки иқтисодий ҳаёт юзага чиқарган. Уларни куриб - курмаслик, сезиб - сезмаслик, билиб - билмаслик сиз билан бизнинг тўғри йўлда эканлигимиздан далолат бермайди. Шунинг учун уларни рад этишга шошилмасдан, унинг

ўрнига солиқ имтиёзларининг юқорида келтирилган салбий жиҳатлари қандай саволларни кун тартибига қўйиши мумкинлиги тўғрисида бир ўйлаб кўрайликчи, манзара (вазият) қандай бўлар экан?

Бизнинг назаримизда, солиқ имтиёзларининг юқоридаги салбий жиҳатлари билан танишган ва ўқитисодий билимга эгаман деб озгина ҳурмат қилувчи ҳар бир мулоҳазали ўқувчи уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича қўйидаги саволларни ўртага ташлаши турган гап:

- агар солиқ имтиёзларини бериш натижасида кўзланган мақсадларга эришилмаган бўлса, у ҳолда уларни бериш керакми ёки йўқми? Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган бўлса, бозор иқтисодиётининг ҳақиқий талабларидан келиб чиқиб қайси вариант танланиши керак? Бу ўринда муаммони солиқ имтиёзларини бериб ҳал қилиш керакми ёки уни бюджетдан молиялаштириш орқали ҳал этиш лозимми? Ҳозирги пайтда тегишли муаммоларни ҳал этишда, жумладан, солиқ имтиёзларига алоҳида ўрин берилаётганлигининг сабаблари нималардан иборат?

- солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузса, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатса, бўлар солиқ имтиёзларини бериш ёки бермаслик масаласининг тақдирини ҳал этишда инобатга олиниши керакми ёки йўқми? Бозор иқтисодиёти шароитида ҳақиқий тараққиётни фақат рақобат таъминлай олиши акциома сифатида эътироф этилган бир пайтда буни қандай тушуниш керак? Бу ўз оёғига болта уриш билан баробар эмасми? Ёки...? солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотсалар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилсалар, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтасалар, шу умидда уларга солиқ имтиёзлари берилган эдими? Бу нарса солиқ имтиёзларни яратиш, чойни ичиб, шаммасини чайнаб, оёқни узатиб ётиш, тоққа

чиқмасдан дулонага, жон кўйдирмасдан жононага эга бўлиш мақсадида берилганлигини англамайдими? Бўларнинг барчаси бозор иқтисодиётининг талабларига зид эмасми? Вужудга келиши мумкин бўлган бундай вазиятни ўзбекона қандай баҳолаш мумкин? Бу ўзига хос тарздаги “Тўзини еб, тузликка тўпуриш” эмасми? - имтиёзга эга бўлмаган компаниялар ҳар қандай йўл билан бўлса-да, уни қулга киритишга ҳаракат қилсалар, бу қипқизил фирромлик-ку!? Фирромлик эса, ўз навбатида, ҳалол рақобатнинг кушандасига айланмайдими? Бунинг оқибатида айшни нодон суриб, кулфатни доно тортмайдими? Унинг шундай бўлмаслигига ким кафолат беради?

- ҳар қандай давлат ёки жамият ўз олдидаги муаммоларни мувоффақиятли ҳал этишда, жумладан, техник тараққиётнинг жадаллашувига ва коррупциянинг олдини олишга ҳам таянади, шундайми? Давлатнинг қулидаги муҳим молиявий дастаклардан бири бўлган солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштира ва коррупцияга имкон яратса, у ҳолда бундай дастакдан фойдаланиш масаласига нисбатан давлатнинг муносабати (позицияси) қандай бўлиши керак? Муносабат (позиция) “Солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштира, секинлаштираверсин ва коррупцияга имкон яратса, яратаверсин ҳамда бўларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ имтиёзлари берилаверсин” тарзида бўлиши керакми ёки...?

- бугун берилган солиқ имтиёзларини эртага бекор қилишнинг иложи йўқ, тўғрими? Бунинг устига, бугун солиқ имтиёзини бериб, уни эртага бекор қиладиган бўлсак, уни бугун бериб нима қилдик? Ундан кўра, бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилишнинг жуда мураккаблигини ҳисобга олиб, бу масалада “етти улчаб, бир кесиш” мақсадга мувофиқ эмасмикан? Ва ҳ.к.

Энди масаланинг кўйидаги томонига эътибор беринг: келтирилган саволлар оддий саволлар эмас. Бу саволлар киши юрагини орқага тортириб юбориши, ўзини эса ноқулай ҳолатига тушириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, солиқ имтиёзларининг талайгина салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар кун тартибига бир қанча ҳаётий саволларни қуядики, уларнинг жавобларини ҳисобга олмасдан туриб қабул қилинган қарорлар сиз билан бизни кўзланган мақсад сари илдам етакламайди. Дарёга ғарқ бўлаётган одамнинг ўзини қутқариш мақсадида хасга илиниш сари қилаётган ҳаракати бесамар бўлганидек, солиқ имтиёзларининг фақат ижобий томонларига қараб, уларнинг салбий жиҳатларини инобатга олмаслик ёки уларни назар-писанд қилмасдан эсдан чиқариш оқибати пухта уйланмаган молиявий қарорнинг қабул қилинишига олиб келади. Ҳолбуки, бизнингча, бу масалада етти улчаб, бир кесишнинг узи камлик қилади.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ солиқ имтиёзларини қандай қилиб оқилона тақдим этиш мумкин?

⇒ солиқ имтиёзларини беришда нималарга эътибор бермоқ керак, қандай асосий принципларга риоя этмоқ лозим?

⇒ иқтисодий ҳаёт синовларидан мувоффақиятли утган ва ўзининг ҳаётийчанлигини ҳамон сақлаб келаётган солиқ имтиёзларини тақдим этиш принципларнинг энг асосийлари нималардан иборат?

⇒ солиқ имтиёзларини бериш масаласида инобатга олиниши лозим бўлган принциплар бирор бир иқтисодчи олим ижодининг маҳсулими ёки...?

⇒ солиқлар бўйича имтиёзларни оқилона тақдим этиш масаласи қандай бир неча саволларнинг аниқ жавобига эга бўлишни тақозо этади?

⇒ солиқлар бўйича имтиёзларнинг оқилона тақдим этилишини ўзбекона айтилган ва акциома сифатида турмуш тарзимизга қабул қилинган қандай мақоллар билан қиёслаш мумкин?

⇒ солиқ имтиёзларини оқилона тақдим этиш учун ҳисобга олинадиган амалий ҳолатлар нималардан иборат?

⇒ оддий тарзда айтиладиган бўлса, солиқ имтиёзлари нималар учун берилмайди?

- ⇒ солиқ имтиёзлари фақат оёққа туриб кетиш ёки қаддини ростлаб олиш учунгина бериладими ёки...?
- ⇒ солиқлар бўйича имтиёз нима мақсадда берилади?
- ⇒ солиқлар бўйича имтиёзлар етарли ёки улар керагидан ортиқча,- деган фикрни билдирган мардни учрата- олганмисиз? Бу борада аниқ мисоллар келтираоласизми?
- ⇒ имтиёз берилганидан сўнг, ундан фойдаланиш керакми ёки...? Имтиёз бериш кимнинг зиммасида-ю, ундан фойдаланиш кимнинг зиммасида?
- ⇒ солиқ имтиёзлари ўз - ўзидан “ишлаб” кетиши мумкинми? Бу нима (ким)ларга боғлиқ?
- ⇒ бозор иқтисодиёти шароитида имтиёзга эга бўлишда муаммо пайдо бўлиши мумкин. Ундан фойдаланишдачи?
- ⇒ берилган солиқ имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чиқолсак, унда нима бўлиши мумкин?
- ⇒ солиқлар бўйича имтиёзлар берилаётган пайтда қандай мақсадларни ўз олдимишга қўйяпмиз? Уларга эришяп- мизми?
- ⇒ солиқлар бўйича берилаётган имтиёзнинг икки томонламалик характери қандай намоён бўлади?
- ⇒ солиқ ва имтиёз диалектикасига мувофиқ бир томон ютиб, иккинчи томон ютказиши мумкинми? Ёки ундан бир томон фойда, иккинчи томон эса зарар куриши керакми?
- ⇒ солиқ имтиёзи кулга киритилганидан сўнг, унга мушарраф бўлганнинг хатти-ҳаракати қандай бўлиши керак?
- ⇒ солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг маъно-мазмунини идрок этишда узбекона айтилган қандай маколлар бизга ёрдам бериши мумкин?
- ⇒ бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакатларда солиқ ва имтиёз диалектикасининг негизини қандай фалсафий фикр ташкил этади?
- ⇒ солиқ ва имтиёз диалектикасига нисбатан муносабат билдирилаётганда солиқ тўловчиларимизнинг узларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ҳам ҳисобга олиниши лозимми?

⇒ хавас ҳамда солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик масаласида нималар назарда тутилиши мумкин?

⇒ Давлат солиқлар маълум бир қисмининг қаяққа кетганлиги тўғрисида ҳисобот бермади, деб ҳисоблайлик. Хуш, давлатнинг шундай йўл тутишига ҳаққи борми ёки йўқми?

⇒ солиқ соҳасида маълум бир ўзгаришлар киритилса, ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий ҳаётимиздаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетадими?

⇒ “солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади” деган фикрга қушиласизми?

⇒ имтиёзга эга бўлмаган компаниялар ҳар қандай йўл билан бўлса-да, уни қулга киритишга ҳаракат қиладилар. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

⇒ солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштиради ва коррупцияга имкон яратади. Шу фикр тўғрими?

⇒ “солиқларни тўлаш - қуллик эмас, озодлик белгиси” экан, шу фикрнинг тўғрилигини қандай қилиб тасдиқлай оласиз?

⇒ назоратни кучайтириш, текшир-текширлар орқали ҳам кўзланган мақсадларга ўз вақтида етиб боришимиз мумкинми?

IX БОБ. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, УЛАРГА НИСБАТАН БИЛДИРИЛАЁТГАН ЭЪТИРОЗЛАР, МУАММОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ВА ЭЪТИРОЗЛАРНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛЛАРИ

9.1. Бюджет-солиқ сиёсатининг замонавий долзарб муаммолари уларни келтириб чиқарувчи омиллар

Республикамизда олиб борилаётган замонавий бюджет-солиқ сиёсати амалдаги қонунларга асосланган бўлсада ҳам ҳозирда уни янада такомиллаштириш мумкинлиги устида иқтисодчи олимлар ўртасида катта мунозараларни юзага келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Қолверса аҳамиятга молик фикр ўрганмаяпти.

Яқдилик фикр мавжуд эмаслигини оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларни таҳлил қилиш асосида аниқлаш мумкин. Тегишли доираларда ва ҳатто халқаро миқёсда ҳам бу соҳада оқилона ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган сиёсатни йўқлиги эътироф этилаяпти. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, айрим ҳолларда ва ўрни келганда бу сиёсатга нисбатан этирозли фикрларимизни алоҳида изоҳлаб утилишича дуч келиш ҳам мумкин.

Амалдаги бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан хайрихоҳ бўлганларни ҳам учратиш мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсатининг афзалликлари ва халқпарварлиги хусусида гапирилади, сўнг эса жойи келганда ундаги камчиликлар ишлаб чиқаришни ўсишига даромадларни пасайишига сабаб бўлаётганлиги ҳақида гапирилаётган фикрларга дуч келиб қолинмоқда. Бундай ёндошувларни амал қилиши мутахассисларни бу ҳақида етарли тажрибага эга эмаслиги ёки ўз устида кераклича ишламаётганлиги кўпинча сабаб бўлмоқда. Қолаверса бундай ёндашувларни тўғри қабул қилмаслик натижасида айрим саволларнинг ҳақиқий жавобларини топаолмасдан, муаллифлар фикрини қўллаб-қувватлашга тўғри келмоқда. Бу

сиёсатнинг тўғри эканлигини билиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир.

Бир томондан, бунинг шундай бўлиши табиийдир. Чунки бу сиёсат умумдавлат, умумхалқ манфаатларига қаратилган бўлишига қарамасдан, кимнингдир манфаатларига тўлиқ мос келиши ёки келмаслиги мумкин. Шунга мувофиқ равишда айримлар учун бу сиёсат мос келса тўғри аксинча бўлса нотўғри. Иккинчи томондан, бюджет-солиқ сиёсати ҳамма вақт ҳам барчанинг манфаатларига бирдек мос келавермаслиги мумкин бу ҳақиқатдир. Бу нарсани шу сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизми ўзида мужассам этади. Бунинг устига, ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар, шахс эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги ва уларнинг ҳар бирига ҳурмат билан қарашнинг зарурлиги бюджет-солиқ сиёсатига баҳо берилаётган пайтда ўз аксини ҳам топмоқдадир. Шундай бўлишига қарамасдан “Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсати сизга маъкулми?


“Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсатининг нимаси сизни манфаатингизга хизмат қиляпти? Нимаси нотўғри?” шаклида саволлар ўтказилса унда бюджет -солиқ сиёсатини ҳозирги ҳолатига тўғри баҳо бериш учун етарли имконият юзага келади. Айтиш жоизки кўп ҳолларда бюджет солиқ сиёсатидаги камчиликлар қўйидагилардан иборат бўлади деб фараз ҳам қилинади, яъни:

- “бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам”;
- “солиқларнинг сони куп ва улар куплиги”;
- “солиқ ставкаларини пасайтириш лозим”;
- “солиқ имтиёзлари чекланган”;
- “солиқ юқини оғир”;
- “солиқ юқини тўловчилар ўртасида қайта тақсимлашни такомиллаштириш лозим”;
- “солиқлар томонидан етарли даражада рағбатлантирувчи эмас”;
- “солиқ қонунчилигини янада ривожлантириш лозим”;

- “солиқ тизими хаддан зиёд фискал характерда”;
- “фойда (даромад) солиғини талабақалаштириш лозим”;
- “молк-мулк солиғи объекти ноўрин ҳисобланган”;
- “қўшилган қиймат солиғи ставкаси юқори” ва хакозо.

Уларнинг рўйхатини анча ҳам давом эттириш мумкин. Биз бу ерда уларнинг энг кўп марта такрорланаётганларини келтириш билан чекландик. Чунки бундай кўринишдаги фикрларга хар доим учраб туриш мумкин, шу ўринда айтиш жоизки, айрим ҳолатларда солиқ идора ходимлари солиқ тизимида юз бераётган ўзгаришлардан норозидек фикр билдиришади. Хар бир янгилик биз учун хато солиқ тўловчи учун қўшимча ташвишларни юзага келтирмоқда деб ҳам фикрлар билдирилади. Қолаверса солиқ тизимидаги барча камчиликларни солиқ тулашдан бўйин товлаганларга боғлашадилар уларни қаттиқ молиявий жазолаш орқали бу борадаги муаммони очиш мумкин деб ҳисобланади.

Бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан юқорида келтирилган муаммолар доирасида ҳолисона мушоҳада (мунозара) юритиб уларнинг хар бирига тегишли қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда муҳокама қилиш (тахлил этиш) орқали кўзланган самара келтирувчи хулоса чиқариш мумкин бўлади. Айтиш жоизки, ҳозирги шароитдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, турли даражадаги мунозаралар қўйидаги йўналишлар билан боғлиқ омилларга боғлиқ бўлмоқда (9.1-чизма)



9.1-чизма. Бюджет -солиқ сиёсати доирасида мунозараларни юзага келтирувчи омиллар ва уларни ўзаро боғлиқлиги модели

Юқорида келтирилган чизмадан кўриниб турибдики омиллар музун моҳиятига кўра турлича бўлиши ва улар турли соҳалар тармоқларига тегишли ҳам бўлиши мумкин. Шу боис бир соҳа тармоғи доирасида бюджетга солиқ тўлов мажбуриятлари устида борар экан у аллбатта хар бир муаммо ечимига талукли бўлиши мумкин. Шу боис мунозара объектини тўғри танлаш, улар турли манфаатларини оқилона қондириш нуқтаи-назардан урганиш муҳимдир. Шундай омиллар таркибидан биргина иш ҳақини ва ундан солиқ ундириш тартибига диққатни қаратадиган бўлсак, унда барча соҳа тармоқларида фаолият кўрсатиб келаётганлардан бир тартибда солиқ ундирилиш келинаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хатто бундай тартиб қонун билан ҳам қафолатланган. Лекин бу кўрсаткич доирасида шу қадар низолар, фикрлар ва тавсиялар мавжудки, уларни хар бири диққатни ўзига жалб этади. Аммо мунозаралар ва таклифлар мазмунига этиборни қаратсак, унда бир нарсани у ҳам бўлса ишга ва хизматлар ихтиёрига қоладиган иш ҳақини ўсишини таъминланишига диққатимиз тушиши мумкин бўлади. Лекин иш ҳақини оширувчи турли омиллар ичида даромад солиғи алоҳида ўрин эгалаши боис мунозаралар ҳам айнан шу даромад солиғи ставкасини ва у орқали даромад солиғи тўловчини камайтиришга қаратилган.

Ҳақиқатда ҳам жисмоний шахсларни иш ҳақини ўсиши бу уларни тўлов қобилиятини ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмини, хизмат сифатини ва миқдорини ошишига олиб келади. Охир оқибат улар эвазига бюджетга тушадиган мажбурий тўловлар ошади, янги иш ўринлари яратилади ва хаказо. Айтиш жоизки, иш ҳақини қайси манбалар ҳисобидан берилмасин, даромад солиғи доимо диққат марказимиздан ўрин эгалайди.

Бюджет ҳисобидан берилаётган иш ҳақилари миқдори ва уни ошириш, энг аввало, шундай оширишга имкон берувчи маблағларнинг бюджетда бўлишига боғлиқ. Иш ҳақиларни оширишга имкон берадиган маблағ бюджетда бўлмаса, унда

бюджетда маблағ борми-йўқми, бундай қатъий назар, бюджет ҳисобидан берилаётган иш ҳақилари кам, уларни ошириш керак деган тарзда билдирилган “эътироз”ли фикрлар мулохазалар даражасига кутарилиш мумкин бўлади. Бунинг устига, бюджет ҳисобидан иш ҳақи оладиганларнинг ойлигини оширишда, энг аввало, бюджетда маблағларнинг бўлиши тақозо этилар экан, бунинг учун бюджетни қўшимча даромадлар билан таъминлаш ҳам лозим бўлади. Бу эса, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқларнинг оширилишини талаб қилади. Бир вақтнинг ўзида, бошқа бир томондан, бюджетда тегишли ортиқча маблағнинг бўлиши эса иш ҳақини оширишга етарли даражада асос бўлавермайди. Бунинг учун илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш зарурияти тўғилади.

Бу жуда мунозарали ҳолат деб айтсак муболаға бўлмайди, самарали меҳнатни ҳам муносиб тақдирланиши ҳам диққатни ўзига қаратиши мумкин. Бундай пайтда холислик охирги ўринга тушиб (қолмаслиги лозим. Меҳнат сарфи ҳақиқатдан ҳам самарали бўлган тақдирда уни рағбатлантириб бориш бу борада тўғри ва холисона таклифларни чиқариш куп холларда купчилигимизнинг бюджетдан олаётган иш ҳақимизни муносиб меҳнат қилмай туриб иш ҳақи олаётганлигимизни англаб олишга сабаб бўлади. Бундай шароитда иш ҳақини оширишни кун тартибига қўйиш ўринли бўлмай қолди. Бюджетдан олаётган иш ҳақи арзигулик меҳнат эвазига берилса унда бундай масалани кун тартибига чиқариш орқали ўз маъносини топишга имконият яратади;

Айтиш жоизки “эътироз”лар эътиборга олиниб, бюджет ҳисобидан берилаётган иш ҳақи асоссиз равишда оширилса, бунинг оқибати салбий бўлиши муқарардир. Аксарият холларда, бундай қарор қабул қилинишининг оқибатлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- бюджет дефицитининг даражасини ошириши;
- меҳнат мотивацияланишининг асосларига путур етиши;
- ходимларда боқимандалик кайфиятлари янада кучайиши;

инфляцион жараёнларини кучайиши;

пул ва товар массаси ўртасидаги номутаносиблик ортиши ва
х.к.;

Бюджет ҳисобидан берилаётган иш ҳақларини оширишнинг асосида шу соҳада фаолият кўрсатаётганлар меҳнатининг унумдорлиги ётади. Бу ерда ҳам иш ҳақининг ўзгариши меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига боғлиқ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда бюджет соҳасида ишлаётганларнинг иш ҳақларини неча марта оширилганлиги, улар меҳнатининг унумдорлигида қандай ўзгаришлар содир бўлганлиги ҳамамизга маълумди;

Айтиш жоизки, одатда, кимларнинг иш ҳақлари юқорироқ ёки пастроқ бўлиши керак: (бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётганларникими ёки нодавлат секторидагиларникими) Шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг иш ҳақларига нисбатан нодавлат секторида фаолият кўрсатаётганларининг иш ҳақлари юқорироқ бўлиши табиийдир. Чунки давлат секторида (бюджет соҳасида) фаолият кўрсатаётганларининг иш ҳақлари кафолатланган бўлиб, уларнинг риск даражаси пастдир. Нодавлат секторидагиларники эса - бунинг акси. Шу сабабли, баъзи ҳолларда профессорнинг иш ҳақидан механизатор ёки шахтёрнинг иш ҳақи юқори бўлиши мумкин.

Чунки, бажарилган иш сифатсиз ишлаб чиқарилган меҳнат сифати, уларни экспорт қилиши, бундай маҳсулотларга солиқ имтиёзларини кенг қўллаши шундай фарқланишга сабаб бўлиши мумкин. Профессор-ўқитувчиларни иш ҳақи кафолатланган бўлсада ҳам, уларнинг амалдаги иш турларини сифатидан келиб чиқиб иш ҳақини базавий миқдорини ўзгартириб туриши, қўшимча иш ҳақи миқдорини ўзгартириб туриши мумкин бўлади.

Республикамиздаги бюджет-солиқ сиёсати доирасида олиб борилаётган мунозаралардан яна бири бу солиқлар сонининг куплиги ва уларнинг купайиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлмоқда. Солиқлар сонини кўплиги доимо барча мамлакатларда ҳам

эътирозли ҳолат. Шунинг учун унга нисбатан ҳақиқий чегарани белгилаш ва бунда, энг аввало, қўйидаги уч ҳолатни эътироф этиш принципиал аҳамиятга эга:

- амалда «солиқ кодекси» билан этироф этилган?
- утиш даврига қадар солиқларнинг сони нечта бўлган ва қанай белгиланган?
- ҳозирдаги даврни утиш давридаги бўлган солиқлар билан қиёслаганда солиқларнинг сони ошдими?

Ҳақиқатдан ҳам юқорида келтирилган ҳар учала саволнинг аниқ жавобига эга бўлмасдан туриб, “солиқлар сонининг куплиги ва уларнинг купайиб бораётганлиги” хусусида гапириш ёки шу мазмунда бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан мунозарали фикрлар юритиш саёзланиб қолиши мумкин.

Ҳақиқатда ҳам солиқлар сони билиш жуда зарур у ҳар бир мутахассисда ўзига хос қизиқиш ва кўпинча хосил қилишга, янги инновацион ғояларни мунозаралар даражасига олиб қўшимча имконият яратади. Шунинг билан бирга солиқларни ЯИМ бўлган нисбати бюджетдан қилинган харажатлар қандай соҳаларга қаратилганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлган ҳолда бюджет -солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида ва тавсиялар берилишига имконият яратилади.

Ундан сўнг, уларни таклифларини ёки эътирозларни тўғри деб ҳисоблаб, унга қўшилиш учун ишонч хосил қилинади. Юқоридаги саволарнинг жавобини топиш учун пухта мушоҳада юритишни тақозо этади. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси”ни “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими” деб номланган 3-бобидаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари” деб номланувчи моддасини мукамал билиш керак.

9.2. Бюджет-солиқ сиёсатини бюджет даромадларини асослашдаги роли ва миқдор жиҳатдан амалда мавжуд солиқларнинг бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлашга таъсирини баҳолаш масалалари

Солиқ тизимига оид жаҳон мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, бир томондан, иқтисодий фаолиятни соғлом ривожлантириш ва иккинчи томондан, давлат бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш учун юқорида келтирилган савол жавобларининг турли ечимларидан фойдаланилган ва уларнинг ҳар бири ўзининг тегишли самарасини берган. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, иқтисодий фаолиятни соғлом ривожлантириш ва бюджетни етарли даражадаги даромадлар билан таъминлашнинг ягона йўли юқоридаги келтирилган масалаларга нисбатан жавобларнинг қайсиси алоҳида ўрин эгалайди ва унга шу нуқтаи-назардан баҳо бериш етарли эмас. Ўз-ўзидан бу саволлар ечимини қўлланилишининг ҳеч бири, автоматик тарзда, иқтисодий фаолликнинг ривожланишига ва бюджетнинг етарли даражадаги даромадлар билан таъминланишига олиб келмайди. Бу вазифанинг мувоффақиятли бажарилишига юқоридагилардан ташқари яна куплаб омилларни ўрганишни, уларни тартибга келтиришни тақоза этади. Уларни таъсири ҳозирги шароитда ҳам таъсирчан бўлиб келмоқда.

“Солиқлар сони куп ва улар купайиб бораяпти” бу солиқ сиёсатига нисбатан зид ҳолат “Бюджет манфаатлари нуқай-назаридан солиқлар сонининг куплиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эгалиги ёки эга эмаслиги деган саволнинг жавобини ҳам топиш ҳам лозим.

Саволнинг бу тарзда қўйилиши, ҳар бир мутахассисни уйлашга, фикр чиқаришга дават этади. Шунинг учун ҳам шу тарздаги айрим ҳолларда қисқа қилиб принципиал аҳамиятга эга деб фикр чиқарилиши бевосита бу бюджетга шунча яхши. Чунки солиқлар сони ошиши билан бюджет даромадларини шунча куп оширади деган жавобга ҳам эга бўламиз.

Ушбу тўғри бўлсада ҳам маълум маънодаги саволга мантиқий бюджет даромадларини шакллантириш нуқайи-назаридан уни ҳар доим ҳам тўғри жавоб деб бўлмайди. Бундай жавоб, бошқа ҳолатлар ўзгармаган тақдирда, янги солиқлар сонининг купайтирилиши бюджетга ундириладиган солиқ суммаларининг ортишига олиб келган тақдирда ўринли бўлиши мумкин. Лекин бу дегани амалда, солиқлар сонининг купайтирилиши бюджетга борувчи даромадлар суммасини ўзгартирмаслиги ёки ҳатто камайтириши ҳам мумкин. Бунинг шундай бўлиши нафақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳимдир. Кўриниб турибдики, бу ерда юзага келиши мумкин бўлган масала натижасини баҳолаш ҳам қийин бўлади. Бу ерда солиқлар сони ва бюджет даромадларининг суммаси ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш мавжуд, деб ҳам бўлмайди. Шу маънода, бюджет-солиқ сиёсатига ва бюджет манфаатларига солиқлар сонининг куплиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эга бўлмай қолди. Давлат истаса - ягона битта солиқни жорий этишини хоҳласа - бугунги кундагидек 40 дан ортиқ солиқларни жорий этиш орқали ўзига тегишли бўлган маблағни бюджетга марказлаштириш мумкин.

Бу тасдиқнинг маъно-мазмунини тўлиқроқ ва тўғрироқ тушуниш учун умумий тарздаги “Солиқ суммаси нималарга боғлиқ?” деган саволнинг жавобига ҳам эга бўлиш керак. Табиийки, “Солиқнинг суммаси солиққа тортиладиган объектнинг суммасига ва солиқнинг ставка чегарасига боғлиқдир. Бу энг умумий жавоб бўлса-да, бу ерда “Солиқнинг суммаси солиқнинг сонига боғлиқ” ёки унга таъсир этади деб ҳисоблаш ўринлидир.

Айтиш жоизки бюджет манфаати нуқайи-назаридан солиқлар сонининг куплиги ёки камлиги ўринли аҳамиятга эга бўлмаса унда давлат истаса - ягона битта солиқни қўллаб, хоҳласа - 40 дан ортиқ солиқларни жорий этиб, ўзига тегишли бўлган маблағни бюджетга олиши ва шу тартибга амал қилган ҳолда бюджет-солиқ сиёсатини юритиши мумкин. У ҳолда, солиқларнинг сонини ягона (битта) қилиб урнатиш мақсадсиз бўлиб қолади.

Солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларни билиши талаб этилади, у ҳам бўлса бу вазифаларнинг сони, бор-йўғи иккитадан иборат:

- давлат бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлашдан;
- иқтисодий фаолиятнинг юқори суръатларда ривожланишини рағбатлантиришдан.

Хақиқатдан ҳам, солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларни қанчалик конкретлаштирмайлик улар, юқоридаги икки вазифанинг бирига тегишли бўлиши мумкин бўлади.

Бунда солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларнинг ўзига хослигини ҳам қайд этиш лозим. Бу вазифалар бир вақтнинг ўзида бажариладиган ва узаро тенг кучга эга бўлган вазифалар ҳисобланади. Тенг шароитларда, уларнинг бирортасига устуворлик бериш мақсадга мувофиқ эмас. Амалдаги солиқ тизимининг қулланилиши натижасида ҳар иккала вазифа ҳам бирдек мувоффақиятли бажарилмоғи лозим. Давлатни агарда бюджети етарли миқдордаги даромадлар билан таъминланса-ю, иқтисодий фаолиятнинг юқори суръатларда ривожланиши амалга оширилмаса ёки бунинг акси бўлса, бу солиқ тизимининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажармаганлигидан далолат бериш мумкин бўлади.

Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бу вазифаларни қандай қилиб мувоффақиятли бажариш мумкин? Ягона (битта) солиқни жорий қилибми ёки солиқларнинг турли-туманларидан фойдаланиш орқалими? Жаҳон амалиёти тажрибаси бўйича бу вазифани ягона (битта) солиқни жорий қилиш, имконияти йўқ. Буни жаҳондаги барча тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳам тасдиқлаяпти. Аксинча, солиқ тизимининг олдига қўйилган юқоридаги ҳар икки вазифанинг мувоффақиятли бажарилишига солиқларнинг турли хилларидан фойдаланиш имкон бераяпти. Шунинг учун ҳам тараққий этган мамлакатларда солиқларни вақтида ва белгиланган миқдорларда тулаш солиқ тўловчиларнинг олий бурчларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бюджет манфаатлари йўлида солиқлар сонининг куплиги ёки камлиги унга принципиал аҳамиятга эга бўлмаса-да, шундай бўлишига қарамасдан, ёки бугунги кунда солиқлар сонининг ягона (битта) қилиб урнатишнинг иложи бўлмаётган бўлса, бу нарса солиқ тизимининг олдига қўйилган ҳар икки вазифанинг қай шаклда бажарилиши мумкинлигидир. Шундай қилиб айтиш мумкинки, янги солиқни жорий этиш ҳисобига солиқ тизимининг олдига қўйилган ҳар иккала вазифани бажаришнинг имконияти бўлганда эди, ҳар бир давлат бу борада иш юритган бўлур эди.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги фикрлар асосида янги солиқ жорий этилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни инобатга олган ҳолда қўйидаги хулосаларни чиқариш мақсадга мувофиқдир:

- солиқ тўловчилар назарида уларнинг “дардига малҳам” бўлиши мумкин бўлган ягона солиқнинг жорий этилиши бошқаларга нисбатан самарали фаолият кўрсатиб келаётганларни рағбатлантирмайди;

- солиқ тўловчиларнинг яхши ишлашга бўлган интилишларини, қизиқишлари сайёзлашади;

- иқтисодий (моддий) манфаатдорлик асосларига путур етказилиши мумкин бўлади;

- солиқ тизими ва солиқ сиёсати нисбатан асосли эътирозларини кучайтирилишига сабаб бўлади;

- иқтисодий жараёнларнинг самарали ташкил этилишига катта зарар етказиши мумкин.

- бозор принциплари асосида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асосларини сайёзлаштиради;

- бошқа солиқлар барчасини бекор қилиб, унинг урнига ягона солиқнинг жорий этилиши, асосан, самарали фаолият кўрсатмаётган хўжалик субъектларининг манфаатларига купроқ мос келиши мумкин;

- хўжалик субъектларига боқимандалик шароитини, ёки енгилликни яратади;

-солиққа тортиш бу ягона механизмининг таъсирчанлиги улар фаолияти натижаларини яхшилаш учун етарли имконият яратиб бермайди;

- бир хил турдаги фаолият билан эмас, балки турли-туман турдаги фаолият билан шугулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мажмуидан иборат бўлган иқтисодиёт учун ягона солиқ жорий этилишининг салбий оқибатлари янада кескинлашиши мумкин;

- ягона солиқ тўловчи эга бўлган солиқ тизими ўз олдидаги, бир томондан, бюджетни етарли даражада даромадлар билан таъминлаш;

- иккинчи томондан, иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш имконини қисман чеклайди. Бу эса, навбатида бюджет тақчилигини кескинлаштирувчи сабаб бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.С.Маликов, П.Т.Жалиловлар ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида, солиқ сиёсатига “солиқлар ставкалари юқори даражада” мазмунида эътироз билдиришга шайланаётган пайтимизда, аввало, ўзимиз учун бир неча саволларга аниқлик киритиб олишимиз даркор. Ана шундай саволларнинг биринчиси “Солиқлар ставкаларининг урнатилган даражалари қандай?” деган саволдир. Бу савол биз билган бир ёки бир неча солиқлар ставкаларига эмас, балки амалдаги барча солиқлар ставкаларига нисбатан ўринли. Уларга нисбатан урнатилган солиқлар ставкалари даражаларининг қандайлигидан бохабар бўлсак, “солиқлар ставкалари юқори даражада” деб солиқ сиёсатига эътироз билдиришга ҳожат йўқ. Бир ёки бир неча солиқ ставкаларининг урнатилган даражаларидан бохабарлигимиз ҳам бизга юқоридаги тарзда эътироз билдириш ҳуқуқини бермайди. Чунки, одатда, солиқлар ставкалари “томдан тараша тушгандай” ёки ўз-ўзидан эмас, балки бир-бирлари билан узвий боғлиқликда урнатилади. Бир солиқ ставкасининг у ёки бу даражада урнатилиши бошқа солиқ ставкаларининг қандай урнатилишига ўзининг таъсирини, айрим ҳолларда, бевосита, бошқа ҳолларда эса, билвосита кўрсатади.

Солиқ сиёсатига “солиқлар ставкалари юқори даражада” деб эътироз билдирилаётганда “Солиқлар ставкалари даражасининг урнатилиши (белгиланиши) нима(лар)га боғлиқ?” деган саволнинг жавобидан ҳам огоҳ бўлмоқ лозим. ҳар қалай, айримлар уйлаётганидек, солиқлар ставкалари даражасининг урнатилиши мамлакат Президенти, Бош вазири, Иқтисодиёт ва молия вазири, Кўмита раиси ёки ҳокимларнинг оддий хошиш-истагига боғлиқ эмас. Аксинча, ҳар қандай солиқ ставкасининг даражаси, энг аввало, шу солиқнинг олдига қандай вазифанинг қўйилганлигига боғлиқ. Шунга мос равишда, солиқнинг урнатилиши лозим бўлган ставкаси унинг олдига қўйилган вазифанинг мувоффақиятли бажаришга хизмат қилмоғи лозим. Айрим ҳолларда эса, таъкидловчи (тусқинлик қилувчи) солиқ ставкалари юқорироқ, рағбатлантирувчи солиқ ставкалари эса пастроқ даражада урнатилиши ҳам мумкин. Шунингдек, солиқ ставкасининг даражаси белгиланаётган пайтда, бюджет даромадларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда шакллантиришнинг зарурлиги ва бюджет харажатларининг худди шу тарзда амалга оширишнинг лозимлиги ҳам эътиборга олинади³⁷ деб фикр билдиради. Бундай фикр асосланган ва эътиборлидир. Айтиш жоизки амалда қабул қилинган қарашларни конкрет субъектларга жорий этилиши уша жараёнларга нисбатан сиёсатни юритилиши деб эътироф этилади. Шундай экан солиқ сиёсатига нисбатан солиқлари орқали фикр билдиришдан олдин солиқ ставкаларида охириги йилларда қандай ўзгаришлар содир бўлганлигини, унинг сабабларига ёки имкониятлари каби ҳолатларни чуқур билиш талаб этилади. Шу муносабат билан солиқларнинг ставкалари ошиб ёки камайиб кетиш тенденциясидан иборат бўлса, унда унинг сабабларини аниқлаб олмоқларини тақослаш ва ундан сўнг эса, бошқа яна бир неча муҳим омилларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, муносабат билдиришга эришиш мумкин. Шу ўринда мамлакатимизда “Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг

³⁷ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 323-324 бетлар

даражаси қандай эди-ю, ҳозир кай даражада? Худди шу нарсада юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқнинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир булди? Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг максимал ставкаси қанчага ўзгарди? ва ҳ.к”. шу каби саволларга тўлиқ жавоб бериш даражасида билиш талаб этилади.

Назарий ва амалий жиҳатдан олиб қаралганда солиқларнинг ставкаларини истаганча пасайтиришнинг имкони бор. Хатто уларни “ноль”га тенглаштириб, солиқлардан бутунлай воз кечиш ҳам мумкин. Бунда биз, юқорида назарияларда айтиб утқанимиздек солиқлар ҳисобидан давлат томонидан бажарилиб келинаётган вазифаларнинг мамлакат микёсида, ҳеч бўлмаганда, олдингидек бажарилишини солиқ тўловчилар ўз зиммаларига олиши зарур бўлади.

Буни тарихий тараққиётнинг узи яққол кўрсатиб турибди. Шу сабабли солиқлар ставкаларини истаганча пасайтириш ёки ошириш ғоялари ўзил кесил хал этилган нарса эмас.

“Солиқ имтиёзлари етарли даражада эмас ва солиқлар томонидан етарли даражада рағбатлантирувчи эмас” мазмундаги фикрларга дуч келиш ҳам мумкин. Бундай мазмундаги фикрлар илмий жиҳатдан ососланмаганлик ҳолатларига ҳам дуч келиш мумкин.

Солиқ тўловчилар эътирозларининг бу шаклларда намоён бўлиши дастлаб, “Солиқ турлари бўйича берилган имтиёзларни мақсади нимадан иборат? Солиқ имтиёзларининг берилиш даражаси қандай? Берилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишнинг уддасидан чикаоляпмизми? У ёки бу солиқлар бўйича имтиёзларга эга бўлганларнинг молиявий фаолияти қандай? каби саволларнинг жавобларини топсалар бизнинг назаримизда, бу тарздаги эътирозга ўрин қолмас эди.

9.3.Солиқ сиёсатига ва солиқ юкига нисбатан солиқ тўловчиларнинг эътирозларини намоён бўлиш ҳолатлари, уларни келтириб чиқарувчи омиллар

Амалдаги солиқ сиёсатига нисбатан “Солиқ юки нисбатан оғир ва у солиқ тўловчилар ўртасида бир текис тақсимланган”, деган турли эътирозлар ҳам мавжуд. Бу даражадаги эътирознинг бўлиши, куп жиҳатдан, эътироз билдирувчиларнинг “Солиқ юки деганда нима тушунилади ва у қандай ўлчанади? ушбу саволларнинг жавобларидан хабардорлиги ёки хабардор эмаслигига боғлиқдир.

Айтиш жоизки солиқ сиёсатида солиқ юки масаласи доимо солиқ тўловчиларига нисбатан ёмон вазифаларини юзага келтириб чиқармаслиги зарур.

Солиқ юкининг оғирлигини ҳамма вақт ҳам салбий маънода таҳлил қилинмаслиги ҳам муҳимдир. Амалда солиқ юкини даражасидан келиб чиқиб огоҳлантирувчи фикрлар қабул қилинмаса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо бундай фикрлар илмий ишларда ўзгармайди. Натижада солиқ сиёсатини юритишда турли ички ва ташқи омилларга дуч келиниши кўзатилади. Мисол учун солиқ юкини пасайтириш билан боғлиқ қабул қилинди деб фараз қилайлик. Аммо бу фикрни кун тартибига чиқарганлар бюджет даромадлари ва харажатлари ҳақида яхши маълумотларга эга бўлишлари солиқ ставкалари, солиқ солиш базалари, ишлаб чиқариш харажатлари в уларнинг мукамал бўлишига эга бўлишлари муҳимдир. Агарда бундай таклиф бюджетларни тартибини тузилишига эътибор қаратилмайдиган бўлса, уларни 90 фоиздан ортиғи солиқ масалалари бўйича мутахассис ёки тадбирлар эмас, улар бундай таклифларни энг аввало узларининг даромадларини тўлов қобилиятини янада кучайтириш мақсадида бундай таклифларнинг муаллифи бўлиб келаётганликларидан хулоса чиқарилмаса бўлади. Аммо солиқ сиёсатини ривожлантиришда бундай хусусиятга эга бўлган таклифлар иккинчи даражали бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда бундай таклифларга ишониш орқали солиқ сиёсати юритилса давлат бир томондан иккинчи томондан солиқ тўловчилар катта йўналишларга дуч келиши мумкин.

“Солиқ қонунчилигининг мазмунига билдирилаётган эътироз ҳам солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган эътирозларнинг навбатдагиси ҳисобланади. Солиқ сиёсатига нисбатан

билдирилаётган эътирозларнинг ўзига хос бўлган объектив сабаблари мавжуд. Чунки солиқ қонунчилигида тез-тез ўзгаришлар содир бўлмоқда. Баъзи бир сабабларга кўра солиқларнинг ставкалари, солиққа тортиш объектлари, солиқларни тулаш муддатларининг ўзгартирилишига йўл қўйилаяпти. Амал қилиб келаётган баъзи бир солиқлар бекор қилинаёпти. Уларнинг урнига янги солиқлар жорий этилаёпти ва ҳ.к. Бундай ўзгаришларнинг содир этилганлигини солиқ тўловчиларнинг бир ижобий қабул қилса иккинчиси эга эътирозлар қарши олмақдалар. Бундай вазиятда “солиқ қонунчилигини нобарқарор” ривожланмоқда деб айтишдан олдин унинг сабаблари нималардан иборат эканлигини ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билиш уни бартараф этиш учун нималарни қилмоқ зарурлигини билишлари лозим.

Фаолият шароитлари тенг бўлган тақдирда, солиқ қонунчилигининг барқарор бўлгани муҳимдир. Солиқ тўловчиларнинг барчаси, ҳам барқарорлик тарафдорларидир. Чунки солиқ қонунчилиги барқарор бўлса, улар уларининг фаолиятларини шунга қараб ташкил этиши мумкин бўлади. Солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги эса у ёки бу турдаги фаолиятни амалга оширишда ёки тегишли молиявий қарорни қабул қилишга тусқинлик бўлиши мумкин.

Солиқ қонунчилиги ўз олдига қўйилган мақсадга, яъни бир томондан, бюджетни етарли даражадаги даромадлар билан таъминлаш ва иккинчи томондан, ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиришга эришишни тўлиқ таъминлаб турган бўлсагина, у барқарор бўлиши аксинча, шу мақсадга етарли даражада эришишга муваффақ бўлинмаётган бўлса, унинг ўзгариб туриши, табиийдир.

Бу ерда солиқ қонунчилигининг нобарқарорлигини назарда тутиб, солиқ сиёсатига нисбатан эътироз билдиришга ҳозирланаётган пайтда бошқа бир нарса ҳам эътибордан четда қолмаслиги кераклиги у ҳам бўлса мунозарали иштирокчиларнинг ўзгарувчан эканлиги. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг ҳаётимизда шиддатли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида бозор муносабатлари қарор топиб,

уларнинг ҳар бири турли суръатларда ривожланмоқда. Айтиш жоизки утиш даври аниқ бўлишига қарамасдан, унинг қанча давом этиши, қачон тугаши ва шунга мувофиқ равишда бозор муносабатларининг ҳам қачон тўлиқ ва барқарор таркиб топиши ҳамда юқори суръатларда иқтисодий тараққиёт даражасининг таъминланишига эришилиши маълум эмас. Бундай шароитда ўзгаришларнинг бўлиши, табиий ва улар ўзига хос тарзда, жумладан, солиқ қонунчилигида ҳам уз аксини топади. Хуллас, мунозара иштирокчиларининг узи ўзгарувчан бўлиб турган бир пайтда, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчан бўлмаслиги мумкин эмас. Акс ҳолда, солиқ қонунчилиги ўзгарувчанлик хос бўлиб турган жамият тараққиётининг ривожланишига тускинлик қилиши мумкин.

Бир вақнинг ўзида, солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги ёки барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи ўзига хос илмий - амалий мактабнинг мамлакатимизда ҳали-ҳамон шаклланмаганлиги ёки бюджет-солиқ сиёсатини ривожлантиришга таъсир этиб келмоқда. Мустақиллик йилларида бу соҳада жуда катта ютуқларга эришилганига қарамасдан, қанчалик аччиқ бўлмасин, уларни ҳозирги давримизнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўлиқ мужассам этувчи барқарор солиқ қонунчилигини яратишга кодир эмаслар.

Солиққа тортиш масалаларида бир томоннинг (давлатнинг ёки солиқ тўловчиларнинг) манфаатларига устуворлик беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини қайд этиш лозим. Бу масалада давлатнинг ёки аксинча, солиқ тўловчиларнинг манфаатларига устуворлик бериладиган бўлса, бу солиқ сиёсатининг, ўзига хос тарзда, нотўғри юритилаётганлигидир. Бу ерда солиққа тортиш масалаларида давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида манфаатларнинг муштараклигига эришиш алоҳида аҳамиятга эга. Акс ҳолда, бунга эришишни таъминламасдан ёки эътибордан четда қолдириб юргизилаётган солиқ сиёсати кўзланган натижани бериши амри маҳалдир.

Айрим ҳолларда, у ёки бу мамлакат тарихий тараққиётининг баъзи бир босқичларида давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида

бўлиши лозим бўлган манфаатлар муштараклигидан чекинилиши ва бу нарса бирор бир томоннинг фойдасига ҳал қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг қабул қилиниши томонлардан қай бирининг тегишли масъулиятни уз зиммасига олишига боғлиқ. Агар масъулият давлатнинг зиммасига юкланадиган бўлса, жумладан, шунга мос равишда, солиққа тортиш масалаларида ҳам устуворлик давлатнинг фойдасига ҳал қилиниши керак ва аксинча. Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ишлаб чиқаришни юқори суръатлар билан ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш ва уни кучайтириш, уларнинг ихтиёрига катта миқдордаги молиявий ресурсларни қолдириш ва ҳ.к.лар зарурияти вужудга келса, у ҳолда солиққа тортиш масалаларида устуворлик солиқ тўловчилар томон ҳал этилиши зарур бўлади.

Солиққа тортиш масалаларида, қайси томонга (давлатгами ёки солиқ тўловчиларга) устуворлик берилишидан қатъий назар, бундай ҳолатнинг вужудга келиши, албатта, чекланган характерга эга бўлади. Чунки бу масалада устуворлик бир томонга доимий тарзда берилиши мумкин эмас. Бунинг айнан шундай эканлигини иккала томон ҳам олдиндан билиш салоҳиятига эга булмоғи ва уни соғлом тарзда қабул қилмоғи лозим. Устувор ҳолатга эга бўлган томон бу нарсани доимий деб билиб, хотиржамликка тушмаслиги ва бир кун келиб, ундан маҳрум бўлиши мумкинлигини олдиндан билиб, шунга монанд равишда уз ишини ташкил қилмоғи лозим. Манфаатлари иккинчи ўринга тушиб қолган томон эса, бунинг вақтинча эканлигини, бир кун келиб, албатта, унинг кучасида ҳам “байрам” бўлажagini билиб, “тудини тесқари” қиймасдан, тушқунликка тушмасдан, “аччиқ” қилмасдан, эҳтиросларга берилмасдан, беҳудага асоссиз эътирозларни қалаштириб ташламасдан, уз-ўзини алдамасдан уз фаолиятини самарали давом эттирмоғи лозим.

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида қандай ўзгаришлар содир булди? Шунга мос равишда солиқ сиёсати ҳам ўзгардими ёки йўқми? Бир пайтлар солиқ сиёсатининг “концентрация” лашган ифодаси бўлган солиқ юкининг даражасида қандай ўзгаришлар

содир булди? У янада оғирлашдими ёки енгиллашди? Унинг даражаси мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қандай эди-ю, ҳозир қанча? ва ҳ.к.

Маълумки, режали ихгисодиётда амал қилган оборот солиғи баҳолар ўртасидаги фарқ, товар айланмасига нисбатан фоизда ва маҳсулот бирлигига нисбатан қатъий сўм ва тийинларда усулларини қуллаш эвазига ҳисобланар эди. Ана шу 3 методнинг биринчиси, яъни баҳолар ўртасидаги фарқ методини қуллаш ҳисобига оборот солиғининг 80%дан ортиқроқ бўлган қисми ҳисобланар ва бюджетга ўтказилалар эди. Бунда олдиндан белгиланган чакана ва улгуржи баҳолар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бозор ихгисодиёти шароитида олдиндан қатъий тарзда белгиланадиган чакана ва улгуржи баҳолар уз аҳамиятини юқотди. Уларнинг урнини талаб ва таклиф асосида белгиланадиган эркин ёки шартнома баҳолари эгаллади. Бундай вазиятда оборот солиғининг асосий қисми ҳисобланадиган баҳолар ўртасидаги фарқ усулидан фойдаланишга имконият ёки зарурият бўлмади, бу оборот солиғининг янги шароитдаги тақдирини белгилашда ҳал қилувчи рольни уйнади. Бир вақтнинг ўзида, худди шундай функцияни бажариб келаётган ва 5%ли ставкада олинаётган иккинчи бир солиқдан - сотувдан олинадиган солиқдан - ҳам воз кечилди.

Оборот солиғини бозор иқтисодиёти шароитида амал қилиши мумкин эди. Бундай вазиятда оборот солиғини ҳисоблашнинг баҳолар ўртасидаги фарқ ўсишдан эмас, балки товар айланмасига нисбатан фоизда аниқлаш усулидан фойдаланиш бундай имкониятни берар эди. Айтиш ҳам жоизки оборот солиғининг фақат чекланган собиқ ижтимоий истик лагерь мамлакатларида қулланилганлиги ва аксинча, дунёнинг бошқа мамлакатларида ундан фойдаланилмаганлиги ҳал қилувчи рольни уйнади. Халқаро ҳамжамият вакиллари билан ҳамкорлик ишларини ташкил этишда ҳам оборот солиғининг билан алмаштирилишини ҳам муҳим рол уйнайди.

ҚҚС ни жорий этилиши мамлакатда фискал аҳамияти эса солиқ сиёсатини кучайтиради. Оборот солиғи ва сотувдан олинадиган

солиқ бекор қилиниб, уларнинг урнига ККС жорий этилганидан сўнг катта ўзгаришлар руй берди. Оборот солиғи ва сотукдан олинадиган солиқ амал қилган даврларда биргина оборот солиғи ҳисобидан давлат бюджети даромадларининг катта қисми муттасил равишда шаклланиб келган. Улар бекор қилиниб, жорий этилганда эса, дастлабки бир неча йил давомида бу солиқ ҳисобидан давлат бюджети даромадларининг 20-22% шакллана бошлади.

Бу солиқ ставкасининг ҳозирги йиллардаги даражасини унинг дастлабки урнатилган пайтдаги даражаси билан таққослаб, шу даврда унинг 37,5%га пасайтирилган. Демак, ушбу солиқ бўйича ставканинг ўзгариши пасайиш тенденциясига эга. Бу ерда, бир вақтнинг ўзида, жорий этилган ККСнинг ставкасини 15-20 йил орасида бундай суръатларда пасайтириш вазифасини уддалаган мамлакатларнинг тарихда куп эмас.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар эътиборга олинадиган бўлса, солиқ сиёсатига нисбатан фискал сиёсат кўшилган қиймат солиғи жорий этилганидан бошлаб билдирилаётган фикрларни қанчалик асосланганлиги маълум бўлади.

Қолаверса, бундай эътироз билдирилишининг ўзига хос бўлган бошқа сабаблари ҳам мавжуд. Чунки мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кескин ўзгаришлар содир булди. Халқимизнинг йилдан-йилга бойиб, мол-мулкининг купайиб бораётганлиги, жумладан, халқимиз турмуш тарзининг янада фаровон бўлишини таъминлашга қаратилган солиқ сиёсатининг натижасидир.

Солиқ сиёсатига доир муаммоли фикрларнинг яна бири “фойда (даромад) солиққа купроқ даражада тортилаяпти” деган фикрлар билан боғлиқ бўлмоқда. “Бундай муаммоларнинг вужудга келишининг сабаблари нималардан иборат? Унинг асосида нималар ётибди? “ҳисоблаш усуллари” тўғрими? Амалиётимизда фойда (даромад)нинг солиққа тортилиш даражаси қандай? Муста килли к йилларида солиқнинг ставкаларида қандай ўзгаришлар содир булди? Бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг салмоғи ва унинг тенденцияси қандай? Бюджет даромадларини

шакллантиришда фойда (даромад) солиғи салмоғининг пасайиши нимадан далолат беради? Бошқа мамлакатларда фойда (даромад)нинг солиққа тортилиш даражалари қандай? Ким имтиёзли ҳолатда? каби саволларнинг жавоби муҳим роль уйнайди.

Бундай муаммоларни майдонга чиқиши уз-ўзидан эмас, балки ушбу муаммоларга нисбатан билдирилаётган ўзига хос бўлган “ҳисоб-китоб” ларга “асосланган”. Унга кўра, фойда ёки даромаднинг солиққа купроқ даражада тортилаётганлигини “аниқлаш” учун қўйидаги “усул”дан фойдаланилади: дастлаб, солиқ тўловчи томонидан бюджетга тўланган солиқларнинг умумий суммаси аниқланади. Ундан сўнг эса, ушбу сумма солиқ тўловчи фойдаси ёки даромадининг суммаси билан таққосланади. Натижада, солиқ тўловчи фойдаси ёки даромадининг солиққа тортилувчанлик даражаси “маълум” бўлади. Унга кўра, баъзи ҳолларда, бу “кўрсаткич”нинг даражаси нолга ҳам тенг бўлиб қолиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса, шу “усул” қулланилиб ҳисобланган фойда ёки даромаднинг даражасидан тўланган солиқларнинг суммалари купроқ бўлган суммани ҳам ташкил этади.

Жуда купчиликнинг назарида юқоридаги “усул”да фойда ёки даромаднинг солиққа тортилувчанлик даражасини аниқлаш тўғри йўл ҳисобланса-да, аслида бундай эмас. Чунки жаҳон амалиётида урнатилган тартибга мувофиқ ҳамма солиқларга нисбатан эмас, балки фақат фойда ёки даромаддан тўланадиган солиқларга нисбатан уларнинг солиққа тортилувчанлик даражасини ҳисоблаш уз маъносига эга. Чунки солиқларни тулаш манбаи фақат фойда ёки даромад ҳисобланиб қолмасдан, балки бундай манбалар қаторига тушум, таннарх молиявий натижа, фойда ва жами даромадлар ҳам киради. Шунга мос равишда, ҳар бир солиқни уз тўланиш манбаига нисбатан солиққа тортилиш даражасини аниқлаш ўринли ҳисобланади. Бу - “фойда ёки даромаднинг юқори даражада солиққа тортилаётганлиги”ни рукач қилиб, солиқ сиёсатига нисбатан маълум даражада таъсир этмоқда.

Унинг иккинчи томони шундан иборатки, “фойда (даромад) юқори даражада солиққа тортилаяпти”, деб солиқ сиёсатига

нисбатан билдирилаётган фикрларга келишдан олдин утиш даврига қадар ушбу солиқ тури қай даражада тортилганлиг ҳақида ҳам тасавурга эга бўлиш зарур.

Солиқ сиёсатига “жисмоний шахслар даромади юқори даражада солиққа тортилаяпти” мазмунида ҳам фикрларга дуч келиш мумкин. Аввало, бундай масаланинг қўйидаги саволларнинг аниқ жавобига эга бўлмасдан туриб билдириш ноўрин ҳисобланади: қандай сабабларга кўра бундай эътироз билдирилаяпти ёки унинг асосида нималар ётибди? Бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг салмоғи қандай? “Олдин” қандай эди? Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғи кейинги йиллар орасида қандай тенденцияга эга? Бизда бу солиқни, асосан, кимлар тулаяпти? Солиқ тулаш бўйича оғирлик, кимларнинг зиммасига тушаяпти? Даромад солиғининг ставкасини Россия Федерациясидагидек ставкада урнатишнинг бизда молиявий имконияти борми? Дунёнинг бошқа мамлакатларида жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириладиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси қандай? ва х.к.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бундай фикрлар билдирилаётган пайтда, энг аввало, утиш даврига қадар иш ҳақида нисбатан солиққа тортилмайдиган минимумнинг амал қилганлиги, унинг юқори қисмидан 100 сумгача бўлган қисмида даромад солиғининг махсус жадвал орқали аниқланганлиги, 100 сумдан ошган қисмидан эса, ягона бир ставкада, яъни 13% миқдорида даромад солиғининг олинганлиги эътиборга олинмоқда.

Солиқ сиёсатига нисбатан фикрлар билдиришдан олдин баъзи бир масалаларга аниқлик киритиб олиш зарур. Уларнинг энг муҳимлари сифатида, бизнингча, қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, шурулар даврида давлат бюджети даромадлари қисмининг бор-йўғи 10%га яқини аҳолидан олинадиган тўловлар ҳисобидан шаклланиб, ундан 8,8%и аҳолидан олинадиган даромад солиғининг ҳиссасига тўғри келар эди. Бюджет даромадларининг қолган қисми, яъни 90%дан ортиқроғи эса “ижтимоий истик

хўжалик” дан келиб тушадиган даромадлар ҳисобидан таркиб топган. Ҳозирги шароитда эса вазият бошқа томонга ўзгарган. Кейинги йилларда биргина жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ эвазига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 12-15% шаклланимоқда. Бу ерда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солиқ ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилгиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг суммалари ҳам эътиборга олинадиган бўлса, бюджет даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслар даромадининг қанчалик роль уйнаётганлиги маълум бўлади ва бу нарса, уз навбатида, жисмоний шахслар даромадининг солиққа тортилиш даражасига ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 12-15% жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ эвазига шаклланаётган бир пайтда унинг асосий қисми бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётган жисмоний шахсларнинг ушбу солиқ тўловчиларга тўғри келаяпти. Хусусий секторда банд бўлган жисмоний шахслар бу муаммонинг аксинча камроқ қисмини ташкил этмоқда нақадар муҳимлигини билишмайди;

- учинчидан, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг ставкасини ягона этиб 12% қилиб урнатиш имконияти бизда ҳам қўлланилди.

- туртинчидан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкасини Россия Федерациясида 13% қилиб белгилашни баъзи бир мақсадларга эришиш учун қилинган ҳаракат эди. Яъни, даромад солиғининг ставкаси шундай қилиб белгиланса, даромадларни легаллаштириш содир бўлади, хуфёна секторнинг куламини қисқартириш кўзланган эди. Амалда бу нарсага эришиш қийин эканлиги тушуниб етилди, унинг исботларидан бири: Росстатнинг маълумотларига кўра, Россиянинг бир минтақасида иш ҳақи сифатида 9,1 млрд. рубль берилган бўлишига қарамасдан, 447,4

млн. рубльлик даромад солиғи ундирилган²¹⁴. Холбуки, ундирилиши лозим бўлган даромад солиғининг суммаси 13%ли ставкага мувофиқ 1,183 млрд. рубльга тенг булмоғи лозим эди. Кўриниб турибдики, даромад солиғининг ставкаси пасайтирилган бўлишига қарамасдан даромадларни легаллаштириш содир бўлмаган: ундирилган сумма ундирилиши лозим бўлган суммадан 2,6 мартага кам бўлган;

- бешинчидан, дастлабки жорий қилинган пайтида 45% қилиб белгиланган бўлишига қарамасдан бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг энг юқори ставкаси 23% қилиб белгиланган бўлса, ундан ташвишга тушишга сира ҳожат йўқ. “Россия Федерациясида бу кўрсаткич 13%га тенг” мамлакатларда анча юқори. Масалан, бу кўрсаткичнинг даражаси Филиппинда - 32,0% (Ўзбекистондагидан 45,4%га юқори); Таиландда - 37,0% (Ўзбекистондагидан 68,2%га юқори);

АҚШда - 39,6% (Ўзбекистондагидан 80,0%га юқори); Кипр ва Тайпейда - 40,0%дан (Ўзбекистондагидан 81,8%га юқори); Австралияда - 47,0% (Ўзбекистондагидан 2,1 марта юқори); Испанияда - 48,0% (Ўзбекистондагидан 2,2 марта юқори); Япония, Австрия ва Исроилда - 50,0%дан (Ўзбекистондагидан ҳар бирида 2,3 марта юқори); Германияда - 53,0% (Ўзбекистондагидан 2,4 марта юқори); Францияда - 54,0%²¹⁶ (Ўзбекистондагидан 2,5 марта юқори) ва ҳ.к. Шунингдек, бу ерда мамлакатимиздаги жисмоний шахслар учун урнатилган энг юқори ставканинг дастлабки урнатилган вақтидан ҳозиргача икки мартадан купрокқа қисқартирилганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу сиёсатнинг яна шу тарзда давом эттирилиши ва бу юқори ставканинг янада камайтирилиши эҳтимолдан холи эмас.

Солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган эътирозлар-нинг яна бири “солиқларни уз вақтида туламаганлар ва солиқ тулашдан буйин товлаганларга нисбатан каттик молиявий жазолар қулланилаяпти” шаклига эга. Айрим доираларда “Солиқларни тулаш у ёвда турсин, ҳатто унинг жарималарини тулашга ҳам солиқ тўловчиларнинг қурби етмай қолаяпти” мазмунида фикрлар билдирилаяпти. Бу

эътирозга нисбатан қўйидаги саволларнинг аниқжавобисиз тасаввур этиб бўлмайди:

- молиявий жазо нима, у қулланилиши керакми ёки йўқми?
- молиявий жазоларнинг даражалари қандай?
- молиявий жазоларни қуллаш орқали кўзланган мақсадларга эришилаётими?

• солиқларнинг ундирилув (йигилув)чанлик даражаси қандай ва аслида у қандай?

• солиқларнинг ундирилув (йигилув)чанлик даражаси нисбатан паст бўлса, молиявий жазонинг даражаси қандай бўлиши керак?

• каттик молиявий жазоларнинг қулланилишидан давлат манфаатдорми?

• молиявий жазо қачон ёки қандай вазиятда уз самарасини бериши мумкин?

Юқорида келтирилган саволларнинг қисқача, илмий жавоблари қўйидагилардан иборат:

• молиявий мажбуриятни, шартномани ва ҳ.к.ларни бузмаслик, уларга қатъий ва тўлиқ риоя этишни таъминлаш мақсадида жорий этилади. Урнатилган тартиб қоида бузилса, унга қатъий ва тўлиқ риоя этилмаган бўлса, мажбурият ва шартнома шартлари бажарилмаса, молиявий жазо, албатта, қулланилишга зарурият тўғилади;

• молиявий жазоларни қуллаш орқали кўзланган мақсадларга тўлиқ эришилмаяпти. Юқорида таъкидланганидек, молиявий жазоларни қуллашдан мақсад тартиб-қоидани, уз зиммасига олган мажбуриятни, шартнома шартларини ва ҳ.к.ларни бузмаслик, уларга қатъий ва тўлиқ риоя этишни таъминлашдан иборат;

• солиқларнинг ундирилув (йигилув)чанлик даражаси яхши эмас. У тараққий этган мамлакатлардаги даражадан нисбатан анча паст. Аслида, ҳисобланган солиқ суммалари уз вақтида бюджетга тўлиқ ўтказилиши керак. Бирок, амалиётда бу вазифани тўлиқ ууддалашнинг иложи бўлмаяпти;

- солиқларнинг ундирилув (йигилув)чанлик даражаси нисбатан паст бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, молиявий жазонинг даражаси, аслида, нисбатан юқори бўлиши керак. Унинг ана шундай даражаси солиқларнинг ундирилув (йигилув)чанлик даражасининг кўзланган даражасига етгунга қадар сақланиб турмоғи лозим;

- каттик молиявий жазоларнинг қулланилишидан давлат манфаатдор эмас. Юқорида қайд этилганидек, агар урнатилган солиқлар бюджетга белгиланган суммаларда ва уз вақтида тушиб тураверса, давлат (бюджети) учун молиявий жазолар зарур бўлмайди.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ Ҳаётга тадбик этилаётган бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан қандай фикрлар билдирилаяпти?

⇒ “Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсати сизнинг манфаатларингизни тўлиқ ифодалаяптими?”

⇒ “Мамлакатимиздаги бюджет-солиқ сиёсатининг нимаси Сизга маъқул эмас?”

⇒ бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан билдирилаётган фикрларнинг энг умумий кўринишларини кўрсата оласиз?

⇒ “Бюджет ҳисобидан берилаётган иш ҳақиға нисбатан билдирилган фикрларнинг негизида нималар ётибди?”

⇒ Бюджет-солиқ сиёсатига “солиқларнинг сони купайиб бораётибдими?”

⇒ “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси”ни кулга олиб, унинг “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими” деб номланган бобидаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари” деб номланувчи моддасида солиқларнинг сонини нечта деб кўрсатилган?”

⇒ Солиқларнинг сонини аниқлашда қандай ёндошувлар мавжуд?

⇒ Умуман олганда, олдинги вақларда солиқларнинг сони нечта бўлган?

⇒ давлат бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш нуқай-назаридан солиқлар сонининг камлигими ставкаларнинг максималлашуви ёки солиқлар сонининг куплиги-ю, ставкаларнинг минималлиги қул келадими?

⇒ Бюджет манфаатлари нуқай-назаридан солиқлар сонининг куплиги ёки камлиги принципиал аҳамиятга эгами?

⇒ ягона битта солиқни қўллаб, жорий этиш орқали мамлакат бюджетга етарли маблағ олиши мумкинми?

⇒ Солиқ суммаси нималарга боғлиқ?

⇒ Солиқ тизимининг олдида қандай вазифалар қўйилган?

⇒ солиқ жорий этилишининг молиявий оқибатлари қандай бўлиши мумкин?

⇒ “Солиқ имтиёзлари етарли даражада эмас ва солиқлар томонидан етарли даражада рағбатлантирилмаяптими”?

⇒ “Солиқ қонунчилиги нобарқарор” мазмунида солиқ сиёсатига фикр билдирилишининг қандай ўзига хос бўлган объектив сабаблари мавжуд?

Х БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ФУНДАМЕНТАЛЬ АСОСЛАРИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

10.1. Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари

Хар қандай сиёсат сингари бюджет-солиқ сиёсати ҳам жуда нозик бўлганлиги туфайли уни такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишларининг афзаллиги ёки камчилиги мавжуд. Уларустида батафсил тўхталиб ўтиш муҳимдир, Бирок, бу ўринда мамнуният билан шуни қайд этиш керакки, бюджет солиқ-сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда, энг аввало, буюк соҳибкирон Амир Темурнинг хизматлари бекиёс. У киши томонидан мерос қилиб қолдирилган асарларига диққатни қаратадиган бўлсак, уша даврда ҳам солиқ масалалари устувор хусусиятларига эътибор қаратилиб келинган, Уларни билими, кўникма хосил қилиш орқали замонавий солиқ сиёсатини шакллантириш имконига эга бўлиш мумкин. У киши томонидан билдирилган фикрлардан бири в унинг маъно-мазмунини ушбу масалани устувор йўналишини белгилаб бериши мумкин, яъни: “...раиятдан хирож йигишда уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашувига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши эса сипоқнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоқнинг тарқалиб кетиши ўз навбатида салтанатнинг заифлашишига олиб келади”³⁸.

Ушбу фикрдан бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг назарий асослари устувор йўналишларига бевосита дахлдор ва ҳозирги давримиз нуқай-назаридан ҳам катта аҳамиятга эга хулосаларни чиқариб олиш мумкин. Хусусан, бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришда энг аввало:

³⁸ Темур тузуклари. - Тошкент.: Г.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. - 122-123-бетлар.

- солиқ тўловчиларни “...оғир аҳволга тушиши ва унга нисбатан замонавий ёндошувни амалга ошириш заруриятини юзага келишига;

- мамлакатни кашшок қилиб қўйишдан сакланмок зарурлиги;

- “ҳазинанинг ғариблашувига бюджет дефицитига таъкид бизнинг олиб келади” яъни солиқ тўловчини хонавайрон бўлишига сабаб бўлиши табиийдир;

- “... сипоҳнинг таркалиб кетишига сабаб бўлади”, агарда хазина ғариблашиб қоладиган бўлса;

- “сипоҳнинг таркалиб кетиши уз навбатида салтанатнинг заифлашишига олиб келади”.

Албатта, чиқарилган хулосаларнинг 4 - ва 5 - пунктларида келтирилган “сипоҳнинг таркалиб кетиши” ибораси энди бугунги кунда фақатгина армиянинг таркалиб кетишини англатмайди. Балки бу ўринда эндиликда, унга қўшимча равишда, шу иборанинг замирида, солиқ тўловчиларнинг хуфёна секторга утиб кетиши ёки капиталнинг четга чиқиб кетиши ва бошқа шунга ухшаш ҳолатлар ҳам назарда тутилади.

Шунингдек, бу ерда қўйидаги мантиқий боғланишнинг мавжудлигини кўра билиш, айниқса, диққатга сазовор: “солиқ тўловчиларнинг оғир аҳволга тушиб қолиши - мамлакатнинг қашшоқлашуви - бюджетнинг ночорлиги - давлат салоҳиятининг заифлашуви”. Масала ана шу боғланишдан кўринишда талқин этиладиган бўлса, у ҳолда бу боғланишда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига тегишли бўлган асосий ғоялардан бирининг мужассам эканлиги маълум бўлади.

Яъни Амир Темур фикрига кўра: "... кимда-ким бирор саҳрони обод қилса ёки қориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият уз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар”³⁹.

³⁹Темур тузуклари. - Тошкент.: Г.Гулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. - 124-бет.

Бу ғоя бугунги кунда ҳам бутун дунёда, бизнинг фикримизча, акциома сифатида эътироф этилмоқда.

Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларида солиқ имтиёзлари масаласига алоҳида ўрин ажратилиши, албатта, керак. Бобомиз соҳибкирон Амир Темурнинг юқорида келтирилган иккинчи фикрида ана шундай имтиёзни қай тартибда тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги уз аксини топган. Бир вақтнинг ўзида, бобомизнинг “... кимда-ким бирор саҳрони обод қилса ёки қориз (ер остидан курилган ариқ) курса, ё бирон боғ кукартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса” деган фикрлари, бир томондан, бугунги кунда ҳам уз шаклу тамойилини тўлиқ сақлаб қолган бўлишига қарамасдан, иккинчи томондан, янгича мазмун касб этиб, “янгидан ташкил этилаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилишга жиддий эътибор бераётган ва ҳ.к. корхоналар” шаклини олмоқда. Уша даврда айтилган фикрлардан бугунги кунда ҳам тўлиқ фойдаланиш мумкинлигига ишонч хосил этиш мумкин.

Айтиш жоизки, Амир Темурнинг фикрига кўра “...биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият уз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар”, дея берган амри, бугунги кунда озроқ ўзгаргандек туюлса-да, ҳозирга қадар уз кучини юқотмаган десак муболаға бўлмайди. Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига нисбатан 1 йил, 2 йил ва муддатларда солиқлардан озод қилиш тартибининг урнатилиши замирида ушбу ғояси ётгандир. Бунинг устига, Амир Темурнинг юқоридаги фикрида, бизнингча, ҳозирги шароитда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилиши лозим бўлган яна бир ғоя мавжуд, яъни:

“...иккинчи йили раият уз розилиги билан берганини олсинлар...”, деган фикри хусусида кетаяпти. Унга кўра, солиқлар бўйича имтиёзларда бир неча давр белгиланиши керак, яъни

биринчи даврда солиқлар умуман олинмайди. Иккинчи даврда солиқлар солиқ тўловчининг розилиги асосида олинади. Учинчи даврдан бошлаб эса, солиқлар ҳамма қатори қонун-қоидага мувофиқ олинishi керак. Агар шундай тартиб урнатиладиган бўлса, у қандай натижаларга олиб келиши мумкин? Ўзига имтиёзли шароитни яратиб берган давлатига маълум бир муддатдан кейин солиқни уз ихтиёрлари билан тулаши муҳим аҳамият касб этади Бу бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида Амир Темурнинг бундан бир неча аср муқаддам айтган фикрларига ҳамон маълум бир фойдаланиш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Бизнинг фикримизча, Амир Темурнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқиши мумкин бўлган бу хулосалар илмий ва амалий асосга эга бўлиб, улар ҳанузгача уз моҳиятини юкотмаган. Бир вақтнинг ўзида, улар замонавий бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўлиб ҳали узок йиллар давомида жамиятимизнинг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини кушади.

Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг замонавий устувор йўналишлари нималардан иборат бўлиши мумкинлиги хусусида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг фикрлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан И.А.Каримов томонидан бюджет-солиқ сиёсати хусусида билдириб утган фикрлари туғирисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунинг, бир неча асосли сабаблари мавжуд.

Биринчидан, И.Каримовнинг асарларида бюджет-солиқ сиёсатининг назарий масалаларига асос солинганига.

Иккинчидан, ишлаб чиқиладиган замонавий бюджет-солиқ сиёсатининг асл моҳиятини тўғри идрок этишда ва амалиётда қуллашда И.Каримовнинг бу хусусда билдирган фикрларига алоҳида эътибор қаратилганидир.

Учинчидан, бюджет-солиқ сиёсатига нисбатан И.Каримов томонидан билдирилган фикрлар барчанинг эътиборига етарли тарзда етиб бормаганлигини холисона тан олишини зарур.

Шу ва шунга ухшаш яна бир неча асосли сабабларни инобатга олган ҳолда И.Каримовнинг турли йиллардаги бюджет-солиқ сиёсатига хос бўлган фикрларини қўйида келтиришни ва улар туфисида мулоҳаза юритиш муҳимдир. Шубҳасиз, уларда ҳозирги пайтда ва яқин келажакда мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларида уз аксини топган. Бўларга қўйидагилар киради:

«Бозор муносабатларига утиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади»⁴⁰.

Оддий сузлардан иборат бўлган фикрнинг ўзида жуда катта ва принципиал аҳамиятга молик бўлган маъно бор. Энг аввало, мамлакат доирасида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда солиқларнинг алоҳида урни бор эканлиги қайд этилган. Хақиқатдан ҳам давлат узи ишлаб чиққан иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ёки уни ҳаётга татбиқ этишда турли воситалардан, дастаклардан, усуллардан ва ҳоказолардан фойдаланади. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишда турли шакллардан фойдаланиладиганлар қаторига баҳоларни шакллантириш механизмини, божхона тизимининг ўзига хос бўлган тартиб ва қоидаларини, Марказий Банкнинг пул-кредит инструментларини, давлатнинг марказлаштирилган инвестиция дастурларини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юқоридагиларнинг ҳар бири ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда маълум роль уйнайди.

Уларнинг орасида солиқларнинг «...иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил...» эканлигини эътироф этилиши, жуда ҳам муҳимдир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг маданийлашган, энгтабiiй ва энг соғлом йўли ҳақиқатдан ҳам солиқлардир. Буни жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Бу нарсанинг худди шундай эканлиги жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам узил-кесил эътироф этилган.

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 358-бет

Бу фикрнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, яна бир марта солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда фақат «омил» сифатида қаралмаслик лозим. Юқорида келтирилган фикрда ҳам солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «бошқарувчи омил» сифатида ҳам қаралмаяпти. Бу ерда солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «муҳим бошқарувчи омил»дир деган фикр билдирилган холос. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки ушбу мил турли кўринишда намоён бўлиши мумкин, яъни: «омил», «бошқарувчи омил», «муҳим бошқарувчи омил», «энг муҳим бошқарувчи омил» деб номланган суз ва иборалардан ташкил топиши ҳам мумкин. Улар фарқланиши жойи келганда улардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу ўрганиладиган масалани мазмун моҳиятига боғлиқдир.

И.Каримов томонидан «Солиқлар хазинани тулдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим»⁴¹ деб фикр берилган.

Бу ерда икки асосий ғоя илгари сурилаяпти. Биринчисида солиқлар хазинани тулдиришда асосий элемент эканлиги таъкидланаяпти. Бир вақтнинг ўзида хазинани тулдиришда солиқлардан бошқа элементларнинг ҳам бор эканлиги тан олинаёпти. Улар (масалан, турли тўловлар, ажратмалар) давлат хазинасини тулдиришда асосий рольни уйнамаса-да, лекин хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат бюджети ўртасидаги муносабатларда ўзига хос вазифани бажаради.

Иккинчи ғояда, «Давлат бюджетининг даромад қисми қанча бўлиши керак?» - деган ҳаётий саволнинг жавоби уз аксини топган. Демак, келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромад қисмининг ҳажми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда бўлиши керак. Чунки олдиндан «Давлат бюджетининг даромад қисми мана бунча

⁴¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. 358-бет

бўлиши керак», - деб бир хил тарзда жавоб бериб бўлмайди. Одатда бюджет йили давомида) энг муҳим умумдавлат, халк хўжалиги вазифаларини тўлиқ бажариш ёки ҳал этиш учун қанча миқдордаги маблағ талаб қилинса, давлат бюджетининг даромадлари қисмида солиқлар ёрдамида шунча миқдорда маблағ тўпланиши лозим.

Айтиш жоизки, энг муҳим умумдавлат, халк хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маблағларнинг бир қисмини давлат бошқа манбалар ҳисобидан ҳам қоплаши ёки молиялаштириши мумкин. Давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш, ташқи давлатлардан қарз олиш ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Энг муҳим умумдавлат, халк хўжалиги вазифаларини бажариш учун молиялаштиришнинг бу шаклларида ҳам амалиётда мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда фойдаланиб келинмоқда. Бу нарса энг муҳим умумдавлат, халк хўжалиги вазифаларини бажаришда давлат бюджетининг даромадлари етарли бўлмаган ҳолда майдонга чиқади. Солиқлар ёрдамида тўпланган даромадлар етарли бўлган тақдирда муомалага қимматли қоғозларни чиқариш ва чет мамлакатлардан қарз олишга (ташқи қарз) ҳожат қолмас эди. Жаҳон амалиётида етишмаган маблағга эга бўлишнинг биз санаб утган ҳар икки йўли ҳам нормал ҳолат сифатида қаралса-да, уларнинг ҳар иккаласи ҳам қарзий маблағ (ички ва ташқи қарз) бўлганлиги учун ўзида каттагина рискни намоён этади. Бу рискнинг бир қисми сиёсий риекдан иборатдир. Шунинг учун ҳам «давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халк хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим» бўлади. Чунки бу фикр ва унинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

«Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни уз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган мецнат самарасига мутаносиб бўлишга ёрдам кўрсатиши, мецнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асосиз

равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим»⁴² деб И.Каримов томонидан билдирилган фикр ҳам уўринлидир.

Ушбу фикрга диққат билан эътибор берадиган бўлсак, бу ерда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдида аслида уч мураккаб вазифанинг қўйилганлиги маълум бўлади:

- жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ходимларни уз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, жисмоний шахслардан солиқлар олинганда бу солиқлар уларни ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга ундаши лозим. Бу солиқларнинг олиниши уларда асоссиз норозилик кайфиятининг тугилишига сабаб бўлмаслиги лозим. Вазифанинг бу тарзда қўйилиши принципиал аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса жисмоний шахсларга нисбатан солиқ сиёсати ишлаб чиқарилаётган пайтда, албатта, инобатга олиниши шартдир;

- жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши лозим. Бозор ихгисодиёти шароитида иш ҳақи ва унга сарфланган меҳнат ўртасидаги узаро муносабат энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ижтимоий адолат принципининг ҳаётга татбиқ этилиши, куп жиҳатдан, ана шу муносабатнинг даражаси билан белгиланади. Аксарият ҳолларда иш ҳақининг даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлган тақдирда ижтимоий адолат принципига қатъий риоя қилинаётганлиги маълум бўлади. Бу нарсага эришиш жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдида ана шу мутаносибликни таъминлашга ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилмоқда;

- жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар меҳнат-кашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим.

⁴² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 360-бет

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига қўйилган бу вазифада, дастлаб, меҳнаткашларнинг даромадлари ўртасида, тафовутларнинг бўлиши қайд этилаяпти. Бу тафовутлар асосли бўлган ҳолларда катта бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидланаяпти. Тафовутлар асосиз равишда катта бўлган пайтда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бу нарсага бардам бериши лозимлиги кўрсатиб утилаяпти. Чунки бундай қилинмаса, бу нарса аҳоли қатламлари ўртасида турли зиддиятларнинг келиб чиқишига ва уларнинг кучайишига замин яратиши мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси параллел равишда бир вақтнинг ўзида бажарилишни тақозо этади. Бир вазифанинг бажарилиши иккинчи ёки учинчи вазифанинг бажарилишига акс таъсир қилмасдан ёки тускинлик қилмасдан, аксинча, навбатдаги вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериши керак.

«Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлаштиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга»⁴³ деб И.Каримов томонидан билдирилган фикр изоҳга мухтож эмас.

Билдирилган бу фикр, биз учун шундоқ ҳам тушунарлидир. Шундай бўлишига қарамасдан, фикрда билдирилган тадбирларнинг (солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши) амалга оширилиши ўзининг маълум бир чегарасига эга эканлигини қайд этиб утмоқ лозим. Бу ерда солиқ тўловчиларнинг хоҳиш-истакларига қараб солиқ юкини камайтириш ёки олинадиган солиқ ставкаларини пасайтириш тўғрисида гап кетаётгани йўқ. Айтиб

⁴³ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 360 бет

ўтилган тадбирларнинг бажарилиши бевосита уч шартга боғлиқ, яъни:

- корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилишига солиқ ставкаларининг пасайтирилишига бюджетдан қилинадиган харажатларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатмаслигига боғлиқ. Бу, уз навбатида, бюджетдан қилинадиган харажатларнинг мос равишда қисқартирилишини тақозо этади;

- солиқ юкининг енгиллаштирилиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, бюджет дефицитининг ошишига олиб келмаслиги лозим;

- хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ ставкаларини пасайтиришдан асосий мақсад ишлаб чиқаришни жонлантириш бўлиб ҳисобланади. Бу нарса содир бўлса унда юқоридаги тадбирларни амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда бу ўзгаришлар ўзининг маъносига эга бўлмай қолади. Солиқ юкининг енгиллашиши, солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида ишлаб чиқариш жонланса, бунинг эвазига бюджет зарар курмайди. Аксинча, ишлаб чиқаришнинг жонланиши оқибатида солиқ юкининг енгиллашиши, солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган солиқлар суммаси компенсация қилиниши мумкин. Бу нарсанинг содир бўлиши иқтисодиётнинг барқарорлашганлигидан далолатдир.

10.2. Солиқ тизимини ўзига хос вазифаларини солиқ сиёсатини такомиллаштиришдаги роли

Республикамиз биринчи давлат раҳбари айтиб утгандек, «Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани - фискал (ҳазина тулдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тула даражада бажариши керак»⁴⁴.

⁴⁴Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. 358 бет

Кўриниб турибдики, бу ерда солиқ тизимининг олдига ўзига хос уч вазифанинг қўйилиши кераклиги кўрсатилган:

1. Фискал (ҳазина тулдириш);
2. Қайта тақсимлаш;
3. Рағбатлантириш.

Лекин бундан солиқ тизими фақат шу уч вазифани бажариши керак эканда, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки солиқ тизими юқоридагилардан ташқари яна бир неча вазифаларни ҳам бажаради, масалан, тартиблаштириш, бошқариш, шу ўринда айтиш жоизки солиққа хос вазифалар билан унга хос фикрларни бир нарсса деб айтиш мумкин эмаса.

Иккинчидан, бу фикр талқин қилинаётган пайтда солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифалар кетма-кетлиги назардан четда қолмаслиги керак. Бу ерда солиқ тизимининг олдига биринчи галдаги вазифа сифатида фискал (ҳазинани тулдириш) вазифаси қўйилапти. Қайта тақсимлаш ва тартиблаштириш, рағбатлантириш вазифаларининг иккинчи ва учинчи ўринларда қўйилиши, ўз навбатида, мантиқнинг тегишли қоидаларига қатъий равишда риоя қилинганлигидан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам солиқ тизими дастлаб фискал (ҳазинани тулдириш) вазифани бажариб бўлганидан сўнг қайта тақсимлаш ва ундан кейингиси эса тартиблаштириш ва рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган вазифалар кун тартибига қўйилади.

Учинчидан, бу фикр тўғрисида мулоҳаза юритилаётган вақтда вазифаларнинг бажарилишига ёки уларнинг бажарилиш даражасига ҳам (қай даражада бажарилишига ҳам) алоҳида урғу берилганлиги ҳисобга олиниши лозим. Дарҳақиқат бу ерда солиқ тизимининг, аввало, ўзига хос бўлган 3 вазифани бажариши кераклиги аниқлаштирилибгина қолмасдан, балки уларнинг «тўла даражада» бажарилиши кераклиги ҳам қайд этилган.

Республикамизнинг Биринчи Президенти «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси - ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-

мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир»⁴⁵ деб айтган фикри ҳам диққатга моликдир.

Маълум бир белгиларни инобатга оладиган бўлсак, бу ерда солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;

- моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;

- тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш.

Бу ердаги биринчи пунктда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тўғрисида гап кетаётгани йўқ, балки айнан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш тўғрисида гап анан шу ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида урғу бериб қаралган тақдирдагина фикрнинг асл моҳиятини тўғри идрок этиш мумкин.

Амалдаги солиқ тизими барча ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши лозим. Бу ерда ресурсларнинг қандай шаклда (моддий хом ашё, табиий, молиявий, меҳнат ва бошқа) бўлиши принципиал аҳамиятга эга эмас. Бозор иқтисодиёти барча ресурслардан ҳар доим самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу ўринда фикрдаги «самарали» сўзига алоҳида эътибор берилиши унинг туб моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларнинг навбатдагиси тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Бу ерда ҳам тўпланган мол-мулкнинг кимга тегишли эканлиги бюджет-солиқ сиёсати такомиллаштиришда принципиал аҳамиятга эга эмас. Ундан қатъийназар бозор иқтисодиёти

⁴⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 359 бет

тўпланган мол-мулкдан ҳар доим самарали фойдаланиш кераклигини талаб қилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки И.А.Каримов томонидан «Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил - корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир»⁴⁶ деб билдирган фикри солиқ туловлари олдида турган айрим масалаларга ойдинлик киритиши ҳам талаб этди.

Солиқ юки масаласи иқтисодчи-олимлар ва амалиётчи мутахассислар, молиячилар, солиқ хизмати ходимлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари орасида жуда куп мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу муаммога нисбатан билдирилган фикрларни (уларни билдирганларнинг қайси тоифага кирганлигини ҳисобга олмаган ҳолда) бир неча гуруҳларга бўлиш ва унга муносабатни энг умумий тарзда қисқача қилиб қўйидаги кўринишларда ифода этиш мумкин:

- солиқ юки оғир;
- солиқ юки ҳаддан зиёд оғир;
- солиқ юки шу кеча-кундузнинг талаблари даражасида белгиланган;
- айрим ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда солиқ юки оғир эмас;
- солиқ юкини ҳозирги даражасидан пасайтириш мумкин эмас ва ҳ.козо.

Билдирилган бу фикр тўғрисида мулоҳаза юритиш жараёнида, дастлаб амалдаги солиқ тизимини ўзгартириш зарурлигини қайд этиб утмоқ лозим. Бу нарса шубҳасиздир. Солиқ тизимини ўзгартириш зарур экан, бу жараён маълум бир тамойилларга асосланган бўлиши керак. Ана шу тамойиллар орасидаги бош тамойил корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир.

Бу ерда ҳозирги пайтда корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг анча оғир эканлиги тан олинапти. Шунинг учун ҳам солиқ юкини

⁴⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 359 бет

камайтириш эмас, балки кескин камайтириш зарурлиги таъкидланаяпти.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида қайд этиб утмоқ лозим. Давлатимиз раҳбари томонидан корхоналар зиммасидаги солиқ юкига нисбатан бу тарздаги фикрни куп мунозарали қилмасдан очик-ойдин айтилиши ва ҳал этилиши муҳимдир.

«Ислоҳотнинг иккинчи босқичида деб айтган эди И.А. Каримов иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ, тизими биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак»⁴⁷.

Ушбу фикрга изоҳ берадиган солиқ тизимининг олдида қўйилган вазифалар кетма-кетлиги жамият тараққиётининг талабларидан, унинг олдида маълум бир даврда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бирмунча ўзгариши мумкин.

Мустақил мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириб борар экан, бу ислоҳотларнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилади. Бундай шароитда солиқ тизими, энг аввало, фискал (ҳазинани тулдириш), қайта тақсимлаш вазифаларини эмас, балки биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак булди. Кўриниб турибдики, бу ерда мамлакатимиз доирасида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг аҳволи бевосита солиқ тизимининг биринчи навбатда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши билан узвий боғлиқ қилиб қўйилди. Бошқача айтганда, иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш борасида эришган ютуқларимиз куп жиҳатдан солиқ тизимининг рағбатлантирувчилик вазифасини қай даражада бажарганлиги билан ҳам белгиланади ёки солиқ тизими биринчи навбатда рағбатлантирувчилик вазифасини тўлиқ бажарса, мамлакат микёсида иқтисодий барқарорлик

⁴⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 359 бет

таъминланади ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга эришилади.

Ҳақиқатда ҳам «Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади»⁴⁸.

Умуман И.А.Каримов айтиб утганидек бозор инфраструктурамни солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уни солиқ тизимисиз тула тарзда таркиб топган, кам-кустсиз бозор инфраструктураси дейиш мумкин эмас. Бозор инфраструктурасининг тулаконли фаолият кўрсатиши ҳам, куп жихатдан, солиқ тизимини уша инфраструктура таркибида борлигига боғлиқ.

Ушбу фикрнинг иккинчи қисмига эътибор берилса, бу соҳада ҳам жуда катта иш қилиш зарур эканлиги маълум бўлади. Бозор инфраструктурасининг таркибий қисми сифатида солиқ тизимизнинг тан олиниши учун қилиниши лозим бўлган ишлар муҳимдир. Солиқ тизими бозор инфраструктурасини тулаконли таркибий қисми сифатида тан олиниши учун ҳақиқатдан ҳам чинакамига ташкил этиш керак. Бу ердаги фикрнинг асл моҳиятини туфи идрок этмок учун «чинакамига» дейилган сузга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Тўғри, ҳақиқатдан ҳам мустақиллик йилларида мустақил давлатимизнинг солиқ тизимини ташкил этиш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Дастлаб, айтишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг мустақил солиқ тизимига асос солинди, солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди, МДХ давлатлари орасида биринчилар қаторида «Солиқ кодекси» қабул қилинди, солиқ хизмати ходимларининг таркибий тузилиши бўйича жиддий ўзгаришлар амалга оширилди, солиқ тизимига тегишли бўлган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари умумлаштирилди, солиқ идораларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди ва ҳ.к.

Албатта, солиқ тизимини ташкил этиш бўйича мамлакатимизда қилинган ишлар руйхатини ана шу тарзда яна анча давом эттириш

⁴⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: «Ўзбекистон», 1998. 49-бет

мумкин. Лекин уларнинг ҳаммасини тўплаб, фақат «Солиқ тизимимиз ташкил қилинди», - дейишимиз мумкин. Бироқ бу соҳада амалга оширилган ишлар «Солиқ тизимимиз чинакамига ташкил қилинди», - дейишга етарли эмас. Буни ҳаётнинг узи кўрсатмоқда. Солиқ тизимини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатлардаги ноаниқликлар, «Солиқ кодекси»нинг мунозарали жойлари, солиқ хизмати ходимларининг айримларини хизмат вазифасига нисбатан номуносиблиги, солиқ хизмати кўрсатиш сифатининг нисбатан пастлиги, солиқ тизимига нисбатан асосли эътирозларнинг мавжудлиги, айрим даврларда солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, солиқ маданиятини етарли даражада эмаслиги ва ҳ.к. лар ана шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам «Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади».

«Солиқ хизмати деб айтган эди ИА.Каримов фақат солиқ, тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кумаклашиши керак»⁴⁹.

Бизнинг назаримизда, бу билдирилган фикр, энг аввало, ҳар бир солиқ хизмати ходимининг кўз олдида туриши лозим. Аммо солиқ хизматини ҳозирги пайтда фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки солиқ хизмати ходимларининг купчилиги ҳам солиқ тўплаш идораси сифатида талкин қилинмоқда. Улар томонидан турли шаклларда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳам шунга мосдир.

Солиқ хизмати томонидан «солиқ тўплаш» вазифасининг бажарилиши ёки қай даражада бажарилиши фақат шу билан боғлиқ бўлган ишлар билан белгиланмайди. Бу вазифанинг бажарилиши солиқ хизмати ходимлари томонидан тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишдаги кумаклашувига ҳам бевосита боғлиқдир.

Тадбиркорларнинг молия интизомига риоя қилишларида кумаклашув масаласига нисбатан ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Бунинг устига айрим ҳолларда солиқ

⁴⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. 49-бет

хизматининг айрим ходимлари бу масалага нисбатан «кутувчанлик позицияси»ни эгаллаётганлари ҳам ҳаммага аён.

Хуллас, ҳар икки ҳолда ҳам бу масалаларга нисбатан солиқ хизмати ходимларининг кизикувчанлиги ёки манфаатдорлигининг ниҳоятда паст даражада эканлиги маълум бўлмоқда.

Бу ерда молиявий фаолиятни туфи ташкил этиш ва молиявий интизомга қатъий риоя қилиш, энг аввало, ҳар бир тадбиркорнинг ўзига тегишли масала эканлигини ҳам қайд этиб утиш лозим. Лекин шундай бўлишига қарамасдан бу масалаларга нисбатан солиқ хизмати ходимлари пассив бўлмасликлари керак. Чунки тадбиркорларнинг молиявий фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг молиявий интизомга риоя қилиш натижаларидан солиқ хизматининг ходимлари ҳам манфаатдордирлар.

«Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара утказиш деб айган эди Республикамизнинг биринчи Президент солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг мухим йўналишидир».⁵⁰

10.3.Солиқ сиёсатини такомиллаштиришни энг мухим йўналишлари

Ҳозирги шароитда солиқ тизимини такомиллаштира йўналишларига эътибор қаратилаяпти шунинг билан биргаликда республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида маълум бир чегара бўлса-да, унинг етарли даражада аниқ эмаслиги таъкидланаяпти уни такомиллаштириш ҳам солиқ тизимини такомиллаштириш билан боғлиқлиги юзаки қараганда ёки бир томонлама ёндашилганда, алоҳида олинган солиқ тўрининг республика ёки маҳаллий солиқлар(и) таркибига киритилиши

⁵⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 361-бет

принципиал аҳамиятга эга эмасдек кўзга ташланмоқда. Бу нарса, айниқса, солиқ тўловчи нуқай-назаридан қаралганда яққол сезилади. Ҳақиқатдан ҳам солиқни тулаш натижасида солиқ тўловчига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми унинг ихтиёридан мажбурий равишда олиб қўйилгани учун бу маблағнинг кейинги тақдири уни кизиқирмаслиги, табиийдек. «Маблағ ёки маҳаллий бюджетларга бориши бизни қизиқтирмайди ёки унчалик аҳамиятга эга эмас» деган фикрлар ҳам учрайди. Холбуки, солиқларнинг маҳаллий ва республика (давлат) солиқларига булиниши ҳамда уларнинг шунга мос равишда маҳаллий ва республика бюджетига бориб тушиши оддий солиқ тўловчилар уйлаганидек масала эмас.

Бизнинг мамлакатимиз учун бу масала энг муҳим масалалардан биридир. Чунки алоҳида-алоҳида олинган маъмурий- ҳудудий булинмаларнинг бир-бирига мос равишда ривожланиш суръатлари, улар ўртасидаги мавжуд номутаносибликларнинг бардам этилиши, узаро ривожланишлардаги узилишларга бардам берилиши, маъмурий-ҳудудий булинмалар ўртасидаги мавжуд тафовутларнинг қисқариши, мамлакат доирасида ягона молиявий сиёсатнинг юргизилиши, ҳудудлар доирасида иқтисодий ривожланишдан манфаатдорликнинг доимийлиги ва шу қабилар республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ ва оқилона чегаранинг ўтказилишига бевосита боғлиқдир.

Деб таъкидлаган эди И.А.Каримов - «Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллашга рағбатлантиришдан иборат»⁵¹. Ушбу билдирилган фикрда солиқ сиёсати вазифасининг иккиёқламалик характери яққол кўриниб турибди.

Бир томондан солиқ сиёсатининг вазифаси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эканлиги кўзда тутилаяпти, аммо бу вазифа бюджетни даромадлар билан оддийгина таъминлашдан

⁵¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 52-бет

иборат эмас. Бу ерда вазифанинг бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан иборатлигига эътибор қаратилаяпти. Таъкидланган фикрнинг узагини «... барқарор сафарбарлигини таъминлаш ...»дан иборат бўлган иборалар ташкил этади.

Солиқ сиёсатининг амалга оширилиши натижасида бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлаш вазифасини бажарилиши муҳимдир. Бу вазифанинг бажарилиши давлат молиявий аҳволининг мустаҳкамлигидан далолат беради, давлат зиммасига юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтдаги бажарилишига молиявий замин яратади, бюджет соҳасини узлуксиз молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлмайди, давлат ўзининг функцияларини тўлиқ ва ўз вақтидаги бажариш имконига эга бўлади ва ҳ.к. Аксинча, солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлаш вазифасининг бажарилмаслиги жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Иккинчи томондан, солиқ сиёсати корхоналарни республикамиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни купайтиришга рағбатлантириши ҳам керак. Бу ерда гап солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида, энг аввало гап, республикамиз ички бозорининг эҳтиёжларини туларок қондириш ҳақида кетаяпти. Ҳақиқатдан ҳам солиқ сиёсати ана шу эҳтиёжни туларок қондиришга хизмат қилиши керак. Ундан ташқари, солиқ сиёсати умумий тарзда корхоналарни маҳсулотлар ишлаб чиқаришни купайтиришга рағбатлантирмасдан, балки уларни республикамиз учун зарур бўлган ёки республикамиздаги талабга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни купайтиришга рағбатлантириши керак.

Бу ердаги солиқ сиёсатининг олдига қўйилган ҳар икки вазифадан бирининг бажарилиш даражасини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ерда вазифалардан бирини биринчи даражали, иккинчисини эса иккинчи даражали аҳамиятга эга деб тасаввур қилиб улмайди. Чунки, ҳар иккала вазифага тенглик кўзи билан қарашоқ лозим. Улар тенг кучга эга бўлган вазифалардир.

«Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тулдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ, сиёсатини утказиш йўли билан шакллантириш мулжалланмоқда»⁵² деб такидлаган эди.

Бу фикрдан келиб чиқадиган дастлабки хулоса, солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлигидир. Молиявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши куп жихатдан, солиқ сиёсатининг мувоффақиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳақли равишда мамлакатимизда мустақил молиявий сиёсатни «солиқ сиёсатини утказиш ... йўли билан шакллантириш мулжалланмоқда», - деган фикр билдирилиши. Бир вақнинг ўзида мустақил молиявий сиёсатни амалга оширишда солиқ сиёсатининг олдида қўйилиши лозим бўлган вазифалар ҳам шу жойнинг ўзида ўз аксини топади. Бу вазифалар қўйидагилардан иборатдир:

- республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш;
- бюджет даромадларини тулдиришни таъминлаш;
- амалий фаолликни рағбатлантириш.

Агар юргизиладиган солиқ сиёсати ана шу уч вазифани бажариш имконини берса, уни изчил солиқ сиёсати деб ҳисоблаш ва у мустақил молиявий сиёсатни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб қайд этиш мумкин.

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов ушбу масалага талукли яна бир фикрни илгари суради. Яъни, «Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумравишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим»⁵³. Ушбу фикр, республикамиз солиқ сиёсатининг мазмунини белгилаб беришда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтириш керак эканлигини англаб олиш мумкин. Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг бир неча

⁵² Каримов И.А. - Ўзбекистон: миллий истиклол, иқисод, сиёсат, мафкура - Т.: «Ўзбекистон» 1996. 349-бет

⁵³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқисод, сиёсат, мафкура - Т.: «Ўзбекистон», 1996. 349-бет

йўллари мавжуд. Улардан бири солиқ ставкаларини юқорига кутариш орқали амалга ошириш мумкин. Лекин бу йўл бизнинг шароитимизда мақбул эмаслигини юқоридаги фикрлар яққол кўрсатиб турибди. Аксинча, бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни соғломлаштириш ташкил этиши кераклиги таъкидланаяпти. Албатта, иқтисодий вазиятни соғломлаштириш енгил масала эмас. Лекин бизнинг олдимизда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг узга мақбул йўли ҳам йўқ. Буни ҳар бир солиқ тўловчи тўғри тушуниб етган бўлиши лозим.

Иқтисодий вазиятнинг умумий равишда соғломлашганлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг фаоллашганлигидан, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланилаётганлигидан, манфаатлар муштараклигига эришилганлигидан, кам харажат қилиниб куп самара олинаётганлигидан ва ҳ.к.лардан далолат беради. Бўларнинг барчаси оқибат натижада солиққа тортиладиган объект ҳажмининг купайишига (ортишига) олиб келади. Солиққа тортиладиган объект ҳажмининг купайиши эса, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджетнинг даромад қисмини кенгайганлигидан далолатдир.

10.4.Замонавий солиқ сиёсатини шакллантириш масалалари

Замонавий «Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади»⁵⁴ деб айтиб утган эди И.А.Каримов ушбу фикрни таҳлил қилиш замонавий солиқ сиёсати доирасида уч муҳим вазифанинг кун тартибига қўйилаётганлигидан далолат беради. Замонавий солиқ сиёсати

⁵⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 361-бет

қўйидагиларни хал этиш масаласини куп тартибига чиқарилмоқда, яъни:

-солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш.

Замонавий солиқ сиёсати доирасида дастлабки вазифанинг бу тарзда қўйилиши амалдаги солиқ тушумларининг таркиби ҳозирги даврнинг талабларига етарли даражада тўлиқ жавоб бераолмаётганлигини кўрсатапти. Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, бир томондан, уларнинг айримларидан бутунлай воз кечишни ва янгиларини жорий этишни тақозо этса, иккинчи томондан, сақланиб қолиши мулжалланилаётган солиқ тушумларининг узаро нисбатини, узаро пропорциясини анча ўзгартиришни ҳам талаб қилади.

-Ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш.

Бу вазифа ундан олдинги вазифанинг давоми ҳисобланади. Чунки ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш орқали солиқ тушумлари таркибининг ўзгартириш мумкин бўлади. Ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш тўғрисида аниқ вазифа белгиланган экан, бу нарса ресурслар ва мол-мулкдан етарли даражада самарали фойдаланиб келинмаётганлигини англатади. Бу ерда ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини оширишдан мақсад ушбу солиқлар ёрдамида улардан самарали фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатиш бўлиб ҳисобланади.

-жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш.

Замонавий солиқ сиёсати доирасида бу вазифанинг қўйилиши жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар механизмида айрим камчиликлар борлиги, амалдаги солиққа тортиш механизми жисмоний шахсларнинг фаоллик (активлик) даражасини оширишга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, бу механизмни замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг зарурлиги билан белгиланади. Жисмоний шахслар даромадларининг ортиб бориши билан тўланадиган солиқ суммаларининг ҳам ортиб бориши эмас, балки улардан солиқ ундиришнинг илғор тизимини жорий этиш тўғрисида бормоқда. Бу тизимни жорий этилиши жисмоний

шахслар ва бюджетнинг манфаатларига баравар мос келиши, жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолиятини фаоллаштиришга олиб келмоғи лозим.

Айтиш жоизки ҳозирда «Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт»⁵⁵ деб такидлаган эди.

Келтирилган ушбу фикрда «бюджет-солиқ сиёсати» деб номланган ибора ишлатилмаган бўлишига қарамасдан у бевосита бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқдир, бунинг учун бюджетга зарур маблағни қидириб топиш ута муҳимдир. Зарур маблағни алоҳида олинган давлат доирасида қидириб топишни эса орқали амалга оширилиши мумкин. Зарур бўлган маблағнинг миқдори соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлашга етарли бўлиб қолмасдан, балки бу зарур маблағлар уларни ривожлантириш имконини ҳам бериши керак.

Чунки ушбу соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларнинг қидириб топили- шини молиявий аҳволнинг оғирлигига ёки унинг мураккаблигига боғлиқ бўлмаган масалалар сифатида қаралиши зарур. Молиявий аҳволнинг мураккаблиги фақат давлатнинг молиявий аҳволига тегишли бўлмасдан, балки барча солиқ тўловчиларга ҳам тегишлидир. Вазифанинг бундай қўйилиши солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг оғирлашувига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Солиқ тўловчилар солиқ юки оғирлашуви бюджет маблағларни бир қисмини таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга сарфланаётганлиги билан боғлиқлигини тушуниб етишлари ва бу нарса ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатида ўз ифодасини топаётганлигини тўғри қабул қилишлари лозим.

Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқача, яъни бизларда жуда

⁵⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан колсин. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 143-бет

катта бойлар ҳам бўлмайди ва мутлақо қашшоқлар ҳам бўлмайди. Мана шу сиёсатни биз ушлаб турамиз. Яъни солиқ сиёсати ҳисобидан ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирмаймиз»⁵⁶ деб такидлаши ҳам қўйидаги жиҳатларига алоҳида эътиборлидир, яъни:

- давлатимизнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ қарамаслиги айтилаяпти. Лекин бу ерда гап бойларнинг ва кашшоқларнинг умуман бўлмаслиги тўғрисида кетаётгани йўқ. Бу соҳадаги сиёсатнинг юргизилиши бойларнинг ва катта бойларнинг бўлишига ҳамда жуда катта бойларнинг бўлмаслигига, кашшоқларнинг бўлишига ҳамда мутлақо кашшоқларнинг бўлмаслигига имкон беришлиги устида бормоқда. Акс ҳолда «Бойлар ҳам, кашшоқлар ҳам бўлмас экан» кабилида хулосага келинса, бу нарса тадбиркорлик фаолиятини сундиришга, боқимандалик кайфиятининг мустаҳкам урнашиб олишига олиб келиши мумкин бу эса бозор иқтисодиётининг тегишли тамойилларига мутлақо зиддир;

- кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини солиқ сиёсатисиз амалга оширишнинг иложи йўқлиги қайд этилаяпти. Ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг барчаси солиқ юкининг бироз оғирлигига бардош беришлари керак. Ундан ташқари, юқоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг юргизилиши ижтимоий ночор бўлмаган аҳоли қатламларида солиқ юкининг «анчагина» оғир бўлишини тақозо этаётганлигини улар ҳам билишлари лозим;

- ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутиб юргизилаётган солиқ сиёсати жамият аъзоларининг кескин табақалашувига, аҳоли даромадларининг асоссиз ўсишига олиб келмаслиги лозим. Бу нарса биз томонимиздан шундай сиёсатни доимо ушлаб туришни ва унга нисбатан эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирмасликни тақозо этади.

⁵⁶ Каримов И.А. Биз келажакимизни уз кулимиз билан курамиз. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. 9-бет

“Солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, мақсулот ишлаб чиқарувчининг қулини боғлаб қўймаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим”⁵⁷ деб таъкидлаб утган эди И.А.Каримов. Ушбу фикр орқали замонавий бюджет-солиқ сиёсатини яратиш ва бюджет- солиқ сиёсатини такомиллаштиришда принципиал аҳамият касб этиши мумкин бўлган бир неча хулосаларни чиқариш мумкин. Уларнинг энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

- замонавий солиқ сиёсати ишлаб чиқиладиган пайтда бу сиёсатнинг солиқ тўловчиларга маъқул ёки маъқул бўлмаслиги масаласи олдинги ўринга турмаслиги керак. Чунки, юқорида қайд этилганидек, “Солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас”. Бу фикр солиқларнинг мажбурий характерга эга эканлиги билан белгиланган. Ҳақиқатдан ҳам, у ёки бу нарсанинг кимгадир (солиқ тўловчиларга) маъқул келишини ёки ёкиши мумкинлигини, аввало, унинг ихтиёрийлиги белгилаб беради. Акс ҳолда, маъқул келиш ёки ёкиш тўғрисида гапириш ўринсиздир;

- солиқ сиёсати такомиллаштириладиган пайтда солиқларнинг “...асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши... зарур” лигига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бу нарсалар, қолаверса, солиқ сиёсатини такомиллаштиришда энг муҳим нарсасифатида эътироф этилмоғи керак. Умуман амалда солиқ сиёсатининг мувоффақиятини шулар белгилаб ҳам беради;

- солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалалари кун тартибига қўйиладиган пайтда “солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим” лиги диққат марказимизда бўлиши лозим

⁵⁷ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йулимиз. // Халқ сузи, 2002 йил 15 февраль.

10.5. Бюджет -солиқ сиёсатини такомиллаштириш устувор йўналишлари

Солиқ сиёсатининг олдин қай томонга йуналтирилганлиги ва кейин қай томонга йуналтирилиши лозимлиги ўз аксини топган. Ўз навбатида, солиқ юкининг енгиллаштирилишига олиб келади. Шунингдек, солиқ сиёсатида солиқлар рағбатлантирувчи ролининг ошиб боришига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу ерда унинг ўзига хос бўлган характерли хусусияти солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш “...табiiй ва минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак”.

Бюджет -солиқ сиёсати ва уни такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги бир бир қатор таклифларни илгари сурилмоқ зарур:

- бюджет-солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг устувор вазифаси сифатида эътироф этилган. Албатта бу ҳолат эътироф этилганда ҳам оддий тарзда эмас, балки “принципиал муҳим устувор вазифа” сифатида қайд этиш зарур;

- бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг ролига ўзига хос тарзда баҳо берилиб, устувор вазифаларнинг мувоффақиятли бажарилишини таъминлашда албатта бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг аҳамияти кўрсатилган ва бу ҳолат устувор вазифалар солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ ҳолатда ифодалаш зарур. Айтиш жоизки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти олдида турган устувор вазифаларнинг аниқ кўринишлари, солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг бу жараёнидаги муҳим роли янада намоён бўлади;

- мамлакатимиз ҳукумати томонидан устувор вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ, том маънода ҳам, солиқларсиз ва бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштирамасдан туриб, ҳар қандай вазифани ҳам ўз вақтида ва мувоффақиятли бажаришнинг иложи йўқ.

Шу ўринда солиққа тортиш масаласида қўйидаги икки ҳолатга алоҳида эътибор бериш лозим:

- амалиётда синалган принцип ва ёндошувларни ишлаб чиқиш;
- бошқа мамлакатларнинг илғор хорижий тажрибасидан фойдаланиш.

Солиққа тортиш масаласининг ниҳоятда мураккаблиги ва қалтислигини ҳисобга олган ҳолда таваккалчиликка йўл қўйишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, бу масалага нисбатан ўзгартиришлар киритишдан олдин амалиётда синалган принцип ва ёндошувлар аввалроқ ишлаб чиқилишининг зарурлиги хусусида кетмоқда. Бунинг муҳимлиги шундан иборатки, бюджет-солиқ сиёсати, жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган бюджет-солиқ сиёсатининг мувоффақиятини, бу соҳада қилинган ўзгаришларнинг амалиётда синалган принциплар ва ёндошувларга қай даражада мувофиқ келиши белгилаб беради. Агар қилинган ўзгаришлар ана шу принциплар ва ёндошувларга тўғри келса, уларнинг мувоффақият қозониши мукаррар ва аксинчадир.

Солиққа тортиш масаласида бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу нарса, айниқса, бизнинг шароитимизда алоҳида аҳамият касб этади. Илк марказлашган давлатлар ташкил топгандан буён унинг аҳамияти янада ортиб борган. Бу борадаги жуда куп масалалар аллақачон ўзининг оқилона ечимини топган.

Хорижий мамлакатларда кўзатилаётган глобал молиявий иқтисодий инқирознинг ҳолати давом этаётган шароитида Республикамизда бозор иқтисодиётини молиявий жиҳатдан янада мустаҳкамлашда ҳамда юзага келаётган иқтисодий муаммоларни олдини олиш ва баратараф этишда энг самарали бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб талабларидан бири эканлигини яна бир бор иқтисодиётнинг ўзи тасдиқлаб кўсатмоқда. Айтиш жоизки, дунё иқтисодиётида глобал иқтисодий ўсишнинг секинлашиши молия -кредит ташкилотлари томонидан прогноз қилинмоқда, бу ўз навбатида сўнгги 30 йилдаги энг секин кўрсаткичлардан бири бўлиб, 2009 ва 2020 йиллардаги

иқтисодий-молиявий инқирозлар билан боғлиқдир. Ушбу ҳолатни мамлакатимизда чуқур таркибий ўзгаришларни олиб боришни ҳамда самарали молиявий сиёсатни юритилишини тақозо этади. Шу муносабатдан иқтисодиётдаги тебранишларга мос равишда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати дастак ва воситаларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда илмий жиҳатдан асослаш мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Шунингдек, давлат фискал (бюджетсолиқ) сиёсатининг самарали юритилишига ва келгусида унинг самарадорлигига таъсир этувчи устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини берадиган янги жиҳатларини тадқиқ этиш анча муҳим масалалар сирасига киради.

Олиб борилган тадқиқотлар таяниб биз қўйидаги хулосалар чиқариш ва керакли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Биринчидан, давлатнинг фискал сиёсати коронавирус 2020 йилда кўзатишган глобал пандемия давридан сўнг жаҳон иқтисодий муносабатлари тизимини ривожлантиришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда замонавий муаммолардан бўлган рақамли технологияга асосланган барқарор иқтисодий ўсишга ҳамда аҳолининг ижтимоий адолат ва фаровонликлари кафолатланиши керак. 2020 йилда ижтимоий йўналтирилган давлат фискал сиёсат тадбирлари фуқаролар ва бизнес вакиллари учун жуда ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Давлат молияси киритилган бундай муҳим ўзгартиришлар бозор муносабатлари қонунларига зид бўлиб эркин бозор иқтисодиётидан вақтинчалик узилишга олиб келди. Иккинчидан, 2020-2023 йилларда солиқ сиёсатини трансформациялашуви солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш шароитида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида рақамлаштириш жараёнини кучайтиришдан иборат бўлди. Хитой, Япония ва Кореяда замонавий фискал сиёсатини амалга ошириш жараёнида бу ўз амалити тасдиғини топган. Юқоридаги давлатлар билан қиёслаганда Хитойнинг давлат бюджети сарфлари нисбатан анча паст суръатда эканлигига амин бўлиш мумкин. Шунингдек, фискал чоралар натижасида қўлланилган солиқ имтиёзлари Японияга нисбатан

Хитойда юқори суръатда бўлган. Бошқа мамлакатларга қиёслаганда давлат томонидан қўшимча қўлланилган фискал чора тадбирлар Япония ва Кореяда давлат бюджети тақчиллиги кўзатишга келтирилган. Учинчидан, давлат фискал сиёсати молиявий дастак ва воситаларидан оқилона фойдаланишнинг таъсир доирасини аниқлаш, уларнинг иқтисодий ўсишга эришининг устувор йўналишларини белгилаш керак бўлади. Чунки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан кескин суръатларда пасайиши давлат фискал сиёсатининг айнан иқтисодий фаолликни рағбатлантирадиган механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутади. Тўртинчидан, давлат фискал сиёсати таркибий қисми бўлган солиқ сиёсатидан оқилона фойдаланишда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш дастурига мувофиқ ҳамда тармоқ корхоналари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида маълум давргача солиқларнинг фаолликка етакловчи усулларида фойдаланиш керак. Бу бевосита мамлакат ишлаб чиқариш потенциал даражасининг ошишига, ҳудудларда бозор инфратузилмасининг жадал ривожланишига ҳамда самарали бандликни таъминлашга олиб келади.

Назорат учун қўшимча саволлар

⇒ Соҳибкирон Амир Темур ва И.А.Каримовларнинг бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаменталь асослари борасидаги қарашларида умумийлик, ухшашлик, бир-бирини тулдирувчанлик жиҳатлари борми?

⇒ Бозор муносабатларига утиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қоладими?

⇒ солиқ тизими ўзига хос вазифани - фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тула даражада бажариши керакми?

⇒ солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси - ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат

ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатадими?

⇒ Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамайил - корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтирадими?

⇒ Ислохотнинг босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак». Бундай фикрни билдиришнинг асосида нималар ётади?

⇒ Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу билдирилган фикрни қандай изоҳлайсиз?

⇒ бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара утказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. Ушбу ўринда нималар назарда тутилаяпти?

⇒ бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим». Ушбу фикр республикамиз солиқ сиёсатининг мазмунини белгилаб беришда қандай ўрин эгаллайди?

ГЛОССАРИЙ

Таянч сўз ва ибора			Мазмун моҳияти талқини
<i>Ўзбек тилида</i>	<i>Инглиз тилида</i>	<i>Рус тилида</i>	
Сиёсат	polikey	Политика	Унинг оддий кўз илғамайдиган ёки ақл бовар қилмайдиган томонлари жуда кўп. Сиёсатда “коса тагида – косача”, “қизим сенга айтаяпман, келиним сен эшит” каби ҳолатлар кўплаб учрайди. Шунинг учун уни тўғри тушунишга ҳамма ҳам ҳар доим этарли даражада тайёр туравермайди. Сиёсатнинг жуда кўп ёки хилма-хил турлари (кўриниш-лари) мавжуд.
Молиявий сиёсат	Finankial polikey	Финансовая политика	Энг аввало, молиявий ресурсларнинг максимал ҳажмини шакллантиришга йўналтирилган (қаратилган) бўлиши керак. Чунки айнан молиявий ресурслар ҳар қандай ўзгаришларнинг моддий асосини ташкил этади. Шунга мувофиқ равишда молиявий сиёсатни аниқлаш ва уни шакллантириш учун давлатнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли маълумотлар зарурдир. Ҳуқуқий демократик давлатда молиявий статистиканинг кўрсаткичлари кенг жамоатчиликка ҳам тегишли бўлиши керак.
Солиқ сиёсати	Fiskal polikey	Фискальная политика	молиявий сиёсатнинг энг муҳим қисми (йўналиши) ҳисобланади. Беш юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида замонавий молия фани солиқларга нисбатан муносабатини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Бу муносабатлар қўйидагилардан ташкил топади:

			<ul style="list-style-type: none"> • солиқларсиз давлатнинг фаолият кўрсатиши мумкин эмас; • солиқли ундириш қатъий ўсиш тенденциясига эга; <p>оқилона солиқ остонасидан ўтилганидан сўнг табиий такрор ишлаб чиқариш жараёни бузилади – иқтисодиётнинг ўз-ўзидан бузилиши (емирилиши) содир бўлади.</p>
Емиссия сиёсати	Yemission poliky	Эмиссионна я политика	<p>миллий валютанинг барқарорлиги пул сиёсатининг таркибий қисмларидир (йўналишларидир). Эмиссион сиёсат муомала учун зарур бўлган пулнинг миқдорини аниқлашдан ташқари яна бошқа бир йўналишга эга. Бу йўналиш бюджет даромадларини кўпайтиришдир. Ана шу йўналиш алоҳида эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки маълум бир миқдорий чегарадан ўтилганидан сўнг пул тизими инфляцияга мойил (таъсирчан) бўлиб қолади, яъни бюджет даромадларининг реал қадрсизланиши содир бўлиши мумкин. Агар қандайдир бир сабабларга кўра давлат ўз пул тизимини тартибга солишга қодир бўлмаса, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур этади.</p>
Харажатлар сметаси	Kost estimation	Смета расходов	<p>Харажатлар сметаси бюджет ташкилотнинг молиявий режаси ҳисобланади. Унга қараб туриб конкрет бюджет ташкилотига нисбатан қандай бюджет сиёсатининг юргизилаётганлигини аниқлаш мумкин. Бюджет ташкилотини молиялаштириш даромад бўлмасдан, фақат ташкилотнинг харажатлари ҳажми ва уларнинг мақсадли йўналтирилганлигига тенг бўлган маблағларнинг</p>

			тушувидан иборат бўлганлиги учун смета даромадлар қисмига эга эмас. Смета асосида молия органлари ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларнинг ҳажмини аниқлайди ва у нарса жорий йилнинг бюджети таркибига киритилади.
Бюджет кредити	Budged kredit	Бюджетны кредит	Замонавий бюджет сиёсати намоён бўлишининг шаклларида бири бюджет кредити ҳисобланади. Чунки ҳозирги пайтда сарфланган маблағлари бюджетга қайтарилмайдиган (тикланмайдиган) бюджетдан молиялаш-тириш билан бир қаторда бюджет кредитларини бериш орқали корхоналарни кредитлаштириш ривожлана бошлади. Бюджет кредитлари тижорат банклари кредитлари ва бюджет ассигнованиялари ўртасида оралик ҳолатни эгаллайди. Бир томондан, бюджетдан молиялаштиришдан фарқли равишда бу кредитлар қайтарилиш ва тикланиш шарти билан берилса, иккинчи томондан, бу ссудалар бўйича фоизлар умуман олинмайди ёки олинса, уларнинг даражаси банк кредитларининг фоизлари даражасидан анча паст бўлади.
Солиқ солишнинг аниқлиги принципи	The principle of accuracy of taxation	Принцип точности налогообложения	солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципи сифатида эътироф этилар экан, у аввало, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида акс эттирилаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ бўлиши кераклигини тақозо этади. Шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қандай солиқлар ва бошқа

			мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши лозим.
Солиқ тизимининг ягоналиги	Profit	Прибыль	принципи солиқ тўғриси-даги қонун ҳужжатларининг яна бир муҳим принципи ҳисобланади. Унга мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, бир томондан, солиқ тизимининг мамлакат бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягоналиги ва иккинчи томондан, мамлакатнинг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топмоғи лозим.
Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси	The taxpayer becomes a presumption of	Налогоплательщик становится презумпция	принципи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинмоғи зарур.
Давлат бюджетининг даромадлари	Revenue of Government Budget	Доходы государственного бюджета	мамлакат ялпи ички (мил-лий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш умумий жараёни-нинг

			элементларидан бири бўлиб, улар оралик (транзит) характерга эга
Тўғри (бевосита) солиқлар	Direkt (direct) taxes	Прямые (прямые) налоги	- ҳақиқий ва ҳуқуқий тўловчилари бир хил бўлган солиқ турлари (юридик шахс-ларнинг фойдасидан олинадиган солиқ; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар; ягона солиқ тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда) Давлат бюджетига ажратмалар; жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва тадбиркорлик фао-лияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даро-мадидан олинадиган қатъий солиқ)
Эгри (билвосита) солиқлар	Indirekt (indirect) taxes	Непрямые (косвенные) налоги	ҳуқуқий тўловчиси юридик шахслар ва ҳақиқий тўловчилари истеъмолчилар бўлган солиқ турлари (ҚҚС, акцизлар; божхона божлари; жисмоний шахслар-дан олинадиган ягона бож тўлови; транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқ)
Молия йили	Fiskal year	отчетный год	биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр.
Бозор ижтимоийизми	Market Socialism	Рыночный ижтимоийизм	Бозор ижтимоийизми турли хил иқтисодий тизимни қамраб олиб у маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва устувор иқтисодий институтлар ёки давлат томонидан ёки хусусий сектор билан ҳамкорликда бошқарилади, аммо бўлар бозордаги талаб ва таклиф асосида бошқарилади. Бу турдаги иқтисодиётнинг илдизи классик иқтисодиётга яни Адам Смит ва Рикард ижтимоийистлари

			назарияларига бориб тақалади.
Иқтисодий таъсир	Уeconomic affect	Экономичес кое влияние	Давлат иқтисодий ўсиш, ишчи куши ва нарх барқарорлигини таминлаш мақсадида фискал сиёсат орқали жами талабга таъсир қилади. Кейнс мактаби вакиллари фикрича давлат харажатларини ошириш ва ўз навбатида солиқлар даражасини пасайтириш жами талабни рағбатлантиришнинг энг зўр йўлларида бири дейди, харажатларни камайтириш ва солиқлар даражасини ошириш асосан иқтисодиётнинг кескин ўсиб кетганда яхши самара беради деб айтиб ўтишган.
Бюджет	Budget	Бюджет	<p>- инглиз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганда “хамён”, “маблағ” деган маъноларни англатади</p> <p>- белгиланган муддат учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ҳамда қонуний равишда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси</p> <p>- бюджет давлат даражасида, шунингдек, вилоят, туман хўжалик субъектлари, оила ёки шахс даражасида тузилиши мумкин.</p> <p>- бюджет уч хил маънода бўлади: иқтисодий маънода бюджет сўзи жамғармаларни турли бўғинда ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (пул) муносабатлари тизимини англатади; моддий маънода давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўз олдига қўйган вазифаларини таъминлаш мақсадида у ёки бу бўғинда ташкил қилинадиган марказлашган пул</p>

			жамғармаларини англатади; хукуқий маънода тегишли давлат ҳокимиятининг вакиллик органи томонидан тасдиқланган, тегишли ҳудуднинг марказлашган пул жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг молиявий режаси ҳисобланади.
Солиқ	Tax	Налог	- мажбурий, қайтарилмайдиган тўловлар - давлат органлари томонидан ишлаб чиқариш бирликларидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларидадан фойдаланганлари учун олинади.
Солиқ юки	the tax burden	Налоговая бремя	маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ) таркибидаги солиқлар миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдorigа нисбатига айтилади.
Акциядор	Stocck	Акциянер	акциянерлик жамиятининг акцияларига эгаллик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. Акциялар турли шаклларда бўлиши мумкин.
Акция	Stocck	акция	акциянерлик жамиятининг капиталига ҳисса қўшилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи қимматбаҳо қоғоз. Акция ўзининг эгасига дивидент шаклида фойдани бир қисмини олиш (ўзлаштириш) ҳукуқини беради.
Амортизация	depreciation	амортизация	келгусида асосий фондаларни тўлиқ қайта тиклаш учун пул маблағларини жамғариш ва

			<p>уларнинг қийматини тиклаш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматининг уларнинг эскиришига қараб узлуксиз ўтказиш жараёни. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташқи муҳитнинг таъсири натижасида асосий фондлар аста-секинлик билан эскиради, уларнинг моддий ва маънавий эскириши содир бўлади. Бунда меҳнат воситаларининг қиймати узлуксиз қисмларга бўлиниб, амортизация ҳисоблаш йўли билан норматив хизмат қилиш муддати давомида тайёр маҳсулотга ўтказилади.</p>
Адвалор солиқ	valorem tax	налог на стоимость	<p>товар қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, иморатга нисбатан кўпгина пошлиналар ва бошқалар киритилиши мумкин. Товарларни (импорт товарларни ҳам) жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.</p>
Баланс қиймати	the value of the balance	значение баланса	<p>бухгалтерия балансида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг пулда ифодаланган баҳоси.</p>
Баланс фойда	Balance profit	Балансовая прибыль	<p>маҳсулот таннархига киритиладиган барча ҳаражатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортулгунча қадар бўлган ялпи фойдадир.</p>

Бюджетдан ташқари фондлар	Non-budget funds	Внебюджетные фонды	ижтимоий: ижитмой суғурта фонди; пенсия фонди; бандлик фонди; мажбурий тиббиёт суғуртаси фонди; б) ноижтимоий: йўл фонди; экология ва бошқа фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида консолидацияланади.
Бюджет дотацияси	budget subsidies	бюджетные субсидии	ўз даромадлари ва бюджет томонидан тартибга солинадиган барча маблағлар этишмаган ҳолда қўйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қўйи бюджетга текинга (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.
Бюджет профицити	budget surplus	бюджетный избыток	муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.
Бюджет ссудаси	budget loan	бюджетный кредит	юқори бюджетдан қўйи бюджетга ёки республика бюджетдан резидент – юридик шахсга ёки хориж давлатига қайтариш шarti билан ажратиладиган маблағ.
Бюджет тизими	budget system	бюджетная система	турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.
Бюджет субвенцияси	budget subventions	бюджетных субвенций	конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маълум мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори бюджетдан қўйи бюджетга текинги (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.
Бюджет ташкилотлари	budget organizations	бюджетные организации	Давлат бюджетидан унга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ фаолиятни

			молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.
Бюджети тақчиллиги	budget deficits	дефицит бюджета	(дефицити, камомади) – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.
Бюджет трансферти	budget transfer	перевод бюджета	бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколотли орган орқали ҳақ олмай (текинга) ажратиладиган пул маблағлари.
Боқиманда	arrears	задолженность	белгиланган муддатда ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг суммаси.
Бож пошлиналари	custom duties	таможенные пошлины	истеъмол солиқларининг таркибига киради. Уларнинг мақсади даромад олиш бўлмасдан, балки ички бозорни, миллий саноатни ва қишлоқ хўжалигини химоя қилишдир. Давлат иқтисодий сиёсатининг инструменти сифатида майдонга чиқади. Импорт қилинадиган товарларнинг баҳоси билан ички бозордаги худди шунга ўхшаш товарларнинг боҳасини тенглаштириш лозим.
Бож пошлиналарининг ставкалари	Rates of duty poshlinalar inig	Ставки пошлины	хукумат томонидан ўрнатилиб, ягона ҳисобланади ва чегарадан товарларни олиб ўтувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзармасдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни оператив равишда тартибга солишнинг инструменти бўлиб хизмат қилади. Уларнинг қўйидаги турлари бўлиши мумкин: а) адвалор ставкалар (бож ундириладиган товарнинг бож

			қийматига нисбатан фоизда ўрнатилади);
			б) махсус ставкалар (бож ундириладиган товарнинг бирлигига нисбатан аниқланади);
			в) комбинациялаштирилган ставкалар (бож ундиришнинг дастлабки икки варианты қўлланилади).
Бож декларацияси	Customs Declaration	таможенная декларация	миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзига чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар, пассажир юкки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган хужжат. Бу хужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда асос бўлиб ҳисобланади.
Давлат бюджети даромадлари	Revenues of the state budget	Доходы государственного бюджета	ўз таркибига қўйидагиларни олади: 1) қонун хужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) қонун хужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларша ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун

			хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.
Давлат бюджетининг касса ижроси	Cash execution of the state budget	Кассовое исполнение государственного бюджета	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.
Давлат бюджети	State budget	госбюджет	давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.
Давлат ички қарзлари	Government domestic debt	Правительств о внутренний долг	давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида пайдо бўлган хумумат мажбуриятларининг йиғиндиси.
Давлат солиқ инспекцияларининг вазифалари ва функциялари	State tax inspection tasks and functions	Государственные задачи и функции налоговой инспекции	1) солиқ тўловчиларнинг (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам қўшиб ҳисобланганда) тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш; 2) солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини, солиқ ҳисобкитобларини, ҳисоботларни, декларациялар ва тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган барча хужжатларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш, шунингдек фойда, даромад, солиққа тортишнинг бошқа объектларини тўғри

			<p>аниқланганлиги ва ҳисобланганлиги бўйича бу ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш; 3) бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганларга нисбатан молиявий санкциялар (жазолар) қўлланилишининг тўғрилигини таъминлаш; 4) корхона, ташкилот ва муассасалардан фойда (даромад)нинг ёки солиққа тортишнинг бошқа объектлари пасайтирилганлигидан (камайтирилганлигини) далолат берувчи ҳужжатларни кўриш, уларнинг мазмунини қайд этиш ва олиб қўйишни амалга ошириш (тегишли ҳужжатларни олиб қўйиш учун асос бўлиб солиқ инспекцияси мансабдор шахсининг асосланган қарори хизмат қилади); 5) мусодара қилинган ва эгасиз мулкларни, шунингдек, мерос қилиш ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтказилган мулкларни ҳамда топилмаларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва релизация қилиш ишларини амалга ошириш; 6) бюджетга тушиши лозим бўлган ва ҳақиқатда тушган солиқлар ва бошқа тўловларнинг оператив – бухгалтерия ҳисоби юргизиладиган ҳужжатларни банклар, молия органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан олиш; 7) давлат солиқ инспекцияларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бухгалтерия ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бюджетга солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш,</p>
--	--	--	--

			шунингдек, тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар тақдим этилмаганда ёки уларни тақдим этишдан бўйин товланган ҳолларда корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқароларнинг банк ҳамда бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш; 8) ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқ ва йиғимларни қайтаришни амалга ошириш; 9) юқори солиқ органларига бюджетга ҳақиқатда келиб тушган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммаси ҳақидаги маълумотни тузиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш; 10) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул муомаласи ва назорат-касса машиналарининг қўлланилишига нисбатан қонунчилик талабларининг бажарилишини назорат қилишдан иборат.
Давлат ташқи қарзи	State foreign debt	Государственный внешний долг	давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.
Давлат қарзи	State debt	Государственный долг	давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.
Даромадлар тўғрисида декларация	Income deklaration	декларация о доходах	Двидентлар – тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир аксия учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда – ҳар чоракда) тўланадиган даромад.
Дотация	subsidy	субсидия	давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда

			<p>бериладиган пул маблағлари, (зиён) ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабаларга кўра вужудга келган пайтда истисно тариқасида дотация берилиши мумкин.</p>
<p>Даромад солиғининг шедуляр шакли</p>	<p>Shedulyar income tax form</p>	<p>Шедуляр форма налога на прибыль</p>	<p>Буюк Британия солиқ тизимида қабул қилинган. Даромаднинг манбаини инобатга олган ҳолда унинг қисмларга (шедулярга) бўлинишини тақозо этади. Ҳар бир шедул ўзига манбаи олдида “тутиш”ни мақсад қилиб кўяди. Мамлакатда бу соҳада олти шедул амал қилиб, уларнинг айримлари Яна ички тақсимланишга ҳам эгадир. Масалан, “А” шедул ўз таркибига мулкдан олинадиган даромадларни (ерга мулкчиликдан, бино ва иншоотларга эгаликдан, уй ёки хонани ижарага беришдан олинадиган даромадларни), “В” шедул тижорий мақсадлар учун фойдаланиладиган ўрмон массивларидан олинадиган даромадларни, “С” шедул давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромадларни, “Д” шедул тижорий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромадларни (бу шедулнинг таркибига даромадларнинг жуда кўп турлари кирганлиги учун унинг ўзи яна олти қисмга бўлинган), “Е” шедул иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа меҳнат даромадларни ва ниҳоят, “Ф” шедул Буюк Британия компаниялари томонидан тўланадиган дивидендлар ва</p>

			бошқа тўловларни ўз ичига олинади.
Даромад солиғи бўйича жаримлар	Income tax penalties	По налогу на прибыль штрафы	Ушбу солиқ тўланмаганда, нотўлиқ тўланганда ёки тўлаш тартиби бузилганда (риоя қилинмаганда), пулни ундириш, моддий таъсир кўрсатишдан иборат. Ўз вақтида ушлаб қолинмаган, нотўлиқ ушланган ёки тегишли бюджетга ўтказилмаган солиқ суммалари жисмоний шахсларга даромад тўлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалардан ундиришга мўлжалланган сумманинг 10% ҳажмидаги жаримани биргаликда қўшиб, солиқ органлари томонидан сўзсиз ундириб олинади.
Даромадлардан олинadиган солиқ	Income tax	налог на прибыль	фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташқари) олинган дивидентлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан тўланади.
Икки марта солиққа тортиш	Double taxation	Двойное налогообложение	1. Турли солиқларни даромад (капитал)нинг ягона манбаидан олиниши; 2. Қўшма корхона хорижий иштирокчисининг фойдасини хорижга ўтказилаётган пайтда солиққа тортиш ва худди шу фойдани хорижий иштирокчи мамлакатда солиққа тортилиши;

			3. Соф фойда (даромад) (корпорациялар фойдаси) в ундан тўланадиган дивидентларни улар шахсий даромадга айланаётган пайтда солиққа тортиш. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни бу мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбаини иккинчи мамлакатда олиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан қутилиш мумкин.
Инвестицион солиқ кредити	Investment tax credits	Инвестиционные налоговые кредиты	Солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жуда муҳим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд аҳолисига жуда муҳим хизматни тақдим этганлиги учун унга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган энгиллик, имтиёз (солиқ тўловини кечиктирилиш). Бу кредит солиқ тўлови ва маҳаллий маъмурият ўртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирилади.
Имтиёз	privilege	Привилегия	маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.
Импорт-экспорт солиғи	Import-export tax	Импорт-экспорт налог	солиққа тортишнинг кўринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва микдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

Импорт солиғи	import tax	налог на импорт	бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар ана шундай солиқ таркибига киради. Бож пошлиналарини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бир қисми маҳаллий бюджетларга бориб тушади.
Йиғимлар	Tolls	Пошлины	қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотраспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар киради.
Квотатив солиқлар	Cvotativ taxes	налоги Квотатив	даромад ёки мулк қийматининг пулдаги фойдасига нисбатан ставкаси фойдаланган солиқлар.
Моддий харажатлар	material koss	материальны е издержки	хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи

			<p>иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комиссиян мукофотлар, бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва этказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.</p>
<p>Муомала харажатлари</p>	<p>cost of treatment</p>	<p>стоимость лечения</p>	<p>товарлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Бу харажатларлар икки кўринишда бўлиши мумкин; 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (товарларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоқлаш ва бошқалар). Муомала харажатлари абсолют суммаларда ва товар-оборотга нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.</p>
<p>Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар</p>	<p>Local taxes and fees</p>	<p>Местные налоги и сборы</p>	<p>маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари. Уларнинг таркибига қўйидагилар киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун қиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар.</p>

Маҳаллий бюджет	The local budget	местный бюджет	Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.
--------------------	---------------------	-------------------	---

“Бюджет-солиқ сиёсати” фанидан тестлар

#Давлат Бюджети молиявий режанинг қандай турига киради?

- + Асосий молиявий режа
- Молиявий режалардан бири
- Бюджет ташкилотлари режаси
- Йиғма ҳаражатлар сметаси

#Давлат Бюджети лойиҳаси охир оқибат қайси юқори турувчи органнинг хулосаси билан тасдиқланади

- + Ҳисоб палатаси
- Вазирлар Макамаси
- Молия Вазирлиги
- ЎзР Сенати, Молия Вазирлиги

#Ўзбекистон Республикасида вилоят, туман ва шаҳарлар Бюджети ижросида дефицит бўлишига йўл қўйиладими?

- + Йўқ, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий вазиятда юқори Бюджет қўйи Бюджетни маблағ билан таъминлқайди.
- Давлат Бюжетида маблағларни борлигига уларни бюджет маблағларини олувчиларига қараб
- Бу ҳолат музоқара йўли билан бқилинади, аммо маблағ билан таъминланиш масаласаси муҳим
- Қўйи Бюджетнинг мурожатига қараб хал ққилинади, аммо юқори бююжетнинг розилиги билан

#Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари қайси ҳужжатда тўлароқ ўз аксини топади.

- + ЎзР Бюджет параметлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги ЎзР Президентининг қарорларида
- ЎзР Солиқ Кодексида, ЎзР Бюджет кодекси ва Жиноят кодексида
- ЎзР Жиноят Кодексида, ЎзР Вазирликларнинг буйруқлари ва фамонларида
- ЎзР Вазирликларининг буйруқларида, ЎзР ДСҚ буйруқларида ва Солиқ кодексида

#Давлат Бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қайси орган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади?

+ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасиси

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ғазначилик бош бошқармаси

- Ўзбекистон Республикасининг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари

- Ўзбекистон Республикаси Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси

#Давлат Бюджетига Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида” ги қонунда қандай таъриф берилган?

+ Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобқайнида ани мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

- Давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини молиявий таъминлаш мақсадида маълум ват орқалиида (йил, чорақ, ой) вужудга келтирадиган асосий молиявий режасидир.

- Давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, ани мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

- Давлатнинг асосий молиявий режаси бўлиб, унда молия йили мобқайнида даромадлар ва ҳаражатлар миқдори акс этади

#Мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки қандай аниқланади?

+ Молия йилидаги ЯИМ миқдорини солиқлар миқдорига нисбати орқали

- Молия йилидаги Бюджет даромадларини мамлакатдаги солиқлар миқдорига нисбати орқали

- Молия йилидаги миллий даромад миқдорини солиқлар миқдорига нисбати орқали

- Молия йилининг биринчи чорагидаги ЯИМ солиқлар миқдорига нисбати орқали

#Давлат Бюджети қандай функцияларни бажаради?

+ ЯИМни қайта тақсимлаш ва назорат функциялари

- Назорат ва вақтинча бўш пул маблағларини қайта тақсимлаш функциялари
- қиймат ўлчови, қайта тақсимлаш функциялари ва муомила воситаси функцияси
- Молиявий-иқтисодий ва тартибга солиш, назорат функциялари

#Қайланима касса маблағи меъёрига таъриф қайси жавобда тўғри келтирилган?

- + молия йилида республика Бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси Бюджети ва Бюджетлар ҳисобташқилларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори
- Бюджетларда молия йили давомида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг миқдори
- Давлат Бюджетининг ягона ғазна ҳисобрақамида мавжуд бўлган маблағлар миқдори
- Давлат ва маҳаллий бюджетларнинг ягона ҳисоб рақамида мавжуд пул маблағлари миқдори

#Нима учун Бюджет классификация ққилинади?

- + Бутун мамлакат миқёсида Бюджет даромадлари ва ҳаражаталарининг тўғри режалаштириш ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун
- Даромад ва ҳаражатларни тўлиқ амалга ошириш ва назорат қилиш учун
- Бюджетнинг даромад ва ҳаражатларидан тежамкорлик ва самарали фойдаланиш учун
- Бюджет даромадлари ва ҳаражатларни кўпқайтириш

#Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда иштирок етувчи асосий ижрочи давлат органини кўрсатинг.

- + ЎзР Вазирлар Макамаси
- ЎзР Молия Вазирлиги
- ЎзР Ҳисоб палатаси
- ЎзР Давлат Солиқ қўмитаси

#Монетар сиёсатнинг мохиятини кўрсатинг.

- + Пул-кредит сиёсати
- Бюджет – солиқ сиёсати

- Божхона сиёсати, Солиқ сиёсати
- Антимонопол сиёсат, мониторинг сиёсати

#Ўзбекистон Республикасида ижтимоий солиқ миқдори 2023 йилда неча фоизни ташкил этади?

- + 12-25%
- 12-26%
- 13-28%
- 10-20%

#Ҳисоб палатаси қайси юқори турувчи органга бўйсунди?

- + ЎзР Президенти девони
- ЎзР Вазирлар Мақамаси, ЎзР Қўйи палатаси
- ЎзР Молия Вазирлигига ва ЎзР Юқори палатаси
- ЎзР Юқори ва қўйи палатаси

#Молиявий сиёсатнинг таърифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган

- + Молиядан фойдаланишнинг методлари, уни ташкил қилишнинг амалий шакллари ва методологик принципларининг мажмуи
- Молиявий муносабатларни тартибга солишнинг шакл усуллари мажмуи ва амал қилиш тартиби
- Вазифаларни бевосита ечиш учун кадрларни танлаш билан боғлиқ методлар мажмуи
- Молиявий муносабатларни босқичма-босқич тартибга қўйиш мажмуи ва самарали бошқариш

#Молиявий сиёсатни амалга ошириш принциплари қайсилар?

- + Жавобларнинг барчаси тўғри
- Молиявий бошқарувни амалга ошириш
- Молиявий муассасалар функцияларининг умумийлиги
- Қўйи органларнинг иштирокида марказдан умумий бошқариш

#Молиявий сиёсатнинг мазмуни нималарда намоён бўлади?

- + Жавобларнинг барчаси тўғри.
- Жамият тарҳақиётида давлатнинг роли тўғрисидаги фаннинг ривожланиш даражсига мувофиқ
- Иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокининг даражасини аниқлайдиган тегишли назарий концепциялар орқали

- Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг алоҳида инструментларидан фойдаланиш туфқайли

#Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари

- + Жавобларнинг барчаси тўғри қўйилган.
- Бюджет сиёсати, солиқ сиёсати, кредит сиёсати
- Пул сиёсати, бао сиёсати, инвестиция сиёсати
- Бож сиёсати, ижтимоий молиявий сиёсат

#Бюджет ташкилотлари томонидан тузилган сметаларни молия органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш муддати?

- + Худудий Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун муддат ичида қайрим сабабларга кўра йил бошлангунга қадар
- Худудий Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 20 кун муддат ичида
- Худудий Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 15 кун муддат ичида
- Худудий Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун муддат ичида

#Давлат Бюджети қабул қилинимаса ҳаражатлар қандай шартларга риоя этган ҳолда амалага оширилади?

- + Аввалги молия йилининг сўнгги 3 ойининг 1/3 қисмидан орти бўлмаган миқдорларда ҳар ойда
- Аввалги молия йилидаги Бюджет ҳаражатларининг ўртача 1 ойлик миқдори кўринишида
- мажбурий тўловлар тўлаш тартиб ўз кучини 4 ойгача йўқотмаган ҳолда
- Аввалги солиқа тортиш ва молия йилини 6 ойлик миқдори кўринишида

#Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари қайси орган томонидан белгиланади.

- + Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан
- Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамаси томонидан
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси томонидан

#Қайси жавобда йиғимлар таркиби тўғри берилган?

+ Алоҳида товарларни сотиш ҳуқуқи учун йиғим, ҳудудларни ободонлаштириш учун йиғим, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, автотранспортни сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатганлик учун йиғим

- Савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, реклама йиғими, алоҳида товарларни сотиш ҳуқуқи учун йиғим, ҳудудларни ободонлаштириш учун йиғим

- Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган йиғим, савдо ҳуқуқини берувчи йиғим, қимматли ўзларни рўйхатдан ўтказувчи йиғим

- Маориф ташкилотларининг эҳтиёжи учун йиғим, деҳқон бозоридаги бир марталик йиғим, автомобилларни олиб сотганлик учун йиғим

#Бюджетнома таркибига қўйидагилардан қайси бири киритилмайди?

+ Мамлакат пул-кредит сиёсатининг келгуси йилги асосий устувор йўналишларига қисқа шарҳлар бериш

- Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва жорий йилги яқунларининг башорат баҳоси

- Давлат Бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги кутилаётган ижроси баоси

- Келгуси йилга мўлжалланган мамлакат пул-кредит сиёсатида кутилҳаётган бюджетнинг ижроси

#Давлат Бюджети лойиҳасини тузишга асос бўлган (келгуси йилнинг) асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қўйидаги методлардан қайси биридан фойдаланилмайди?

+ Математик моделлаштириш

- Иқтисодий таҳлил методлари ва усуллари

- Норматив, экстрополяция, норма

- Экстрополяция, номатив, таҳлил

#Давлат Бюджетининг ижросини таъминлашда хал этилишига жиддий еътибор берилиши лозим бўлган масалаларга қўйидагилардан қайси бири киритилмайди?

+ Давлат Бюджети дефицитини қоплаш

- Давлат Бюджети даромадларини шакллантириш ва сарфлаш
- Давлат Бюджети маблағларини мақсадли сарфлаш
- Давлат Бюджети даромадлари ва ҳаражатларини бошқариш

#Бюджет ҳаражатларининг ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий боқичларини кўрсатинг

- + Келтирилган барча жавоблар тўғри
- Бюджет ҳаражатлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш
- Бюджет мажбуриятларининг лимитлари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уни
- Бюджетдан маблағ олувчилар ва тақсимловчиларга етказиш

#Унитар давлатларнинг солиқ тизими нечта бўғиндан таркиб топади?

- + Умумдавлат солиқлари, солиқлар ва йиғимлар
- Давлат солиқлар, федерация аъзоларининг Бюджетларига бириктирилган солиқлар
- Прогрессив солиқлар, регрессив солиқлар, бевосита солиқлар
- Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва юридик шахслардан олинадиган солиқлар

#Бюджет ташкилотлари томонидан тузилган сметаларни молия органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш муддати қандай белгиланган?

- + Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб ва 40 кун муддат ичида
- Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб, 50 кун муддат ичида
- Бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб, 30 кун муддат ичида
- Молия йили бошлангандан бошлаб, 20 кун муддат ичида

#Бюджет таснифи ким томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиланади?

- + Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар маҳкамаси
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамаси, Давлат Солиқ қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ҳисоб палатаси

#Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайси муддатда киритилади?

- + Жорий йилнинг 15 октябригача
- Жорий йилнинг 10 декабригача
- Жорий йилнинг 25 июнигача
- Жорий йилнинг 28 сентябригача

#Ўзбекистон Республикасида давлат Бюджети лойиҳасини ким тайёрлайди?

- + Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Президент Девони, Ҳисоб палатаси
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қўйи ва юқори палатаси

#Бюджет тасдиқлангандан сўнг қандай давр ичида Бюджет ташкилотлари харажатлари истикболнинг тўғрилигини текшириш ўтказилади

- + 10 кун давомида
- 5 кун давомида
- 20 кун ичида
- квартал мобайнида

#Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган ва нечта моддадан иборат?

- + 14 декабр 2000 йил 43-моддадан иборат
- 16 декабр 2001 йил, 44-моддадан иборат
- 18 декабр 2000 йил, 42-моддадан иборат
- 12 декабр 2002 йил 45 моддадан иборат

#ЎЗР Бюджет кодекси қачон қабул қилинган?

- + 2013 йил 26 декабр
- 2012 йил 22 декабр
- 2014 йил 27 ноябр
- 2013 йил 25 май

#Ўзбекистон Республикасида давлат Бюджети билан бирга тасдиқланувчи Бюджетдан ташқари махсус, мақсадли пул жамғармалари таркибига қўйидаги жамғармалардан қайси бирлари киради?

- + Бандлик фонди, Пенсия фонди, Йўл фонди, Давлат Мулк кўмитаси махсус ҳисоб рақами
- Пенсия фонди, Бандлик фонди, Ижтимоий суғурта фонди, Йўл фонди, Мактаб фонди
- Пенсия фонди, Йўл фонди, Инвестиция фонди, Бандлик фонди, Мактаб фонди
- Иш ҳақи фонди, Йўл фонди, Бандлик фонди, Инвестиция фонди, Жамғарма фонди

#Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида” ги қонунда Бюджет тизимига қандай таъриф берилган?

- + Турли даражадаги Бюджетлар ва Бюджет маблағи олувчилар йиғиндисини, Бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, Бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек Бюджетлар ҳамда Бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди
- Турли даражадаги Бюджетларнинг даромадлари ва ҳаражатлари, Бюджет маблағи олувчиларнинг йиғиндисидир
- Бюджет бўғинларининг ўртасида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг йиғиндисидир
- Турли даражадаги Бюджетлар йиғиндисини, Бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини

#Молия фанини солиқларга нисбатан муносабати нималардан ташкил топади?

- + Барча жавоблар тўғри.
- Солиқларсиз давлатнинг фаолият кўрсатиши мумкин эмас
- Солиқли ундириш қатъий ўсиш тенденциясига эга
- Инқироз даврида солиқлар мумкин қадар минимал даражада ўрнатилмоғи лозим

#Корхона молиявий сиёсатининг мақсади нималардан иборат

- + Барча жавоблар тўғри.
- рақобат кўраши шароитида корхонанинг соғлом ҳаёт кечиришига (фаолият кўрсатишига эришиш);
- рақобатчилар билан кўрашда етакчиликка (лидер бўлишга. эришиш);
- йирик молиявий муваффақиятликлардан ва банкротга;

#Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда қўйидагилардан қайси бирининг бўлиши аҳамиятга эга эмас?

- + Барча даражадаги ижтимоий эҳтиёжлар ва уларни қондириш чораларини аниқлаган ҳолда молиявий ресурслардан фойдаланиш
 - тақсимлаш муносабатларининг субъектларини танлаш, ресурсларнинг эгалари ва тақсимловчиларини танлаш;
 - давлатнинг функцияларига боғлиқ равишда давлат ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг даражасини аниқлаш
 - молиявий ресурсларни шакллантиришнинг манбалари ва методларини танлаш.

#Бюджет сиёсати нималарда ўз ифодасини топади?

- + Барча жавоблар тўғри.
 - Бюджетда концентрация қилинадиган (тўпланадиган) ЯИМ ҳиссасини аниқлашда ҳамда Бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлаш
 - Мамлакат юқори ва қўйи органларининг ўзаро муносабатларида ҳамда турли даражадаги Бюджетлар ўртасида ҳаражатларни тақсимлаш
 - Бюджет ҳаражатлар қисмининг таркибий тузилишида ҳамда давлат қарзини бошқариш

#Давлат Бюджетининг ижросини таъминлашда ҳал этилишига жиддий еътибор берилиши лозим бўлган масалаларга қўйидагилардан қай бири киритилмайди?

- + Давлат Бюджети дефицитини қоплаш
 - Давлат Бюджети даромадлари ва ҳаражатларини шакллантириш
 - Давлат Бюджети маблағларини мақсадли сарфлаш
 - Давлат Бюджети даромадлари ва ҳаражатларини бошқариш

#Давлат Бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қайси орган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади?

- + Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасиси
 - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия бошқармаси
 - Ўзбекистон Республикасининг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари
 - Ўзбекистон Республикаси Президент девони, ЎЗР Сенати

#Молиянинг функциялари молиянинг қандай механизмлари орқали амалга оширилади?

- + Барча жавоблар тўғри.
- Молиявий қонунчилик
- Молия тизимини бошқариш шакллари
- Молиявий режалаштириш методлари

#Бюджет тизими федератив Бюджет тузилмаси ега давлатларга қайси мамлакатлар мисол бўла олади?

- + ГФР, Канада; АҚШ, Россия, Швеция
- ГФР, Россия, Англия, Италия, Аргентина, Чехия
- Канада; АҚШ, Хитой, ГФР, Бразилия, Аргентина
- Россия, Швеция, Япония, Франция, Италия, Аргентина

#Бюджет тизимининг моҳияти

- + Иқтисодий муносабатлар ва ҳуқуқий меъёрларга асосланган ҳамда ўзаро қонуний боғлиқликда ва алоқадорликда бўлган мамлакатнинг барча Бюджетлари йиғиндиси
- Бюджет даромадлари ва ҳаражатларининг йиғиндиси ва ҳуқуқий меъёрларига асосланган бюджетлар йиғиндиси
- Марказий Бюджет ва Бюджетлар йиғиндиси ва бюджет даромадлари ва ҳаражатлари йиғиндиси
- Молия тизимининг марказий бўғини, бюджет даромадлари ва ҳаражатларини оқилона йиғиндиси

#Бюджет орқали тартибга солиш

- + Бюджетлар ўртасида пул маблағларини қайта тақсимлаш тизими бўлиб, марказий Бюджет маблағларини қўйи бўғин Бюджетларига уларни баланслаштириш мақсадида берилишидир
- Бюджетга тушумларни ва ҳаражатлар йўналишларини давлат томонидан тартиблаштирилиши;
- Бюджетнинг даромад ва ҳаражатлар қисмларини баланслаштирилиши
- Алоҳида ҳудудлар Бюджет потенциялини яхшилаш юзасидан давлат тадбирлари

#Молия тизимининг қайси функцияси мақсадларни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг молиявий имкониятларини амалга ошириш билан боғлиқ?

- + режалаштириш
- назорат
- рағбатлантириш
- тақсимлаштириш

#Бюджет ташкилотлари ва Бюджетдан маблағ олувчилар учун ҳаражатлар неча турга бўлинади?

- + 4 та гуруга
- 2 та гуруга
- 3 та гуруга
- 1 та гуруга

#Ўзбекистон Республикасида ташқи инвестицияларни жалб қилиш, импорт ва экспорт масалаларини амалга оширишда асосий ижрочи вазирликни кўрсатинг.

- + ЎзР Ташқи ишлар Вазирлиги
- ЎзР Давлат Солиқ Қўмитаси
- ЎзР Марказий банки
- ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги

#Давлат корхоналарида ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда молиявий хўжалик фаолияти учун асосий жавобгар шахс ким?

- + Раҳбар
- Бош ҳисобчи
- Молиявий ҳужжатни тайёрлаган шахс
- Ижрочи ходим

#Молиявий сиёсат таркибида шартли равишда энг устувор сиёсат сифатида қайси сиёсат қаралади?

- + Бюджет-солиқ сиёсати
- Божхона ва иқтисодий сиёсати
- Ижтимоий-иқтисодий сиёсат
- Қимматли қоғозлар бўйича сиёсат

#Қўйидагилардан қайси бири молиявий сиёсатнинг таркибий қисмига кирмайди?

- + Инфляцияни олдини олиш сиёсати
- Пул-кредит сиёсати, инвестиция сиёсати

- Ижтимоий молиявий сиёсат, бюджет-солиқ сиёсати
- Қимматли қоғозлар бўйича сиёсат

#Молиявий бошқарувнинг умумий бошқарув органи қайси?

- + Вазирлар мақамаси
- Президент девони, Вазирлар мақамаси
- Олий мажлис, Молия вазирлиги
- ЎзР Давлат Солиқ Қўмитаси

#Молиявий бошқарувнинг марказий органи қайси?

- + Молия вазирлиги
- Вазирлар мақамаси
- Олий мажлис
- Ҳисоб палатаси

#Ривожланган мамлакатларда бевосита ва билвосита солиқларнинг ўзаро нисбати қандай нисбатда белгиланган?

- + Бевосита солиқлар 65-70%, билвосита солиқлар 30-35%
- Бевосита солиқлар 35-40%, билвосита солиқлар 55-60%
- Бевосита солиқлар 50-55%, билвосита солиқлар 45-50%.
- Бевосита солиқлар 70-75%, билвосита солиқлар 85-90%

#...солиқа тортиш ставкаларининг юқори даражада, солиқ тўловчиларнинг кўп ва камро имтиёзларининг бўлишини таозо этади

- + Ижтимоий(ижтимоий модел)
- либерал модел
- Минтақавий модел
- Тўғри жавоб йўқ

#Либерал модел ифодаси:

- + Хўжалик жараёнларида давлатнинг кам аралашуви
- Хўжаликжараёнларида давлатнинг бош ислоотчи еканлиги
- Давлатнинг солиқ бўйича имтиёзларининг қабул илиниши
- Хўжалик субъектларида солиқлар тўланишидаги давлат назорати

#Солиқ сўммасини бугунги кунда нималарга бўлаб тасдиқлаш керак?

- + Барча жавоблар тўғри.

- Солиқа солинадиган объектнинг сўммасига;
- Объектга солиқ ставкасиага нисбатан;
- Солиқнинг сўммаси солиқнинг сонига;

#Солиқ юки нисбатан оир ва у солиқ тўлоовчилар ўртасида ноекис тақсимланганлиги муаммосининг асосий сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин?

- Солиқ қонунчилиги(тизими)да тез-тез ўзгаришларнинг содир бўлиши
- Солиқларнинг ставкалари, солиқларни тўлаш муддатларининг тез-тез ўзгариб туриши
- солиқларнинг бекор илиниши ва уларнинг ўрнига янги солиқларнинг жорий этилиши
- + Барча жавоблар тўғри

#Солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида тақсимлашда ёки тегишли молиявий асорни қабул қилишга тўсинлик илувчи(вақтинча тўхтатиб турувчи) манба нима?

- + Солиқ қонунчилиги
- Давлатнинг молиявий сиёсати
- Бюджет-солиқ сиёсати
- Давлат монетар сиёсати

#Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг принциплари қайси бандда тўғри кўрсатилган?

- + Субъектларнинг мустҳақил фаолият кўрсатишига шароит яратиш
- Субъектларнинг хатти аракатига боғлиқ бўлмаган даромадларни улар ихтиёрида олдириш
- Корхонанинг режалаштирилган эҳтиёжидан ортган қисмини ривожлантириши учун олдириш
- Барча жавоблар тўғри

#Ўзбекистон республикасида Бюджетдан ташқари пенсия фонди қачон ташкил этилган?

- + 1996 йил 27 декабрда
- 2000 йил 31 декабрда
- 1997 йил 26 декабрда
- 1994 йил 1 декабрда

#Ўзбекистонда янги солиқ турларини жорий этиш ва уни бекор этиш қайси ваколатли орган зиммасига юклатилган?

- + Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси

#Бюджет даромадларини тўғри ва ўз ватида келиб тушишини назорат қилиш давлатнинг қайси ваколатли органи томонидан амалга оширилади?

- + Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

#Ўзбекистон Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг фундаментал асоси бўлиб энг аввало қайси буюк шахсни тилга оламиз?

- + А.Темурнинг хизматлари
- қўқон хони Амир Олимхоннинг солиқ сиёсати
- Мирзо Улуғбек солиқ тизими
- З.М.Бобурнинг хизматлари

#Солиқ тизимининг олдига қўйилган асосий вазифалари қайсилар?

- + Барча жавоблар тўғри.
- Фискал(хазина тўлдириш)
- қайта тақсимлаш
- Рағбатлантириш

#Қўйидагилардан қайси бири Республика Бюджети даромадлари ҳисобланмайди

- + ҳокимият органларига қарашли мулкдан фойдаланишдан олинган даромадлар
- давлат молиявий фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар
- чет давлатларига берилган ссудаларини қайтириш ҳисобига берилган тўловлар

- юридик ва чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари

#Қўйидагилардан қайси бири Қорақалпоғистон Республикаси Бюджети ва Бюджетлар даромадлари ҳисобиланмайди

+ резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган Бюджет ссудаларини қайтириш ҳисобига берилган тўловлар

- умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар

- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари

- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, адя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари

#Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган Бюджет даромадлари тизимининг самарадорлиги нималарга боғлиқ

+ Барча жавоблар тўғри.

- Бюджетга тегишли бўлган даромадларни (солиқлар, тўловлар, божлар, ажратмалар ва бошқаларни) ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш

- Маблағлар тушумининг ажми ва муддатларини аниқлаш тартиби

- Бюджетга даромадларни ўз ватида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими

#Федератив давлатларда солиқ тизимининг таркибий тузилиши қандай

+ солиқларни ҳисоблаш ва ундиришнинг алоҳида прициплари ва механизмнинг мавжудлиги

- Давлат солиқлари

- Федерация аъзоларининг Бюджетларига бириктирилган солиқлар солиқлар ва йиғимлар

- солиқларнинг икки асосий тури биргаликда қўлланилаётганлиги ва хизматларга солиқ календарига мувофиқ солиқларни тўлашда аниқ кетма-кетликнинг қонунчилик билан ўрнатилганлиги

#Ҳозирги кунда солиқ сиёсатида тасдиқланган солиқ имтиёзларининг энг катта қисмини қайси солиқ тури егаллаган?

+ Қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар

- Юридик шахс даромад солиғи бўйича имтиёзлар
- ер солиғи бўйича бериладиган имтиёзлар ва бонуслар
- жисмоний шахсларга мулк солиғи бўйича имтиёзлар

#Солиқлар бўйича имтиёзларнинг берилиши ўз олдига қанақа мақсадни қўяди?

- + Барча жавоблар тўғри.
- Тадбиркорларнинг фаолиятига кенг қулоч ёяди
- Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аволи кескин яхшиланади
- Тўлов оборотидаги муаммоларни барам топтириш, корхоналар Бюджет олдига мажбуриятларини ўз ватида тўлиқ бажаришлари

#Солиқ имтиёзларининг етарли даражада эмаслиги нимани ифодалайди

- + Солиқлар томонидан етарли даражада солиқ тўловчини рағбатлантирилмаганлигини
- Солиқ солиққонган объектни қийматининг пастлигини
- Солиқ тўловчиларнинг давлатга ставкадан кўп миқдорда солиқ тўлашини
- Барча жавоблар тўғри

#Тегишли ҳужжатда олинган даромаднинг маълум бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга сарфланса

- + шу қисмига солиқ солинадиган даромад камайтиради
- Корхонанинг тўлов балансидан даромад солиғи олиб ташланади
- Шу қисмдан солиқ умуман ундирилмайди ёки уларга имтиёз қўлланилади
- Солиқ имтиёзлари меъёридан кўпроқ даражада берилади ва маълум қилинади

#Солиқлар бўйича имтиёзларнинг берилиши давлатга ва Бюджетга бўлган бир қисмининг қайси бўлим ихтиёрида қолдирилишини аниқлатади?

- + Хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида
- Давлат Бюджет корхоналарида(ташкилотлар муассалар)
- Давлат солиқ қўмитаси ихтиёрида, туман солиқ институтлари ихтиёрида

- Барча жавоблар тўғри

#Солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари ким томонидан белгиланади.

+ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси томонидан

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан

#Қайси жавобда йиғимлар таркиби тўғри берилган?

+ Алоҳида товарларни сотиш ҳуқуқи учун йиғим, ҳудудларни ободонлаштириш учун йиғим, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, автотранспортни сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатганлик учун йиғим

- Савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, реклама йиғими, алоҳида товарларни сотиш ҳуқуқи учун йиғим, ҳудудларни ободонлаштириш учун йиғим

- Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган йиғим, савдо ҳуқуқини берувчи йиғим, қимматли ўзларни рўйхатдан ўтказувчи йиғим

- Маориф ташкилотларининг эҳтиёжи учун йиғим, деҳқон бозоридаги бир марталик йиғим, автомобилларни олиб сотганлик учун йиғим

#Бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари нима?

+ Қўйи Бюджетларга уларнинг номуносивблигини таъминлаш мақсадида ажратилган даромадлар

- Солиқ даромадлари ва тушумулар

- Режалаштирилганга нисбатан ортиқча тушган даромадлар

- Бюджет ссудалари ва Бюджет дотациялари

#Маҳаллий Бюджет таркибига бевосита қайси Бюджет қирмайди?

+ Республика Бюджети

- Туман Бюджети

- Вилоят Бюджети

- Шаҳар Бюджети

#Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисоб рақамининг шаклланиш манбаларини кўрсатинг

+ Барча жавоблар тўғри.

- Акционерлик жамиятига айлантирилган давлат корхоналарини аксияларини сотишдан тушган даромад
- Давлат мулки объектларини ауксионда, танловда, савдо биржаси ва савдо биржасидан ташқарида сотилганда
- Давлат мулкини ижарага беришдан тушган тўловлари

#Кўйида келтирилган харажат гуруларидан қайси бири маҳаллий Бюджетларнинг харажатлари ҳисобланади?

+ Аҳолини ижтимоий имога қилиш харажатлари

- Мудофаа харажатлари, бюджет тақчилигини қоплаш харажатлари
- Давлат захираларини вужудга келтириш билан боғлиқ харажатлар
- Давлат қарзини қайтириш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар

#Таълим ташкилотларида педагогик ходимлар иш ҳақиға кўшимчалар қайси кўрсаткичға нисбатан фоизларда аниланади?

+ Минимал иш ҳақиға нисбатан

- Лавозим окладига ва ижтимоий ажратмаларға нисбати
- Қатъий сўммаларға ва иш ҳақи даражасига нисбати
- Белгиланган фоизларда ва тиадикланган иш ҳақи фондига нисбати

#Маҳаллий Бюджетлардан қандай харажатлар молиялаштирилади?

+ Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий

- Халаро ва Ижтимоий, мудофаа
- Иқтисодий-Ижтимоий ва илмий
- Иқтисодий, мудофаа ва илмий

#Ўз даромадлари ва Бюджетни тартибға солувчи бошқа маблағлари етишмаган тақдирда қўйи Бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори Бюджетдан қўйи Бюджетға қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари нима деб юритилади?

+ Бюджет дотацияси

- Бюджет субвенсиялари

- Бюджет сўровномалари
- Бюджет профицити

#Юқори Бюджетдан қўйи Бюджетга ёхуд Республика Бюджетидан резидент юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағи нима деб юритилади?

- + Бюджет ссудаси
- Бюджет дотацияси
- Бюджет субвенцияси
- Бюджет трансфертлари

#Бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари нима деб юритилади?

- + Бюджет трансферти
- Бюджет субвенцияси
- Бюджет дотациялари
- Бюджет сўровномалари

#Бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва Бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги талабнома нима деб юритилади?

- + Бюджет сўрови
- Бюджет ссудалари
- Бюджет дотацияси
- Бюджет профицити

#Солиқ сиёсатига солиқ тизими ҳаддан зиёд фискал характерга ега деб эътироз билдирилишига асосий сабаб?

- + Барча жавоблар тўғри.
- Солиқа тортиш масалаларида умумдавлат манфаатларига устуворлик берилаётганлиги
- Солиқ тўловчиларнинг манфаатлари иккинчи ўринга тушиб қолаётганлиги
- Солиқа тортиш масалаларида давлат ва солиқ тўловчиларнинг манфаатларига устуворлик беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги

#Ҳозирги кунда солиқ тизимининг олдига қўйган асосий вазибалари қайсилар:

+ Барча жавоблар тўғри.

- Давлат Бюджетини етарли миқдордаги даромадлар билан таъминлаш
- Бюджетлар харажатларини замонавий шакллантириш
- Иқтисодий фаолиятнинг юқори суръатларда ривожланишини рағбатлантириш

#Ўзбекистон Республикасида молиявий-иқтисодий ҳуқуқбузарликлар асосан қайси ҳужжатга асосланиб жавобгарликка тортилади?

+ ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Ўз Республикаси Жиноят кодексларига асосланиб

- Ўзаро келишув хайъати қарорига асосан
- Жамоатчилик фикрига асосланиб
- Маҳалла қўмитаси фикрига асосланиб

#Ўзбекистон Республикасида молиявий фаолият бўйича низолар қандай ҳал қилинади?

+ Ҳамма жавоблар тўғри.

- Хўжалик судларида
- Ҳақамлик судларида
- Ўзаро келишув асосида

#Бюджет ҳисободан берилҳаётган ойлик маошлари кам эътироз маошни ошириш нимага боғлиқ бўлади?

+ Шу тарзда оширишга имкон берувчи маблағларнинг Бюджетда бўлишига боғлиқ

- Маошни оширишда чорак қисмда Бюджет солиқ сиёсатига боғлиқ бўлиши
- Бюджетдан ташқарии боғлиқ бўлиши
- Барча жавоблар тўғри

#Солиқа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш асосан қайси манбага кўра амалга оширилади?

- + Хориж мамлакатларининг илғор тажрибасида фойдаланиш билан
- Тарихда қўлланган ва амалиёт тажрибаларидан фойдаланиш билан

- Бюджет солиқ сиёсати унинг ажралмас қисми ҳисобланган солиқ сиёсати
- Барча жавоблар тўғри

#Бюджетларо муносабатларда қайси Бюджетлар иштирок этади?

- + Республика Бюджети ва Бюджетлар
- Бюджетлар ва унга бўйсунувчи Бюджетлар
- Қорақалпоғистон Республикаси Бюджети ва Бюджетлар
- Республика Бюджети, унга бўйсунувчи Бюджетлар

#Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қайси орган томонидан белгиланади.

- + Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
- Олий Мажлис
- Ҳисоб палатаси

#XX асрнинг 30-60-йилларида кейнсча молиявий сиёсат нимаси билан самарали?

- + Барча жавоблар тўғри.
- Давлат иқтисодиётга аралашувининг кенгайиши ва давлат тартибга солувчи функциясининг кучқайиши оқибатида молиявий муносабатларни ташкил қилиш мураккаблашди
- Давлат ҳаражатларини дефицитли молиялаштириш сиёсати давлат кредитининг ривожланишини белгилаб берди
- Узоқ ва ўрта муддатли арзларни жалб этиш ссуда капиталлари бозорининг ривожланишига олиб келди

#Солиқ нима?

- + Бу қонунчилик асосида давлат томонидан ташкил этиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджетига мажбурий тўловларни ифода этувчи пул муносабатларидир
- Бу давлат томонидан қонун асосида олинадиган юридик ва жисмоний шахслардан йиғим
- Бу қонунчилик асосида миллий даромадни қққайта тақсимлаш услуги.
- Пул маблағлари фондидир

#Солиқ субъекти нима?

- + Қонун бўйича солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар
- Маҳсулот (иш хизмати, сотиш обороти), консалтинг хизматлари
- Солиқ олинishi лозим бўлган буюм, хомашё
- Солиқ олинishi лозим бўлган даромад, айланма маблағлар

#Эгри солиқлар бўйича солиқ оғирлиги кимга тушади?

- + Солиқ оғирлиги қонун асосида истеъмолчи шахс
- Юридик жихатидан солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар
- Даромаддан солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар
- Солиқни бюджетга тўловчи юридик ва жисмоний шахслар

#Солиқ объектлари нима?

- + Солиқ ҳисобланадиган даромад ва ҳаражат, оборот ёки мулклар қиймати, тушум.
- Иш ҳақи, кўчмас мулклар
- Маҳсулот сотиш (иш хизматлар) обороти.
- Фақат кўчмас мулклар.

#Солиқ манбаи корхоналарда нима?

- + Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган ялпи тушум.
- Банк даромадига тегишли бўлмаган ҳаражатлар.
- Товарлар сотиш обороти.
- Солиқ тўланадиган даромад

#Солиқ ставкаси нима?

- + Умум даромад сўммасидан солиққа тортиш бирлиги миқдори.
- Даромаднинг пул бирлиги ва товар қиймати, солиқ механизми
- Мулкдаги (даромаддаги) давлатнинг қатъий белгиланган ҳиссаси, солиқ механизми
- Солиқ ундиришнинг фоизи, солиқ ставкаси давлатнинг қатъий белгиланган ҳиссаси

#Ўзбекистонда қандай солиқ ставкалари турлари амал қилади?

- + Пропорционал, пропорционал-регрессив, прогрессив ва нолли ставкалар.
- Қатъий, фискал
- Барча ставкалар турлари

- Барча жавоблар тўғри

#Солиқларнинг қатъий ставкалари (ўтказиш услубига қараб) нимани билдиради?

- + Даромад миқдоридан қатъий назар абсолют (сўм ва тийин) сўммада белгиланганлигини билдиради.
- Мажбурий тартибда белгилашни билдиради.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини томонидан белгиланганлигини билдиради.
- Қонунчилик асосида белгилашни билдиради.

#Пропорсионал солиқ ставкалари нимани билдиради?

- + Солиқ тўловчи шахснинг даромадига пропорсионал (тенг ўсиш) белгиланган фоизни билдиради.
- Қиймат ифодалашда даромад ва мулкка нисбатан белгиланганлигини билдиради.
- Солиқ объектига бир хил фоиз миқдорида белгиланганлигини билдиради.
- Барча жавоблар тўғри

#Прогрессив солиқ ставкаси нимани билдиради?

- + Даромад ўсиши билан солиқ ставкаси ўсиб боради.
- Мулкнинг кўпқайиши билан солиқ ставкаси ўсиб боради.
- Солиқ ставкаси ўзгармайди ва усиб борувчи солиқ миқдори
- Объект ўсиб борса яни солиқ ставкаси камайиб боради.

#Жисмоний шахслар даромади солиғи қайси гуруҳга киради?

- + Бевосита солиқлар
- Ўзгарувчан солиқлар.
- Билвосита солиқлар
- Ресурс солиқлари

#Ўзбекистон Республикаси резидент жисмоний шахси деганда:

- + Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида 183 кун (ёки ундан кўпроқ муддатда) бўлган жисмоний шахс;
- Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшовчи жисмоний шахс;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган жисмоний шахс;
- Барча жавоблар тўғри

Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби нимадан иборат?

+ Меҳнат ҳақи тқарзидаги даромадлар, мулкый даромадлар, моддий наф кўринишида олинадиган даромадлар.

- Меҳнат ҳақи, мулкый даромадлар
- Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, меҳнат ҳақи
- Меҳнат ҳақи

#Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси қайси ставка турига мос келади?

- + Прогрессив;
- Регрессив;
- Фоизли;
- Пропорсионал.

#Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар декларация бўйича ҳисобланган даромад солиғини қайси санагача тўлашлари лозим?

- + 1 июн
- 1 апрел
- 1 май
- 1 сентябр

#Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадига қандай даромадлар киреди?

- + Фоизлар ва дивиденд ҳамда мол-мулкни ижарага беришдан келган даромадлар
- Омонатдан олинган фоизлар.
- Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромад
- Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад

#Мол-мулк солиғини кимлар тўлайди?

- + Барча жавоблар тўғри.
- фуқаролар тўлайди
- фуқаролиги бўлмаган ҳам тўлайди
- чет эл фуқаролари ҳам тўлайди

#Солиқ объекти деганда:

+ солиқ солинадиган даромад, мол-мулк, иқтисодий фаолият тушунилади.

- солиқ ундирувчилар тушунилади;
- юридик шахслар, яъни корхона, фирма, компания, ташкилот ва ҳ.к.лар тушунилади;
- аҳоли, яъни қайрим жисмоний шахслар тушунилади;

#Солиқ субъекти деганда:

- + солиқ ундирувчилар ва солиқ тўловчилар тушунилади;
- солиқ солинадиган даромад тушунилади;
- солиқ солинадиган иш ҳақи тушунилади;
- солиқ солинадиган мол-мулк тушунилади;

#Даромад ёки фойда ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб бориши кўзда тутилган бўлса, бундай ҳолда:

- + прогрессив солиқ ставкаси қўлланилган бўлади;
- пропорционал солиқ ставкаси қўлланилган бўлади;
- регрессив солиқ ставкаси қўлланилган бўлади;
- Барча жавоблар тўғри

#Регрессив солиқ ставкаси усулида:

- + даромад ўсиши билан солиқ ставкаси камая боради;
- бир хил муддатда даромад ёки фойдага эга бўлган шахс
- даромад ёки фойда ортиб бориши билган солиқ ставкаси ҳам ортиб боради;
- барча жавоблар тўғри

#Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар қўйидаги турларга бўлинади:

- + Тўғри ва эгри солиқлар;
- Ҳуқуқий шахслардан тушадиган солиқлар;
- Давлат солиқлари;
- маҳаллий солиқлар.

#Тўғри солиқларга қайси бир солиқ турига киради ?

- + фойда солиғи; мол-мулк солиғи;
- давлат пошлинаси; мол-мулк солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи; фойда солиғи;
- акциз солиғи; давлат пошлинаси;

#Эгри солиқларга қайси бир солиқ турига киради?

- + акциз солиғи;
- даромад солиғи;
- ер солиғи;
- мол-мулк солиғи;

#Маҳаллий солиқларга қайси бир солиқ турига киради?

- + мол-мулк солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- аҳолининг даромад солиғи;
- фойда солиғи.

#Солиқ – бу:

- + бюджетга тўланадиган мажбурий тўловдир;
- солиқ тўловчи билан солиқ солувчи ўртасидаги муносабатдир;
- миллий даромаднинг давлат ихтиёрига олинадиган бир қисмидир;
- давлат ва маҳаллий бюджетларни ташкил этишнинг асосий воситасидир;

#Қўйидаги солиқ тўрининг қайси бири прогрессив солиқ тури бўлиб ҳисобланади?

- + даромад солиғи;
- мол-мулк солиғи.
- фойда солиғи;
- ялпи даромаднинг солиқ а тортиладиган ққисмидан олинадиган солиқ;

#Корхона ва ташкилотлар мол-мулк солиғини бир йилда:

- + бир марта тўлайди;
- икки марта тўлайди;
- уч марта тўлайди;
- турт марта, ҳар чорак тугаши билан тўлайди.

#Ижарага берилган мол-мулклар учун мол-мулк солиғини ким тўлайди?

- + ижарага берган тўлайди;
- мол-мулк солиғи тўланмайди;
- ижарага олган тўлайди;

- Барча жавоблар тўғри

#Тўланган мол-мулк солиғи қайси бюджетга тушади?

- + Ер участкаси жойлашган туман (шаҳар) бюджетига;
- Республика бюджетига;
- Вилоят бюджетига тушади;
- Барча жавоблар тўғри

#Жисмоний шахсларни мол-мулк солиғини ким ҳисоб китоб қилади?

- + ер участкаси жойлашган туман солиқ органи.
- ер участкаси жойлашган маҳалла;
- Республика солиқ органи;
- вилоят солиқ органи;

#Юридик шахсларни мол-мулк солиғини ким ҳисоб китоб қилади?

- + юридик шахсни ўзи.;
- ер участкаси жойлашган туман ДСИ;
- Республика солиқ органи;
- вилоят солиқ органи

#Юридик шахсларни мол-мулк солиғининг солиқ ставкаси қанча?

- +1,5%.
- 3,5%;
- 4%;
- 3%;

#Маҳаллий ҳокимияти ва бошқарув органлар солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ҳуқуқига эгами?

- + эга эмас;
- ҳудуди доирасида жойлашган тўловчиларга имтиёз беришга ҳақли;
- ҳудуди доирасидан ташқарида жойлашган тўловчиларга имтиёз беришга ҳақли;
- Барча жавоблар тўғри

#Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ объекти бўлиб нима ҳисобланади:

- + ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сувлар
- ер ости манбаларидан олинган сув, ичимлик сув манбалари
- ер усти манбаларидан олинган сувлар, ичимлик сув манбалари
- ер ости маданли сувлари

#Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи объекти:

- + Соф фойда
- Ишлаб чиқариш таннари
- Ялпи даромад
- Баланс фойдаси

#Корхоналар мол мулк солиғи ставкалари:

- + 1.5%
- 7%
- 4%
- 8%

#ҚҚС ставкаси:

- + 12%
- 25%
- 18%
- 22%

#ҚҚС тортиладиган оборотлар:

- + Реализация қилинган маҳсулот обороти ва бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат обороти
- Бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар обороти
- Кўрсатилган хизматлар обороти, маҳсулотлар таннари
- Реализация қилинган маҳсулот, маҳсулот таннари, фойда

#Акциз солиғи тўловчилари бўлиб:

- + Акцизли товарлар ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи корхоналар
- Акцизли товарлар реализация қилувчи корхоналар
- Акцизли товарларни руйхатга олувчи корхоналар
- Акцизли товарларни экспорт қилувчи корхоналар

#Мол-мулк солиғини солиққа тортиш объекти:

- + Асосий фондларнинг баланс қиймати

- Асосий фондларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати
- Асосий фондларнинг ўртача қолдиқ қиймати
- Асосий фондларнинг бошлангич қиймати

#Импорт қилинадиган акцизли товарлар бўйича солиқ объекти.

- + Бож қиймати
- Маҳсулот таннари
- Улгуржи товар обороти
- Чакана товар обороти

#Қўйидагилар қайси бири эгри солиқларга киради.

- + ҚҚС
- Мол-мулк солиғи
- Даромад солиғи
- Фойда солиғи

#Молиявий жазо чоралари кимга нисбатан қўлланилади.

- + Солиқ қонун ҳужжатларини бузганлиги учун солиқ тўловчиларга нисбатан
- Маъмурий орган ходимларига нисбатан
- Солиқ полицияси ходимларига нисбатан
- Солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан

#Маҳаллий солиқларга қўйидагилар киради:

- + Ер солиғи, мол-мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш
- Акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи
- Даромад солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

#Солиқнинг функциялари.

- + Тақсимот, ишлаб чиқариш, назорат, фискал, иқтисодий тартибга солиш
- Назорат, қайта тақсимлаш
- Тақсимот, ишлаб чиқариш
- Ишлаб чиқариш, фискал

#Солиқларнинг зарурлиги қандай талаблардан келиб чиқиши зарур.

- + Бозор иқтисодиётининг иқтисодий қонунларидан
- Иқтисодий ижтимоий муносабатлардан
- Молиявий муносабатлардан
- Тақсимот талабларидан

#Солиқ солиш тизими деб нимага қайтилади.

- + Амалий ва услубий усуллар йиғиндисига
- Солиқларни қўллаш тартибига
- Назарий услублар йиғиндисига
- Амалий услублар йиғиндисига

#Солиқ солиш элементларига нималар киради.

- + Солиқ субъекти, объекти, манбаи, солиқ ставкаси, солиқ солиш бирлиги, имтиёз, солиқ базаси, предмети
- Солиқ субъекти, солиқ тўловлари, солиқ йигувчилар, солиқ ставкаси
- Солиқ мансаби, солиқ фоизи, солиқ белгиловчилар, солиқ ставкасини нормативлаштирувчилар
- Солиқ субъекти, объекти, мансаби, солиқ нормаси, солиқ микдори, солиқ кредити

#Солиқ субъекти деганда нима тушунилади.

- + Солиқ муносабатларини ташкил қилувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳаракати
- Иқтисодий кенгликни ташкил этувчи солиқ тизими
- Солиқ билан бюджет корхоналари ўртасидаги тақсимот муносабати
- Иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи жисмоний шахслар

#Солиқ имтиёзи деганда нима тушинилади.

- + Жорий қонунлар бўйича солиқдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши
- Ҳуқуқий шахсларнинг тўловлардан озод этилиши
- Қонун бўйича тўловлардан тўлиқ озод этилиши
- Жисмоний шахсларнинг тўловлардан озод этилиши

#Корхона, бирлашма ва ташкилотлар ҳамда аҳоли тўловлари неча гуруҳга бўлинади.

- + Солиқли ва солиқсиз тўловларга

- Бюджетли фондларга, солиқсиз тўловларга
- Суғурта фондига, солиқли тўловларга
- Мажбурий йиғимлар ва солиқли тўловларга

#Солиқ ставкаси нима.

- + Бу солиқ солишнинг улуши (квотаси) бирлигидир
- Бу солиқ тўловининг йиғиндисидир
- Бу солиқ ставкаларининг ўртача йиғиндиси
- Бу солиқ тушумларининг йиғиндиси

#Солиқ сиёсати нима.

- + Давлатнинг солиқ муносабатларини ташкил қилишдаги чора тадбирлари, фаолиятлар йиғиндиси
- Молия тизимининг солиқ муносабатларини ифодалашдир
- Солиқ муносабатларини ижтимоий манфаатларини ккондиришдаги
- Давлат тузилишининг солиқ тўловларини, барқарорлаштиришга

#Солиқ тизими бу:

- + Солиққа тортишнинг шакли ва усуллари
- Давлат томонидан урнатилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуаси бўлиб, уларнинг шакл ва тузилиши методларини ташкил этади
- Давлат солиқ хизмати органлари
- Жами солиқлар, солиқ органи хизмати ва солиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар

#Солиқ ва йиғимлар бюджетга қўйидаги кетма кетликда ҳисобга олинади.

- + Асосий сўмма, ҳисобланган пеня, жарима сўммалари
- Пеня, асосий сўмма, жарима сўммалари
- Жарима сўммалари, пеня, асосий сўмма
- Асосий сўмма, жарима сўммалари, пеня.

#Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш:

- + Солиқ ва тўловларни тулашдан қисман озод этилади
- Солиқ ва тўловларни тулаш мажбуриятдан озод этади
- Солиқ ва тўловларни тулаш мажбуриятдан озод этмайди
- Солиқ ва тўловлардан вақтинча озод этади

#Ўзбекистон Республикасида биринчи Солиқ кодекси қачон қабул қилинди.

- + 1997 йил 24 апрел
- 1998 йил 24 январ
- 1996 йил 24 март
- 1995 йил 24 апрел

#Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солиш объекти бўлиб нима ҳисобланади.

- + Ялпи тушум
- Ялпи даромад
- Реализациядан олинган фойда
- Реализация бўйича оборотлар

#Бонус.....

- + Бир марталик тўлов
- Мукофот пули
- Солиқнинг тури
- Мажбурий ажратма

#Юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг объекти

- + Асосий воситалар, тугалланмаган қурқилиш объектлари, муддатида ишга туширилмаган жихозлар
- Асосий воситалар, номоддий активлар
- Асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган қурқилиш объектлари
- Асосий воситалар, тугалланмаган қурқилиш объектлари

#акциз сўзи нима маънони англатади

- + Кесиб олиш
- Қўшимча даромад
- Узиб олиш
- Синдириб олиш

#Бюджет сиёсатига, бюджет қонунчилигига мувофиқ бюджет жараёнини амалга оширувчи институтлар бу-?

- + Бюджет институтлари

- Бюджет сиёсати
- Бюджет тузилмаси
- Бюджет ижроси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари турлами, 2014-у., 16-сон 176-модда
2. Ўзбекистон Республикасининг — Бюджет кодекси, УРҚ-360-сон. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013-й., 52-1-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги №УРҚ-599 “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги” Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-уил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги РФ-4947-сон Фармони, // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари турлами, 2017-у., 6-сон, 70-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги №ЎРҚ-589- сонли Қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги №ЎРҚ-659- сонли Қонуни
7. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги №ЎРҚ-742- сонли Қонуни
8. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги №ЎРҚ-812- сонли Қонуни
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.-56 б.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. - 80 б.

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. - 56 б.

12. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқи- мизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотимизнинг пировард мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2007.

13. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997

15. Каримов И.А. Ўзбекистон - иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

16. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. ўқув кўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й.

17. Т. С. Маликов, С. Р. Аллаяров. "Бюджет-солиқ сиёсати" фанидан амалий машғулот учун услубий кўлланма./ - Т.: ТМИ, 2017 й.

18. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Дарслик – Т.: Академ нашр, 2011 й.

19. Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув кўлланма, Тошкент, “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009 й.

20. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув кўлланма, Тошкент “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008 й.

21. Шернаев А. А., Жиянова Н. Э. Давлат молиясини бошқариш: Дарслик./ - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2019. - 380 с

22. Жиянова Н. Э., Ташматова Р. Г. Бюджетно-налоговая политика. Учебное пособие./ - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2019. - 216 с

23. Shernayev A. A., Jiyanova N. E. Davlat moliyasini boshqarish: Darslik./ - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2019. - 380 s

24. Жиянова Н. Э. "Управление Государственной финансы". Учебно-Методический комплекс. / - Т.: ТФИ, 2019. - 389 с

25. Жиянова Н. Э. Управление государственной финансы. Учебное пособие. / - Т.: "ИҚТИСОД-АОЛИЯ", 2019. - 384 с

26. Жиянова Н. Э. Управление государственной финансы: Учебник. / - Т.: "ИҚТИСОД-АОЛИЯ", 2019. - 444 с

27. Жиянова Н. Э., ТашАатова Р. Г. Бюджетно-налоговая политика. Учебное пособие. / - Т.: "ИҚТИСОД-АОЛИЯ", 2019. - 216 с

28. Nuritdinova V., Sharapova M. Moliyaviy nazorat: Darslik. / - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2019 - 492 б.

Интернет сайтлари:

www.gov.uz

www.lex.uz

www.mf.uz

www.cbu.uz

ИЛОВАЛАР

1-илова

Масалан, Буюк Британияда бундай минтақалар қаторига Уэльс, Шотландия, Англиянинг Шимолий райони, Шимолий Ирландия, Корнуэлл, Мерсисайдларни киритиш мумкин. Бельгияда - бу тошқумир ва металлургия саноат районлари бўлса, АҚШда эса тукимачилик саноати кучли ривожланган мамлакат шимоли-шаркидаги бир неча штатларини кўрсатса бўлади. XX асрнинг иккинчи ярмида бу районлар олдида саноатни, янги илғор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инфраструктурани модернизация қилишга ва ишчи кучини қайта тайёрлашга йуналтирилган тарзда қайтадан ўзгартириш вазифаси кундаланг бўлиб қолади. Ушбу вазифани бу жараёнларга фақатгина давлатнинг фаол иштирок этиши, у томонидан турли солиқ имтиёзлари ва таъсир этишнинг бошқа молиявий услубларини қўллаш эвазига бажариш мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Норвегия каби мамлакатларнинг ривожланиши лозим бўлган районларида давлат инвестицияларидан, субсидия ва мақсадли заёмлардан фойдаланилди, уша районларда миллийлаштирилган тармоқларнинг корхоналари жойлаштирилди, кенг мақсадларга мулжалланган ишлаб чиқариш бинолари қурилдики, улар оқибат натижада тадбиркорларга ижарага берилди ёки уларга қўлай молиявий шартлар ва мулк солиғидан вақтинчалик озод қилинган ҳолда сотилди.

Ҳозирги пайтда Германияда шарқий ерларда капитални инвестиция қилаётган фирмалар йирик солиқ имтиёзларини олаётти. Пулат қўйиш саноати жойлашган Рур вилояти ҳам солиқ имтиёзлари билан қўллаб-қувватланиб турибди. Қишлоқ жойларида саноатнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш рағбатлантирилмоқда. Любек шаҳрининг қадимий кварталлари таъмирлаш ишлари билан шугулланувчи фирмаларнинг йирик солиқ имтиёзларини олиш эвазига сақлаб қолинди.

Грецияда Фракия вилояти, материкнинг чегара вилоятлари ва оролларидаги инвестициялар солиқ имтиёзлари билан рағбатлантирилмоқда.

Иқтисодий фаолиятни жонлантириш учун молиявий таъсир кўрсатишнинг саноатда капитал қўйилмаларни субсидиялаштириш, алоҳида туманлар учун сув ва электроэнергия ҳақининг имтиёзли тарифлари, кредитлаштиришнинг имтиёзли шартлари (паст фоизли заёмлар, узок муддатли заёмлар, кредитлар бўйича дотациялар) каби шакллари билан фойдаланилмоқда.

Баъзи бир мамлакатларда, масалан, Германия ва Францияда айрим муниципалитетлар ҳудудида ҳар бир янгидан яратилган иш жойи учун солиқ имтиёзлари билан биргаликда махсус бюджет устамалари жорий этилган. Маҳаллий бошқарув органлари хўжаликнинг янги тармоқлари учун ишчи кучини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг каттагина қисмини ўз зиммасига олаётти. Бундан ташқари ишчи, хизматчи ва мутахассисларни

тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этишни мустақил равишда ўз зиммасига олган корхоналар солиқ имтиёзларига эгадирлар.

Иқтисодийнинг ривожланиш даражасига молиявий таъсир кўрсатиш фақат рағбатлантирувчи характерга эга бўлмасдан, балки тўхтатиб турувчи ёки таъкидловчи характерга ҳам эгадир. Бундай зарурият, энг аввало, ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси юқори бўлган районларнинг ривожланишини тартибга солиш учун вужудга келади. Аҳоли ва хўжалик фаоллигининг наддан зиёд концентрациялашуви атроф-муҳит, аҳолишунослик, ресурслар билан таъминлаш ва бошқаларда мавжуд муаммоларнинг янада кескинлашувига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, чеклаб ёки таъкиклаб қўйиш вазифаси, энг аввало, Буюк Британия ва Францияда пайдо булди. Бу ерда моноцентрик таркибий тузилиш ўз таъсирини кўрсатди, шаҳарлар ва агломерациялар иерархиясида ягона шаҳар ҳал қилувчи аҳамиятга эга булди. Япониянинг Тоқайдо районида аҳоли жуда куп жойлашган бўлиб, у ерда учта энг йирик муниципалитет - Токио, Нағоя, Осака жойлашган.

Давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан тўхтатиб турувчи, таъкидловчи ёки тускинлик қилувчи чоралар асосида тадбиркорлик фаолиятини қўшимча равишда солиққа тортиш ва лицензиялаштириш ётади. Ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда солиққа тортиш амалиёти Нидерландия ва Японияда кулланилмоқда. Барқарорлаштирувчи (стабилизация) солиқлар Германияда ҳам мавжуддир.

Буюк Британия, Франция ва Италияда лицензиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўринда лицензиялаштиришни ҳам қўшимча маҳаллий солиқ - лицензия йиғими сифатида қарамок керак. Японияда бу муаммо, асосан, ер солиғи ставкасини манипуляция қилиш эвазига ҳал қилинади.

У ёки бу шаклда солиқларни ошириш “кайнок” конъюнк- турани ушлаб туришнинг (тўхтатиб туришнинг) энг самарали ва ишончли воситасидир. Бундай усуллардан яна бири солиқ имтиёзларини бекор қилишдир.

Айрим ҳолларда янги солиқларнинг жорий этилиши соф тартибга солиш мақсадларини кўзда тўтади. Бунинг классик мисолларидан бири асримизнинг бошида Германияда жорий этилган ва ҳозирги пайтга қадар ўзгармасдан ҳамон сақланиб келинаётган сирка кислотаси солиғидир. Бу солиқни жорий этишга сунъий сирка кислотасини яратиш ва шу мақсадда винони сарфлашга бардам бериш зарурияти сабаб булди. Бу соливдан келадиган пул тушумлари солиқни ундириш харажатларини зурга-зурга копласа-да, техник вазифа ҳал қилинган ва тартибга солувчи иқтисодий мақсадга эришилган эди. Бу солиқ ҳозирги кунда Германия бюджетига бор-йўги бир неча миллион евро келтирса-да, ҳамон тарихий реликвия шаклида сақланиб келмоқда.

Солиқларни ошириш эвазига фақат иқтисодий вазифаларни эмас, балки ижтимоий вазифаларни ҳам ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида яна уша Германия амалиётидан замонавий яна бир мисол келтирайлик. Бу

мамлакатда чекишнинг зарарли эканлиги туфисида узоқ вақт давомида амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасига кўра тамакига қўйилган акцизнинг оширилиши натижасида чекувчиларнинг сони бир неча марта камайган.

Солиқлар ёрдамида Гарб мамлакатларида экология муаммолари ҳам ҳал этилмокда. Ўз вақтида Германия саноати автомобилларни катализаторлар билан жиҳозлаш тўғрисидаги қарорга қаршилиқ кўрсатган эди. Ушанда катализатор билан жиҳозланган автомобиллар учун солиқ кескин пасайтирилди. Катализаторли автомашиналарда фойдаланиладиган бензинларнинг турлари бўйича акциз йигимлари ҳам пасайтирилди. Бир вақтнинг ўзида эски двигателларда фойдаланиладиган ва таркибида кургошин ҳамда бошқа кушилмалар бўлган бензиннинг турлари бўйича акцизлар миқдори оширилди. Ана шу тарзда катализаторлар учун қўшимча харажатлар тикланди ва копланди.

Бугунги кунда ҳам Германияда автомобиллар учун солиқ икки омилга боғлиқдир: 1) цилиндрнинг ҳажми, яъни двигателнинг қувватига; 2) катализаторнинг мавжудлиги (йўқлиги)га.

АҚШда ХХ асрнинг 70-йиллариданок двигателнинг экологик тозалигини ҳисобга олувчи автотранспорт учун табақалаштирилган солиқлар қулланилиб келинаяпти.

Давлат иқтисодиётнинг ривожланишига баҳоларни шакллантириш орқали ҳам молиявий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда Европа Иттифоки мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш баҳоси фақат бозор услублари ёрдамида урнатилиб қолинмасдан, балки куп ҳолларда Брюсселда жойлашган Европа Иттифоки раҳбар органлари томонидан директив тарзда белгиланаяпти. Бунда баҳоларни маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳақиқий таннархидан анча юқорирок тарзда белгилаш ва уни шу даражада ушлаб туришга ҳаракат қилинаяпти. Бунинг эвазига эса икки мақсадга эришилмовда. Биринчиси - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермерлар қўллаб-қувватланмовда. Иккинчиси - истеъмол маҳсулотларидан самарали фойдаланишга эришилмовда. Сунъий равишда юқори баҳолар ушлаб турилгани учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тежаб-тергаб сарфланмовда, талаб реал эҳтиёждан ошмаяпти ва бу нарса бироз ортиқча маҳсулотларнинг пайдо бўлишига, ҳеч бўлмаганда эса маҳсулот такчиллигининг бўлмаслигига имкон беряпти.

Жуда куп мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари ижтимоий фойдаланишга мулжалланилган тармоқлар маҳсулотларининг (хизматларининг) баҳоларини ҳам тартибга солиб туради. Бозор эркинлиги шароитида баҳоларни тартибга солиб туриш зарурияти маълум бир маҳсулот турига меъёрий тарифлар бўйича ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжпарининг мавжудлиги билан белгиланади. Бу жараёндаги тартибга солишнинг асосий принципи ижтимоий фойдаланишга мулжалланилган тармоқ корхоналари фойда нормасининг асосий капиталга нисбатан 5-7%

даражада чеклаб туришдир. АҚШда, масалан, штатлар комиссияси агар компаниялар фойда нормаси белгиланган даражадан ортиб кетадиган бўлса, сув, электроэнергия ва бошқа шунга ухшаш маҳсулотлар учун янги тарифларни жорий этиши мумкин. Шунингдек, Германия ва Японияда ҳам шундай тартиб мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари алоҳида минтақалар бўйича коммунал хизматларнинг юқори чегарадаги миқдорини белгилаб, баҳоларни тартибга солиб туради.

Бу ерда бир ҳолат устида алоҳида тўхталиб утмоқ лозим. Гап шундаки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига асослангандир. Рақобат - бозор механизми ресурсларининг тақсимланишини тартибга солади ва товарлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ўртача фойда нормасини ҳисобга олган ҳолдаги даражани ўзида акс эттирадиган мувозанат баҳонинг урнатилишини таъминлайди. Рақобат шароитида бозорда компаниялар узлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ихтиёрий равишда баҳо урната олмайдилар. Улар узлариникига ухшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олишлари керак. Рақобат бозори истеъмолчига танлов имкониятини берадики, бу унинг ўзига хос бўлган энг асосий хусусиятидир. Кўраш жараёнида сотиб олувчи учун баҳолар пасаяди ва ишлаб чиқариш харажатлари даражасига яқинлаша боради.

Бирок монополиялар вужудга келганда бозор механизми яхши ишламайди ва бу нарса ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига ва фойдаланилишига ҳамда баҳонинг ўсишига олиб келади. Масалан, II Жаҳон уруши тугагунига қадар Германия йирик картеллар мамлакати бўлиб, улар жуда катта иқтисодий ва сиёсий қувватга эга эди.

Монополиялар фаолияти салбий оқибатларини чеклаш бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Уларнинг орасида фирмалар даромадини прогрессив солиққа тортиш ва устама фойда солиғи алоҳида ўрин тўтади. Барча ривожланган мамлакатларда трестларга қарши қонунчилик амал қилади. Масалан, Германия қонунларида рақобат қонундаси белгилаб берилган ва уларда эркин рақобатнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратилган. Жумладан, тадбиркорлар ўртасида баҳо тўғрисида келишув қонун йўли билан тақиқланган.

Трестларга қарши қаттиқ қонунчилик АҚШ ва Японияда ҳам амал қилиб келинмоқда. Пекин бу қонунлар инфраструктура тармоқларига - транспорт, банк иши, коммунал хизматларга тегишли эмасдир. Айрим ҳолларда бу қонунлар саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқларига, маълум даражада қишлоқ хўжалигига ҳам хос эмасдир. Бу тармоқларда давлат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, баҳоларни ва бозорни эгаллашни тартибга солиб туради. Рақобат бу ерда тармоқлар олдида қўйилган вазифаларни мувоффақиятли ҳал этишга ёрдам беролмайди, деб ҳисобланган. Бу тармоқларда давлат корхоналарининг салмоғи катта бўлиб, уларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки жамиятнинг эҳтиёжини қондиришдир.

**Ж.Р.ЗАЙНАЛОВ, С.С.АЛИЕВА, Н.Э.ЭРНАЗАРОВ,
Ш.М.ЛАТИПОВА**

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ

Ўқув қўлланма

Мухаррир: З.Н. Бободустов

Мусаххих: М.О. Мардиева

Техник муҳаррир: Д. Ҳамраев

*Ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 4-сонли қарорига асосан нашр
этишига тавсия этилган.*

“STAP-SEL” MChJ nashriyoti, Samarqand - 2023

ISBN: 978-9910-752-28-5

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)

Bosishga ruxsat etildi: 10.11. 2023 y.

© “STAP-SEL” MChJ. Nashriyoti, Samarqand 2023 y.

26.12.2023 yilda chop etildi.

Qog‘oz bichimi A5, 60x84¹/₁₆, Ofset qog‘oz.

“Times New Roman” garnituras.

Nashr bosma tabog‘i 22. 12

Buyurtma № 0161A/23. Adadi 100 nusxa

**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.**

LICENSE № 025316.

REESTR № X-119112.

Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko‘chasi 60-uy.